

90<sup>yil</sup>  
TDIU

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ: ИСЛОҲОТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ  
ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ:  
ИСЛОҲОТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

**Монография**

**ТОШКЕНТ – 2021**

УЎК: 336(075)

КБК 65.497

Ў 30

*Ўзбекистонда таълим тизимини молиялаштириш: ислохотлар ва истиқболлар. Монография. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021. – 322 б.*

**ISBN 978-9943-7683-2-1**

Жамоавий монографияда Ўзбекистонда таълим тизимини молиялаштиришнинг назарий, амалий ва методологик жиҳатлари тадқиқ этилган. Унда мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш, унинг амалдаги ҳолати таҳлили амалга оширилган. Мазкур бўлим (Н.Жумаев, А.Абдуллаев) доирасида илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Мактаб таълимини ривожлантиришда давлат бюджетининг роли ва ўрни (Д.Рахмонов, Д.Мирходжа) тадқиқ этилган ва уни такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини молиялаштиришда (Н.Жумаев, Д.Рахмонов, М.Ташходжаев) бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланиш юзасидан илмий таклифлар асослаб берилган.

УЎК: 336(075)

КБК 65.497

**Такризчилар:**

*С.С.Гулямов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, и.ф.д., проф.*

*М.Эшов – Тошкент давлат иқтисодийёт университети проректори, и.ф.д., проф.*

*У.Шарифходжаев – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири биринчи ўринбосари, и.ф.д., проф.*

**ISBN 978-9943-7683-2-1**

© «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021.


## Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизда учинчи уйғониш даврини бошлашга бўлган зарурат ва имкониятлар борасида кўп бора таъкидлаб келмоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида мамлакатимизнинг шонли тарихини яратиш ва юқори технологияларга асосланган иқтисодиётни қуришнинг долзарблиги билан ифодаланиши мумкин. Жумладан, “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этншдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунишг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий гоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим<sup>1</sup>” деб таъкидлаб ўтилганлиги таълим тизимининг нечоғли муҳим эканлигини ўзида акс эттириб беради.

Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ўсишнинг барқарор бўлишига тўлиқ эришиш имкони мураккаблашган даврда инновацияларнинг ўрни муҳим бўлмоқда. Халқаро тажрибадан маълумки, инсон тараққиёти инновацияларни шакллантириб берувчи асосий омиллардан ҳисобланади. БМТнинг 1990 йилдан буён эълон қилиб келаётган “Инсон тараққиёти индекси” маърузасида инсон тараққиёти тўрт гуруҳга ажратилган. Мактабагача таълим билан қамраб олиш даражаси инсон тараққиёти индекси паст бўлган мамлакатларда 20 фоиз, ўртача мамлакатларда 33 фоиз ва жуда юқори мамлакатларда 83 фоизни ташкил этмоқда<sup>2</sup>. Шунингдек, болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабр. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

<sup>2</sup> <http://hdr.undp.org/en/content/earlier-better>





Конвенцияга мувофиқ куйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратилган: таълим муассасасига қатнаш имконияти; таълим фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш; болаларни муносиб тарзда таълим жараёни ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлари кабилар шулар жумласидандир.

XXI асрнинг иккинчи декадаси сўнгида рўй берган пандемия таълим тизимига ҳам тубдан таъсир қилди. Натижада, таълим тизимини ташкил этишга бўлган қарашларни ислоҳ қилиш зарурати юзага келди. Жаҳонда сезиларли иқтисодий ўсиш кузатилганлигига қарамасдан, дунёдаги болаларнинг ярми мактабларни таянч билим ва санокни билмай битириб кетмоқда<sup>3</sup>. ИХРТ (OECD) тадқиқотларига кўра «сифатли таълим олган шахс жамият, иқтисодиётда фаол бўлади, жумладан, узоқ яшайди, сиёсий фаол бўлади, кам жиноятлар содир этиши кузатилади ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги бўлмайди<sup>4</sup>». Ҳозирги кунда таълим олиш даври ўртача 17 йилни ташкил этиб, Колумбиядаги 14 йилдан Австралиядаги 21 йилгача бўлган кўрсаткичлар шулар сирасига киради. Шундай бўлса-да, 2015 йилда PISA (Programme for International Student Assessment – Ўқувчи/талабаларни халқаро баҳолаш дастури)нинг ҳулосасига кўра, мактабда бўлиш даврига нисбатан ўқувчиларнинг ёза олиш, математикадан билимлари ва табиий фанларни ўзлаштириш даражаси муҳимроқ эканлиги қайд этилади.

Мазкур жамоавий монография Ўзбекистон таълим тизимининг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этишга қаратилган бўлиб, унда тизимни молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқотда мактабгача-мактаб-олий таълим тизимининг узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолдаги молиялаштириш, давлат ва хусусий секторнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга қаратилган илмий ҳулосалар шакллантирилган.

<sup>3</sup> <https://www.nobelprize.org/prizes/economic-sciences/2019/press-release/>

<sup>4</sup> <http://www.oecdbetterlifeindex.org/topics/education/>

# **I БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ**

## **I БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришнинг назарий асослари ва ўзига хос жиҳатлари**

Мактабгача таълим муассасаси давлат ва жамиятнинг фундаментал асосларини институтчионал жиҳатдан ташкил этувчи, улгайиб келаётган авлод билан педагогик фаолиятни амалга оширилишини таъминлайдиган институт ҳисобланади. Инсонларнинг улгайиши билан босқичма-босқич юзага келувчи ҳуқуқлардан бири – бу таълим олиш ҳисобланади. Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция<sup>5</sup>га мувофиқ куйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратилган:

- таълим муассасасига қатнаш имконияти;
- таълим фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш;
- халқлар ўртасида дўстлик, аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, толерантлик, тинчлик ва эркин жамиятда ўзаро тушунишга асосланган онгли ҳаётга тайёрлашга қаратилган таълим ва тарбияни ташкил этиш;
- болаларни муносиб тарзда таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлари.

Ижтимоий институт сифатида мактабгача таълим муассасаси мамлакатнинг ҳам соғлом, ҳам билимли авлодини шакллантиришдаги дастлабки “кўприк” вазифасини бажариб беради. Ижтимоий соҳанинг муҳим бўғинларидан бири сифатида, давлат бюджетидан молиялаштириш тенденциялари сақланиб қолиши табиий саналади.

<sup>5</sup> Конвенция о правах ребенка/Международные акты о правах человека/Сост. и вступ. ст.: В.А. Карташкин, Е.А. Лукашева. М.: Инфра-М, 1998, С. 306-324.

Маълумки, болалик инсон ҳаётида соғлиқ даражаси ва шахс сифатида шаклланидиган давр бўлиб ҳисобланади. Жумладан, болалик тажрибалари инсон ҳаёт тарзини белгилаб беришга замин ҳозирлайди. Масалан, Биринчи Президентимиз И.Каримов ўзининг асарларида қуйидагича фикрларни келтиби ўтади: “Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан.

Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди<sup>6</sup>”.

Шунингдек, рус олимларидан Т.Доронова ҳам болаликдаги олинган билимларни муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтади<sup>7</sup>.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўлмоқдаки, болаликда олинган билимлар сезиларли ва ҳал этувчи хусусиятга эга бўлмоқда. Фикримизча, мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришнинг долзарблиги мазкур хулосалар билан яна бир бор тасдиқланади. Бу эса, ўз навбатида, муассасаларнинг молиявий фаолияти самарадорлигини билимли авлодни шакллантиришга қаратилган натижалари орқали баҳолашга имкон беради.

Умуман олганда, мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларининг молиявий фаолиятини тадқиқ этишни кўзда тутган илмий асарлар кам яратилган. Шундай бўлишига қарамасдан, таълим муассасаларини молиялаштиришга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, проф Н.Жумаев ва и.ф.д. Д.Раҳмоновлар олий таълим олишни хусусий манбалар ҳисобидан молиялаштиришга эътиборни қаратиб, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган сўровга биноан

<sup>6</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент. Маънавият, 2008. – Б.38.

<sup>7</sup> Доронова Т. Н. Дошкольное учреждение и семья – единое пространство развития: методическое руководство для работников дошкольных образовательных учреждений / Т. Н. Доронова, Е. В. Соловьева, А. Е. Жечкина, С. И. Мусяленко. – М.: ЛИНКА – ПРЕСС, 2001. – С. 5.



олий таълим олишнинг шартнома тўлов қийматларини шакллантиришга асос бўлувчи илмий хулосаларни шакллантириб берганлар<sup>8</sup>.

Тадқиқотчи, Ж.Йўлдошев ҳам олий таълимни молиялаштириш юзасидан ўзининг фикрларини берган. Хусусан, олий таълим хизматларини етказиб берилишида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, франчайзинг амалиётини қўллашга доир ўзининг илмий таклифларини бериб ўтади<sup>9</sup>.

А.Махмудов эса, олий таълим тизимини молиялаштиришда халқаро тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини баҳолаб беради. Жумладан, Европа мамлакатлари олий таълим муассасаларини бюджетдан молиялаштириш тенденцияларини таҳлил қилади ва Ўзбекистонда қўллаш юзасидан таклиф ва тавсияларни таъкидлаб ўтган<sup>10</sup>.

А.Шеров ўзининг мақоласида таълим тизимини давлат томонидан молиялаштирилишига эътибор қаратади. Бунда мактабгача таълим муассасаларидан тортиб олий таълим олишгача бўлган даврни молиялаштириш тўғрисида ва давлат дастурларида эътибор берилаётган жиҳатларни келтириб ўтади<sup>11</sup>.

Бизнингча, таълим муассасаларини молиялаштириш борасида олиб борилган тадқиқотларда олий таълимни молиялаштиришга сезиларли эътибор берилганлигини таъкидлаш мумкин. Эътиборли жиҳати, алоҳида тадқиқот сифатида халқ таълимини молиялаштириш доирасида олиб борилган тадқиқотлар фақатгина Х.Дўстмухаммад томонидан олиб борилган. Тадқиқот 2009–2012 йилларда амалга оширилганлигини инобатга олсак, мактабгача таълим ва мактаб таълими битта давлат бошқарув органининг қуйи бўғинлари сифатида молиялаштирилувчи институтлар тарзида қаралган. Шу нуқтаи назардан, ушбу олим томонидан халқ таълимини молиялаштириш борасида тадқиқотлар олиб борилган.

<sup>8</sup> Жумаев Н.Х., Раҳмонов Д.А. Олий таълим олишни хусусий маъбадалардан молиялаштириш: назария ва амалиёт//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар электрон журнали. – Т.: ТДИУ, 2018. – №5.

<sup>9</sup> Йўлдошев Ж.Т. Олий ўқув юрталарини молиялаштиришнинг долзарб масалалари//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар электрон журнали. – Т.: ТДИУ, 2018. – №5.

<sup>10</sup> Махмудов А.А. Олий таълим муассасаларида молиялаштириш тизимини бошқаришнинг халқаро амалиёти//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар электрон журнали. – Т.: ТДИУ, 2015. – №1.

<sup>11</sup> Шеров А.Б. Таълим тизимини давлат томонидан молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ва объектив зарурати//“Халқаро моли ва ҳисоб” илмий электрон журнали. –Т., ТМИ, 2017, –№3.



Жумладан, халқ таълими тизимини молиялаштиришни режалаштиришда, объектларни тўлиқ қамраб олиш, бир ўқувчига тўғри келувчи харажатлар меъёридан келиб чиқиб муассаса бюджет режасини тузиш ва мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг сони қисқариб бориш хусусиятига эга эканлигини таъкидлаб ўтади<sup>12</sup>.

Д.Шарафутдинова халқ таълимини молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш ва ўзига хос жиҳатлари тўғрисида хулосалар беради ва куйидаги фикрларни баён этади<sup>13</sup>:

– мактаб таълимини аҳолини тўлиқ қамраб олишига эришиш учун бюджет маблағларидан фойдаланишни чекламаслик;

– мактабда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланишини назарда тутадиган меъёрларни киритмаслик;

– мактаб таълимининг тижоратлашув хусусиятига эга бўлишига йўл қўймаслик;

– мактаб таълимини бюджетдан молиялаштиришда оралик мақсадлардан якуний мақсадларни аке эттирувчи тамойилларга ўтиш.

Н.Норқобилов ўзининг тадқиқотида таълим тизими икки муҳим вазифани бажариши қайд этиб ўтилган: биринчидан, инсон шахсини тараққий эттириш, такомиллаштириш, уни маънавий, ахлоқий, бадиий жиҳатдан ривожлантириш, маънавий комил, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишига ёрдам бериш; иккинчидан, иқтисодий вазифани бажариб, малакали ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш<sup>14</sup>. Ушбу тадқиқотчининг хулосаларидан кўриниб турибдики, таянч таълим ва олий таълимни моҳиятидан келиб чиқиб шакллантирилганлигини таъкидлаш мумкин.

Россиялик олимлар томонидан ҳам бир қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, мактабгача таълим муассасалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ажратиб олинган. Н.Федина томонидан

<sup>12</sup> Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари: и.ф.и. ... автореферати: - Тошкент: БМА, 2012. – 22 б.

<sup>13</sup> Шарафутдинова Д.А. Мактаб таълимини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари// "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2019 йил.

<sup>14</sup> Норқобилов Н.Н. Таълим тизимини бюджетдан ташқари молиялаштириш ва кадрлар тайёрлашда маркетингнинг ўрни//Замонавий таълим журнали. – Т. 2017. - №8. – Б. 36-40.

мактабгача таълим тизимини самарадорлигини баҳолашни характерловчи тўртта кўрсаткични кўрсатиб ўтган<sup>15</sup>:

– аҳолининг мактабгача таълим хизматларига бўлган талабини инобатга олган ҳолда давлат кафолати асосида мактабгача таълимни таъминлаш;

– болаларга таълим бериш ва бошқа харажатларни амалга ошириш шарт-шароитлари;

– кадрлар потенциали;

– бюджетдан молиялаштириш ва молия-хўжалик фаолияти.

Шунингдек, А.Сидорова<sup>16</sup> томонидан олиб борилган тадқиқотларда таълим тизимини мамлакат иқтисодиёти учун устуворлигини белгилаб берувчи индикаторларни ишлаб чиқилишини назарда тутган тадқиқотларни амалга оширган. Бу борада, икки кўрсаткичдан фойдаланиб, таълимнинг ҳар бир босқичи устуворлигини аниқлашга эътибор қаратиб, уни қуйидагича ифодалаб берган:

$$ТУ = \frac{ТБх}{ТЙу \cdot 100} \quad (1.1)$$

ТУ – таълимнинг устуворлиги индикатори; ТБх – тегишли таълимга бюджет харажатларининг умумий таълим харажатларидаги улуши; ТЙу – тегишли таълимда иштирок этувчиларнинг таълимда жами иштирок этаётганларга нисбатан улуши.

Мазкур формула ёрдамида таълимнинг устуворлиги коэффициентини 1 (бир)га нисбатан қуйидагича ҳолатни намоён қилишни қайд этиб ўтади. жумладан, Агар мазкур коэффициент 1га тенг бўлса, ушбу таълим тури мамлакатда устувор ҳисобланмайди. Агар 1дан кичик ҳолат бўлса, тегишли таълим босқич мамлакат учун умуман устуворлик касб этмаслигини таъкидлаб ўтади. Аксинча, коэффициент 1дан катта бўлса, мамлакатда мазкур таълим босқичи устуворлик касб этишини кўрсатади, деган хулосага келади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, таълимнинг босқичлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда мазкур коэффициентнинг

<sup>15</sup> Федина Н.В. Организационно-педагогические условия повышения эффективности муниципальной системы дошкольного образования: автореферат ... к.п.н. – Елец, ЕлГУ им. И.А.Бунина, 2005. – с. 24.

<sup>16</sup> Сидорова А.А. Стратегия управления системой образования как элемент государственной политики: автореферат ... к.э.н. – Москва, МГУ им. Ломоносова, 2012. – с. 28.

хар бир босқич учун табақалаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Мактабгача таълим ва мактаб таълими тизимида ушбу кўрсаткични 1дан катга бўлиши ижобий, деб ўйлаймиз. Сабаби, мактабгача таълим ва мактаб таълими соҳасида бюджет маблағларининг роли муҳим, таълимнинг ушбу босқичларида бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш имконияти юқори бўлмаслиги мумкин. Давлат ўз зиммасига ушбу мажбуриятни олиши билан зарур ижтимоий хизмат билан аҳолини қамраб олиш имконини вужудга келтирган бўлади. Олий таълим соҳасида эса, ушбу коэффициент 1дан кичик бўлиши, XXI асрда таълимнинг ривожланиши ҳамоҳанг келади. Жаҳон тажрибаси ҳам кўрсатадики, олий таълимни бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш шарт-шароитлари унда олдинги босқичларга нисбатан юқори ҳисобланади.

Бизнингча, мактабгача таълим тизимини молиялаштиришда бюджетнинг роли аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан тесқари муносабатда бўлиши керак. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда, 2000–2017 йиллар давомида аҳоли даромадларида хизматларни сотиб олиш улуши 13 фоиздан 20 фоизга ўзгарганлиги юқори ўсишни кўрсатиб бермайди. Демак, аҳоли томонидан хизматларни, жумладан, ижтимоий хизматларни сотиб олишда даромаднинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса, таълим хизматлари учун атига аҳоли даромадларининг 2,5 фоизи<sup>17</sup> харажат қилинаётганлиги, бюджетнинг ролига устуворлик берилишини тақозо этади, деб ўйлаймиз.

Хорижлик олимлардан, Мингат ва Таннинг ҳам тадқиқотларида бу борада илмий хулосалар мавжуд. Хусусан, бюджет харажатлари улуши таълимнинг навбатдаги босқичларига нисбатан тесқари пропорционал бўлишини таъкидлаб ўтишади. Яъни, юқори даромадли давлатлар олий таълимга бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишга жиддий эътибор қаратадиган экан<sup>18</sup>.

Фикримизча, мактабгача таълимда бюджет харажатларини сезиларли бўлиши билан бирга, уларнинг самарадорлигини

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (<https://stat.uz/uploads/docs/tur-dar-17uz1.pdf>)

<sup>18</sup> Mingat A., Tan J. The Full Social Returns to Education: Estimates Based on Countries' Economic Growth Performance/Human Capital Development Working Paper 73. World Bank, Washington, DC, 1996.



белгилаб берувчи индикаторларни ҳам ишлаб чиқиш долзарблик касб этади.

Мактабгача таълим муассасаларида бюджет маблағларининг сақланиб қолиши ушбу институтни молиялаштиришнинг натижа мезонларини амалиётга жорий этилишини талаб этади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида мактабгача таълим бюджетдан молиялаштириш улуши сезиларли эканлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизда ҳам таълим соҳаси харажатлари давлат бюджети харажатларида энг катта улушга эга эканлиги маълум. Масалан, Россия Федерациясида 2006 йилларгача мактабгача таълимда бюджет маблағларининг ўрни тўлиқ бўлган бўлса, кейинги йилларда бюджетдан ташқари манбаларнинг ҳам улуши ортиб бориш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, Л.Иванова ўзининг тадқиқотида мактабгача ва умумий таълим, олий таълимдан ташқари тўлиқ бюджетдан молиялаштирилганлигини кўриш мумкин<sup>19</sup>. Бундан кейинги тадқиқотларда бюджетдан ташқари манбаларнинг улушини оширишга қаратилган ўзгаришлар юзага келганлигини кўриш мумкин. Россия Федерациясида давлат бюджетининг умумий ҳажмида 80-82 фоиз харажатлар таълим йўналиши учун сарф этилаётганлиги мазкур фикрларимизни тасдиқлаши мумкин<sup>20</sup>.

Тадқиқотлар асосида қайд этиш мумкин, мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш механизмининг замон ва макон жиҳатидан ўзгартириб бориши ҳам мумкин. Яъни, мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш манбалари бўйича қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- бюджетдан тўлиқ молиялаштирилувчи;
- бюджетдан қисман молиялаштирилувчи;
- хусусий тўловлар ҳисобидан молиялаштирилувчи.

Мактабгача таълим муассасасининг барча харажатларини бюджетдан тўлиқ қопланиши назарда тутилади. Ушбу муассасанинг молиявий фаолияти харажатлар сметаси доирасида амалга оширилади ва бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

<sup>19</sup> Иванова Л.П. Финдирование образовательной сферы в условиях реформирования бюджетной системы: автореферат ... к.э.н. – Нижний Новгород: ГОУ ВПО Волго-Вятской АГС, 2007. – 25 с.

<sup>20</sup> Егудова О.А. Совершенствование финансового обеспечения муниципальных общеобразовательных учреждений: автореферат ... к.э.н. – М.: ГОУ ВПО «Российский государственный социальный университет», 2010. – 26 с.



Бунда давлат ижтимоий хизматни таъминлашни тўлиқ таъминлаб беради. Мазкур типда молиялаштирилувчи мактабгача таълим муассасаларида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлмаслиги, муассаса сифимидан кўра кўпроқ болалар бўлиши, бюджет маблағларининг тадбирларни тўлиқ молиялаштириш имконияти чекланиши мумкин. Бу моделда мамлакатда солиқ юкининг катта бўлиши, давлат улуши бўлган муассасаларнинг сони кўп бўлиши юзага келади.

Қисман бюджетдан молиялаштириш – бу харажатлар смета-сида назарда тутилмаган молиявий фаолиятни амалга оширили-шини англатади. Бунда мактабгача таълим муассасаси ўз фаолияти доирасида қўшимча хизматларни таклиф этиши ёки баъзи хизматларни пулли шаклга ўтказиши мумкин. Масалан, ота-оналар тўловининг жорий қилиниши, дам олиш кунларида болаларни камраб олувчи гуруҳларни ташкил этиш, мактабга тайёрлаш гуруҳларида қўшимча тайёрлов хизматларини таклиф этиш орқали бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиши мумкин бўлади. Мазкур тенденциянинг ривожланиши хусусий мактабгача муассасаларни шаклланишига туртки беради. Мактабгача таълим муассасаларида молиявий саводхонлик қанчалик юқори бўлса, уларнинг молиявий фаолиятдан оладиган бюджетдан ташқари тушумлари ҳам мос равишда катта бўлади.

Бозор муносабатлари ривожлана бориши билан аҳоли даромадларида хизматларни сотиб олишга бўлган интилиши ошиб бориши юзага келади. Натижада, ижтимоий хизматлар, жумладан, мактабгача таълим хизматларини ота-оналар томонидан янада сифатли ва замонавий шаклда сотиб олишга бўлган талаби шаклланади. Бунинг оқибатида, мактабгача таълим муассасалари хизматларини бизнес вакиллари томонидан етказиб беришга бўлган таклифлари юзага келади ва ривожланади. Бунда муассасанинг барча харажатлари хусусий тўловлари ҳисобидан қопланади.

Умуман олганда, мактабгача таълим хизматлари истиқболда самарали тарзда қўшилган қийматни яратиш омили бўлган “илмий сифимкор меҳнат”ни фундаментал жиҳатларини яратиб берувчи тизим сифатида муҳим ҳисобланади. Бозор муносабатлари ривожланиши ортидан уни молиялаштириш механизмларини

Ўзгариши унинг ушбу мақсадини таъминлашга доимий эътиборни кўзда тутиши лозим. Бу эса инсон капиталига илк инвестицияларни амагга оширишга имкон беради.

Инсон капиталига илк таърифни берган Г.Беккер ҳам унга инвестицияларни таълим, ишлаб чиқариш тажрибалари, соғлиқни сақлаш, географик мобиллик ва ахборот излаш имкони билан изоҳлаб беради. Мактабгача таълим муассасаларида таълим ва соғлиқни сақлаш, илк маънавий кўникма омиллари таъминланишини инобатга олсак, унга эътибор доимий долзарблик касб этишини тасаввур этиш мумкин.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда бу борада қатор ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ўзида аке эттирган ислохотлар амалга оширилди ва давмо этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори билан соҳани ривожлантиришга имконият берувчи шарт-шароитлар белгилаб берилган. Хусусан, давлат-хусусий шериклиги асосида мактабгача таълим муассасаларини барпо этиш ва шу орқали сифатли хизматлар билан болаларни қамраб олиш миқёсини оширишга эришиш таъкидланган.

Бизнингча, давлат-хусусий шериклиги амалётини жорий этиш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

– мактабгача таълим муассасаларини бошқариш тизимида хусусий бизнес вакиллари таълим тизимида натижасида замонавий менежмент тамойиллари ишлай бошлайди;

– мактабгача таълим тизимига инвестицияларни жалб этиш, бюджет маблағларига бўлган талабнинг камайишига имкон яратилади;

– мамлакатда аҳолининг ўсиши билан мувофиқ равишда мактабгача таълим муассасаларини қабул қилиш салоҳиятини ривожланиши;

– мактабгача таълим муассасаларида замонавий менежмент тамойиллари асосида меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитларининг вужудга келиши.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 30 сентябрида “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари



тўғрисида” қабул қилинган ПФ-5198-сонли Фармони билан соҳадаги макроиқтисодий муаммолар қайд этиб ўтилди. Жумладан, охириги 20 йил давомида давлат мактабгача таълим муассасаларининг сони 45 фоизда зиёдга камайганлиги, болаларни қамраб олиш даражаси 30 фоизга тушиб кетганлиги айтиб ўтилди. Мазкур ҳужжат билан соҳага онд давлат бошқарув органи - Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Бизнингча, ушбу органининг ташкил этилиши билан мактабгача таълим муассасасини муҳим институт тарзида ва уни жамиятнинг муҳим бўғинини шакллантириб берувчи таълимнинг бирламчи бўғини сифатида қайд этиш имконини беради.

Мазкур фармон билан нодавлат мактабгача таълим муассасаларини кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса, бозор муносабатлари шароитида хусусий молиялаштириш принциплари асосида молиявий фаолиятни амалда вужудга келишига замин ҳозирлайди.

Ушбу тенденция бир жиҳатдан мактабга таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш орқали сифатли хизматлар кўрсатилишини таъминласа, иккинчи жиҳатдан хизматларнинг ижтимоий хусусиятининг камайиши юзга келиши мумкин. Шу боисдан, давлатнинг ваколатли органи мактабгача таълим хизматларининг тижорат хусусиятига эга бўлишидан чегаралаб туриши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур тамойилни хусусий молиялаштириш типидagi мактабгача таълим муассасаларига нисбатан қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мактабгача таълим муассасасининг муҳим жиҳати – бу болаларни тўлиқ қамраб олиниши орқали макроиқтисодиётда яширин самарасизликни олдини олишга имкон бериши билан белгиланади. Мактабгача ёшда бўлган болаларга ота ёки онанинг бирини уйда ғамхўрлик қилиши оила даромадларида харажатлар улушини ошириши мумкин. Масалан, онанинг иш билан банд бўлмаган ҳолда бола тарбияси билан шуғулланиши вақтнинг сарф этилиши ва бу вақт оралиғида даромадга эга бўлиш имкониятига бўлмайди. Натижанда, оилада унинг ҳам харажатлари оиланинг бошқа аъзоси даромадлари ҳисобидан қопланади, бу эса, даромадларни таркибида харажатлар улушини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, оила даромадларининг жамғариш ва инвестиция босқичлари таъминланишига эришиш мураккаб жараёндек бўлиб боради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мактабгача таълим хизматларига қилинган инвестиция қиймати оиланинг ушбу хизмат учун сарфлайдиган (минимал даражада) шахсий вақт қиймати билан ўлчанади.

Шу билан бирга, оила фаровонлигининг “нархи” ва “даромади” тушунчаларига изоҳ беришни талаб этади. Нарх жиҳатидан иккига ажратиш мумкин аниқлиги бўйича — ота-онанинг мактабгача таълим муассасасига тўлаган тўловлари, яшириплиги бўйича фарзандни оилада парваришлаш учун сарф этилган вақтнинг қиймати ҳисобланади. Шунга мос равишда, аниқлиги бўйича даромад пул ва йўқотилган даромадлар, яширинлиги бўйича оилада фарзандни қараш учун кетган вақтда олинмаган даромадлар. Шу нуқтаи назардан, оилада даромаднинг самарадорлиги ва даромад ўрнини босувчилар самарадорлигини инобатга олиш муҳим ҳисобланади.

Бу эса, ўз навбатида, оилада фарзандни парваришлаш учун кетган вақт баробарида олинган даромадга нисбатан мактабгача таълим хизматлари учун тўлов ҳажмининг юқори бўлиши мактабгача таълим хизматлари билан қамраб олиниш даражасини камайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Фикримизча, мактабгача таълим хизматлари билан қамраб олиш миқёсининг ошиб бориш нафақат болаларнинг баркамол шахс сифатида, балки яширин самарасизликнинг олдини олишга ҳам ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, мазкур хизматларни ижтимоий хусусиятини инобатга олган ҳолда нодавлат ёки давлат-хусусий шериклик принциплари асосида молиялаштирилувчи институтни шакллантиришга кенг урғу мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Шу боисдан, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиш тамойили мактабгача таълим хизматларини тижорат хусусиятига эга бўлиб қолмаслигини олдини олиш тадбирлари билан ўз ифодасини топиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Агар хорижий мамлакатлар тажрибаларига эътибор қаратилса, уй хўжалиқларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириш миқёси юқори эмаслигини қайд этиш мумкин. Жумладан, мактабгача таълим муассаслари фаолиятини бюджет маблағлари



хисобидан молиялаштириш Францияда – 70 фоиз, Германияда – 70-85 фоиз, Швецияда – 80 фоизни ташкил этса, АҚШда – 40 фоизга тенг<sup>21</sup>.

Мактабгача таълим муассасаларини бюджетдан молиялаштиришни оптималлаштириш ва бюджетга тушадиган молиявий юкни камайтириш мақсадида ота-оналар тўлови жорий этилади. Мазкур тўловлар мактабгача таълим муассасаларининг айрим харажатларини коплаш учун йўналтирилади. Шундай бўлса-да, ушбу тўловларнинг аниқ мақсадларини маълум қилинмаслиги ва улар тўгрисидаги маълумотларнинг шаффофлиги таъминланмаслиги ушбу маблағларнинг самарадорлигини пасайтириши мумкин. Бунинг учун биринчи навбатда, бюджет ва ота-оналар тўловининг аниқ чегарасини мавжуд бўлиши билан изоҳланади.

Фикримизча, қисман бюджетдан молиялаштирилувчи мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловлари очиклигини таъминлаш учун ушбу муассасада кўрсатилувчи хизматларнинг қайси бири давлат томонидан, қайси бири тўловлар асосида таъминланиши белгиланиши лозим. Бунинг учун эса, давлатнинг ваколатли органлари томонидан тегишли ҳуқуқий-норматив билан хизматларнинг мезонлаштирилиши жорий этилиши зарур ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, бюджетдан молиялаштирилишида куйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:

– мактабгача таълим муассасасида давлат зиммасидаги хизматларнинг аниқ ҳажмини белгилаш;

– умумий ва индивидуал аҳамиятга эга бўлган мактабгача таълим хизматларини гуруҳлаштириш;

– давлат таълим хизматларига йўналтирилган бюджет маблағларининг тежамкорлиги ва самарадорлиги кўрсаткичлари мавжуд бўлиши;

– манзилли аҳамиятга эга бўлган муассаса хизматлари ҳажмини белгиланиши;

– оралиқ ва якуний натижа мезонларини инобатга олиниши;

---

<sup>21</sup> United Nations Educational, Scientific and Cultural organization (UNESCO) [Electronic resource] : UIS Statistics in Brief, Education (all levels) profile – France, Germany, Sweden, USA / United Nations Educational, Scientific and Cultural organization (UNESCO). UNESCO Institute for Statistics, 2011. – Access mode : <http://stats.uis.unesco.org>

– мактабгача таълим муассасаларида молиявий менежментнинг мустақиллигини таъминланиши.

Давлат зиммасидаги хизматлар дейилганда, ижтимоий аҳамияти жиҳатидан барчани тенг таъминланиши лозим бўлган ва тижоратлашиши мақсадга мувофиқ бўлмаган хизматдир. Умумий ва индивидуал аҳамиятдаги хизматлар бу мактабгача таълим ёшидаги болаларга доимий ва ёши жиҳатидан даврий хусусиятдаги хизматларни белгиланиши назарда тутилади.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган тадбирларни барча қамраб олиниши билан уларнинг тежамкорлиги таъминланиши мумкин бўлса, самарадорлик кўрсаткичлари нафақат бюджет маблағларига нисбатан, балки ота-оналар тўловларидан фойдаланиш бўйича ҳам мавжуд бўлиши кўзда тутилади.

Маърузилли харажатлар аҳолининг маълум кам даромадли қатлами учун тўловларнинг мавжуд эмаслиги ва уларнинг бир муассасада аниқ даражасини белгиланиши (масалан, молиялаштириш ҳажмининг 8 ёки 12 фоизи ҳажмида).

Оралик ва якуний натижалар ҳар бир ёш кесимида болаларнинг билим олганлик ва соғломлик даражасини белгиловчи кўрсаткичлар бўлса, якуний натижалар муассасасининг йиллик тарзида ёки мактабга чиқарган тарбияланувчиларининг баркамоллиги билан изоҳланади. Мактабгача муассасаларда молиявий мустақилликнинг мавжуд бўлиши рақобатбардошликни таъминлайдиган муҳим омилдир.


Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида қуйидаги тамойиллар асосида молиявий фаолиятни амалга оширишни таъминлаш лозим:

– мактабгача таълим хизматлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини кафолатлаш;

– давлат стандартларига асосан мактабгача таълим хизматларини молиявий таъминлаш ҳажмининг етарлилиги ва асосланганлиги;

– мактабгача таълим хизматларини молиявий таъминлаш маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги;

– мактабгача таълим хизматларини молиялаштиришнинг ўз вақтида амалга оширилиши;



– мактабгача таълим муассасаларида молиялаштиришнинг сифатга боғлиқлигини таъминловчи механизмнинг мавжудлиги.

Умуман олганда, мактабгача таълим хизматларини бюджетдан молиялаштирилишида эътиборга олинishi лозим бўлган омиллар билан бирга молиялаштириш тамойиллари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Биз мазкур тадқиқотимизда бир пайтда мактабгача таълим хизматларини давлат ва хусусий молиялаштириш амалиётларини назарий жиҳатдан тадқиқ этишга ҳаракат қилдик.

Бизнингча, мактабга таълим хизматлари ҳоқ у давлат томонидан бўлсин, ҳоқ хусусий амалиёт томонидан бўлсин юқорида кйд этиб ўтилган тамойилларга асосланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, бюджетдан қисман молиялаштириш кўзда тутилган бўлса-да, лекин унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмаган бўлса, молиялаштиришнинг самарадорлигига ҳам, етарлилигига ҳам эришиш мураккаблашиб боради. Нафақат бюджет маблағларидан, балки хусусий мактабгача таълим хизматларида ҳам маблағларнинг етарлилиги, асосланганлиги ва ўз вақтида таъминланиши хизматларнинг сифатга боғлиқ тарзда бўлишига шарт-шароит яратиб беради.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим муассасаларини молиявий фаолиятини амалга оширилишида мактабгача таълим хизматларида бюджет ва хусусий маблағларнинг ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш, шунингдек, мазкур хизматларнинг хусусийлаштирилиш миқёсини мезонлаштириш орқали унинг тижоратлашидан кўра ижтимоийлашув хусусиятига эга бўлишига эришиш муҳим ҳисобланади.

## **1.2. Мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришнинг услубий жиҳатлари**

Давлат мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш турли усуллар орқали амалга оширилиши мумкин. Биз юқоридаги параграф давомида мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришнинг умумий шаклларини келтириб ўтдик. Тадқиқотимизнинг мазкур қисмида молиялаштиришнинг шаклларини ўрганиб чиқамиз.



ЮНЕСКО томонидан молиялаштиришнинг қуйидаги фундаментал жиҳатлари қайд этиб ўтилади. Жумладан, бюджет маблағлари тўғридан-тўғри мактабгача таълим хизматларини олувчига, хизматни кўрсатувчига берилиши мумкин. Шунингдек, молиялаштиришнинг номарказлашув тенденциялари кузатилмоқда<sup>22</sup>.

Ушбу тенденциясининг моҳияти маҳаллий бошқарув органларининг роли молиялаштириш жараёнидаги ваколатларининг кенгайиб бориши билан изоҳланади. Ўзбекистон шароитида ҳам молиялаштириш амалиёти маҳаллий ваколатли молия бўлимлари томонидан амалга оширилса-да, ҳудудларнинг даромадлари тўлиқ уларнинг харажатларини қопланишига йўналтирилмайди. Шу нуқтаи назардан, бюджетнинг маблағларининг тўлиқ ушбу таълим хизматларини қопламаслиги бюджетдан ташқари манбаларнинг шаклланишига дастлабки омиллардан ҳисобланади.

Молиялаштириш категориясига ўзбекистонлик ва ҳорижлик кўплаб олимлар ўзларининг муносабатларини билдирганлар.

Етакчи профессор олимлардан Т.Маликов ўзининг “Молия” дарслигида молиялаштириш тушунчасига молиявий режалаштириш тарзида изоҳ бериб, у ўз ичига қуйидагиларни олишини таъкидлаб ўтади<sup>23</sup>:

- тараққиётнинг асосий тенденцияларини аниқлаш ва молиявий таҳлил қилиш;
- жалб қилинган маблағлар ва вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштириш менежменти;
- фирма ичидаги молиявий натижалар ва пулларни режалаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш технологияси;
- инвестицион менежмент;
- капиталлар менежменти;
- фаолиятнинг бошқа кўринишлари (траст, факторинг, лизинг ва бошқалар).

<sup>22</sup> United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO) [Electronic resource]: Consideration of the decentralization strategy, including, if necessary, the revised basic criteria for the rational implementation of decentralization/United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO) – 2011. – 36th Session. 36 C/27 – 30 p. – Access mode: <http://unesdoc.unesco.org/images/0021/002121/212178e.pdf>

<sup>23</sup> Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик/Тошкент молия институти. – Тошкент: Ношвр, 2011. 712 бет.



Р.Д.Дусмуратов “молиявий ресурслар – маълум давр учун такрор ишлаб чиқариш жараёни молиявий натижасининг миқдор кўрсаткичларини ифодалайди. Бу чиқиш кетаётган асосий фондларни қоплашга, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жамғармаси, жамоа истеъмолига йўналтирилиши қонуний ҳисобланган пул маблағларидир<sup>24</sup>”.

и.ф.д. Д.Рахмонов томонидан молиялаштиришга нисбатан қуйидаги ёндашув баён этилган: “Инсон капиталини ривожлантиришни молиялаштириш – бу таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига инвестициялар киритиш, натижада, иқтисодий ўсиш учун инновацияларнинг шаклланишига ташаббуснинг вужудга келишида асос этилади<sup>25</sup>” деб таъкидлайди.

Молиялаштиришнинг баъзи жиҳатларига россиялик олимлар ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишган. А.Лещинская молиявий таъминлаш жараёни тизими тўғрисида хулосалар бериб, “илмий сифмкорлиги юқори технологиялар билан яқиний натижа олиш ва тижоратлаштириш имконини берадиган молиявий ресурсларнинг жами қиймати<sup>26</sup>” деб қайд этиб ўтади. Мазкур фикрларда тадқиқотларни молиявий таъминлаш назарда тутилган ҳолда ёндашув баён қилинган.

Молиялаштириш тизими тўғрисида ҳам фикрлар келтириб ўтилган. Хусусан, О.Мурзаева молиялаштириш тизимини ташкилий, норматив-ҳуқуқий ва иқтисодий<sup>27</sup> омиллардан ташкил топади, деб таъкидлайди. Е.Костоглодова эса, молиялаштириш тизими объект, субъект, молиялаштириш манбаси, молиялаштириш усули, молиявий инструменти, институционал ва ташкилий тузилма, норматив-ҳуқуқий таъминот каби омиллардан ташкил топишини изоҳлаб беради<sup>28</sup>.

Молиялаштириш механизми эса, Л.Иванова “таълим хизматлари сифатини оширишга қаратилган расмий ва норасмий,

<sup>24</sup> Дусмуратов Р.Д. Молия. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 472 бет

<sup>25</sup> Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда иқтисодий соҳани молиялаштиришнинг методологияси асосларини такомиллаштириш и.ф.д. автореферат. – Т.: БМА, 2018. – 72 бет.

<sup>26</sup> Лещинская А. Ф. Методология формирования системы финансирования разработок наукоемких технологий: автореф. дис. ... докт. экон. наук. – М.: Российский гос. торг. – экон. ун-т. – 2012. – С. 17

<sup>27</sup> Мурзаева О.В. Развитие системы финансового обеспечения здравоохранения: автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Саранск: Мордовский гос. ун-т им. Н. П. Огарева. – 2012. – С. 7.

<sup>28</sup> Костоглодова Е. Д. Модернизация системы финансирования сферы культуры в России: автореферат дис. ... кандидата экономических наук. – Ростов-а/д. – 2012. – С. 13.

санкция ва рағбат, молиявий таъминот ва бошқарув тизимларини ўз ичига олувчи<sup>29</sup> жараён эканлигини айтиб ўтади. В.Гадгаева таълим муассасаларини самарали фаолият олиб бориши учун молиявий шарт-шароитларнинг етарлилиги назарда тутилади<sup>30</sup>.

Умуман олганда, мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришнинг қуйидаги қатор усулларини келтириш мумкин:

- мактабгача таълим хизматларини кўрсатувчи муассасаларни сметали молиялаштириш;
- давлат мактабгача таълим муассасаларини нормативли асосда молиялаштириш;
- давлат мактабгача таълим муассасаларини дастурий молиялаштириш;
- давлат мактабгача таълим муассасаларини шартномали молиялаштириш.

**Сметали молиялаштириш** олдиндан режалаштирилган тарзда харажатлар йўналишининг аниқ белгиланиши. Мазкур методдан фойдаланишда бюджет таснифи муҳим аҳамият касб этади. Харажатлар таснифи орқали ҳар бир молиявий фаолият аниқ мақсадда амалга оширилиши белгилаб олинади. Мазкур усулдан кўплаб мамлакатлар фойдаланади, жумладан Германия, МДҲ мамлакатлари қабилардир. Масалан, Германияда 3 ёшгача бўлган болалар учун иш вақтининг тўлиқ даврида фаолиятини амалга оширади ва маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилади. 3 ёшдан катта болалар учун эса, аниқ белгиланган вақт давомида фаолиятни амалга оширади. Ота-оналарнинг тўловлари эса, 15-30 фоиз мактабгача таълим муассасаси харажатларини қоплаши назарда тутилади. Ушбу тўлов оиланинг даромади, болаларнинг сони ва хизмат турига боғлиқ тарзда табақалашади. Шунингдек, кам даромадли оилаларга субсидиялар берилади, ёлғиз ишловчи ота(она)га солиқ имтиёзлари тақдим этилади.

<sup>29</sup> Иванова Л. П. Финансирование образовательной сферы в условиях реформирования бюджетной системы: автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Н. Новгород: Нижегород. гос. ун-т им. Н. И. Лобачевского, 2007. – С. 5.

<sup>30</sup> Иванова Л. П. Финансирование образовательной сферы в условиях реформирования бюджетной системы: автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Н. Новгород: Нижегород. гос. ун-т им. Н. И. Лобачевского, 2007. – С. 5.

Ўзбекистонда ҳам сметали молиялаштириш амалиёти сезиларли аҳамиятга эга бюджет маблағларини тақсимлашди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли қарори билан ушбу амалиёт мустақамлаб қўйилган. Унга кўра, бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг харажатлар гуруҳлари ва моддалари бўйича тасдиқланган лимитлардан ошиб кетишига, смета-штат интизоми бузилишига ва харажатларни маблағ билан таъминлашнинг белгиланган навбатига, уларни тўлаш муддатлари ва тўлиқлигига қатъий амал қилиниши белгиланган. Шунингдек, харажатлар сметасининг тўрт гуруҳдан иборат йўналиши белгилаб берилган.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжат билан бюджет ташкилотига тегишли бўлган активларни сотишдан тушган маблағларнинг 50 фоизи муассасанинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши белгиланган. Натижада, ушбу харажатларнинг 75 фоизи моддий-техник базани ривожлантиришга ва 25 фоизи бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

Мазкур мезонларнинг белгиланиши бюджет ташкилотларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш шарт-шароитларини яратишга тўлиқ имкон бермайди. Мактабгача таълимни молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларининг родини кучайтириш учун моддий рағбатлантиришни 50 фоизгача ошириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Сабаби, ушбу ҳолат истиқболда иш ҳақининг табақаланишига ҳамда замонавий менежмент тамойилларини кенг ишлашига шарт-шароит яратишга имкон беради.

Яна шуни қайд этиш лозимки, мактабгача таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларнинг жалб этилиши, бюджет маблағларини камайтиришга олиб келмаслиги ҳам амалиётга киритилган. Мазкур қондани белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон қарори билан боғлиқдир.



Мазкур қарор билан молиялаштиришнинг муҳим ҳужжати бўлиб харажатлар сметаси қайд этилган бўлса-да, унинг ҳажмини шакллантиришга асос бўлувчи кўрсаткичлар аниқ келтириб ўтилмаган. Шунингдек, ушбу ҳужжат билан мактабгача таълим муассасаларида қисқа муддатли фаолият юритиши мумкин бўлган гуруҳларни шакллантириш мезонлари келтирилган. Хусусан, улар қуйидагилардир:

- 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган гуруҳларда — камида 20 нафар ва кўпи билан 30 нафар бола;
- болалар қисқа вақт бўладиган гуруҳларда — кўпи билан 30 нафар бола;
- турли ёшдаги гуруҳларда — камида 20 нафар ва кўпи билан 25 нафар бола;
- болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳларда — кўпи билан 10 нафар бола.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 391-сонли қарори билан тасдиқланган гуруҳларнинг мазкур мезони давлат мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришни ҳам табақалаштирилган ҳолда мезонлар белгиланишига заруратни келтириб чиқаради. Шунингдек, мазкур гуруҳларда муддатли тарзда фаолият олиб борган педагог ходимлар учун тўловларни табақалаштириш ёки моддий рағбатлантириш методларини аниқ кўрсатиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, қисқа муддатли гуруҳлар дейилганда қанча муддат назарда тутилганлиги ёки мазкур муддатни ким томонидан белгиланиши аниқ белгиланганда молиявий механизмни шаффофлиги янада ортган бўлар эди.

Мактабгача таълим муассасасини молиялаштириш механизми хизматнинг сифатига таъсир этувчи бирламчи омиллардан ҳисобланади, десак муболага бўлмайди. Хусусан, Е.Мишакова томонидан олинган илмий хулосалар ҳам буни тасдиқлаб беради. Масалан, мамлакатда болаларни мактабгача таълим муассасасида бўлиши сифат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, молиялаштириш оптимал тарзда бўлгани сари махсус машғулот (ўқиш, математика, ёзма)лар юзага келишини таъкидлаб ўтади<sup>31</sup>.

<sup>31</sup> Мишакова Е.Н. Становление и развитие дошкольных образовательных учреждений в России второй половины XIX – начала XX века: автореферат ... к.п.н. – Волгоград: Волгоградский государственный социально-педагогический университет, 2012. – 15 с.

Сметали молиялаштиришнинг ижобий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– харажатларни бир мақсадда йўналишида ишлатилишига имкон беради;

– харажатларни гуруҳлаштириш орқали улар ўртасидаги нисбатни белгилашга ёрдам беради;

– харажатларни амалга ошириш кетма-кетлигини белгилашга имкон беради.

Мақтабгача таълим муассасалари учун сметали молиялаштиришнинг қуйидаги салбий жиҳатлари бўлиши мумкин:

– харажатларнинг асосланишига тўлиқ имкон бермайди;

– мавжуд маблағларни харажатлар моддаси бўйича бирдан иккинчисига ўтказишга имкон бермайди;

– муассасаларга молиявий қарорларни қабул қилишдаги мустақилликни таъминлашга имкон бермайди.

**Нормативли асосда молиялаштириш.** Мазкур методдан харажатларни режалаштиришда маълум бирликка харажатлар нормасини кўпайтириш орқали аниқланади. Мазкур бирлик мактабгача таълим муассасасининг кўрсаткичлари ва тарбияланувчиларнинг сони билан аниқланади. Шунингдек, ҳисоб бирлигига тўғри келувчи харажатлар меъёри ушбу услубиятнинг асосий қисми ҳисобланади. Масалан, бинонинг  $1\text{м}^3$  қисми,  $1\text{м}^2$  майдони ушбу бирликларнинг бири сифатида қаралиши мумкин. Харажатларнинг бир бирликка тўғри келувчи ўтган йилдаги ҳақиқий ҳажми инобатга олиб, муассасанинг тузилмаси ва маълум турдаги фаолиятига нисбатан харажатларнинг нормативлари ўрнатилади.

Нормативлар мактабгача таълим муассасаси тури, жойлашуви, бино сирими, болаларнинг сони ва уларнинг гуруҳларга тақсимланиши каби омиллар билан белгиланади. Иш ҳақларини белгилашда штатлар жадвалидаги хўжалик ишлари, маъмурият ва тиббиёт ходимлари, педагог ходимлар кабиларнинг намунавий шаклдаги иш ҳақлари ҳажмидан келиб чиқиб харажатлар шакллантирилади. Лекин ушбу штатлар жадвалидаги ходимлар намунавий рўйхатини тузишда бир гуруҳга тўғри келувчи хизмат кўрсатувчи ходим сонидан келиб чиқиб ўрнатилади.

Озиқ-овқатлар бўйича харажатлар эса, гуруҳлар сонига эмас, балки тўғридан-тўғри болалар сонига боғлиқ тарзда ва кунлик овқатланиш даври, ҳажмига боғлиқ тарзда шакллантирилади.

Мактабгача таълим муассасасида молия-хўжалик ишлари бўйича мустақилликнинг тўлиқ таъминланиши юзага келмаган ҳолда норматив методдан фойдаланиш қулай ҳисобланади. Сабаби, нормативлар асосида молиявий фаолиятни амалга ошириш имкониятини берилиши, молия-хўжалик фаолиятидаги мустақилликни юзага келиши билан изоҳланади.

Фикримизча, бюджет маблағларининг чегараланган ҳажми доирасида мактабгача таълим хизматларини таъминлашда сметали усулдан кўра, нормативли усулга ўтиб бориш тенденцияси молиявий мустақилликнинг юзага чиқаришга кўпроқ имкон беради. Бу биринчидан, бюджет харажатларидан аниқ манзилли фойдаланилишини таъминласа, иккинчидан, харажатларнинг асосланишини, учинчидан, маблағларнинг етарлилигини таъминлашга, тўртинчидан муассасалар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришга замин ҳозирлайди.

Мактабгача таълим муассасасини норматив методдан фойдаланиб, молиялаштиришнинг мантиқий омиллари қуйидагилар билан ифодаланади<sup>32</sup>:

– мактабгача таълим соҳасида хизматларни ташкил этиш ва уларга аниқлик киритишнинг норматив-ҳуқуқий асослари мавжуд бўлиши;

– бюджетдан молиялаштириш нормативлари ва давлат стандартлари тизими инструменти сифатида ижтимоий характердаги хизматнинг ҳажми ва турини тизимлаштирган ҳолда бюджетдан молиялаштирилувчи аҳолига тақдим этилувчи ижтимоий хизматларнинг норматив-ҳуқуқий асосланиши;

– мактабгача таълим муассасаларига болаларнинг қатнаши учун ота-оналарнинг тўловлари ҳажми ва шартларини норматив ҳуқуқий асосланиши.

Тадқиқотлар асосида таъкидлаш лозим, норматив молиялаштиришнинг амалга оширилиши хизматларни стандартлаштириш заруратини келтириб чиқаради. Бу эса, мактабгача таълим хизматлари бўйича стандарт ва нормативларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Шу ўринда таъкидлаш лозим, норматив молиялаштириш мактабгача таълим хизматларини зарур даражасини маблағ

<sup>32</sup> Межбюджетные отношения в российском образовании: проблемы модернизации. Принципы долевого нормативного финансирования учреждений дошкольного образования. /под. ред. Л.И. Яковлева. – М.: ГУ-ВШЭ, 2002. – С. 24-25.



билан таъминлашни назарда тутати, бюджет нормативи эса, давлат ижтимоий хизматларини минимал харажатлар билан максимал натижага эришишни назарда тутати.

Норматив молиялаштиришнинг ижобий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– мамлакат ҳудудида бюджет маблағлари ҳисобидан зарурий даражада давлат мактабгача таълим хизматларига бўлган талабни қондиради;

– бюджетдан молиялаштириш ҳажмини асосланиш даражасини ошириб, мактабгача таълим хизматларини зарурий ҳажмини таъминлашга имкон беради;

– мактабгача таълим хизматларини молиявий таъминланишини норматив асослари мавжудлиги маъмурий таъсирларни камайтиради;

– мактабгача таълим хизматлари сифатлари ошишини ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга замин тайёрлайди.

Шу билан бирга, ушбу услубиятнинг баъзи зиддиятли жиҳатлари бўлиши мумкин:

– норматив метод ўртача қийматни олиши реал воқеликни баҳолашга имкон бермайди, мактабгача таълим муассаса молиявий таъминоти ўзгаришини асосланишини таъминламайди;

– муассасани харажатларини оптималлаштиришга қаратилган фаолият ижтимоий хизматлар сифатини ўзгаришига олиб келиши, юқори харажатли дастурларни амалга оширишга имкон бермаслиги мумкин.

**Дастурий молиялаштириш.** Мактабгача таълим муассасалари хизматлари бўйича белгиланган мақсадларга эришишда чора-тадбирларни дастурий шаклда молиялаштириш.

Мазкур чора-тадбирларнинг комплекс амалга оширилиши учун ижтимоий натижадорликни акс эттирган ҳолда бюджетдан, шунингдек қўйилган мақсадларга эришишида субъектларни бюджет маблағлари асосида режалаштириш бўйича молиялаштирилади. Дастурий молиялаштиришнинг фундаментал принципларига асосан яқуний натижаларга қаратилган ҳолда молиялаштиришни назарда тутати. Мазкур молиялаштириш услубияти турли даражадаги инфратузилмани шакллантириш, вазифаларни бажариш каби тадбирларни таъминланишида фойдаланилади.

Ушбу услубиятдан кўпроқ АҚШ тажрибасида кўриш мумкин. Мактабгача таълим хизматларини ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар гуруҳини парваришлар дастурларини молиялаштириш учун кўзда тутилади. Шундай бўлса-да, жами харажатларнинг 60 фоизи ота-оналарнинг зиммасига тўғри келади<sup>33</sup>.

АҚШда мазкур молиялаштириш усулини ўзида акс эттирган Head Start ва Болалар парвариши бўйича ривожланиш фонди болаларни ҳар томонлама вояга етиши учун давлат томонидан ўрнатилган яшаш минимумидан кам даромадли оилаларга давлат гарнти сифатида 3-5 ёшдаги фарзандлар учун берилади. Ушбу фонд маблағлари ҳисобидан ваучер методи бўйича ота-оналарга бюджет маблағлари таъминлаб берилади. Ота-оналар эса, аккредитациядан ўтган хусусий мактабгача таълим муассасаларига тўловни амалга ошириши мумкин бўлади. Мазкур дастурий молиялаштириш маълум доирадаги имконияти чекланган болалар учун назарда тутилиши билан бошқа молиялаштириш шаклларида фарқланади.

Шундай бўлса-да, кам даромадли аҳоли қатламлари кўп бўлган ҳудудларда молиялаштириш ҳажмининг етарлилик тамойилига тўғри келмаганлиги учун мактабгача таълим хизматлари тўлик сифатда етказиб берилиши мураккаб касб этиш ҳолатлар мавжуд<sup>34</sup>.

**Шартномали молиялаштириш.** Мазкур молиялаштириш механизми давлат ва хизматларни етказиб берувчи ўртасида тузилишини назарда тутди. Ушбу метод орқали давлат номидан мактабгача таълим хизматларини кўрсатувчи хўжаликка нафақат бу бўйича мажбуриятлар, балки кўрсатиладиган хизматлар сифатини баҳолаш параметрлари тизимини ўзида акс эттиради. Ушбу ҳолатда бюджет маблағларини олиш учун шартнома тузишга рақобат муҳити вужудга келиб, сифатнинг ошиши ва натижаларни бошқариш асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бунда бюджет маблағлари давлат номидан хизматларни кўрсатувчига яқиний натижалар ва сифатга қўйилган талаблар доирасида тақдим этилади.

Мазкур методда молиялаштириш давлат ёки хусусий мактабгача таъли муассасалари томонидан кўрсатилиши мумкин. Ушбу

<sup>33</sup> United Nations Educational, Scientific and Cultural organization (UNESCO) [Electronic resource]: UIS Statistics in Brief. Education (all levels) profile – USA / United Nations Educational, Scientific and Cultural organization (UNESCO). UNESCO Institute for Statistics, 2011.

<sup>34</sup> Besharov, D. J. Head Start Falls Further Behind: College Park [Electronic resource]/D. J. Besharov, D.M. Call//The New York Times. – 2009. February 8 – P. WK 12. – Access mode: [http://www.nytimes.com/2009/02/08/opinion/08besharov.html?\\_r=0](http://www.nytimes.com/2009/02/08/opinion/08besharov.html?_r=0)

методдан фойдаланишнинг мураккаблик жиҳати давлат хизматлари бирлиги қийматини шакллантиришда давлат вазифаларини бажарилиши билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши билан белгиланади.

1.1-жадвал

**Мақтабгача таълим муассасаларини молиялаштириш услублари ўзига хос хусусиятлари**

<b>Молиялаштириш услуби</b>	<b>Молиялаштириш объекти ва предмети</b>	<b>Молиялаштириш манбаси</b>	<b>Бюджет маблағларни тақдим этиш шакли</b>	<b>Бюджет маблағларини тақдим этиш шарти</b>
<b>Сметали</b>	Муассаса, муассаса харажатлари	Бюджет ва уй хўжаликлари маблағлари	Муассасага ажратмалар	Смета моддалари бўйича харажатли катъий мақсадли амалга ошириш
<b>Нормативли</b>	Хизмат, хизмат харажатлари	Бюджет ва уй хўжаликлари маблағлари	Муассасага ажратмалар, субсидия	Кўрсатилган хизматларга мақсадли харажат қилиш
<b>Дастурий</b>	Мақсад, мақсадли дастур тадбирлари	Бюджет ва тижорат ва нотижорат ташкилотлар маблағлари	Бюджетдан инвестициялар, субсидиялар, давлат харидларига ажратмалар	Мақсадли дастурлар асосида режалаштирилган натижаларга эришиш
<b>Шартномали</b>	Хизмат, таълим хизматларини ривожлантириш хизматлари харажатлари	Бюджет ва уй хўжаликлари маблағлари	Давлат билан шартномалар бўйича хизматларга бюджет ажратмалари	Давлат билан шартномалар бўйича аниқланган хизматларни етказиб бериш

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.



Шартнома методиди мактабгача таълимда давлат хизматлари қийматини аниқлаш харажатли ва қиёсли баҳолаш усулидан фойдаланилади. Харажатли усулнинг моҳиятида хизмат кўрсатилиши муассасасининг ички харажатлар тузилмасини шакллантирувчи асосий меҳнат харажатлари орқали ифодаланади. Хусусан, мамлакатимизда ҳам ижтимоий соҳа маблағларида харажатлар сметаси биринчи гуруҳ харажатлари улуши жамига нисбатан 4/5ни ташкил этиши ҳам шундан далолат беради.

Қиёсли баҳолаш методда эса, давлат ва хусусий мактабгача таълим муассасаларидаги хизмат қийматини ўзаро солиштиришда уларнинг натижавийлигини инobatга олган ҳолда амалга оширилади. Ўз навбатида, мактабгача таълим давлат хизматларини кўрсатувчи субъект бюджет маблағларини мақсадли субсидия (трансферт) шаклида ўтказиб берилиши билан ифодаланади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида мактабгача таълим хизматларини молиялаштириш услубиятларини ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қуйидаги жадвалда янада аниқ кўриб ўтиш мумкин (1.1-жадвалга қаранг).

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида юқорида келтириб ўтилган молиялаштириш услубиятларнинг ҳар бир шаклининг маълум бир жиҳатлари акс этмоқда. Сметали молиялаштириш амалда мавжуд бўлиб, ушбу услубиятдан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Нормативли молиялаштиришнинг айрим унсурларини ҳам кўриш мумкин. Мактабгача таълим муассасаларига бюджет маблағлари таъминланишида қуйидаги элементларга эътибор берилиши белгилаб берилмоқда<sup>35</sup>:

– озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун ажратиладиган маблағларни ҳудуддаги давлат мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари сони ҳамда ота-оналар тўловидан тушиши кутилаётган маблағлар ҳисобидан келиб чиқадиган меъёрлар асосида тенг тақсимланади;

– юмшоқ жиҳозлар, дори-дармон, ювиш ва зарарсизлантириш воситалари харид қилиш учун ажратиладиган маблағларни

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари. 2018 йил 30 декабр.

худудлардаги давлат мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари сони ҳамда белгиланган меъёрлар асосида тенг тақсимланади;

– жорий таъмирлаш, асосий воситалар сотиб олиш харажатлари учун ажратилган маблағларни худудлардаги давлат мактабгача таълим муассасалари сони ва улардаги тарбияланувчилари сонидан келиб чиқиб тенг улушларда режалаштирилади.

Таъкидлаш лозимки, келтирилган элементларни белгилашида яна маълум бир омилларга фикримизча, озиқ-овқат маҳсулотлари учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмида ота-оналар тўловлари билан ўзаро нисбат доирасида белгиланиши муҳим ҳисобланади. Шу боисдан, молиявий режани тузишда ушбу омилни инobatга олиш зарур. Шунингдек, жорий таъмирлаш, асосий воситаларни сотиб олиш харажатлари худуд микёсидаги ҳажми муассасалар ўртасида тенг тақсимланиши белгилаб берилмоқда. Шундай бўлса-да, ушбу ҳолат ҳар бир муассасанинг реал талабларини инobatга олишга имкон бермайди. Сабаби, ҳар бир муассасанинг мазкур харажатлар турларига бўлган эҳтиёжлари доим ҳам бир хил бўлавермайди. Лекин тавсия этилаётган элементлар эса ушбу ҳолатни тўлиқ қамраб олишга имкон бермайди.

Шу билан бирга, норматив методнинг мавжудлик ҳолатларини Ўзбекистон Республикаси Молия ва Мактабгача таълим вазирликларининг 2018 йил 2 февралдаги қўшма тавсияларида мактабгача таълим муассасаларининг дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситаларни сотиб олиш харажатлари ҳар бир тарбияланувчига 3600 сўмдан тенг тақсимланиши белгиланган. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг чойшаб-гилофлар учун бюджет харажатлари 38000 сўмдан бўлиши мақсадга мувофиқ, деб белгиланган.

Асосий восита сотиб олинишида Молия ва Мактабгача таълим вазирликларининг 2018 йил 2 февралдаги қўшма тавсиясига кўра, ҳар бир болага 61,9 минг сўм этиб белгиланган. Лекин, ушбу ҳолатда бир муассасадаги болалар сони иккинчи муассасадагидан фарқ қилганлиги сабабли ушбу кўрсаткич тўлиқ бюджет маблағлари самарадорлигини таъминлаб бера олмайди.

Шартномавий молиялаштириш услубиятининг юзага келиши Ўзбекистон Республикаси Президентинг 2018 йил 5 апрелдаги “Мақтабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сонли қарори билан ўз ифодасини топди. Мазкур қарор билан фаолияти тўлиқ амалга оширмаётган ёки ишга туширилмаган давлат мактабгача таълим муассасалари негизида нодавлат мактабгача таълим хизматларини кўрсатувчи институтни ташкил этиш жорий этилди. Ушбу ислоҳот бевосита давлат-хусусий шериклик муносабатлари орқали ташкил этилиши назарда тутилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, мактабгача таълим нодавлат муассасаларини ривожлантириш ва давлат-хусусий шерикчилигини рағбатлантириш тадбирларини молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасининг алоҳида очиладиган ҳисобварағи (махсус ҳисобварақ)ни очилиш кўзда тутилган. Ушбу махсус ҳисобварақнинг даромад манбалари бўлиб, қуйидагилар белгиланган:

– Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг эквиваленти 100,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги босқичма-босқич ажратиладиган маблағлари;

– Ўзбекистон Республикасига бюджетни қўллаб-қувватлаш учун Жаҳон банки ва Осие тараққиёт банки томонидан ажратиладиган 100,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитлари;

– халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг хайрия ионалари, кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

– махсус ҳисобварақнинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

– қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Шуниниси аҳамиятлики, мазкур махсус ҳисобварақ маблағлари нодавлат мактабгача таълим муассасаларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг биринчи омили бўлиб қуйидагича тартибда тақсимланади: махсус ҳисобварақ маблағларидан имтиёзли



кредитлар тижорат банклари томонидан мактабгача таълим фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 1 фоизли ставка бўйича ажратиб берилади. Иккинчи омил сифатида нодавлат мактабгача таълим муассасаси давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммасининг 50 фоизи миқдоридан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар олиш.

Фикримизча, ушбу қарор билан бир пайтда ҳам дастурий, ҳам шартномали тарзда мактабгача таълим хизматларини молиялаштириш ўз аксини топмоқда. Шу боисдан, мамлакатимизда юқорида келтириб ўтилган молиялаштириш барча услубларининг айрим жиҳатлари ўз аксини отмоқда. Шунингдек, давлат томонидан мактабгача таълим хизматлари билан аҳолини қамраб олиш учун зарурий чора-тадбирлар кўрилаётганлигини қайд этиш лозим.

### **1.3. Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришнинг меъёрий кўрсаткичли асослари**

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг фундаментал асослари амалга оширилган кундан бошлаб унинг босқичлари узвий боғлиқлиги белгилаб олинди. Буида, таълимнинг ҳар бир босқичида уларнинг барқарор фаолият олиб бориши ўзидан кейинги таълимнинг самарали амалга ошишига ўзининг ҳиссасини қўшади. Шу боисдан, мактабгача таълим тизимини самарали фаолияти мактаб таълимида соғлом ва баркамол авлоднинг шаклланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Ўзбекистон давлат мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш харажатлар сметасининг тегишли моддалари орқали маблағларнинг тақсимланиши билан белгиланади. Буида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли қарори билан тасдиқланган жами тўртта гуруҳ харажатларини ўзида акс эттиради. Дастлаб ҳар бир давлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этишда унга

бириктирилган тарбияланувчиларнинг сони ва улар ташкил этган гуруҳларнинг сони билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-қарорига мувофиқ давлат ваколатли органи ташкил этилди. Унга кўра, молиялаштиришнинг меъёрий нормативлари ушбу давлат органи томонидан ишлаб чиқилиши кўзда тутилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сонли қарорига кўра молиялаштиришга асос бўлиб хизмат қилувчи кўрсаткичлар аниқлаштириб берилди. Жумладан, давлат мактабгача таълим муассасасида беш кунлик иш ҳафтаси учун, қоида тартиқасида, куйидаги иш тартиби жорий этилиши кўзда тутилди: болалар қисқа муддат (қунига 3-4 соат) бўладиган гуруҳ; қисқа кунли гуруҳ (бир кунда 9 соатгача); тўлиқ кунли гуруҳ (қунига 10,5 ва 12 соат); болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳ. Ушбу иш режими давлат бюджетидан молиялаштирилувчи давлат мактабгача таълим муассасалари учун амал қилса, ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасаларида 24 соатли, 12 соатли, 10, 5 соатли иш режимлари назарда тутилди.

Фикримизча, мазкур ислохотларнинг амалга оширилиши мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш, унга асос бўлиб хизмат қилувчи индикаторлар/кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида гуруҳларнинг ташкил этилишига мезонлар белгилаб берилган. Хусусан, ривожлантириш, келажакда ўқувчи ва интеграллашган гуруҳлари шулар жумласидандир. Ушбу гуруҳларда тарбияланувчилар сони мос равишда 20-25, 20-25 ва 15-20 нафар бўлишligини қайд этиб ўтилган. Мазкур меъёрнинг киритилиши гуруҳларда фаолият олиб боровчи педагог ва бошқа ёрдамчи ходимларнинг штат бирлиги ва иш ҳақларида табақалаштиришни тақозо этади.

Шунингдек, мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 16 март куни қабул



килинган 50 ва 51-сонли буйруқларига мос равишда “давлат мактабгача таълим муассасаларининг намунавий штатлар жадвали” ва “туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари махсус таъмирлаш-эксплуатация хизматлари бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг намунавий штатлари ва базавий тариф ставкалари миқдорлари ҳамда ягона тариф сеткаси бўйича тариф разрядлари” тасдиқлаб берилди (1.2-жадвалга қarang).

Ушбу буйруқ билан ходимларнинг штат бирликлари намунавий шакли тасдиқланган. Унга кўра, штатлар бирлиги гуруҳлар сонига боғлиқ тарзда шакллантирилган. Масалан, катта тиббий хамшира лавозими 2 та гуруҳ бўлганда 0,5 ставка, гуруҳлар сони 3-7 та бўлганда 1,0 ставка бўлиши назарда тутилган. 8 тадан ошиқ гуруҳлар сони мавжуд бўлганда 1,5 ставка штат бирлиги ажратилиши белгиланган.

Фикримизча, мазкур лавозим учун ставканинг белгиланиши икки жиҳатдан мураккаблик келтириб чиқариши мумкин, деб ўйлаймиз. Биринчидан, штатнинг белгиланишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 391-сонли қарорида давлат мактабгача таълим муассасаларида гуруҳларнинг шакллантириши табақалаштирилган (юқорида қайд этилганидек) тарзда тузилиши кўзда тутилган. Аксинча, ушбу буйруқда гуруҳлар сони қайси гуруҳ типига тегишли бўлиши аниқ кўрсатиб ўтилмаган.

Иккинчидан, тарбияланувчилар сонига тўғри келувчи тиббиёт ходими штат бирлиги номувофиқ тарзда эканлигини кўриш мумкин. Мактабгача таълим вазирлигининг 50-сонли буйруғига кўра, 2 та гуруҳ учун 0,5 штат бирлиги тасдиқланган. Бу дегани, ўртача 45 та тарбияланувчига 0,5 ставкада фаолият олиб борувчи хамшира тўғри келса, 7 тагача бўлган гуруҳда ўртача 115та тарбияланувчи (дастлабки 2 та гуруҳни инобатга олмаганда) учун ҳам 0,5 ставка бирлик штат қўшиб берилмоқда. Мазкур қоидада 7 тагача гуруҳда 1 ставка қайд этилган бўлса-да, дастлабки икки гуруҳни ҳисобга олмаганда қолган 5 та гуруҳ учун олдинги 0,5 ставкага яна 0,5 ставка қўшилганда 1 бирлик штат юзага келмоқда. Шу билан бирга, 12 тагача бўлган кейинги 5 та гуруҳ учун ҳам яна 0,5 ставкада қўшимча штат бирлиги қўшилмоқда.



## Давлат мактабгача таълим муассасаларининг намунавий штатлари

Лавозим номи	Гуруҳлар сонига қараб белгиланадиган штат бирликлари											
	2 гуруҳ	3 гуруҳ	4 гуруҳ	5 гуруҳ	6 гуруҳ	7 гуруҳ	8 гуруҳ	9 гуруҳ	10 гуруҳ	11 гуруҳ	12 ва ундан ортиқ гуруҳ	
Мудир	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	
Тарбиячи-методист							0,5	0,5	1	1	1	
Катта тиббий хамшира	0,5	1	1	1	1	1	1,5	1,5	1,5	1,5	1,5	
Психолог				0,5	0,5	0,5	0,5	1	1	1	1	
Хўжалик мудир		0,5	1	1	1	1	1	1	1	1	1	
Бош ошпаз									1	1	1	
Ошпаз	1	1,5	2	2	2	2	2	2			2	
Ёрдамчи ишчи (ошхона учун)						0,5	1	1	1	1	2	
Омборчи									1	1	1	
Чойлабларни ювувчи машинист (қўлда ювилганда ёки тўлик автоматлашмаган кир ювиш машинасида ювилганда)	0,5	1	1,25	1,25	1,5	1,5	2	2	2,5	2,5	2,5	
Чойлабларни ювувчи машинист (тўлик автоматлашган кир ювиш машинасида ювилганда)	0,5	0,5	0,75	0,75	1	1	1,5	1,5	2	2	2	
Хизмат хоналари фарроши									1	1	1	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 16 мартдаги 50-сон буйруғига илова

Бизнингча, ҳар бешинчи гуруҳ учун 0,5 ставка доирасида штат бирлиги белгилаётган тенденцияни кузатиш мумкин. Шундай бўлса-да, гуруҳлар сони 12 тадан ошганда штат бирлиги 2,0 ставкага ўзгариши назарда тутилмаган. Таъкидлаш лозимки, штат birlikларини белгилашда ягона ёндашувнинг мавжуд бўлиши, гуруҳларнинг хусусиятларини ва уларнинг ўзаро нисбатларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, психолог лавозими учун ажратилган штат бирлиги дастлабки 4 та гуруҳ учун умуман назарда тутилмаган. Бу билан, дастлабки (ўртача) 90 та тарбияланувчи учун психолог хизматлари кўрсатилмаслигини англатади. Биз ҳар бир тарбияланувчини соғлом ва баркамол этиб шакллантиришда мазкур жиҳатларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Бизнингча, психолог мактабгача таълим муассасасида қуйидаги фаолиятни амалга ошиши орқали лавозимнинг муҳимлигини таъкидлаш мумкин:

– тарбияланувчиларнинг улғайиши бўйича ота-оналар билан биргаликда ишлаш;

– ҳар бир гуруҳда кузатувчи сифатида фаолият юритиб, тарбиячиларга ўзининг тавсияларини бериш;

– ўқув машғулотлари учун дастурларни ишлаб чиқилишида фаол иштирок этиши;

– тарбияланувчилар ўртасидаги умумий муҳитни кузатиб бориш ва тегишли тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш.

Ўз навбатида, ҳар бир мактабгача таълим муассасаси хусусиятига боғлиқ тарзда психологлар қуйидаги функцияларни бажаради:

– ахборот функцияси – ихтисослашган хусусиятдаги маълумотларни тақдим этади;

– таҳлил қилиш функцияси – тарбияланувчиларнинг умумий ва индивидуал ривожланиши ва мактаб таълимига тайёрлигини аниқлайди;

– профилактика функцияси – тарбияланувчиларни баркамол шаклланиши, руҳий соғлигини сақлашга шарт-шароитлар яратиш;

– кўмаклашиш функцияси – тарбияланувчилардаги мавжуд психологик муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш.

Ф.Марченко томонидан олиб борилган тадқиқотларда интеллектуал ривожланишда ўқув дастурларини тузишда ёшга доир ва тарбияланувчи хос хусусиятларга биноан талабларни шакллантиришда муҳим ўринга эга<sup>36</sup>.

Шу билан бирга, Д.Фельдштейн мактабгача таълим тизимида болаларни ижтимоий ҳаёт билан ҳамкорлик қилишга эришиш, бунинг учун жамиятнинг муносабат меъёрларини ўзлаштиришга етарли шарт-шароит яратиш, шунингдек, ўз-ўзини англаш қобилиятини кенгайтиришни ўзида ақс эттиради. Бунда боланинг ижтимоий-маданий дунёсини англаш ва унга таъсир этувчи омилларни тизимлаштиришдан иборат бўлади<sup>37</sup>.

А.Давидов “мадания/жамият” тизимлари доирасидаги муносабатларни тадқиқ этиб қуйидаги хулосани келтириб ўтади: “жамият ва маданият индивидни ижтимоийлашуви ва маданийлашувини ўзида ақс эттирган шахсиятни камол топтириш орқали ўзаро уйғунлашади<sup>38</sup>”. Мазкур фикрдан қайд этадиган бўлсак, ҳар бир индивидни баркамол вояга етишида алоҳида ёндашувни талаб этади.

Н.Соғинов ва У.Қодиров баркамол болани вояга етишида унинг эҳтиёжлари муаммосига тўхталиб ўтишади. Уларнинг қайд этишича, руҳий ривожланишнинг меъёр даражасида бўлган 3-5 ёшли болаларда имкон топилганда бир кун давомида 5000га яқин саволлар беришини таъкидлаб ўтишади<sup>39</sup>. Бу эса, болаларда кунига 5000 мартаба билиш эҳтиёжи юзага келишини англашиши ақс эттиради.

М.Давлетшин ва С.Тўйчиева томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам Л.Толстойнинг қуйидаги фикрларини алоҳида қайд этиб ўтилади: “Мен билан 5 ёшли бола орасидаги фарқ бир қадам, 5 ёшли бола билан янги туғилган бола ўртасидаги фарқ дунёдир, чексиздир<sup>40</sup>”.

<sup>36</sup> Марченко Ф.О. Историко-психологический анализ экспертизы качества образовательных программ детского телевидения: автореферат. – ж.д.н. – Москва: РГГУ, 2012. – с. 25.

<sup>37</sup> Фельдштейн Д.И. Социальное развитие в пространстве и времени детства. М., 1999. С. 232

<sup>38</sup> Давыдов А.А. Системный подход в социологии: законы социальных систем: монография. М.: Эдиториал УРСС, 2004. С. 236.

<sup>39</sup> Соғинов Н.А., Қодиров У.Д. Соғлом бола шаклланишининг айрим ижтимоий-психологик жиҳатлари. Ойла кутубхонаси. – Т.: РОИАМ, 2014. – 37 б.

<sup>40</sup> Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. – Т.: Низомий номидан ТДПУ нашриёти, 2002. – 23 б.



Фикримизча, мактабгача таълим муассасалари фаолиятида фундаментал аҳамиятга эга бўлган йўналишларни тўғри шакллантирилиши баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланар экан. Шу боисдан, мамлакатимизда ҳам мактабгача таълим муассасаларида психология, тарбиячи лавозимларига штат бирликларини ҳар бир индивид (тарбияланувчи)ларга ўзаро нисбат мезони билан белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Е.Григорьева мактабгача таълим хизматларини бошқариш билан жараёнларни тадқиқ этишга эришган. Унинг таъкидлашича, мактабгача хизматларни уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, қуйидаги учта гуруҳга ажратиш мумкин<sup>41</sup>:

– боланинг ҳаётий таъминот хизматлари – парваришлаш, овқатланишни ташкил қилиш, тиббий хизмат ва ривожланишдаги муаммоларни бартараф этиш;

– боланинг шахсиятини ривожланиши бўйича хизматлар – тарбия, таълим, индивидуал қобилиятларини рағбатлантириш;

– ота-оналарга маслаҳат шаклидаги хизматлар – шифокор, методист, логопед, психолог, жисмоний тарбия бўйича маслаҳатлар.

Бизнингча, мактабгача таълим хизматларини самарали ташкил этишда давлат зиммасидаги хизматлар ва ота-оналар тўлови ҳисобидан молиялаштириладиган аниқ чегарани белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, болаларни баркамол ривожланиши учун зарур бўлган мактабгача таълим хизматларини молиялаштиришга ўзаро нисбатли методологияни инобатга олиш ҳамда болаларнинг қобилиятларини инобатга олган ҳолдаги индивидуал ривожланишга қаратилган хизматларни тўлиқ ота-оналар тўловлари ҳисобидан қопланиши назарда тутиш муҳим ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, мактабгача таълим хизматларини молиялаштиришда юқорида келтирилган гуруҳлаштириш принциплари ва тавсияларни инобат олиш зарур.

Шунингдек, мактабгача таълим хизматларини молиялаштиришда асосий омил сифатида доимий ўзгармас икки

<sup>41</sup> Григорьева Е.Г. Регулирование рынков дошкольных услуг: автореферат ... к.э.п. – Красноярск: Сибирский федеральный университет, 2008. –26 с.

жихатга эътибор қаратиш лозим: биринчиси, болаларнинг баркамоллиги; иккинчиси, болаларнинг соғломлиги. Мазкур икки кўрсаткични шакллантиришга ёрдам берувчи омиллар тизими мактабгача таълим хизматларини молиялаштиришга аниқ мезонларни шакллантиришга имкон беради.

Шунингдек, тарбияланувчиларнинг ёшига нисбатан билиши лозим бўлган билимлар мажмуи сифатида қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади<sup>42</sup>:

3-4 ёшдаги болалар қуйидагиларни билиш лозим бўлади:

– 1500 та сўз бойлиги, шеърлар билиш, эرتак қаҳрамонларини билиши ва 3-4 та гап орқали расмларни ифодалаб бериши;

– 1дан 5гача (тескарига ҳам) санаши ва рақамга мос тарзда бармоқларини кўрсата олиши;

– санок ва тартиб сонларини қўллай олиши;

– берилган рақамдан олдинги ва кейингисини топа олиши;

– предметларни солиштиришда “катта”, “кичик” ва “жуда кўп” каби сўзлардан фойдалани олиши;

– вароқнинг қуйи, юкори, чекка ва марказ каби ҳудудларини топа олиши;

– айлана, квадрат, учбурчак, тўртбурчак ва овал кабиларни таниши ва чиза олиши;

– диққатини 10-15 дақиқага жамлай олиши, ўхшаш расмлар ўртасидаги фарқни англаши ва бошқалар.

Юқорида келтириб ўтилгани 3-4 ёшдаги болаларни билиш лозим бўлган билимларнинг қисқача таснифи. Мазкур талаблардан келиб чиққан ҳолда тарбиячи ва педагогларнинг штат бирликларини шакллантириш ва уларнинг малакасига қўйилган меъёрларни ишлаб чиқиш лозим деб ўйлаймиз.

Мактабгача таълим хизматларини ташкил этишнинг ажралмас қисмларидан яна бири бу – тарбияланувчиларнинг овқатланиши ва унга қўйилган талаблардан шаклланади, десак тўғри бўлади. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг гигиеник талаблар асосида ва хавфсиз тарзда овқатланишини ташкил этиш қоидалари Ўзбекистон

<sup>42</sup> <http://stotysyhc.ru/chto-dolzhen-znat-rebenok-3-4-let/> сайти маълумотларидан фойдаланиб талвиротчи томонидан тузилган.

Республикаси гигиеник меъёрлари, санитар қоида ва меъёрлари билан тартибга солинади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария ва эпидемиология назорат давлат маркази томонидан СанПиН №0348-17-рақамли қоидаларни қабул қилиши ўзига хос аҳамият касб этади. Мазкур қоидаларга 2018 йил 27 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Ушбу қоидаларга кўра, мактабгача таълим муассасаларида овқатланиш жараёнларини қуйидаги тартибда ташкил этилишини кўзда тутади:

– овқатланишни таълим олиш вақти ва тарбияланувчиларни муассасада бўлиш вақтига мувофиқлаштириш;

– ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларида ақлий ва жисмоний ривожланишида нуқсонлари, сурункали касалликлари бўлган тарбияланувчилар учун овқатланишни ташкил этиш;

– менюни шакллантиришга гигиеник тавсияларни бериш;

– маҳсулотларни етказиб берилиши ва сақланиш шароитлари устидан назорат олиб бориш;

– ошхонага талабларни шакллантириш;

– озиқ-овқатларни тайёрлаш сифати ва тайёрланиш технологиясини назорат қилиш;

– идиш-товоқларни тозалаш ва ошхонанинг санитария-эпидемияга қарши режимини назорат қилиш;

– озиқ-овқатларнинг сон ва сифат жиҳатдан таркибинини назорат қилиш.

Юқорида келтириб ўтилган қоидалар бир жиҳатдан тарбияланувчиларнинг сифатли таомланишига шарт-шароитларни яратиб берса, иккинчи жиҳатдан мактабгача таълим муассасаларида ошхона ходимлари, омборчилар ва хўжалик ишларига масъул бўлганларнинг штат жадвалларини шаклланишига замин ҳозирлайди.

Уларнинг соғлом таомланиши ва етарли энергияни тўплаган ҳолда ўзини англаб бориши учун маълум мезонларга эътибор берилиши кўзда тутилган (1.3-жадвалга қаранг).



### 3 ва 3-7 ёшгача бўлган тарбияланувчиларга овқатланиш меъёри ҳажми

Таомнинг номи	3 ёшгача	3-7 ёш
	Граммларда	
Нонушта		
Каша ва сабзавотли таом	200	250
Тухумли таом	80	100
Творог ва таом	100	120
Шарбат (какао, сут ва чой)	150	200
Иккинчи нонушта		
Мевалар, шарбат	150	150
Тушлик		
Биринчи таом	200	250
Иккинчи таом	150	200
Гўштли, балиқли, товук, қуён гўштли таом	50	70
Гарнир: сабзавот, макарон	100	130
Салатлар	50	50
Шарбат (компот, кисел)	150	150
Кечки тушлик (полдник)		
Булочка ва шу каби маҳсулотлар	70	80
Творогли таом	70	90
Мевалар	75	100
Кефир, сут	150	200
Кечки овқат		
Каша ва сабзавотли таом	200	250
Творог ва таом	70	90
Шарбат (какао, сут ва чой)	100	200

Манба: СанПиН №0348-17-сонли қоидалари

Қайд этиш лозимки, овқатланиш жараёнини ҳам самарали ташкил этилиши тарбияланувчиларнинг соғлом бўлишига кўп жиҳатдан таъсир қилар экан. Шу боисдан, мазкур талабларни тўғри бажарилиши учун ҳам штатлар жадвалини ўзаро уйғун тарзда шакллантириш лозим, деб ўйлаймиз.

**Тез бузулувчи маҳсулотларни ишлатиш ва сақлаш  
муддатлари**

№	Маҳсулотнинг номи	Сақлаш муддати ва +2дан +6гача ҳароратда ишлатиш меъёри
1	Катта бўлакли яримтайёр гўшт	48 соат
2	Гўшт (совутилган): мол, товуқ ва қуён	48 соат
3	Гўшт (музлатилган): мол, товуқ ва қуён	72 соат
4	Пастеризация қилинган сут, крем ва ацидофилин	36 соат
5	Сигир сути	24 соат
6	Кефир	36 соат
7	Ёғли, ёғсизлантирилган ва диетик творог	36 соат
8	Сметана	72 соат
9	Сир	0-+4 <sup>0</sup> Сда (30 кундан ошиқ эмас)
10	Сариёғ ва қаймоқ	0-+2 <sup>0</sup> Сда 48 соат
11	Балиқ (барча турдаги, совутилган)	0- -2 <sup>0</sup> Сда 24 соат
12	Қуйултирилган шакарли сут	0-+20 <sup>0</sup> Сда (30 кундан ошиқ эмас, чиқарилган санадан бошлаб)
13	Тухум	Етказиб берилган санада бошалб 1 ой

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирининг 2018 йил 16 мартдаги 50-сонли буйруғи билан тасдиқланган штатлар жадвалида “омборчи” лавозими 7 та гуруҳи мавжуд бўлган муассасаларда мавжуд бўлиши назарда тутилган (1.2-жадвалга қаранг). Шунингдек, СанПиН№0348-17

(2018 йил 27 апрелда қабул қилинган) қоидаларининг 5-иловасида (1.4-жадвалга қаранг) маҳсулотларни сақлашга нисбатан белгиланган меъёрларни кўриш мумкин. Ваҳоланки, мазкур 5-иловада келтирилган меъёрларни бажариш учун мактабгача таълим муассасасида нечта гуруҳ бўлиши билан боғлиқ тарзда шакллантирилиши ушбу талабларни бузилишига замин яратиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасаларида тез бузулувчи маҳсулотларни сақлаш ва уларни ишлатиш ўзига хос талаблар асосида белгиланганлигини қайд этиш лозим. Шундай бўлса-да, штатлар жадвалида мазкур лавозим 6 тагача гуруҳи бўлган муассасаларда фаолият олиб бориши назарда тутилмаган. Бу эса, СанПиН қоидаларини тўғри бажарилишига ва озиқ-овқат маҳсулотларини сифатли тайёрланишига етарли шарт-шароит яратиб бермайди. Шу боисдан, мактабгача таълим хизматларни молиялаштиришда харажатларни режалаштиришнинг ҳам кўрсаткичли, ҳам натижага йўналтирилган бюджетлаштириш методларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўз навбатида, мактабгача таълим хизматларини баҳолаш муҳим ҳисобланади. Бу борада, рус олими Е.Григорьева<sup>43</sup> томонидан мактабгача таълим хизматлари самарадорлигини баҳолаш индексларини таклиф этади (1.5-жадвалга қаранг).

Ушбу олим томонидан таклиф этилган кўрсаткичлар ва уларни баҳолашда эътиборга олиниши лозим бўлган индекслар мамлакатимиз шароитида ҳам жорий этиш ўзига хос хусусият касб этади, деб ҳисоблаймиз. Мазкур методологияда хизматларни қамраб олиши, унда қўшимча хизматларнинг улуши, ходимлар малакаси ва психологик муҳитнинг баҳоланиши мактабгача таълим хизматларини баҳолашда муҳим ўрин тутади.

<sup>43</sup> Ўша манба.



### Мактабгача таълим хизматлари самарадорлигини баҳолаш методлари

Мақсад	Кўрсаткичлар	Оптимал кўрсаткич	Ҳисоблаш усули
Мактабгача таълим хизматлари мавжудлиги $I_D = I_1 \times I_2 \times I_3$	Мактабгача таълим хизматлари қамрови	100 %	$I_1 = \frac{Ч_{мб}}{Ч_{исиф}}$
	Мажмуавий мактабгача таълим хизматларин қамрови	90 %	$I_2 = \frac{Ч_{ДУ}}{Ч_{балавр}}$
	Мажмуавий мактабгача таълим хизматларини алоҳида оила даражасидаги қамрови	100 %	$I_3 = \Pi(I_3^i) = \Pi \frac{Ч_{ДУ}^i}{Ч_{балавр}^i}$
Мактабгача таълим хизматлари сифати индекси $I_K = I_4 \times I_{ка} \times I_{ма} \times I_{кк} \times I_6$	Гуруҳларнинг тўлиқлиги	85-100 % Ижтимоий меъёр даражасидан	Агар ҳақиқий кўрсаткич 85 %дан кичик бўлса: $I_4 = \frac{Ч_{ф}}{85}$ Агар ҳақиқий кўрсаткич 100 %дан катта бўлса $I_4 = \frac{100}{Ч_{ф}}$
	Ходимларнинг малакаси, жумладан малака оширганлик даражаси	Ходимлар сонидан 20 фоиз	$I_{ка} = \Pi(I^i) = \Pi \frac{Q_{факт}^i}{Q_{макс}^i}$ $I_{ка} = \frac{d_{ф}}{20}$
	Моддий-техник таъминот	Чекловсиз	$I_{ма} = \Pi(I^i) = \Pi \frac{Q_{факт}^i}{Q_{макс}^i}$
	Психологик муҳит даражаси	Чекловсиз	$I_{кк} = \Pi(I^i) = \Pi \frac{Q_{факт}^i}{Q_{макс}^i}$
	Далиллар билан исботланган шикоятлар	0	$I_6 = \frac{\Pi_{факт}^i}{\Pi_{мин}^i}$
Мактабгача таълим хизматларини турли туманлиги	Болаларнинг ривожланиши учун кўшимча машғулотларнинг мавжудлиги	Чекловсиз	$I_P = \Pi(I_7^i) = \Pi \frac{Q_{факт}^i}{Q_{макс}^i}$
$I_{эфф} = \frac{I_D + I_K + I_P}{3}$			

Бу ерда:

$Ч_{ид}$  – мактабгача таълим дастурида таълим олувчи болалар сони;  $Ч_{тинч}$  – мактабга чиқувчи болаларнинг жами сони;  $Ч_{ду}$  – мажмуавий мактабгача таълим хизматларини олувчи болалар сони;  $Ч_{болалар}$  – жами болалар;  $d_p$  – малака оширган ходимларнинг улуши;  $Ш^i_{факт}$ ,  $Ш^i_{мин}$  – ҳақиқатдаги ва минимал шикоятлар сони;  $Q^i_{факт}$ ,  $Q^i_{мин}$  – кўшимча таълим хизматлари, индивидуал ривожланиш бўйича хизматларнинг ҳақиқатдаги ва минимал сони.

Мактабгача таълим хизматлари билан қамраб олиш миқёсини таҳлил этганда минимал талабларни шакллантириш лозим. Сабаби, тарбияланувчиларни шахс сифатида шаклланиши, баркамол бўлиб вочга етишида таълим ва соғлом овқатланиш кўрсаткичларини минимал даражаси мавжуд бўлиши лозим. Шунингдек, мазкур кўрсаткичга бир муассаса ёки мамлакат даражасида қараш мумкин бўлади. Шу боисдан, дастлаб бутун мамлакат миқёсида мактабгача таълим муассасаларига қатнаши инobatга олиниши, иккинчидан муассаса миқёсида мактабгача таълим хизматларини кўрсатувчи персонал билан тарбияланувчиларнинг ўзар нисбатини уйғунлигини ҳисобга олиш зарур. Ваҳоланки, муассасада ўз салоҳиятидан ортиқча тарбияланувчиларнинг бўлиши кўрсатиладиган хизматларни тўлиқ ва сифатли натижаларга етишга имкон бермайди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда 3-7 ёшдаги болаларнинг 23,1 фоизигина мактабгача таълим хизматлари билан қамраб олинган. Бу эса, мазкур тоифадаги ўзбекистонлик болаларнинг  $\frac{3}{4}$  қисми мактабга тўлиқ тайёргарликсиз қатнашни бошлаётганлигини англатади<sup>44</sup>.

Фикримизча, тарбияланувчиларнинг алоҳида қобилиятларини аниқлаган ҳолда уларни қамраб олувчи хизматлар назарда тутилиши лозим. Масалан, мусиқа таълимига алоҳида қизиқиши ва мазкур йўналишда табиий қобилиятлари мавжуд бўлган тарбияланувчиларни уларга мос хизматлар билан қамраб олинишини ўзида акс эттиради. Шу нуқтаи назардан, нафақат мажмуавий, балки ихтисослашган таълим хизматларини жорий

<sup>44</sup> Акрамова Ф.Д. Мактабгача таълимнинг психологик жиҳатлари//Замонавий таълим журнали. – Тошкент, 2015. – №2. – Б. 53-58.

этиш ва уларни ота-оналар тўлови ҳисобидан молиялаштиришни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Гуруҳларнинг тўлиқлиги билан ундаги тарбияланувчиларнинг сони меъёрдан ошиб кетиш ҳолатларни ҳам баҳолашни лозим. Сабаби бюджет маблағлари чекланган шароитда ёки бинонинг тарбияланувчиларни қабул қилиш сиғимкорлиги етмаган ҳолларда гуруҳдаги болалар сони ортиши юзага келиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 391-сонли қарорига мувофиқ мактабгача таълим муассасаларида гуруҳлардаги болаларнинг сони максимал миқдорга нисбатан 80-100 фоиз улушда тебраниши белгиланган. Шу боисдан, юқорида келтирилган “гуруҳларнинг тўлиқлиги” индексидаги 85-100 фоиз меъёрни мамлакатимиз учун 80-100 фоиз тарзида олиш лозим.

Албатта мактабгача таълим муассасада хизматларни кўрсатилиши ходимларнинг малака ва кўникмаларига бирламчи тарзда боғлиқ бўлади, десак хато бўлмайди. Қайд этиш лозимки, мактабгача таълим муассасаларида малака ошириш дастурларини ўқув йилида эмас, балки ўқув йили якунлангандан сўнг, тарбияланувчилар камайган даврда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, шикоятларнинг мавжудлиги ва уларнинг улуши юқори бўлиши психологик муҳитнинг ҳам мураккаблашишига олиб келади. Шу боисдан, шикоятларни ҳақиқатдаги сонини умумий шикоятлардаги улушини аниқ белгилаш ва уни молиявий механизмини шакллантириш муҳим ҳисобланади (1.3-жадвалга қаранг).

Юқорида келтириб ўтилган баҳолаш методларининг умумий асосларини бошқа бир россиялик олим ҳам ўрганган. Хусусан, мактабгача таълим хизматларини молиявий жиҳатдан баҳолашда И.Федорова икки омилни ажратиб кўрсатади: 1) ишлаб чиқилган мезонлар асосида таълим хизматлари кўрсатилиши сифатини баҳолаш; 2) асосий воситалар, ресурслар захирасидан фойдаланиш, ходимларни бошқариш ва давлат вазифаларини бажаришда молиявий таъминотнинг нисбати кабиларга эътибор қаратишни илгари суради<sup>45</sup>.

<sup>45</sup> Федорова И.Ю. Совершенствование системы финансирования государственных образовательных услуг: автореферат ... д.э.н. – Москва. Российская академия предпринимательства, 2014. –32 с.



Шунингдек, И.Федорова таълим тизимини молиялаштиришда қуйидаги шаклларда юзага келишини таъкидлаб ўтади. Жумладан, мақсадига, методологиясига ва структурасига кўра амалга ошишини хулоса қилади. Мақсади бўйича таълим муассасасини молиявий таъминлаш, молиявий ресурслар самарали фойдаланишни назорат қилиш ва молиявий оқимларни оптималлаштиришни ўзида ақс эттиради. Методологик жиҳатдан эса, белгиланган мақсадларга кўра молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш юзасидан барча шакл ва услубларнинг йиғиндиси устувор бўлади. Структуравий жиҳатдан эса, таълим тизимини, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни бошқаришнинг мажмуасини ўзида намоён этади<sup>46</sup>.

Фикримизча, мактабгача таълим хизматларини молиялаштиришда мезонларнинг мавжуд бўлиши бюджет маблағларидан самарали фойдаланишига ҳамда ота-оналар тўловининг аниқ меъёрларини шаклланишига замин яратилади.

### **Биринчи боб юзасидан хулоса**

Монографиямизнинг биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

Бизнингча, мактабгача таълим муассасалари тизимида давлат-хусусий шериклиги амалиётини жорий этиш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

– мактабгача таълим муассасаларини бошқариш тизимида хусусий бизнес вакилларининг иштироки натижасида замонавий менежмент тамойиллари ишлай бошлайди;

– мактабгача таълим тизимига инвестицияларни жалб этиш, бюджет маблағларига бўлган талабнинг камайишига имкон яратилади;

---

<sup>46</sup> Егупова О.А. Совершенствование финансового обеспечения муниципальных общеобразовательных учреждений: автореферат ... к.э.н. – Москва: Российский государственный социальный университет, 2010. – 29 с.

– мамлакатда аҳолининг ўсиши билан мувофиқ равишда мактабгача таълим муассасаларини қабул қилиш салоҳиятини ривожланиши;

– мактабгача таълим муассасаларида замонавий менежмент тамойиллари асосида меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитларининг вужудга келиши.

Фикримизча, мактабгача таълим хизматлари билан қамраб олиш миқёсининг ошиб бориш нафақат болаларнинг баркамол шахс сифатида, балки яширин самарасизликнинг олдини олишга ҳам ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, мазкур хизматларни ижтимоий хусусиятини инобатга олган ҳолда нодавлат ёки давлат-хусусий шериклик принциплари асосида молиялаштирилувчи институтни шакллантиришга кенг ургу бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Шу боисдан, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиш тамойили мактабгача таълим хизматларини тижорат хусусиятига эга бўлиб қолмаслигини олдини олиш тадбирлари билан ўз ифодасини топиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, бюджет маблағларининг чегараланган ҳажми доирасида мактабгача таълим хизматларини таъминлашда сметали усулдан кўра, нормативли усулга ўтиб бориш тенденцияси молиявий мустақилликнинг юзага чиқаришга кўпроқ имкон беради. Бу биринчидан, бюджет харажатларидан аниқ манзилли фойдаланилишини таъминласа, иккинчидан, харажатларнинг асосланишини, учинчидан, маблағларнинг етарлилигини таъминлашга, тўртинчидан муассасалар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришга замин ҳозирлайди.

Тадқиқотларимиз давомида қуйидаги илмий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик:

1. Фикримизча, қисман бюджетдан молиялаштирилувчи мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловлари очиклигини таъминлаш учун ушбу муассасада кўрсатилувчи хизматларнинг қайси бири давлат томонидан, қайси бири тўловлар асосида таъминланиши белгиланиши лозим. Бунинг учун эса, давлатнинг ваколатли органлари томонидан тегишли ҳуқуқий-норматив билан хизматларнинг мезонлаштирилиши, жорий этилиши зарур ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, бюджетдан молиялаштирилишда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:

– мактабгача таълим муассасасида давлат зиммасидаги хизматларнинг аниқ ҳажмини белгилаш;

– умумий ва индивидуал аҳамиятга эга бўлган мактабгача таълим хизматларини гуруҳлаштириш;

– давлат таълим хизматларига йўналтирилган бюджет маблағларининг тежамкорлиги ва самарадорлиги кўрсаткичлари мавжуд бўлиши;

– манзилли аҳамиятга эга бўлган муассаса хизматлари ҳажмини белгиланиши;

– оралик ва якуний натижа мезонларини инобатга олиниши;

– мактабгача таълим муассасаларида молиявий менежментнинг мустақиллигини таъминланиши.

2. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида қуйидаги тамойиллар асосида молиявий фаолиятни амалга оширишни таъминлаш лозим:

– мактабгача таълим хизматлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини кафолатлаш;

– давлат стандартларига асосан мактабгача таълим хизматларини молиявий таъминлаш ҳажмининг етарлилиги ва асосланганлиги;

– мактабгача таълим хизматларини молиявий таъминлаш маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги;

– мактабгача таълим хизматларини молиялаштиришнинг ўз вақтида амалга оширилиши;

– мактабгача таълим муассасаларида молиялаштиришнинг сифатга боғлиқлигини таъминловчи механизмнинг мавжудлиги.



## **II БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Мактабгача таълим муассасалари фаолияти ва уларнинг натижалари таҳлили**

Биз яқин 4-5 йилда юртимиздаги боғча ёшидаги барча болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу – бизнинг аёлларимиз, болаларимиз олдидаги қарзимиз, керак бўлса, келажақ олдидаги муқаддас вазифамиз ва биз уни албатта адо этамиз<sup>47</sup>.

Президентимизнинг юқоридаги фикрлари келгуси 4-5 йилда мактабгача таълим тизими олдида турган энг асосий вазифа бўлиб, уни бажариш нафақат мактабгача таълим тизимини, балки бутун мамлакат ривожини пойдевори бўлиши мумкин. Бунинг учун эса аввало соҳани ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Чунки кейинги 15-20 йил мобайнида мамлакат иқтисодий ҳолати каби давлат бюджети ва уни ҳисобига молиялаштирилладиган соҳаларда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Лекин бу ўзгаришлар нечоғли ижобий натижаларга олиб келганлиги, ёки аксинча бўлганлигини аниқлаш бугунги куннинг долзарб саволларидан биридир. Бу саволга жавоб бериш учун эса чуқур ва атрофлича таҳлилларни амалга ошириш лозим бўлади. Жумладан, мактабгача таълим тизимини таҳлили нисбатан мураккаб жараён бўлиб, у ерда бир-бирига боғланган жуда кўплаб факторлар мавжудки, уларни ҳеч бирини четлаб ўтиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам биз таҳлилимизда мактабгача таълим тизимига бевосита ўз таъсирини кўрсатиши мумкин бўлган факторларни бирин-кетин бир-бирига боғлаган ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Бу ўринда мактабгача таълим тизими фаолиятини жорий баҳолашда фойдаланиладиган мактабгача таълим муассасалари сони, улардаги жойлар сони, болалар қатнови, қамрови, боғча ёшидаги болалар сони, тугилиш

<sup>47</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи. 2019 йил.

кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, уларни ўзаро боғлиқлигини бир бутунликда таҳлил қилиш лозим.

Бунинг учун эса аввал мактабгача таълим муассасалари фаолиятнинг бугунги ҳолатини статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

2.1-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, охириги 10 йилликда мактабгача таълим муассасалари сони аввал камайиш ва кейин ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, 2009 йилда улар сони 6239 тани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб 6381 тани ташкил қилмоқда. Лекин 2017 йилда улар сони 5186 тага тушиб қолган эди ва бу 2009 йилга нисбатан 1053 тага ёки 20 фоизга кам демакдир. Жадвал маълумотларига кўра мактабгача таълим муассасалари сонининг камайиши 2010 йилдан бошланган бўлиб, 2009 йилда муассасалар сони 6239 тани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 5375 тагача камайган ва бу 2009 йилга нисбатан 864 тага ёки 16 фоизга қисқартирилган. Бунинг асосий сабаби сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорига асосан, мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришнинг янги тартиби, яъни базавий меъёрий ҳаражатлар орқали молиялаштириш тадбиқ этилиши муносабати билан мактабгача таълим муассасаларини танқидий инвентаризациядан ўтказиш натижаларига кўра кўплаб муассасалардаги бола сони уларни молиялаштиришга етарли бўлмаганлиги учун ёпилганлиги ёки бошқасига филиал сифатида қўшиб юборилганлигини кўрсатиш мумкин.

Шу ўринда мавжуд 2017 йилда фаолият юрилган 5186 та мактабгача таълим муассасаларини турлари бўйича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасалари тўғрисида умумий маълумот<sup>48</sup>

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
<b>1</b>	<b>Мактабгача таълим муассасалари жами сони (дона)</b>	<b>6239</b>	<b>5375</b>	<b>5221</b>	<b>5192</b>	<b>5160</b>	<b>5150</b>	<b>5126</b>	<b>5138</b>	<b>5186</b>	<b>6381</b>
	<i>шу жумладан:</i>										
1	шахар жойларда	3438	3036	2962	3076	3087	3088	3065	3088	3139	3500
2	қишлоқ жойларда	2801	2339	2259	2116	2073	2062	2061	2050	2047	2881
<b>2</b>	<b>Мактабгача таълим муассасаларида жойлар жами сони (минг дона)</b>	<b>729</b>	<b>686</b>	<b>682,4</b>	<b>682,2</b>	<b>676,3</b>	<b>703,4</b>	<b>713,1</b>	<b>721,8</b>	<b>733,9</b>	<b>807,2</b>
	<i>шу жумладан:</i>										
1	шахар жойларда	478,5	446,8	447	462,7	459,7	481,3	486,1	490,9	503,5	526
2	қишлоқ жойларда	250,5	239,2	235,4	219,4	216,7	222,1	227	230,9	230,4	281,2
<b>3</b>	<b>Мактабгача таълим муассасаларида болалар жами сони (минг дона)</b>	<b>526,9</b>	<b>522,9</b>	<b>533,7</b>	<b>549,8</b>	<b>575,8</b>	<b>620,8</b>	<b>634,1</b>	<b>691</b>	<b>732,9</b>	<b>874,4</b>
	<i>шу жумладан:</i>										
1	шахар жойларда	366,1	358	367,4	394,1	418,7	449,8	457,5	486,9	517,2	566,1
2	қишлоқ жойларда	160,8	164,9	166,3	155,7	157,1	171	176,6	204,1	215,6	308,3
<b>4</b>	<b>Педагог ходимлар сони (минг киши)</b>	<b>60,6</b>	<b>56,5</b>	<b>55,3</b>	<b>55,5</b>	<b>57,7</b>	<b>57,6</b>	<b>58,3</b>	<b>59,7</b>	<b>63,3</b>	<b>81,1</b>



**2017 йилда фаолияти юритган мактабгача таълим муассасалари турлари тўғрисида маълумот<sup>49</sup>.**

№	Муассасаларнинг турлари	Сони (дона)	Жамидаги улуши (%)
1	Умумий турдаги муассасалар	4990	96,2
2	Нутқида оғир нуқсони бўлган болалар учун муассасалар	62	1,2
3	Кўп ихтисосли муассасалар	60	1,2
4	Санаторий туридаги муассасалар	24	0,5
5	Психик нуқсони бўлган болалар учун муассасалар	18	0,3
6	Кўришида оғир нуқсони бўлган болалар учун муассасалар	7	0,1
7	Ақлий ривожланишда нуқсони бўлган болалар учун муассасалар	5	0,1
8	Таянч ҳаракатланиш тизимида нуқсони бўлган болалар учун муассасалар	5	0,1
9	Эшитишида оғир нуқсони бўлган болалар учун муассасалар	4	0,1
10	Бошқа турдаги муассасалар	11	0,2
<b>Жами</b>		<b>5186</b>	<b>100,0</b>

2.2-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, 2017 йилда мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларини 96,2 фоиз қисмини умумий турдаги муассасалар ташкил қилса, соғлиғида нуқсони бўлган кўплаб болалар учун ҳам махсус мактабгача таълим муассасалари мавжуд экан. Мактабгача таълим муассасалари умумий сонидан (5186) умумий турдаги муассасалар (4990) улуши юқори (96,2%) бўлса-да, улардан ташқари яна 8 турдаги муассасалар мавжуд ва уларда асосан соғлиғида нуқсони бўлган болалар тарбияланмоқда. Улар таркибида санаторий туридаги, психик нуқсони бўлган, кўришида оғир нуқсони бўлган,

<sup>49</sup>Расм мушарриф томонидан Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

аклий ривожланишда нуқсони бўлган, таянч ҳаракатланиш тизимида нуқсони бўлган ҳамда эшитишида оғир нуқсони бўлган болалар учун ҳам мактабгача таълим муассасалари мавжуд. Жадвал маълумотларини расм кўринишида қуйидагича тасвирлаш мумкин:



**2.1-расм. 2017 йилда фаолияти юритган мактабгача таълим муассасалари турлари тўғрисида маълумот<sup>50</sup>.**


2.1-расм маълумотларида уларнинг сони бўйича камайиб бориш кетма-кетлигида қуйидагича: нутқиди оғир нуқсони бўлган болалар учун муассасалар – 62 та ва умумийдаги улуши – 1,2 фоиз (2), кўп ихтисосли муассасалар – 60 та ва умумийдаги улуши – 1,2 фоиз (3), санаторий туридаги муассасалар – 24 та ва умумийдаги улуши – 0,5 фоиз (4), психик нуқсони бўлган болалар учун муассасалар – 18 та ва умумийдаги улуши – 0,3 фоиз (5), кўришида оғир нуқсони бўлган болалар учун муассасалар – 7 та ва умумийдаги улуши – 0,1 фоиз (6), аклий ривожланишда нуқсони бўлган болалар учун муассасалар – 5 та ва умумийдаги улуши – 0,1 фоиз (7), таянч ҳаракатланиш тизимида нуқсони бўлган болалар учун муассасалар – 5 та ва 5 та ва умумийдаги улуши – 0,1

<sup>50</sup>Муаллиф томонидан Давлат Статистика кўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

фоиз (8), эшитишида оғир нуқсони бўлган болалар учун муассасалар – 4 та ва умумийдаги улуши – 0,1 фоиз (9), бошқа турдаги муассасалар – 11 та ва умумийдаги улуши – 0,2 фоиз (10). Фикримизча, бу ўринда яна бир масалани алоҳида таҳлил қилиш лозим. Бу ҳам бўлса шаҳар ва қишлоқ жойлардаги мактабгача таълим муассасалари сонидаги ўзгаришлар. Юқоридаги камайиш қайси ҳудудлар ҳиссасига тўғри келиши ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми қишлоқ жойларда қолгани шаҳарларда истиқомат қилишини инobatга олсак муассасалар сонидаги ўзгаришлар ҳам шунга мос бўлиши керакдек туюлади. Лекин жадвал маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, муассасалар сони асосан қишлоқларда камайган. Умуман олганда шаҳар ва қишлоқлардаги муассасалар сонининг кескин ўзгариши 2009 йилга тўғри келмоқда. Яъни шу йили 2008 йилга нисбатан қишлоқ жойлардаги мактабгача таълим муассасалари сони кескин камайган бўлса, шаҳар жойлардаги муассасалар сони кескин ортган. Жумладан, 2008 йилда қишлоқ жойлардаги муассасалар сони 3733 тани, шаҳар жойлардаги муассасалар сони 2585 тани ташкил қилган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткичлар қишлоқ жойларда 2801 тани ташкил қилган ва 932 тага камайган, шаҳар жойларда эса аксинча муассасалар сони 3438 тани ташкил ҳолда 853 тага ортган. Бундай кескин ўзгаришларни фақатгина географик ўзгаришлар билан яъни ҳудудларни шаҳар ёки қишлоқ ҳудудларига ажратишдаги ўзгартиришлар билан изоҳлаш мумкин. Шунинг учун ҳам бу ҳолатда муассасалар сонидаги ўзгаришларни 2010 йилдан 2017 йилгача бўлган давр учун таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки 2018 йилдан бошлаб мактабгача таълим тизимида катта ўзгаришлар юзага келган ва уларнинг сони ҳам ошиб бориш кўрсаткичларига эга бўлмоқда.

Хусусан, 2010 йилда қишлоқларда улар сони 2339 та бўлган бўлса, 2017 йилга келиб 2047 тани ташкил қилмоқда ва бу 2010 йилга нисбатан 292 тага ёки 14 фоизга камайган. Шаҳар жойларда эса муассасалар сони 2010 йилда 3036 тани ташкил қилган бўлса 2017 йилга келиб 3139 тани ташкил қилмоқда ва бу 2010 йилга нисбатан 103 тага ёки 3 фоизга ортган. Буни қуйидаги расмда аққолроқ кўришимиз мумкин:






**2.2-расм. Мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари сонининг қишлоқ ва шаҳар жойлардаги ўзгариши(дона)<sup>51</sup>**

Расм маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкинки, қишлоқ ва шаҳар жойлардаги муассасалар сонидagi ўзгаришлар сезиларсиз тескари боғланишга эга. Расмдан кўришимиз мумкинки, 2009–2012 йиллар давомида қишлоқ жойларда муассасалар сонининг камайиши ва шаҳар жойлардаги муассасалар сонининг ортиши кузатишган. 2013–2017 йилларда эса муассасалар сони деярли катта ўзгаришларга юз тутмаган бўлса-да, 2018 йилга келиб улар сонидagi ўзгаришлар кескин ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳам бўлса охириги йилларда соҳани бошқаришдаги ёндашувларни ўзгарганлигидан далолат беради. Лекин мактабгача таълим муассасалари сонидagi ўзгаришлар биринчи навбатда ҳукуматнинг уларни бошқаришдаги ёндошувини акс эттирса-да, уларни асосий фаолияти ҳақидаги тўла-тўқис тасаввурни бермаслиги мумкин. Буни аниқлаш учун эса уларда мавжуд жойлар сонини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Мактабгача таълим муассасаларида болалар учун ҳозирланган жойлар сонини таҳлил қилиш уларнинг асосий фаолиятига баҳо

<sup>51</sup>Расм муаллиф томонидан тайёрланган.

беришда энг муҳим вазифа ҳисобланади. Чунки муассасалардаги жойлар сони турлича бўлиши, бу улар сонига эмас жойлашган ҳудудига ва болалар қамровига боғлиқ бўлиши мумкин. Муассасалар умумий сонидаги ўзгаришлар улардаги мавжуд жойлар сонига қандай таъсир кўрсатганлигини 2.1-жалвал маълумотлари асосида тайёрланган қуйидаги расм маълумотларидан яққол кўришимиз мумкин:



### 2.3-расм. Мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасаларида мавжуд жойлар сони тўғрисида маълумот<sup>52</sup>

2.3-расмни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, мактабгача таълим муассасаларида мавжуд жойларнинг умумий сони 2009–2013 йиллар давомида камайиш тенденциясига эга бўлган бўлса, 2014–2018 йилларда ўсиб бормоқда. Лекин 2017 йилдаги умумий жойлар сони 734 мингни ташкил қилган бўлсада, 2009 йилдаги 729 мингга ўринга нисбатан атига 5 мингга ортган холос. Бу кўрсаткичларни шаҳарда жойлашган муассасалар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2011 йилдан бошлаб доимий ўсиш тенденциясига эгалигини кўришимиз мумкин. Жумладан, 2011 йилда шаҳарда жойлашган

<sup>52</sup>Расм муаллиф томонидан тайёрланган.

мактабгача таълим муассасаларида мавжуд ўринлар сони 447 мингга ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб, қарийб 526 мингга, яъни 2011 йилга нисбатан 79 минггага ёки 15 фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин. Қишлоқ жойлардаги мактабгача таълим муассасалари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, уларда жойлар сонининг камайганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, 2009 йилда қишлоқ жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида мавжуд жойлар сони 251 мингга ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 230 мингга, яъни 2009 йилга нисбатан 21 минггага ёки 8 фоизга қисқарганлигини кўришимиз мумкин. Бу таҳлиллardan кўриниб турибдики, мактабгача таълим муассасаларида мавжуд умумий жойлар сонидagi ижобий ўзгаришлар асосан шаҳарларда жойлашган муассасалар ҳисобига шаклланимoқда ва яна бир муҳим жиҳат шундаки, муассасалар сони ва улардаги жойлар ўртасида ижобий боғлиқ бoрлиги эҳтимоли мавжуд.

2.3-жадвал

**Мақтабгача таълим муассасалари ва улардаги жойлар сони тўғрисида маълумот**

Йиллар	Мақтабгача таълим муассасалари сони (дона)	Мақтабгача таълим муассасаларидаги жойлар сони (минг дона)
2000	6704	844
2001	6865	855
2002	6899	848
2003	6746	826
2004	6603	809
2005	6495	792
2006	6413	776
2007	6370	761
2008	6318	748
2009	6239	729
2010	5375	686
2011	5221	682
2012	5192	682
2013	5160	676
2014	5150	703
2015	5126	713
2016	5138	721
2017	5186	734
2018	6381	807



Ушбу боғлиқликни эконометрик дастурлардан бири бўлган STATA ёрдамида аниқлаш мумкин. Бунинг учун 2000–2018 йиллар оралиғидаги маълумотлардан фойдаланилди. Чунки эконометрик дастурлардан фойдаланишда маълумотлар сонининг кўп бўлиши улар орасидаги боғлиқликни янада аниқров ҳисоблаш имконини беради. Қолаверса охириги 10 йилликдаги кўрсаткичлар соҳадаги умумий ҳолатни тўлиқ ёритиб бермайди, чунки юқоридаги таҳлиллардан биламизки, 2009 йилдаги кўрсаткичларга 2017 йилга келибгина қайта эрилишган. Бу эса шу ораликда рақамларда катта ўзгаришлар бўлганлигини англатади. Бу эса ушбу ўзгаришлардан олдин улар қандай бўлганлигини ҳам аниқлаш заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам таҳлил мақсадлари учун мактабгача таълим муассасалари ва улардаги жойлар сони бўйича 2000–2018 йиллар оралиғидаги статистик маълумотлардан қуйидаги жадвални тузиб олдик.

2.2-жадвал маълумотларини STATA дастури ёрдамида таҳлил қилиш орқали мактабгача таълим муассасалари ҳамда улардаги жойлар сони ўртасидаги корреляция 0,91 га тенг эканлиги аниқланди. Яъни боғлиқлик жуда кучли ва аҳамиятли.

	МТМжойлар-иМТМсопи	
МТМжойларс-и	1.0000	
МТМсопи	0.9114	1.0000

Улар ўртасидаги регрессия эса бундан-да қизик маълумотларни тақдим этмоқда.

.. reg МТМжойларсони МТМсопи

Source	SS	dF	MS	Number of obs	=	19
				F(L, 17)	=	83.42
Model	55999.2465	1	55999.2465	Prob > F	=	0.0000
Residual	11411.4904	17	671.26414	R-squared	=	0.8307
				Adj R-squared	=	0.8206
Total	67410.7368	18	3745.04094	Foat MSE	=	25.909


МТМжойларс-и	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
МТМсопи	.0785895	.0086044	9.13	0.000	.0604358 .0967432
_cons	287.6696	51.77891	5.56	0.000	178.4256 396.9135

Яъни, регрессия бўйича улар орасидаги боғлиқлик ( $R^2$ ) 0,83 га тенг ва бу Чеддок шкаласи бўйича моделнинг юқори ишончлилигини билдиради. Таҳлил натижаларидан шуни айтиш мумкинки, муассасалар сонини 1тага ортиши улардаги жойлар сонини ўртача 78 тага ошириши мумкин.


Бизнингча, ушбу таҳлиллардан шуни айтиш мумкинки, муассасалар қамровини ошириш учун муассасалар сонини ошириш яхши самара бериши мумкин экан. Албатта бир қарашда бу шундоқ ҳам аниқдек кўришини мумкин, лекин муассасалар қувватини оширишни бошқа йўллари, масалан, мавжуд муассасаларни гуруҳлари сонини ёки улардаги болалар сонини ошириш ҳам мумкин. Аммо эконометрик таҳлиллар айнан улар сонини ошириш кўп ҳолларда фойдали эканлигини кўрсатмоқда. Чунки бундан бошқа йўналишларда болалар қамровини оширишнинг аввало физик имкониятлари мураккаб бўлса, бундан ташқари, ҳудудларнинг ўзига ҳослиги ҳамда аҳолининг бир текисда жойлашмаганлиги ҳам бу усулни мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Жадвалда мавжуд кейинги маълумот мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болалар сонидир. Бу кўрсаткич ҳам муассасалар фаолияти билан боғлиқ юзага келган кўплаб саволларга жавоб бера олиши билан қолаверса, муассасалар фаолиятининг асосий мезони эканлиги билан жуда муҳимдир. Юқорида биз мактабгача таълим муассасалари сони ва уларда мавжуд жойларнинг шаҳар ва қишлоқ кесимидаги таҳлилий маълумотларга эга бўлдик ва энди ўша жойларни тўлдирилишини таҳлил қилишимиз лозим.

**Мактабгача таълим муассасаларида мавжуд умумий  
жойлар сони ва уларга болалар қатнови таҳлили  
(минг бола)**




**Шаҳар жойларда (минг бола)**



**Қишлоқ жойларда (минг бола)**





#### **2.4-расм. Мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасаларида мавжуд жойлар ва уларга болалар қатновининг умумий, ҳудудлар кесимида маълумотлари<sup>53</sup>**

2.4-расм маълумотларини таҳлил қилиш орқали мактабгача таълим муассасаларида охириги 10 йил давомида мавжуд умумий жойларга нисбатан болалар сонининг етарли бўлмаганини кўришимиз мумкин. Жумладан, 2009 йилда мавжуд жойлар сони 729 мингтани ташкил қилган бўлса, мактабгача таълим муассасасида мавжуд болаларнинг умумий сони 527 мингтани яъни жами мавжуд жойларга нисбатан 202 мингтага камни ёки қувватга нисбатан қамров 72 фоизни ташкил қилган. Бу ҳолат йилдан-йилга яхшиланиб борган, яъни мавжуд жойлар ва болалар сонидagi фарқ қисқариб бориб, 2017 йилги келиб жами жойлар сони 734 мингтани ташкил қилган ҳолда болалар сони 733 мингтани, яъни жойлар тўлдирилиши қарийб 100 фоизни ташкил қилган. 2018 йилга келиб эса қамров мавжуд қувватлардан ортиш кетганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, 2018 йилда мавжуд умумий жойлар сони 807 мингни ташкил қилгани ҳолда, болалар қатнови 874 мингтага етган бўлиб, бу қувватга нисбатан

<sup>53</sup>Расм муаллиф томонидан тайёрланган.

108,0 фоизни ташкил қилади. Лекин, бу ҳолатни қишлоқ ва шаҳар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак қишлоқларда 2017 йил якунига қадар болалар қатнови яхши бўлмаганлиги ойдинлашади. Хусусан, 2017 йилда шаҳар жойларда умумий жойлар сони 504 мингга ташкил қилган бўлса-да, болалар сони 517 мингга ташкил қилган ва бу жами жойларга нисбатан 103 фоизни ташкил қилади. Қишлоқ жойларда эса аксинча, яъни 2017 йилда 230 минг жой бўлган бўлса-да, 216 минг болалар муассасаларда бўлган. 2018 йилга келиб эса қишлоқ жойларда ҳам болалар қатнови кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, қишлоқ жойларда умумий жойлар сони 281,0 мингга ташкил қилгани ҳолда, қатнов 308,0 мингга етган. Ушбу ҳолатлар фикримизча, ҳозирда соҳадаги асосий муаммо мактабгача таълим тизимида жойларни кўпайтириш эканлиги ойдинлашмоқда. Бу ўз навбатида ҳолатни мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий бўлиниши кесимида таҳлил қилиш заруриятини тугдиради. Чунки муассасалардаги болалар қамровининг ҳудудлар кесимида таҳлили ҳолатни ҳудудлар бўйича қандай эканлигини аниқлаш имконини беради.

2.4-жадвал маълумотларида 2011–2017 йилларда 3-6 ёшлардаги болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиниши фоизи кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, унга кўра 2011–2017 йиллар давомида 3-6 ёшлардаги болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиниши кўрсаткичи ўсиб бориш тенденциясига эга. Лекин, қамровнинг умумий болалар сонидagi улуши 2017 йилда қиз болалар бўйича 25,2 фоизни, ўғил болалар бўйича эса 25,6 фоизни ташкил қилмоқда. Бу мамлакатимизда шу йилда боғча ёшидаги ҳар тўрт боладан фақат биттасигина мактабгача таълим муассасаси билан қамраб олинганини кўрсатмоқда. Ҳолатни ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, мактабгача таълим муассасаси билан қамраб олиш бўйича энг яхши кўрсаткич Тошкент шаҳрида бўлиб, қиз болаларни 74,5 фоиз, ўғил болаларни 71,4 фоиз бўлса, кейинги энг яхши кўрсаткич Навоий вилоятида, яъни қиз болаларни 30,6 фоизи ўғил болаларни эса 30,9 фоизи қамраб олинган. Кейинги ўринларда Қорақалпоғистон Республикаси мос равишда 29,7 ва 28,8 фоиз,

**Мамлакатимизда 3-6 ёшлардаги болаларни мактабгача таълим муассасалари билан камраб олиниши фойизи кўрсаткичлари<sup>54</sup>**

Худудлар номи	2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил	
	қиз-лар	ўғил-болалар	қиз-лар	ўғил-болалар	қиз-лар	ўғил-болалар	қиз-лар	ўғил-болалар	қиз-лар	ўғил-болалар	қиз-лар	ўғил-болалар	қиз-лар	ўғил-болалар
Қорақалпоғистон Республикаси	17,9	16,3	16,7	17,6	17,7	16,6	20,7	20,2	21,9	20,9	22,4	23	29,7	28,8
Андижон вил.	16,1	15,8	14,1	16,1	15,9	15,3	16,8	16,6	19,6	18,5	19,2	24,1	22,6	23,5
Бухоро вил.	16,7	16	15,8	17,3	18,3	17,2	19,9	19,9	20,3	19,7	22,4	22,5	26,1	26,1
Жиззах вил.	15,9	15,6	15,2	16,6	14,1	14	15,2	14,3	14,7	14,3	21,6	20,3	16,6	16,2
Қашқадарё вил.	9,7	9,4	8,8	9,4	9	9	9,9	9,6	10,1	9,8	17	17,1	18,4	18,8
Навоий вил.	24,6	21,8	20,8	22,9	22,5	23,3	23,3	23,5	24,8	23,4	26,8	26,7	30,6	30,9
Наманган вил.	17,9	18,1	16,8	19	17,9	18,2	18,4	18,6	19,6	20,4	22,6	24	23,7	24
Самарқанд вил.	13,7	14	13,1	15,7	14,2	13,6	17,3	17,1	15,3	16,4	21,1	21,5	17,9	18,6
Сурхондарё вил.	10,2	8,5	9,1	9,2	10,1	9,4	10,8	10,4	10,8	10,3	12,5	12,1	11,3	11,6
Сirdaryo вил.	15,6	18,5	15,5	18,7	19,1	18,6	19	19,2	20,6	20,3	26,1	26,1	25,8	26,4
Тошкент вил.	20,5	22	19	23,4	20,6	22,9	22,7	24,3	23,8	25,3	25,1	26,5	28,7	29,8
Фарғона вил.	19,7	19,4	19,8	22,5	21,7	22,2	22	22,1	22,8	22,6	23,6	24	26,3	27,4
Хоразм вил.	16,9	8,1	11,1	11,1	12	11,9	13,3	13,2	13,4	13	14,3	13,6	22,6	22,4
Тошкент шаҳри	49,7	58,1	51,4	55,8	58,9	56,9	65,6	65,5	69,2	69,3	71	71,7	74,5	71,4
<b>Ўзбекистон бўйича ўртача</b>	<b>18,3</b>	<b>18,1</b>	<b>17,2</b>	<b>19,2</b>	<b>18,8</b>	<b>18,7</b>	<b>20,2</b>	<b>20,3</b>	<b>20,8</b>	<b>20,9</b>	<b>23,4</b>	<b>24,3</b>	<b>25,2</b>	<b>25,6</b>

<sup>54</sup>Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар портали (data.gov.uz)




Тошкент вилояти 28,7 ва 29,8 фоиз ҳамда Фарғона вилояти 26,3 ва 27,4 фоизни ташкил қилади.

Қамров бўйича энг ёмон кўрсаткич Сурхондарё вилоятида бўлиб, бу вилоятда қиз болалар қамрови 11,3 фоиз бўлса, ўғил болалар қамрови 11,6 фоизни ташкил қилмоқда. Кейинги энг ёмон кўрсаткич Жиззах вилоятида бўлиб, уларда қиз болалар қамрови 16,6 фоиз бўлса, ўғил болалар қамрови 16,2 фоизни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин.

Кейинги алоҳида масала республикамиз маъмурий-ҳудудий бўлиниши кесимида қамров даражасининг ошмаганлиги кўрсаткичларини қайд этган ҳудудларни ажратишдан иборат бўлади. Бу ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, мактабгача таълим муассасаси билан қамраб олинмиш даражаси охириги 2017 йилга нисбатан пасайган вилоятлар Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидир. Охириги икки йилда кескин ўсишга эришган ҳудудлар ҳам мавжуд бўлиб, улар жумласига Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Тошкент, Навоий ва Фарғона вилоятлари. Умумий ҳолатда ўсиш ёки пасайиш даражасини 5-расм маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Шунингдек, жадвалда айрим ҳудудларда қиз болалар қамров даражаси юқори бўлса, айрим ҳудудларда ўғил болалар қамров даражаси юқорилиги келтирилган. Жумладан, республикада энг катта қамров даражасига эга бўлган Тошкент шаҳрида қиз болалар қамров улуши (74,5) ўғил болаларникига нисбатан (71,4) қарийб 3 фоизга юқори бўлган. Тошкент шаҳридан ташқари, ўғил болалар қамров даражаси энг юқори бўлган ҳудуд бу Навоий вилоятидир. Бундан кейинги ўринларда Тошкент вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Фарғона вилоятларидир. Умуман олганда қамровни қиз ва ўғил болалар бўйича кўрсаткичи бир-бирига яқин.

Бу ҳолатни таҳлил қилишдан мақсад мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришда тендер тенглигига ҳам эътибор бериш кераклигидан келиб чиқади. Бизнингча бу яқин келажакда молиялаштиришнинг алоҳида йўналиши бўлиб қолади.



**2.5-расм. Республикамиз маъмурий-ҳудудий бўлиниши кесимида 3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш бўйича маълумотлар<sup>55</sup>.**

2.4-расм маълумотларини таҳлил қилганимизда мактабгача таълим муассасаларида мавжуд жойлар охириги йилларга келиб тўлдирилаётганлиги аниқланган бўлса-да 2.4-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, аслида мавжуд муассасалар билан қамраб олиш даражаси 25 фоиздан ошмас экан. Лекин 2019 йил якунига кўра Ўзбекистонда 13 500 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 90% га юқоридир. Мактабгача таълим вазирлиги 2019 йилда мактабгача таълим қамровини 2017 йилдаги 27,7%

<sup>55</sup>Расм муаллиф томонидан тайёрланган.

хамда 2018 йилдаги 37,7%дан 52%га кўтаришга эришди. 2020 йилда қамровни 59,5%га етказиш режалаштирилган<sup>56</sup>.

Бу ҳолат ўз-ўзидан аҳолининг демографик жараёнларга, яъни аҳолининг туғилиш кўрсаткичларига мурожаат қилишни тақозо этади. Чунки юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мактабгача таълим муассасалари билан болаларни қамраб олиш масаласи бир ёки икки йиллик масала эмас. Шундай экан бу ҳолатни яхшилаш учун кўпроқ вақт талаб этилар экан. Бу йиллар давомида кўплаб болалар боғча ёшидан ўтади. Лекин уларни ўрнига қанча янги боғча ёшидаги болалар қўшилишини билиш айтиш муддао бўлар эди. Болалар туғилиши кўрсаткичи мактабгача таълим муассасаларида келгусида қанча жой бўлиши лозимлигини белгилловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Аҳолининг туғилиш кўрсаткичини таҳлил қилиш орқали келгусида муассасаларга талаб қайси ҳудудларда қандай бўлишини билиб олиш мумкин ва шунга қараб кейинги сиёсатни белгилаш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. 2.5-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, охириги 5 йилда туғилиш кўрсаткичи ўсиб бориш тенденциясига эга. Жумладан, 2014 йилда жами туғилганлар сони 718,0 минг кишини, шундан, 344,8 минг нафари қиз болалар, 373,3 минг нафари ўғил болаларни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич жами туғилган болалар сони 768,5 минг нафарни, шундан 365,2 минг нафари қиз болалар, 403,3 минг нафари эса ўғил болаларни ташкил қилган. 2019 йилнинг 9 ойи бўйича эса туғилган болалар умумий сони 589,7 минг донани ташкил қилиб, шундан 282,7 нафари ўғил болалар бўлса, 307,0 минг нафари қиз болалардир.

Туғилган болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш учун улар ҳозирги қонунчилик бўйича 3 ёшга тўлишлари керак. Бу эса қамров бўйича босим болалар туғилгандан кейин улар бўйича 3 йилдан кейин юзага келишини билдиради, аммо бизнингча, бу болаларни қамраб олиш билан бир қаторда аввал қамраб олинмаган 4-6 ёш оралиғидаги болалар ҳам мавжуд ва улар

<sup>56</sup> Электрон манба : [mdo.uz/uz/news/maktabgacha-talim-vazirligining-matbuot-anzumani-2019-jil-akunlari-va-2020-jil-ucun-rezalar-murojaat-killinlat-sana-20.03.2020.html](http://mdo.uz/uz/news/maktabgacha-talim-vazirligining-matbuot-anzumani-2019-jil-akunlari-va-2020-jil-ucun-rezalar-murojaat-killinlat-sana-20.03.2020.html)



Мамлакатимизда туғилган болалар сони тўғрисида маълумот<sup>57</sup>.

(минг бола)

Худудлар номи	2014 йил			2015 йил			2016 йил			2017 йил			2018 йил		
	жам	қиз бола-лар	ўғил бола-лар	жамин	қиз бола-лар	ўғил бола-лар	жамин	қиз бола-лар	ўғил бола-лар	жамин	қиз бола-лар	ўғил бола-лар	жамин	қиз бола-лар	ўғил бола-лар
	Қорақалпоғистон Республикаси	40,9	19,6	21,3	41,3	20,0	21,4	39,4	19,0	20,4	37,8	18,4	19,4	40,1	19,6
Авджей	67,9	32,7	35,2	69,6	33,4	36,1	68,8	33,0	35,8	67,4	32,4	35,0	72,4	32,4	40,0
Бухоро	38,3	18,4	19,9	39,4	18,7	20,6	38,3	18,4	19,9	37,2	17,8	19,4	40,3	19,0	21,4
Жиззах	29,9	14,5	15,4	31,9	15,3	16,6	31,6	15,0	16,6	31,0	14,8	16,2	33,8	16,1	17,7
Қашқадарё	75,6	36,2	39,4	78,5	37,7	40,9	77,7	37,2	40,5	76,7	36,9	39,8	81,9	38,6	43,4
Навоий	20,1	9,7	10,4	20,3	9,8	10,5	20,8	10,1	10,7	20,6	9,9	10,7	21,6	10,3	11,3
Наманган	62,3	29,7	32,6	62,0	29,2	32,8	62,2	29,6	32,5	61,4	29,3	32,1	66,5	31,7	34,8
Самарқанд	87,8	42,0	45,8	88,6	42,6	46,0	88,3	42,5	45,8	90,0	42,9	47,1	98,9	47,5	51,4
Сурхондарё	60,7	29,2	31,5	64,4	30,3	34,1	62,6	30,1	32,6	64,9	31,0	33,9	68,3	32,7	35,6
Сирдарё	17,4	8,4	9,1	17,9	8,7	9,2	17,6	8,3	9,3	17,6	8,6	9,1	18,3	8,9	9,5
Тошкент	57,8	27,8	30,1	58,7	28,0	30,7	57,2	27,3	29,9	54,8	26,3	28,5	59,3	28,3	31,0
Фарғона	76,7	36,9	39,8	79,2	38,3	40,9	78,6	37,9	40,7	75,5	36,1	39,4	81,4	38,9	42,5
Хоразм	40,2	19,5	20,8	39,5	19,0	20,5	39,2	19,0	20,2	37,6	18,1	19,5	40,1	19,2	20,9
Тошкент шаҳри	42,2	20,3	22,0	42,8	20,5	22,3	43,9	21,0	22,9	43,2	20,7	22,4	45,5	22,1	23,4
<b>Жамин</b>	<b>718,0</b>	<b>344,8</b>	<b>373,3</b>	<b>734,1</b>	<b>351,5</b>	<b>382,7</b>	<b>726,2</b>	<b>348,5</b>	<b>377,7</b>	<b>715,5</b>	<b>343,1</b>	<b>372,4</b>	<b>768,5</b>	<b>365,2</b>	<b>403,3</b>

биргалиқда мактабгача таълим муассасалари учун катта қамров босимини юзага келтиради.

Туғилиш кўрсаткичлари бўйича охириги беш йилда энг кўп туғилиш Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона ва Андижон вилоятларида кузатилган бўлса, энг кам туғилиш Сирдарё ва Навоий вилоятларида ҳисобга олинган. Шунингдек, охириги йилларда Сурхондарё вилояти ҳам туғилиш кўрсаткичлар бўйича сезиларли ўсишга эришганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳам кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларини ташкил қилиш бўйича ишларни қайси вилоятлар кесимида амалга ошириш лозимлиги бўйича сигналлар бериши мумкин.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар сонини алоҳида формула асосида ҳисоблаб чиқиш ҳам мумкин. Бунинг учун туғилиш бўйича статистик маълумотлар керак бўлади:

$$\sum n = m_{1(n-3)} + m_{2(n-4)} + m_{3(n-5)} + m_{4(n-6)}$$

Бу ерда:

$n$  – мактабгача таълим ёшидаги болалар сонини аниқланиши керак бўлган йил;

$m$  – муайян йилда туғилган болалар сони.

Яъни формула орқали  $n$  йил учун мактабгача таълим ёшидаги болалар сонини аниқлаш учун ундан 3( $n-3$ ), 4( $n-4$ ), 5( $n-5$ ) ва 6 ( $n-6$ ) йил олдин туғилган болалар сонини бир-бирига қўшиш лозим бўлади. Масалан 2018 йилда мамлакатимизда мактабгача таълим ёшидаги болалар сонини аниқлаш учун 2012,2013,2014 ва 2015 йилда туғилган болалар сонини қўшиш амалга оширилади. Бунда туғилган ва 3,4,5,6 ёшдаги болалар сониди фарқ бўлиши асосан камайиб бориши кузатилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, 2011 йилда туғилган болаларнинг бир қисми 2018 йилнинг бошида 7 ёшга тўлмаса-да, улар формулага киритилмаган. Шунингдек, боғча ёшидаги болалар сони деганда асосан болаларнинг 3 ёшга тўлиши назарда тутилган бўлса-да, мамлакатимизда махсус тарғибли муассасаларда ундан кичик ёшдаги болалар ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги факти эътиборга олинмаганлиги билан компенсацияланган. Ушбу формула орқали биз статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда қуйидаги жадвалга (2.6-жадвал) эга бўлдик.

Ушбу формуланинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у орқали мактабгача таълим ёшидаги болалар сонини жорий йилдан кейинги 3 йилдаги кутилаётган прогнозини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Бу эса бугунги кунда мамлакатимиз давлат бюджет тизимига киритилиши бошланган бюджетни ўрта муддатга режалаштиришда катта аҳамият касб этиши мумкин.

2.6-жадвал

**Мактабгача таълим ёшидаги болалар сони тўғрисида  
маълумот<sup>58</sup>**

Йиллар	МТМ ёшидаги болалар сони (минг бола)	Ўтган йилга нисбатан ўзгариши (%)
2006 йил	2081	x
2007 йил	2094	100,6
2008 йил	2114	101,0
2009 йил	2138	101,1
2010 йил	2238	104,7
2011 йил	2344	104,7
2012 йил	2462	105,0
2013 йил	2541	103,2
2014 йил	2555	100,5
2015 йил	2534	99,2
2016 йил	2562	101,1
2017 йил	2645	103,2
2018 йил	2757	104,2
2019 йил*	2858	103,7
2020 йил*	2894	101,3
2021 йил*	2944	101,7

\*-кутилаётган кўрсаткичлар

2.6-жадвал маълумотлари орқали мамлакатимизда мактабгача таълим ёшидаги болалар сони мунтазам ортиб борганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2006 йилда улар сони 2,1 млн болани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб 2,7 млн болага етган ва 2021 йилга бориб эса 2,9 млн болага етиши кутилмоқда.

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.



Мактабгача таълим ёшидаги болалар сонининг йиллик ўртача ўтган йилга нисбатан ўсиши 1 дан 3 фоизгачани ташкил қилмоқда ва бу 2017–2019 йилларда 3 фоиз атрофида сақланиб қолади.

Шунингдек, Фикримизча ушбу маълумотни мактабгача таълим муассасаларидаги жойлар сонига боғлиқлигини таҳлил қилиш орқали мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини молиялаштиришда ушбу энг муҳим кўрсаткичнинг таъсирини баҳолаш имконига эга бўламиз.

Бунинг учун эса алоҳида жадвал шакллантириш лозим бўлади. Ушбу жадвалда маълум йилларда мактабгача таълим муассасаларида мавжуд жойлар сони ва шу йилда мактабгача таълим ёшидаги болалар сони киритилади.

*2.7-жадвал*

**Мактабгача таълим муассасаларидаги жойлар ва таълим ёшидаги болалар сони тўғрисида маълумот<sup>59</sup>**

Йиллар	МТМлардаги жойлар сони (минг дона)	МТМ ёшидаги болалар сони (минг бола)
2006 йил	776	2081
2007 йил	761	2094
2008 йил	748	2114
2009 йил	729	2138
2010 йил	686	2238
2011 йил	682	2344
2012 йил	682	2462
2013 йил	676	2541
2014 йил	703	2555
2015 йил	713	2534
2016 йил	721	2562
2017 йил	734	2645
2018 йил	807	2757

2.7-жадвалда маълумотлар 2006 йилнинг маълумотларидан бошланади. Бунга асосий сабаб туғилиш бўйича статистик маълумотлар 2000 йилдан бошланган бўлиб, формулага асосан

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-юктоби.

маълум бир йилдаги тўлиқ болалар сонини ҳисоблаш учун 6 йил олдинги туғилиш тўғрисидаги маълумотлар керак бўлади. Агарда жадвалга 2005 йилнинг маълумотларини олганимизда бунинг учун бизга 1999 йилдаги туғилиш маълумотлари керак бўлади ва бу маълумот мавжуд эмас. Фикримизча, шундай бўлса-да маълумотлар омборида 13 та қаторнинг мавжудлиги уни таҳлили қилишга имкон яратади. Қолаверса ушбу маълумотлар охириги йиллардаги бўлганлиги билан реалликка яқин ҳамда уларни таҳлил қилиш нисбатан бугунги кунга яқинроқ хулосаларга эга бўлишимизга олиб келади. Шунингдек, ушбу жадвалга 2019–2021 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари киритилмаган бўлиб, бунинг асосий сабаби мактабгача таълим муассасаларидаги жойлар сонининг ушбу йиллар учун проноз маълумотлари йўқлигидир.

Ушбу жадвал маълумотларини STATA дастури ёрдамида таҳлил қилиш орқали мактабгача таълим муассасалари ҳамда улардаги жойлар сони ўртасидаги корреляция манфий экалигини кўришимиз мумкин.

	KTYLap-1 KTYL6uz-1	
KTYLap-1	1.0000	
KTYL6uz-1	-0.0888	1.0000

Бу эса ўз навбатида мактабгача таълим тизимида жойлар сони билан аҳолининг туғилиши ўртасида аҳамиятли боғлиқлик йўқ дейишга асос бўлади. Бундай ҳолатда регрессион таҳлил амалга оширилмайди.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Мактабгача таълим муассасаларининг асосий қисмини давлат мактабгача таълим муассасалари ташкил қилади.

2. Муассасалар ва улардаги мавжуд жойлар сони 2010 йилдан бошлаб кескин камайиш тенденциясига эга. Бунинг асосий сабаби молиялаштиришдаги ўзгаришлар бўлиши мумкин. Муассасалар ва улардаги мавжуд жойлар умумий сони камайган бўлса-да,

географик жиҳатдан қишлоқ жойларда камайиб шаҳар жойларда ортиб борган.

3. Мактабгача таълим муассасалари ҳамда улардаги жойлар сони ўртасидаги корреляция 0,91 га тенг, яъни боғлиқлик жуда кучли ва ахамиятли.

4. 2018 йилга келиб мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони улардаги жойлар сонидан ортиб кетган. Бу шаҳар ва қишлоқ ҳудудларига бирдек тааллуқли.

5. Мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони улардаги жойлар умумий сонидан ортиб кетган бўлса-да, умумий қамров даражаси республика бўйича 2017 йилда 25 фоиз бўлган.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар сонини аниқлаш учун қуйидаги формула ишлаб чиқилди:

$$\sum n = m_{1(n-3)} + m_{2(n-4)} + m_{3(n-5)} + m_{4(n-6)}$$

Ушбу формула орқали ҳисобланган мактабгача таълим ёшидаги болалар сони ва уларда мавжуд жойлар сони корреляция коэффициенти манфий бўлиб, улар ўзаро боғланмаганлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида ҳар қандан молиялаштириш тизими учун ахамиятли бўлган демографик кўрсаткичларни мактабгача таълим тизимини молиялаштиришда ҳисобга олинмаганидан дарак беради.

## **2.2 Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш таҳлили**

Юқоридаги бобда биз мактабгача таълим муассасалар сони, турлари, қуввати, қамров даражаси ва туғилиш кўрсаткичлари каби маълумотларни таҳлил қилиш орқали аввало мактабгача таълим муассасалари шу ёшдаги болаларни қамров даражаси паст эканлигини аниқладик. Бу бобда эса қамров даражасига боғлиқ равишда мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш жараёнини таҳлил қиламиз. Бу эса ўз навбатида тизимдаги муаммолар ва молиялаштириш жараёнлари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш ҳамда аниқлаш имконини яратиши мумкин.



Мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш бўйича асосий манба давлат бюджети ҳисобланади. Чунки мактабгача таълим таълимнинг бошланғич босқичи сифатида белгиланганлиги сабабли мактабгача таълим муассасаларининг асосий қисми давлат муассасаларидир.

Бу ҳолат мамлакатимизда мактабгача таълимни молиялаштириш жараёни бевосита давлат бюджетига боғлиқ эканлигини англатади. Шундай экан мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларига давлат бюджетидан амалга оширилган харажатларни комплекс равишда, яъни умумий давлат бюджети харажатлари билан биргаликда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу харажатларни таҳлил қилишда асосий эътибор мактабгача таълимга давлат бюджети амалга оширилган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуши ҳамда уни ўтган йилга нисбатан ўсишига қаратилади. Чунки бу ҳолатлар фискал сиёсат нуктаи назаридан соҳа асосий йўналишлар қаторида қандай ўринга эгаллигини кўрсатиши мумкин. Давлат бюджети харажатларининг кескин ўсиши фонида соҳага катта харажатлар кўзда тутилаётган бўлса, бу маблағларни йўналтиришни такомиллаштириш асосий масала ҳисобланади.

2.8-жадвал маълумотларини таҳлили қилиш шуни кўрсатмоқдаки, давлат бюджети харажатлари охириги 5 йилда давлат бюджети харажатлари мунтазам ўсиб бориш тенденциясига эга. Хусусан, 2018 йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш фойизи энг катта бўлиб, 161,6 фойизни ташкил қилган бўлса, миқдор жиҳатидан 2019 йилда 38,2 трлн.сўмга ортиб, энг катта миқдорни ташкил қилган.

Давлат бюджет харажатларининг ўсиши мактабгача таълим муассасаларинига ажратилган маблағларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, 2015 йилда давлат бюджетидан мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш учун жами 1453,7 млрд сўм ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилга келиб қарийб 3,6 баробарга ошди ва 5313,9 млрд сўмни ташкил қилган. Шу ўринда ажратилган маблағлар миқдорининг ортиши билан биргаликда ушбу мақсадларга ажратилган маблағларни умумий давлат

Давлат бюджети харajatлари таркиби ва ўзгаришлари таҳлили <sup>60</sup>

млрд. сум.

№	Кўрсаткичлар	2015 йил			2016 йил			2017 йил			2018 йил			2019 йил		
		Жами	Улуши (%)	Ўтган йилга нисбатан ўсishi (%)	Жами	Улуши (%)	Ўтган йилга нисбатан ўсishi (%)	Жами	Улуши (%)	Ўтган йилга нисбатан ўсishi (%)	Жами	Улуши (%)	Ўтган йилга нисбатан ўсishi (%)	Жами	Улуши (%)	Ўтган йилга нисбатан ўсishi (%)
	Жами	36287,3	100,0	115,4	40911,3	100,0	112,8	49343,7	100,0	120,6	79736,1	100,0	161,6	118008,6	100,0	148,0
	<i>Шу жумладан:</i>															
1	Иқтисодий соҳа:	21316,9	58,8	117,8	24101,6	58,9	113,1	27223,3	55,2	113,0	42688,9	53,5	156,7	63542,3	53,8	149,9
1.1	Министрлик (таълим)	12162,2	33,5	116,3	13831,7	33,8	113,7	15979,6	32,4	115,5	20631,9	25,9	129,1	31336,1	28,4	162,5
	<i>шундан:</i>															
	Маълумоти йўналиш	1453,7	4,0	117,5	1638,2	4,0	112,7	1798,5	3,6	109,8	2940,6	3,2	163,5	5913,9	4,5	180,7
1.2	Соғлиқни сақлаш	5218,5	14,4	115,8	5811,6	14,2	111,4	7310,0	14,9	126,1	9883,8	12,0	130,8	14977,4	12,7	156,2
1.3	Маданият ва спорт	387,5	1,1	107,2	460,6	1,1	118,9	750,2	1,3	162,9	1345,5	1,7	179,3	2417,3	2,0	179,7
1.4	Фин	216,7	0,6	115,9	238,2	0,6	110,0	275,5	0,6	115,7	441,1	0,6	160,1	662,4	0,6	150,2
1.5	Иқтисодий таълимлот ва нафақалар	2250,2	6,2	116,5	2204,3	5,4	98,0	2673,9	5,4	121,3	3896,2	4,5	134,5	5932,3	5,0	165,0
1.6	Уй-жойлар қуриш бўйича банкларга кредит допласи	869,8	2,4	132,8	1335,5	3,3	153,5	214,0	0,4	16,0	3632,0	4,6	1697,0	4125,7	3,5	113,6
2	ҲНТ ва фуқаролик жамоатлари институтилари	10,0	0,03	120,5	11,0	0,03	110,0	12,0	0,02	109,1	17,8	0,2	148,3	37,8	0,03	212,4
3	Истеъмолий бўйича	3821,3	10,5	113,6	4319,5	10,6	113,0	5280,7	10,7	122,3	7637,8	9,6	144,6	18481,0	15,7	242,0
4	Мўдринаштирилган интеститлар	1838,7	5,1	113,7	2089,1	5,1	113,6	3234,7	6,6	154,8	5400,4	6,8	167,0	7048,5	6,0	130,5
5	Давлат ҳокимияти бошқариш органилари	1665,9	4,4	113,6	1822,6	4,8	113,5	2429,7	4,9	133,3	3878,9	4,9	159,6	7005,7	5,9	180,6
6	Бошқалар	7664,5	21,1	118,7	8567,5	20,9	111,8	11163,2	22,6	130,3	20142,4	25,1	180,4	21893,3	18,6	108,7

<sup>60</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

№	Күрсәتكүчләр	2015 йыл			2016 йыл			2017 йыл			2018 йыл			2019 йыл		
		Жаңы	Улутун (%)	Уттан йытты алынганы (%)	Жаңы	Улутун (%)	Уттан йытты алынганы (%)	Жаңы	Улутун (%)	Уттан йытты алынганы (%)	Жаңы	Улутун (%)	Уттан йытты алынганы (%)	Жаңы	Улутун (%)	Уттан йытты алынганы (%)
	Жаңы	36257,3	100,0	115,4	40911,3	100,0	112,8	49343,7	100,0	120,6	79736,1	100,0	161,6	118003,6	100,0	148,0
	Шу эрадагы:															
1	Икътисади сәләт:	21316,9	58,9	117,8	24101,6	58,9	113,3	27223,3	55,2	113,0	42658,9	53,5	156,7	63542,3	53,8	149,0
1.1	Мәдәният (сәһнә)	12162,2	33,5	116,3	13831,7	33,8	113,7	15979,6	32,4	113,5	20631,9	25,9	129,1	33306,1	28,4	162,5
	ишлән:															
	Мәдәният өлкәсе:	14532,2	4,0	117,5	16382,2	4,0	112,2	17982,5	3,6	109,8	29400,6	3,2	163,5	51132,9	4,5	180,7
1.2	Сәһнә сәһнә	5218,5	14,4	115,8	5811,6	14,2	111,4	7330,0	14,9	126,1	9583,8	12,0	170,0	14077,4	12,7	156,2
1.3	Мәдәният ва спорт	387,5	1,1	107,2	460,6	1,1	118,9	750,2	1,5	162,9	1345,5	1,7	178,3	2417,3	2,0	178,7
1.4	Баш	216,7	0,6	115,9	238,2	0,6	110,0	275,5	0,6	115,7	441,1	0,6	160,1	662,4	0,6	150,2
1.5	Мәдәният өлкәсе ва спорт өлкәсе:	2250,3	6,2	116,5	2294,3	5,4	98,0	2673,9	5,4	121,3	3596,2	4,5	154,5	5932,3	5,0	165,0
1.6	Улут-сәһнә күреш буйынча баһаһарта күрештән:	869,8	2,4	132,8	1335,5	3,7	153,5	2140	0,4	16,0	5632,0	4,6	1697,0	4125,7	3,5	113,6
2	ИИТ ва фәһрәт өлкәсе:	10,0	0,03	120,5	11,0	0,03	110,0	12,0	0,02	109,1	17,8	0,2	148,3	37,8	0,03	212,4
3	Икътисади сәһнә:	3821,3	10,5	113,6	4319,5	10,6	113,0	5280,7	10,7	122,3	7637,8	9,6	144,6	14481,0	15,7	242,0
4	Мәдәният өлкәсе ва спорт өлкәсе:	1838,7	5,1	113,7	2089,1	5,1	113,6	3234,7	6,6	154,8	5400,4	6,8	167,0	7048,5	6,0	130,5
5	Дәһләт өлкәсе ва спорт өлкәсе:	1605,9	4,4	113,6	1822,6	4,5	113,5	2429,7	4,9	133,3	3878,9	4,9	159,6	7005,7	5,9	180,6
6	Баш:	7664,5	21,1	118,7	8567,5	20,9	111,8	11163,2	22,6	130,3	20142,4	25,1	189,4	21893,3	18,6	108,7



бюджети харажатлари таркибидаги улушини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Жумладан, ажратилган маблағларни умумий давлат бюджети харажатлари таркибидаги улушини таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўрсаткич ўртача 3,6-4,5 фоиз атрофида сақланиб келинаётганигини кўришимиз мумкин. Хусусан 2015–2016 йилларда бу кўрсаткич 4,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда ҳам 3,6 фоизни, 2018 йилда 3,7 фоизни ва 2019 йилда 4,5 фоизни ташкил қилмоқда. Бу эса ўз навбатида давлат харажатлари таркибида мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш улуш жиҳатидан кўп ҳам ўзгаришга учрамаганидан далолат беради.

Мактабгача таълим муассасаларини давлат бюджетидан маблағ билан таъминлаш миқдор жиҳатидан ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, улушининг катта ўзгаришга учрамаганигини соҳа давлат бюджети таркибида харажатларнинг ўсиши билан параллел ўсганлигига ишора бериши мумкин ҳолос. Бу эса аввало муассасаларга маблағ ажратилишига асосий сабаблар давлат бюджети харажатларини оширишга бўлган сабаблар билан фақат бир томонлама боғлиқлигини кўрсатиб турибди. Яъни давлат бюджети харажатларини оширилиши аввало ижтимоий соҳада фаолият юритувчи ишчи-ҳодимларнинг ойлик маошларини оширилиши, муассасалар моддий техника базасини яхшилаш учун, иқтисодий харажатларининг ортиши, марказлашган инвестициялар, давлат ҳокимияти, бошқарув органларини сақлаш ҳамда бошқа харажатларнинг ортишини ҳисобига амалга ошмоқда. Бу сабаблар ичида эса мактабгача таълим муассасалари харажатларини ортиришга асосан ижтимоий соҳага харажатларнинг ортиши омиллари таъсир қилиши мумкин ҳолос. Лекин, мактабгача таълим муассасалари харажатларининг ўтган йиллардаги шу соҳа харажатларига нисбатан ўзгаришини ижтимоий соҳа таркибидаги бошқа харажат йўналишларига нисбатан таҳлил қиладиган бўлсак, ундаги ўсиш нисбатан сезиларли бўлганини билишимиз мумкин. Хусусан, 2019 йилда мактабгача таълим муассасалари харажатлари 2018 йилга нисбатан 180,7 фоизга ўсган бўлса, бу кўрсаткич мос равишда, умумий маориф (таълим) учун 162,5 фоизни, соғлиқни сақлаш учун 156,2 фоизни, фан учун 150,2 фоизни, ижтимоий таъминот ва нафақалар

учун 165,0 фоизни ташкил қилмоқда. Бу ҳам соҳага эътибор ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Шундай бўлса-да, ушбу ажратилган харажатларнинг нечоғли самарали эканлигини баҳолаш учун аввало уларнинг таркибини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Мактабгача таълим муассасаларига давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг қарийб 60-70 фоизи биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатларига, яъни иш ҳаки ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда ягона ижтимоий тўлов харажатлар эканлигини инобатга олсак, бизнингча, мактабгача таълим муассасаларида қамровни ошириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар деярли таъсир қилмайди. Фикримизча, ушбу маблағлар асосан давлат мактабгача таълим муассасаларини сақлаб туриш ва узлуксиз фаолиятини таъминлашга қаратилган дейиш мумкин.

Харажатларнинг қолган 30 фоизи 4-гуруҳ харажатларига, яъни муассасаларни сақлаб туриш учун керакли бўлган ишлар ва хизматларни сотиб олишга йўналтирилганлиги ҳам фикримизга далил бўлиши мумкин. Яъни мактабгача таълим муассасаларини давлат бюджетидан молиялаштириш асосан уларни сақлаб туришгагина қаратилганлигини, янги боғчалар қурилиши орқали ўринлар яратиш ёки шунга ўхшаш мақсадлар учун маблағлар кам ажратилаётганлигини айтиб ўтиш мумкин. Шунингдек, фикримизча, мактабгача таълим муассасаларига аввалдан ўрнатилган улуш даражасида йиллар давомида фақат иқтисодий ўсишдан келиб чиқиб “компенсацияловчи” маблағларга оширилиб ажратилган маблағлар муассасаларни фақат жорий сақлашга йўналтирилганлиги уларнинг моддий техника базасини доимий ёмонлашишига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда харажатларнинг оширилиши янги жойларни барпо этишдан кўра мавжудларидаги ҳолатни яхшилашга йўналтиришга мажбурият мавжуд десак хато бўлмайди.

Ҳозирги кунга қадар мактабгача таълим муассасаларини давлат бюджетидан маблағ билан таъминлашда бир тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш усулидан элементларидан фойдаланишга ҳаракат қилиб келинмоқда. Бу ҳаракатлар 2010 йилдан бошланган бўлиб, ҳар бир мактабгача

таълим муассасалари харажатларининг умумий суммаси қуйидаги формула орқали бир тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш тартибини қўллаш орқали аниқланиши белгиланган<sup>61</sup>:

$$BC = (N1 / K1) \times BMX1 + (N2 / K2) \times BMX2 + N1 \times Пб + N2 \times Пя + (N1+N2) \times BMX3$$

бу ерда:

МТМБ – мактабгача таълим муассасаси бюджети;

BMX1 – ҳар бир боғча тарбияланувчисига базавий норматив харажатлари;

BMX2 – ҳар бир ясли тарбияланувчисига базавий норматив харажатлари;

BMX3 – ҳар бир ясли тарбияланувчисига мактабгача таълим муассасасининг бошқа харажатлари (IV гуруҳ) бўйича базавий норматив харажатлари;

N1 – боғча гуруҳларида тарбияланувчиларнинг сони;

N2 – ясли гуруҳларида тарбияланувчиларнинг сони;

K1 – боғча гуруҳлари бўйича коэффициент;

$K1 = N1 / (n1 \times 20)$  бу ерда n1 – боғча гуруҳлари сони;

K2 – ясли гуруҳлари бўйича коэффициент;

$K2 = N2 / (n2 \times 15)$ , бу ерда n2 – ясли гуруҳлари сони;

Пя – бир ясли тарбияланувчисининг овқатланишига бюджетдан ажратилган сумма;

Пб – бир боғча тарбияланувчисининг овқатланишига бюджетдан ажратилган сумма.

Лекин ушбу формула ва тартиб бугунги кунга келиб нисбатан эскириб қолганлигини ва такомиллаштиришга муҳтож эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу тартиблар мамлакатимиздаги маъмурий ислохотлар замирида доимий ўзгаришларга юз тутмоқда. Чунки айнан Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилганлиги соҳада катта ўзгаришларнинг бошланиш нуқтаси бўлди десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, соҳадаги ташкилий тизимнинг, яъни бошқарув ва муассасалар фаолияти тузилмасининг ўзгартирилиши ҳам аввало молиялаштириш тизимларини ўзгартиришни тақозо қилади. Бундан ташқари, соҳага хусусий

<sup>61</sup> Срожаддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими



сектор инвестицияларининг киритилиши кенг йўлга қўйиш учун амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги кунда ҳаражатларнинг турлари ва уларни молиялаштириш манбаларида ҳам кескин ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Ушбу ислоҳотлар орқали давлат бюджетидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасалари учун гуруҳлар жамланмасига ҳам талаблар ўзгарди.

Бугунги кунда давлат мактабгача таълим ташкилотларида гуруҳлар куйидаги миқдорда тўлдирилади<sup>62</sup>:

– 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган гуруҳларда камида 20 нафар ва кўпи билан 30 нафар бола;

– болалар қисқа вақт бўладиган гуруҳларда кўпи билан 30 нафар бола;

– турли ёшдаги гуруҳларда камида 20 нафар ва кўпи билан 25 нафар бола;

– болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳларда кўпи билан 10 нафар бола.

Давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида гуруҳлар болаларнинг тоифасига ва ёшига қараб тўлдирилади ҳамда тегишли равишда куйидагиларни ташкил этади<sup>63</sup>:

– қар тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

– заиф эшитучи тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

– кўзи ожиз тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

– заиф кўрувчи яхши кўрмайдиган тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

– таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлар бўлган тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда камида 15 нафар ва кўпи билан 18 нафар тарбияланувчи;

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

– енгил даражада ақли заиф бўлган уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда камида 8 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи; ўрта даражада ақли заиф бўлган уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда камида 6 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

– нутқида оғир нуқсонлари бўлган уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

– психик ривожланишда кечикаётган уч ёшдан катта болаларга мўлжалланган гуруҳларда камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

– мураккаб нуқсонли (икки ва ундан ортиқ нуқсонли) тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи.

Шунингдек, болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларида бўлиш вақтига қараб у ердаги гуруҳлар қуйидагича бўлиши мумкинлиги ҳам белгиланган<sup>64</sup>:

- болалар қисқа муддат (қунига 3-4 соат) бўладиган гуруҳ;
- қисқа кунли гуруҳ (бир кунда 9 соатгача);
- тўлик кунли гуруҳ (қунига 10,5 ва 12 соат);
- болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳ.

Бугунги кунда мактабгача таълим тизимини молиялаштириш бўйича ислохотлар давом этмоқда ва айнан бир тарбияланувчи харажатларидан келиб чиқиб молиялаштириш тизими ҳам такомиллаштирилмоқда. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда мактабгача таълим қамрови ҳажмини ошириш учун соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш мақсадида, уларга солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялар, имтиёзли кредитлар бериш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, ушбу қарор билан биринчилардан бўлиб, эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилиши белгиланди<sup>65</sup>:

<sup>64</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

<sup>65</sup> Уша ерда

- замонавий ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш мақсадида инвесторларга ер участкалари, бўш турган бинолар, шу жумладан, фаолият юритмаётган ва тарбияланувчилар сони кам бўлган давлат мактабгача таълим муассасаларини бегараз ажратиш;

- инвесторларга мактабгача таълим муассасаларини, айниқса шундай муассасаларга юқори эҳтиёж мавжуд ва инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда ташкил этиш учун зарур бўлган солиқ имтиёзлари ва бошқа преференцияларни, шунингдек, имтиёзли кредитларни тақдим этиш имконияти;

- инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида лойиҳани амалга ошириш;

- инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутилган шартларга, мактабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига, санитария-гигиена нормаларига қатъий риоя этиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари хизмати нархининг ижтимоий ҳаммабоплигини таъминлаш;

- давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни бекор қилиш механизмлари.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сонли “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига билан ҳам тизимни молиялаштиришни такомиллаштириш мақсадида соҳа учун янги бўлган молиявий инструментлар киритилди.

Ушбу қарор билан асосий эътибор мактабгача таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик тизимини ривожлантиришга қаратилган ва унга илова сифатида “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.

Шунингдек, қарор билан мактабгача таълим нодавлат муассасаларини ривожлантириш ва давлат-хусусий шерикчилигини рағбатлантириш тадбирларини молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



хузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасининг алоҳида очиладиган ҳисобварағи (кейинги ўринларда – махсус ҳисобварақ)да жамлаш ҳамда шундай муассасаларга давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган сумманинг 50 фоизига қадар миқдорда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилган. Шунингдек, ушбу махсус ҳисобварақ маблағларидан имтиёзли кредитлар тижорат банклари томонидан мактабгача таълим фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 1 фоизли ставка бўйича ажратиб берилиши ҳам белгиланган.

Шу билан бирга қарор билан давлат-хусусий шерикчилиги шартларида ташкил этилган мактабгача таълим нодавлат муассасалари<sup>66</sup>:

- ташкил қилинаётган мактабгача таълим нодавлат муассасаларининг эҳтиёжлари учун ўрнатилган тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, асбоб-анжомлар, ўқув қуроллари ва ўйингоҳлар давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги битим тузилган кундан бошлаб 2 йил муддатга боғжона тўловлари (боғжонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан;

- мактабгача таълим нодавлат муассасаси ўз фаолиятини амалга ошира бошлагандан кейин ўн йил мобайнида барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Бу каби имкониятлар аввало мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини нафақат давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, балки хусусий сектор билан шерикчилик орқали ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Албатта бу ўринда асосий эътибор аҳолининг тўлов қобилияти даражасига боғлиқ бўлади.

Мактабгача таълим тизимини молиялаштириш ҳақида гапирганда унинг манбалари қаторида ота-оналар маблағлари ҳам катта ўрин эгаллайди. Бу тизим татбиқ этилиши орқали мактабгача

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сонли “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

таълим муассасаларининг харажатларини молиялаштириш учун қўшимча манба яратилди.

Ота-оналар бадал пули миқдорлари хар йили бюджет параметрларига асосан белгиланади. Бадал пуллари киритилишидан асосий мақсади сифатида болаларнинг овқатланиш рационини янада кенгайтириш, сифати ва турларини ошириш белгиланганлигини инобатга олиб, ушбу маблағлардан асосан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари қопланиб келинмоқда. Фикримизча, ота-оналар бадал пулларини киритилиши ва белгиланиши ҳам мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини молиялаштиришни ривожлантиришнинг асосий дастакларидан бири бўлганлиги боис аввало улар миқдорларини белгиланишини таҳлил қилиш лозим. Бугунги кунда бадал пуллари 5 ва 6 кунлик мактабгача таълим муассасалари кесимида, 5 ҳудуд даражасида, шунча хил вақт бўйича белгиланади.

2.9-жадвалда республикаимизда энг кўп тарқалган мактабгача таълим муассасалари иш тартибига мос равишда, яъни 9 ва 10,5 соатлик иш вақти режими ҳамда 5 ва 6 кунлик иш куни бўйича белгиланган ота-оналар бадал пули миқдорлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2018 йилга қадар 9 ва 10,5 соатлик иш режимидаги муассасаларда фарзандларини сақлаганлик учун тўланадиган бадал пуллари миқдорлари бир хил белгиланган бўлса-да, 2018 йилга келиб улар иккита алоҳида қисмларга ажратилган ҳолда белгиланган ҳамда бири-биридан сезиларли фарқ қилади. Шунингдек, жадвалдан кўриш мумкинки, белгиланадиган бадал пуллари миқдорлари республикаимиз ҳудудларига қараб ҳам табақалаштирилган бўлиб, 2018 йилдан бу табақаланиш оралиғи 2 тизимдан 5 тизимга ўзгарган. Яъни 2018 йилга қадар бадал пуллари ҳудудларни 2 турга бўлиш орқали белгиланган бўлса, бу 2018 йилга келиб, Тошкент шаҳри, вилоят марказлари, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, туман марказлари ҳамда қолган бошқа ҳудудлар кесимида алоҳида белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

## Мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган бадал пуллари тўғрисида маълумот

Худудлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил		2019 йил*	
	9-10,5 соътлик	9-10,5 соътлик	9-10,5 соътлик	9-10,5 соътлик	9-10,5 соътлик	9 соътлик	10,5 соътлик	9 соътлик	10,5 соътлик
<i>хайфпада 5 қуи иилайдиган муассасаларда</i>									
Тошкент шаҳри						130 000	155 000	156 000	186 000
Вилоят марказлари	79 590	85 200	98 000	110 500	126 400	125 000	150 000	150 000	180 000
Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар						115 000	130 000	138 000	156 000
Туман марказлари	55 713	60 200	69 300	78 500	89 800	85 000	115 000	102 000	138 000
бошқа худудлар						60 000	105 000	72 000	126 000
<i>хайфпада 6 қуи иилайдиган муассасаларда</i>									
Тошкент шаҳри						155 000	185 000	186 000	221 000
Вилоят марказлари	96 304	101 100	116 300	131 500	150 500	149 000	179 000	179 000	214 000
Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар						137 000	155 000	164 000	186 000
Туман марказлари	67 652	71 700	82 500	93 400	106 900	101 000	137 000	121 000	164 000
бошқа худудлар						71 000	125 000	86 000	150 000

\*2019 йилнинг 1 майдан амалда бўлган миқдорлар киритилган.



Шунингдек, таҳлил мақсадлари учун бир оиладан бир бола катнови учун белгиланган бадал пуллари бўйича маълумотлар олинган. Энди рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бадал пуллари миқдори 2013–2017 йилларда ўсиб бориш тенденциясига эгаллигини кўришимиз мумкин. 2018 йилдан киритилган янги тизим орқали айрим турларда бадал пуллари ўтган йилларга нисбатан камайган бўлсада, айрим қисмларида ўсишни кўрсатмоқда. Жумладан, 2018 йилга келиб, 9 ва 10,5 соатлик муассасалар учун бадал пуллари миқдори алоҳида белгиланиши оқибатида, 9 соатлик муассасаларда кўп ҳолларда айниқса вилоят марказлар, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, туман марказлари ҳамда қолган бошқа ҳудудларда жойлашган муассасалар учун белгиланган миқдорлар, ҳафтасига 5 ва 6 кунлик иш куни фаолиятига эга муассасаларнинг ҳар иккисидан ҳам 2017 йилда 9-10,5 соатлик муассасалар учун белгиланган миқдорлардан паст эканлигини кўришимиз мумкин. Лекин 10,5 соатлик муассасаларда бу ҳолатни аксини кўришимиз мумкин. Яъни уларга белгиланган бадал пуллари миқдорлари 2017 йилда 9-10,5 соатлик муассасалар учун белгиланган миқдорлардан юқоридир.

Бадал пуллари миқдорини пасайтирилиш ҳолати асосан кўпчилик ҳудудларни қамраб олувчи бошқа ҳудудлар позициясида амалга оширилганлигини қамров даражасининг айнан шу ҳудудларда пастлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, бадал пули миқдорини белгилаш мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришнинг қўшимча манбаси бўлибгина қолмасдан, ўзининг иқтисодий асосларига ҳам эга бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. Балки шунинг учун ҳам 2018 йилдан бошлаб аҳолининг энг катта қисми истиқомат қиладиган ва нисбатан даромадлилик даражаси паст бўлган ҳудудлар учун бадал пули миқдори пасайтирилган бўлиши мумкин. Бадал пуллари юқорида айтиб ўтилганидек, мактабгача таълим муассасасини молиялаштиришнинг алоҳида манбаси бўлса-да, аслида унинг ижтимоий аҳамияти ҳам мавжуд. Хусусан, бадал пуллари аҳоли ўртасидаги тенгсизликнинг кучайиб бориши оқибатида юзага келадиган эҳтиёжлар номуаносиблигини бироз юмшатишдек ижтимоий вазибаларни ҳам бажаради.

**Мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида аҳоли жон бошига умумий даромад миқдорлари тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ<sup>68</sup>**

(минг сўмда)

Ҳудудлар номи	2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
	Йиллик	ойлик	Йиллик	ойлик	Йиллик	ойлик	Йиллик	ойлик	Йиллик	ойлик
Қорақалпоғистон Республикаси	3204	267	3418	285	4186	349	6323	527	6843	570
Андижон вил.	3878	323	4315	360	5269	439	8382	698	8494	708
Бухоро вил.	5000	417	5600	467	6632	553	10836	905	11122	927
Жиззах вил.	3256	271	3566	297	4169	347	7917	660	8167	681
Қашқадарё вил.	3547	296	3978	331	4694	391	7587	632	7723	644
Навоний вил.	7157	596	7919	660	9036	753	13697	1141	14337	1195
Наманган вил.	3030	253	3446	287	4274	356	6769	564	6985	582
Самарқанд вил.	3609	301	4061	338	4808	401	7786	649	7856	655
Сурхондарё вил.	3284	274	3740	312	4488	374	7256	605	7631	636
Сирдарё вил.	4531	378	5115	426	5096	425	7922	660	8060	672
Тошкент вил.	4624	385	5209	434	6050	504	9071	756	9034	753
Фарғона вил.	3560	297	3960	330	4520	377	6869	572	6910	576
Хоразм вил.	3821	318	4286	357	5441	453	9176	765	9445	787
Тошкент шаҳри	8817	735	10498	875	12646	1054	15805	1317	17523	1460
<b>Ўзбекистон бўйича ўртача</b>	<b>4219</b>	<b>352</b>	<b>4763</b>	<b>397</b>	<b>5650</b>	<b>471</b>	<b>8665</b>	<b>722</b>	<b>8963</b>	<b>747</b>

<sup>68</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикасида Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Яъни фарзандлари мактабгача таълим муассасасига катнайдиган турли турмуш шароитларига эга бўлган оилалардаги озик-овқат билан таъминланганлик кўринишидаги тенгсизликни барчага тенг тақсимланган маблағларни йиғиб олиш ва шу мақсадларга сарфлаш орқали муассасада тенглаштириш имконияти яратилади. Шунинг учун ҳам бу йўналишни ривожлантириш ҳам мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш тизимини ислоҳ қилишда асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Биз юқорида бадал пулларини белгилаш ўзининг иқтисодий асосларига ҳам эга бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтган эдик. Шу мақсадда аҳоли жон бошига ўртача даромад миқдорини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

2.10-жадвал маълумотларида 2015–2019 йилларда мамлакатимизда ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига умумий даромад ва унинг бир ойлик миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган бўлиб, унда мамлакатимизда аҳоли жон бошига умумий даромад миқдорлари мунгазам ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, республика бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромад миқдорлари 2015 йилда йиллик 4219,0 минг сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 4763,0 минг сўмни, 2017 йилда 6818,0 минг сўмни ва 2019 йилда 8963,0 минг сўмни ташкил қилган. Бу ўртача даромад даражасини аҳоли турмуш тарзидаги ҳолатини яққолроқ кўриш учун тадқиқотимизда бу миқдорларни ойларга бўлинди. Яъни ўртача даромад даражаси ойлар кесимида қанча миқдорларни ташкил қилиши муҳим бўлиб, бу орқали уларнинг миқдорлари ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни сақлаганлик учун бадал пуллари миқдорини таққослаш имкони тугилади.

Мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида аҳоли жон бошига умумий даромад миқдорларини таҳлил қиладиган бўлсак, даромадлар миқдори 2015 йилда 2014 йилга нисбатан камроқ ўсган бўлса қолган йилларда ўтган йилларга нисбатан катта ўсиш тенденцияси мавжуд. Охириги йилларда аҳоли жон бошига даромадлар миқдори юқори бўлган ҳудудлар бўйича Тошкент шаҳри, Навоий ва Бухоро вилоятларида кузатилмоқда. Энг паст



даромад миқдори эса Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Фарғона вилоятларида эканлигини кўришимиз мумкин.

Шундай бўлса-да, бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларида бадал пуллари миқдори республика бўйича аҳоли жой бошига ўртача умумий даромадлар миқдорига боғлиқ бўлмаган равишда нисбатан тенг белгиланмоқда. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, мамлакатимиз ҳудудларида аҳоли жон бошига даромад миқдори турлича бўлиб, улар ҳудуднинг марказлари, туман марказлари ҳамда бошқа ҳудударига бир хилда тегишлидир. Яъни, ҳудуднинг аҳоли жон бошига умумий даромадари даражаси паст бўлса, бу унинг барча ҳудудига тегишли бўлади ва бунинг замирида яппи ҳудудий маҳсулот даражаси ётади. Бундан ҳам кенгроқ ёритадиган бўлсак, Навоий ва Наманган вилоятлари марказларида ёки бошқа ҳудудларида аҳолининг жон бошига умумий даромад миқдори хар хил бўлади. Лекин мактабгача таълим муассасалари учун бадал пуллари миқдори барча ҳудудлар учун бир хил белгиланган. Фикримизча, бу ҳолат мактабгача таълим ёшидаги болаларни камраб олишга ўзининг таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Таҳлилларимизни давом эттирган ҳолда, бир ойлик аҳоли жон бошига умумий даромад миқдори ва белгиланган бадал пули миқдорини кўриб чиқадиган бўлсак, бу ерда ҳам ўзаро бир-бирига яқин миқдорларни кўришимиз мумкин. Жумладан, 2014 йилни оладиган бўлсак, республика бўйича ўртача бир ойлик аҳоли жон бошига умумий даромад миқдори 319,0 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, мамлакатимизда энг кўп тарқалган 5 кунлик иш режимидаги мактабгача таълим муассасаси учун бадал пулининг энг юқори миқдори 85,0 минг сўмни ташкил қилиб, бир ойлик аҳоли жон бошига умумий даромад миқдорининг 26 фоизини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб, мос равишда 722,0 минг сўм бўлгани ҳолда, бадал пулининг энг юқори миқдори 155,0 минг сўмни, яъни бир ойлик аҳоли жон бошига умумий даромад миқдорининг 21 фоизини ташкил этмоқда. Шундай бўлса-да, бир ойлик аҳоли жон бошига умумий даромад миқдори республиканинг ўртача кўрсаткичидан паст бўлган ҳудудлар сонининг кўплиги (9 та) бу кўрсаткичнинг барча ҳудудлар учун бирдек тааллуқли эмаслигини кўрсатади.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида аҳоли жон бошига умумий даромад миқдори текис тақсимланмаганини ҳам эътибордан четда қолдириш керак эмас. Фикримизча, бу ҳолат ҳам бадал пулларини белгилашда номарказлаштириш тамойилларини қўллаш лозимлигини кўрсатмоқда. Бизнингча, мактабгача таълим муассасасининг қамров ҳажмини ва улардаги хизмат сифатини ошириш учун аввало маблағ талаб қилинишини назарда тутсақ, айрим ҳудудларда болалар катновицининг камлиги ҳам айнан мана шу маблағга, яъни бадал пули миқдorigа боғлиқдир. Шу маънода ҳар бир ҳудуд ўзидаги мактабгача таълим муассасалари бадал пули миқдорини ўз аҳолиси молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилаши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мактабгача таълим муассасалари қамровини оширишнинг яна бир алоҳида истиқболли йўналиши сифатида мактабгача таълим муассасаларидаги фаолиятни иккига бўлиш мумкин. Бунда асосий эътибор муассасалар кўрсатаётган хизматлар мактабгача таълимга ва мактабгача парваришга бўлишга қаратилади. Бунда ҳозирги кундаги давлат мактабгача таълим муассасаларидаги тизимдан фарқли равишда хусусий сектор учун айнан мактабгача парвариш тизими қўл келиши мумкин. Чунки мактабгача парвариш тизими орқали болаларни парваришланишларини ташкил қилиш мумкин ва бунинг учун тарбиячилардан алоҳида педагогик таълим талаб этилмайди. Бу ҳолатда болаларни мактабгача парвариш тизимига жалб қилинишлари ҳажми ортади, бунинг натижасида иш ўринлари яратилади, алоҳида таълим ҳужжатининг талаб қилинмаслиги сабабли ишчи кучининг арзонроқ бўлиши уларнинг бадал миқдорини нисбатан паст бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари, бизнингча мактабгача парвариш тизимини киритилиши ҳозирда мактабгача таълимга белгиланган талабларнинг енгиллаштирилиши орқали хусусий секторни ҳозирги кундаги катта талабларни бажаришга мажбур қилмаслиги билан ҳам кўп миқдорда ташкил этилишига ишонил мумкин. Фикримизча, бу тизим айнан педагогик мутахассислар етарли бўлгандан кейин мактабгача таълимга ўтишнинг пойдевори бўлиши мумкин.



Юқоридаги таҳлиллардан куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Мактабгача таълим муассасаларини давлат бюджетидан молиялаштиришнинг умумий харажатларга нисбатан улуши охириги 5 йилда қарийб 3-4 фозини ташкил қилмоқда.

2. Давлат бюджетидан мактабгача таълим тизимини молиялаштириш бир тарбияланувчига тўғри келадиган харажатлар миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

3. Мактабгача таълим тизимидаги маъмурий ислохотлар орқали тизимни молиялаштириш манбалари миқдор ва турлари бўйича кескин ошган.

4. Бугунги кунда давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги шаклидаги мактабгача таълим муассасаларини ташкил қилишга катта эътибор берилмоқда.

5. Хусусий сектор инвестицияларини соҳага кенг жалб қилиш мақсадида солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари, имтиёзли кредитлар ҳамда субсидиялар берилиши белгиланган.

6. Давлат бюджетидан мактабгача таълим муассасалари харажатларининг ўтган йиллардаги шу соҳа харажатларига нисбатан ўзгаришини ижтимоий соҳа таркибидаги бошқа харажат йўналишларига нисбатан 208 йилга келиб сезиларли даражада ўсган.

7. Мактабгача таълим муассасаларига давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг қарийб 60-70 фозини биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатларига, яъни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда ягона ижтимоий тўлов харажатларига йўналтирилади.

8. Давлат мактабгача таълим муассасаларида белгиланган бадал пуллари миқдорлари республикамиз ҳудудларига қараб табақалаштирилган бўлиб, 2018 йилдан бу табақаланиш оралиги 2 тизимдан 5 тизимга ўзгарган. Яъни 2018 йилга қадар бадал пуллари ҳудудларни 2 турга бўлиш орқали белгиланган бўлса, 2018 йилга келиб, Тошкент шаҳри, вилоят марказлари, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, туман марказлари ҳамда қолган бошқа ҳудудлар кесимида алоҳида белгиланган.



9. Белгиланган бадал пуллари миқдори мамлакатимиз худудларидаги аҳоли жон бошига умумий даромад миқдorigа мувофиқ эмас.

10. Мактабгача таълим ва мактабгача парвариш тизимлари бир-биридан ажратилмаган.

### **Иккинчи боб юзасидан хулоса**

Мактабгача таълим муассасаларининг асосий қисмини давлат мактабгача таълим муассасалари ташкил қилади.

Муассасалар ва улардаги мавжуд жойлар сони 2010 йилдан бошлаб кескин камайиш тенденциясига эга. Бунинг асосий сабаби молиялаштиришдаги ўзгаришлар бўлиши мумкин. Муассасалар ва улардаги мавжуд жойларнинг умумий сони камайган бўлса-да, географик жиҳатдан қишлоқ жойларда камайиб шаҳар жойларда ортиб борган.

Мактабгача таълим муассасалари ҳамда улардаги жойлар сони ўртасидаги корреляция 0,91га тенг, яъни боғлиқлик жуда кучли ва аҳамиятли.

2018 йилга келиб мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони улардаги жойлар сонидан ортиб кетган. Бу шаҳар ва қишлоқ худудларига бирдек тааллуқли.

Мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони улардаги жойлар умумий сонидан ортиб кетган бўлса-да, умумий қамров даражаси республика бўйича 2017 йилда 25 фоиз бўлган.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар сонини аниқлаш учун куйидаги формула ишлаб чиқилди:

$$\sum n = m_{1(n-3)} + m_{2(n-4)} + m_{3(n-5)} + m_{4(n-6)}$$

Ушбу формула орқали ҳисобланган мактабгача таълим ёшидаги болалар сони ва уларда мавжуд жойлар сони корреляция коэффициенти манфий бўлиб, улар ўзаро боғланмаганлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида ҳар қандай молиялаштириш тизими учун аҳамиятли бўлган демографик кўрсаткичларни мактабгача таълим тизимини молиялаштиришда ҳисобга олинмагандан дарак беради.

5. Мактабгача таълим муассасаларини давлат бюджетидан молиялаштиришнинг умумий харажатларга нисбатан улуши охириги 5 йилда қарийб 3-4 фозини ташкил қилмоқда.

6. Давлат бюджетидан мактабгача таълим тизимини молиялаштириш бир тарбияланувчига тўғри келадиган харажатлар миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

7. Мактабгача таълим тизимидаги маъмурий ислохотлар орқали тизимни молиялаштириш манбалари миқдор ва турлари бўйича кескин ошган.

8. Бугунги кунда давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги шаклидаги мактабгача таълим муассасаларини ташкил қилишга катта эътибор берилмоқда.

9. Хусусий сектор инвестицияларини соҳага кенг жалб қилиш мақсадида солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари, имтиёзли кредитлар ҳамда субсидиялар берилиши белгиланган.

10. Давлат бюджетидан мактабгача таълим муассасалари харажатларининг ўтган йиллардаги шу соҳа харажатларига нисбатан ўзгаришини ижтимоий соҳа таркибидаги бошқа харажат йўналишларига нисбатан 208 йилга келиб сезиларли даражада ўсган.

11. Мактабгача таълим муассасаларига давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг қарийб 60-70 фоизи биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатларига, яъни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда ягона ижтимоий тўлов харажатларига йўналтирилади.

12. Давлат мактабгача таълим муассасаларида белгиланган бадал пуллари миқдорлари республикамиз ҳудудларига қараб табақалаштирилган бўлиб, 2018 йилдан бу табақаланиш оралиғи 2 тизимдан 5 тизимга ўзгарган. Яъни 2018 йилга қадар бадал пуллари ҳудудларни 2 турга бўлиш орқали белгиланган бўлса, 2018 йилга келиб, Тошкент шаҳри, вилоят марказлари, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, туман марказлари ҳамда қолган бошқа ҳудудлар кесимида алоҳида белгиланган.

13. Белгиланган бадал пуллари миқдори мамлакатимиз ҳудудларидаги аҳоли жон бошига умумий даромад миқдорига мувофиқ эмас.

14. Мактабгача таълим ва мактабгача парвариш тизимлари бир-бирдан ажратилмаган.

## **III БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **3.1. Мактабгача таълим муассасаларида фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таҳлили**

Мактабгача таълим муассасалари кўрсатадиган таълим хизматлари сифати ва болаларга гамхўрлик қилишни тизимли баҳолашга ота-оналар фаол тарзда жалб этилмоқда. Мактабгача таълим муассасаси хизматларининг самарадорлигини аниқлаш ва уларни маълум мезонлар асосида баҳолашга асос бўлувчи кўрсаткичлар ота-оналар учун сўровномалар ўтказилмоқда. Мактабгача таълим хизматлари сифатини баҳолаш учун сўровномада иштирок этадиган ота-оналар, шунингдек мактабгача таълим хизмати сифатини ошириш юзасидан бошқарув қарорларини қабул қилишда ота-оналар иштироки кўпаймоқда.

Рус олимларидан Т.Поданёва<sup>69</sup> томонидан мактабгача таълим муассасаларини фаолият олиб бориш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш асосида улар фаолияти сифатини, самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини тавсия этди. Жумладан, улар қуйидагилардир: мактабгача таълим муассасаси ходимларини тайёрлаш, таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишнинг самарадорлиги, мактабгача таълим муассасасида соғлиқни сақлаш шароитларини яратиш, ногирон болалар учун мактабгача таълим хизматларини кўрсатишни яхшилаш, мактабгача таълим муассасаларини давлат ва жамоатчилик бошқаруви тизимини мустаҳкамлаш кабиларни киритиш мумкин.


Бизнингча, мактабгача таълим хизматларини баҳолашда икки ёндашувни инобатга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Улар: биринчидан, иқтисодий мезонларга асосланган бюджет маблағларини мақсадли фойдаланиши натижасидаги самарадорлик бўлса, иккинчидан мактабгача таълим муассасаларида баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ фаолиятнинг ноиқтисодий мезонлар

<sup>69</sup> Поданёва Т.В. Оценка эффективности деятельности дошкольной образовательной организации. Сибирский педагогический журнал. 2016. - № 5.



асосидаги натижадорлигини ўзида акс эттиради.

Биз тадқиқотларимиз давомида мамлакатимизда мактабгача таълим хизматлари сифатини молиялаштириш манбалари билан боғлиқлик ҳолатини аниқлашга ва баҳолашга ҳаракат қилдик. Шу боисдан, Google дастури ёрдамида <https://docs.google.com/forms/d/1EarO71k6CIpulldXXwJt5qWwk7-rPtgVhj8QfkZyemY/edit#responses> линкда жойлаштирилган саволномани туздик ва уни ота-оналар ўртасида ўтказдик. Мазкур саволномани интернет тармоғи ёрдамида ижтимоий порталларга тарқатган ҳолда иштирокчиларни жалб этдик. Сўровнома 2019 йил 2 апрелдан 6 июлга қадар ўтказилди. Унда 175 та респондент иштирок этишига эришилди. Сўровномада берилган жавоблар статистикаси таҳлилни амалга оширамиз. (1-10 расмларга қаранг).




**1-расм. “Фарзандингизнинг ёши нечада?” деб сўралган саволга жавоблар.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлда “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сонли қарорида давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш 3 ёшдан 7 ёшгача бўлиши белгилаб берилди. Шу боисдан, сўровномада иштирок этган ота-оналарнинг 3-7 ёшдаги фарзандлари улуши 72 фоизни ташкил этмоқда (1-расмга қаранг). Мамлакатимизда 4-6 ёшдаги болаларнинг умумийдаги улуши 68,5

фоизни ташкил этган бўлса, 2-3 ёшдаги болалар улуши 23,6 фоизга тенг бўлган<sup>70</sup>.


Мазкур рақамларнинг мавжудлиги 3 ёшгача бўлган болаларнинг ҳам мактабгача таълим хизматлари билан қамраб олиш зарурияти мавжудлиги кўзга ташланади. Сабаби, иштирок этганларнинг фарзандлари 3 ёшгача бўлишига қарамасдан нодавлат мактабгача таълим муассасаларига қатнашганлиги сўровноманинг кейинги босқичларида маълум бўлади. Шунингдек, 391-сонли қарорда нодавлат мактабгача муассасаларга қабул 2 ёшдан бошланиши назарда тутилган. Шундай бўлса-да, мазкур қонданинг ижтимоий хусусиятига нисбатан тижорат хусусияти кўп бўлиши мумкин. Шу боисдан, давлат мактабгача таълим муассасаларининг ҳам қабул мезонларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.



## 2-расм. “Мактабгача таълим муассаса (МТМ) жойлашган ҳудуд” деб сўралган саволга жавоблар.

Сўровномада иштирок этган респондентларнинг 93 таси Тошкент шаҳрида, 47 таси Наманган вилоятида истиқомат қилишини маълум қилган. Республикамизнинг бошқа ҳудудларидан кам сонли иштирокчилар саволномада қатнашган.

<sup>70</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, 2018 йил 1 январ ҳолатига, [www.stat.uz](http://www.stat.uz)



**3-расм. “МТМга уйингиздан бўлган масофа узоқлиги қанча” деб сўралган саволга жавоблар**

Ўз навбатида, мактабгача таълим муассасаларида мавжуд ўринлардан фойдланаши самарадорлиги ошириш заруратини келтириб чиқармоқда. Хусусан, республика бўйича ҳар 100 ўринга 76 та тарбияланувчи тўғри келган бўлса, 2016 йилда 96 нафарга етган. Мактабгача таълим муассасаларининг бошқа кўрсаткичларини инобатга олмаган ҳолда хулоса қилинса, болаларнинг камраб олиниш даражаси ортган бўлиб чиқади. Бошқа жиҳатдан, олиб қараганда, таҳлил учун қўшимча маълумотларни тақозо қилади. Масалан, мамлакатимизда 2000 йилда 6704 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлган бўлса, 2017 йилга келиб, уларнинг сони 5186 тага тушган. Мазкур кўрсаткич ҳудудлар кесимида ҳам турли тенденцияларга эга бўлмоқда. Масалан, 100 ўринга тўғри келган тарбияланувчилар сони Тошкент шаҳрида 115 тани, Қашқадарёда 124 тани, Бухоро ва Хоразмда мос равишда 83 ва 61 тани ташкил этган<sup>71</sup>. Мазкур ҳолатнинг мавжудлиги мактабгача таълим муассасаларида бир ўринга тўғри келувчи болаларнинг ортиш кўрсаткичи муассасалар сонининг қисқариши билан боғлиқлиги акс этади.

Мазкур тенденцияни алоҳида ўрганиш учун сўровномада мактабгача таълим муассасасигача бўлган масофа билан боғлиқ кўрсаткич таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/432-analiticheskie-materialy-uz/2024-ta-lim-statistikasi> маълумотларига асосланиб тайёрланган.




Сўровномада иштирок этган ота-оналарнинг тенг ярми мактабгача таълим муассасасигача бўлган масофа 2 км эканлигини маълум қилган. Шунингдек, 1/5 қисм қатнашчилар 4 км гача бўлган масофага фарзандларини олиб боришларини билдиришган. Масаланинг бошқа жиҳатига эътибор берсак, 7 фоизга яқин респондентлар 8 км дан узоқ масофага фарзандларини олиб боришлари алоҳида таҳлилни талаб этади (3-расмга қаранг). Фикримизча, мактабгача таълим муассасаларигача бўлган масофанинг қисқалиги муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, таълим хизматлари сифати асосий таъсир этувчи омиллардан эканлигини таъкидлаш лозим. Аксарият ота-оналар ўз фарзандларини имкон қадар яқин муассасага жойлаштиришга ҳаракат қилса-да, сифат масаласида масофа иккиламчи омилга айланиб қолмоқда.

Мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубиятини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроекисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” қарорининг 19-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Халқ таълими вазирликлари томонидан 2017 йил 6 март куни “Бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиққан ҳолда давлат мактабгача таълим муассасаларининг 2017 йилги бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 22 ва 7-сонли қўшма қарорлари қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга биноан мактабгача таълим муассасаларидаги тарбияланувчиларнинг сонидан келиб чиқиб харажатларнинг базавий нормативи асосида бюджет маблағлари келгуси молия йили учун режалаштирилиши назарда тутилган.

Маълумки молия органлари мактабгача таълим муассасалари молия-иқтисод бўлимлари билан биргаликда муассаса атрофида истикомат қилувчи аҳоли фарзандлари сонини асос сифатида ҳисоб-китоб қилишади. Фикримизча, мактабгача таълим муассасасига қатнаши назарда тутилиб, бюджетдан маблағлар ажратилиши режалаштирилганда ушбу болаларнинг муассасасага келмаслик эҳтимоли юзага келмоқда. Бу эса, бюджет

маблағларидан фойдаланиш пассив самарадорлигини юзага келтиради. Натижада, бюджет маблағларидан манзилли фойдаланиш ҳолати пасаяди.




- Давлат (Государственный)
- Хусусий (Частный)
- Уй боғча (Домашний детский сад)

#### **4-расм. Уйингизга энг яқин қайси мактабгача таълим муассасаси мавжуд?” деб сўралган саволга жавоблар.**

4-расм асосида амалга оширган таҳлилларимиз асосидаги хулосаларимизни асослашга хизмат қилувчи яна бир кўрсаткич сифатида респондентларнинг уйига қайси типдаги мактабгача таълим муассасаси яқин эканлиги тадқиқ этилади. Эътибор бериш керак, сўровномада иштирок этганларнинг 80 фоизи (4-расмга қаранг) уйига энг яқин муассаса сифатида давлат мактабгача таълим муассасасини кўрсатган. Бу эса ўз навбатида, ота-оналарнинг уйларига давлат муассасаси яқин бўлишига қарамасдан, 4 км ёки 8 км дан ортиқ масофаларга мактабгача таълим хизматлари олиш учун фарзандларини олиб боришмоқда. Бу эса, мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари тўлиқ қувватининг 91 фоизи<sup>72</sup> фаолият олиб бораётганлигини келтириб чиқармоқда.

Фикримизча, ота-оналар фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига олиб боришларида унганча бўлган масофа узок бўлиши таъсир этмаяпти. Шунингдек, географик жиҳатдан мактабгача таълим муассасаларини бундай нобарқарорлик келтириб чиқариши бюджет маблағларидан самарали фойдланишга тўлиқ шарт-шароит яратиб бермайди. Бу ҳолат соҳада, мактабгача таълим хизматлари сифатини аниқлаш мезони ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш заруратини белгилаб беради.

<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган <http://mdo.uz/ru/directory/search/16/null/null/null> сайтидан олинган. Мурожаат санаси 09.07.2019 йил.



**5-расм. “МТМда фарзандингиз бўлиш даври қанча” деб сўралган саволга жавоблар.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 13 майда “Мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, болаларнинг мақтабгача таълим ташкилотларида бўлиш вақтига қараб, у ердаги гуруҳлар куйидагича бўлиши белгиланган:


- болалар қисқа муддат (қунига 3-4 соат) бўладиган гуруҳ;
- қисқа кунли гуруҳ (бир кунда 9 соатгача);
- тўлиқ кунли гуруҳ (қунига 10,5 ва 12 соат);
- болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳ.

Тадқиқотларимиз асосида айтиш мумкинки, фарзандлари 10 соатгача таълим муассасасларида бўладиганларнинг улуши  $\frac{1}{4}$  қисмга тенг бўлмоқда. Бу эса, “тўлиқ кунли гуруҳ” турига мансуб бўлган гуруҳларни ташкил этишда эътиборга олинishi мумкин бўлган натижа, деб қараш мумкин. Таъкидлаш лозим, 60 фоиз респондентнинг фарзандлари 8 соатгача МТМда бўлишлари кўрсатиб ўтилмоқда. Мазкур ҳолат юқоридаги қарор билан белгиланган 9 соатгача давом этадиган гуруҳларни оптималлаштириш заруратини келтириб чиқаради. Сабаби, давлат МТМда бюджет маблағлари режалаштирилганда 9 соатлик давр учун кўпроқ харажатларни назарда тутишни тақозо қилади. Шунингдек, 15 фоиз атрофидаги ота-оналар фарзандлари МТМда 6 соатгача бўлишларини билдиришган (5-расмга қаранг).

Фикримизча, “болалар қисқа муддатли гуруҳи” турига мансуб гуруҳларни оптималлаштириш тадқиқ этиш лозим, деб ўйлаймиз. Сабаби, бу турдаги гуруҳга доир тарбияланувчиларнинг улуши



бир фоиз атрофида бўлмоқда. Шу боисдан, ушбу типдаги гуруҳ ишлаш даврини 5-6 соатгача бўлган муддатни белгилаш натижасида ота-оналар тўловини ҳам оптималлаштиришга шарт-шароит юзага келади.



- Умуман тўламайман (никогда)
- Спорт тўғарали учун тўлайман (Только по спортивным направлениям)
- Ўқиш учун тўлайман (Для обучения)
- Барчасига тўлайман (все)

**6-расм. “МТМ қўшимча таълим хизматлари (математика, ўқиш, гимнастика, логопед-дефектолог) учун ҳақ тўлайсизми?” деб сўралган саволга жавоблар.**

Ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаларида доимий хизматлар билан бирга қўшимча таълим хизматлари ҳам олиб борилмоқда. Айниқса, болаларни мактабга тайёрлаш ва билимли бўлишига аксарият ота-оналар эътибор қаратишмоқда. Шунингдек, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидан ташқари ўқув марказларини ривожланишига олиб келмоқда.

Шундай тенденциялар вужудга келаётган бўлса-да, 44 фоиз ота-оналар мактабгача таълим муассасаларида қўшимча таълим хизматларига тўловларни амалга оширмасликларини, лекин сўровномада иштирок этганлар 1/3 қисми муассаса мавжуд барча қўшимча таълим хизматлари учун тўлашларини билдирганлар. Қолганларнинг ярми ё спорт тўғараклари, ё ўқиш (математика) каби қўшимча таълим хизматларидан фойдаланишларини маълум қилишган (6-расмга қаранг). Бизнингча, катта қисм респондентларнинг қўшимча хизматлар учун тўловларни тўламасликлари сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– ота-оналар даромадининг асосий қисми истеъмолни молиялаштиришга қаратилганлиги, жамғариш ёки инвестиция жараёнлари тўлиқ шаклланмаганлиги билан изохлаш мумкин (7-расмга қаранг);

– кўшимча таълим хизматлари сифати ота-оналарни кониктирмаслиги мумкин;


– мактаб ёшига қадар таълим олиш фарзандларини қийнайди, деб ҳисоблашлари мумкин.

Фикримизча, мактабгача таълим муассасаларида кўшимча таълим хизматлари билан бирга, ота-оналар бадали ҳисобига доимий кўрсатиладиган хизматлар пакети таркибида бўладиган таълим хизматларини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Жаҳонда таълим хизматлари сифатини баҳолайдиган бир қатор методикалар мавжуд бўлиб, улар бошланғич таълим ёшидаги болаларнинг саводхонлиги (Programme for International Student Assessment, PISA), матнларни ўқиши ва тушуниши (Progress In International Reading Literacy Study, PIRLS), математика ва табиий фанларни ўзлаштириш (Trends In International Mathematics And Science Study, TIMSS) каби кўрсаткичлардан иборат.

Мазкур методологияларнинг жорий этилишидан мақсад турли давлатлардаги таълим тенденциялари ва уларнинг сифатини ўзаро таққослаш имконини беради. Саводхонлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йилда жорий этилган бўлиб, 15 ёшдаги болаларнинг таълим олганлик савиясини баҳолайди. Ўқиш ва уни тушуниш қобилиятини баҳолашга қаратилган тестлар 2001 йилдан буён ҳар беш йилда бошланғич синф ўқувчиларида ўтказилса, математика ва табиий фанлар бўйича синовлар 1995 йилдан амал қилиб келади. Мазкур тест ҳар тўрт йилда 4- ва 8-синф ўқувчилари ўртасида амлага оширилади.

Таъкидлаш лозимки, хорижий тажрибада ҳам бошланғич таълим олиш ва унинг сифатига нисбатан жорий этилган мезонларнинг мавжудлиги мактабгача таълим хизматларини ривожлантиришнинг долзарблигини белгилаб беради. Шу боисдан, мактабгача таълим хизматларига эътибор беришда саводхонликни баҳолаш халқаро агентликлари фаолиятлари ҳам муҳим ўрин тутаяди.



- 1-2млн гача (До 1-2млн)
- 2-3 млн атрофида (Ойлоо 2-3 млн)
- 3-4 млн атрофида (Ойлоо 3-4 млн)
- 5 млндан юқори (Выше 5 млн)

### 7-расм. “Оилангизнинг бир ойлик даромади қанча?” деб сўралган саволга жавоб.


Кўшимча таълим хизматларидан фойдаланишда оилаларнинг даромадлари бирламчи омил бўлиб ҳисобланади. 6-расмда кўриб ўтганимиздек, кўшимча таълим хизматлари кам сонли оилалар томонидан сотиб олинishi юқори даромадли оилаларнинг улуши кам эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, ойига 5 млн. сўм ва ундан юқори даромадга эга бўлган ота-оналарнинг улуши 20 фоизга етмаганлигини кўриш мумкин (7-расмга қаранг).

Ҳозирги кунда мавжуд мактабгача таълим муассасаларининг 33 фоизи<sup>73</sup> нодавлат мулкчилик шаклида фаолият олиб бормоқда. Мамлакатимизда нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сонли қарори қабул қилиниши муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур қарор билан МТМларни хусусий шаклда фаолият олиб боришга кенг йўл очиб берилди. Эътиборли жиҳати, ҳозирги кунда жами МТМ ёшидаги болаларни қамраб олинishi 35 фоиз атрофида бўлмоқда. Шундай бўлса-да, мавжуд 2921 та нодавлат МТМларда жами ўринлар сони 60914 та бўлишига қарамадан уларда тарбияланаётган болалар сони 80619 тани ташкил этади<sup>74</sup>. Таъкидлаш лозимки, давлат МТМларига нисбатан нодавлат МТМларга бўлган талаб юқори бўлмоқда.

<sup>73</sup> Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган <http://mdo.uz/ru/directory/search/16/null/null/null> сайтдан олинган. Мурожаат санаси 10.07.2019 йил.

<sup>74</sup> Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган <http://mdo.uz/ru/directory/search/16/null/null/null> сайтдан олинган. Мурожаат санаси 10.07.2019 йил.






- 200 минг атрофида (Около 200 тыс.сўм)
- 300 минг атрофида (Около 300 тыс.сўм)
- 400 минг атрофида (Около 400 тыс.сўм)
- 500 минг ва ундан юқори (Около 500 тыс.сўм и выше)

**8-расм. “Фарзандингизни хусусий боғчаларда парваришланиши учун қанча маблағ ажрата оласиз?” деб сўралган саволга жавоблар.**

Сўровномада иштирок этган ота-оналар нодавлат МТМларга тўловларни амалга оширишга тайёр эканликларини таъкидлашган бўлса-да, уларнинг деярли ярми (46 фоизи) катта тўловни тўламасликларини билдиришган. Лекин ота-оналарнинг 15 фоизи 500 минг сўмдан юқори бўлган тўловларни тўлашлари мумкинлигини маълум қилишган (8-расмга қаранг).

Фикримизча, нодавлат МТМларда қабул қилиш кувватидан қўп болаларни қамраб олиши юзага келган бўлса-да, ота-оналарнинг сезиларли қисми қимматроқ бўлган тўловларни тўлашни назарда тутмаганлар. Демак, нодавлат МТМларни шакллантиришда ота-оналар бадалини аҳолининг тўлов қобилияти ва даромадларига уйғун тарзда жорий этишни тартибга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.




- Давлат боғчасида (государственный)
- Хусусий боғчада (частный)
- уй боғча (домашний детский сад)
- ўз қарамогимда (дома)

**9-расм. “Фарзандингиз қандай (қайси муассасада) парваришланмоқда?” деб сўралган саволга жавоб.**

Тадқиқотларимизни давом эттирадиган бўлсак, давлат МТМларига ўз фарзандларини олиб борадиганлар улуши нодавлат МТМдагиларга нисбатан қарийб уч баробар кўп эканлигини кўриш мумкин. Фарзандларини МТМларга олиб бормасдан ўзининг қарамоғида парвариш қилаётганларнинг улуши ҳам сезиларлидир, яъни 12 фоизни ташкил этмоқда (9-расмга қаранг).

Фикримизча, нодавлат МТМларнинг қамраб олиш миқёси камлиги аҳоли даромадларининг хизматларни сотиб олишга қаратилган ҳажми кичик миқдорда қолаётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, 2000–2017 йилларда хизматлар сотиб олиш аҳоли даромадларидаги улуши 13 фоиздан 20 фоизгача<sup>75</sup> кўтарилган. Бу эса юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, нодавлат МТМлардаги ота-она бадалларини аҳоли даромадларига нисбатан уйғунликда, шунингдек, ваколатли давлат органлари томонидан нархларни тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим бўлиб ҳисобланади.



- Қўшимча қолдираман ёки энагага бераман (Оставляю соседке или нянке)
- Ишга ўзимиз билан олиб кетамиз (Беру собой на работу)
- Уйда қолган оила аъзоси қарайди (Дома смотрит)
- МТМда қўшимча ҳақ эвазига қолдираман (Оставляю в ДО за дополнительные услуги)

### 10-расм. “МТМ ишламайдиган кунлари фарзандингизни ким парваришлаб туради?” деб сўралган саволга жавоблар.

Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларининг аксарият қисми ҳафтада беш кун ишлаши натижасида фарзандларини шанба кунлари бошқалар қарамоғида қолдиришларига тўғри келади. МТМ ишламайдиган кунлари сўровномада иштираётганларнинг 80 фоиздан ортиғи фарзандларини уйда қолдиришларини билдиришган. Қолган ҳолатларда эса, иш жойига бирга олиб

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uploads/docs/tur-dar-17uz1.pdf>

кетишлари ёки энага (қўшни)га қолдиришлари маълум бўлган (10-расмга қаранг). Мазкур икки ҳолат ҳам келишувга асосан доимий тарзда амалга ошмаслиги мумкин. Ота-она доимий тарзда фарзандини ўз иш жойига доимий олиб бориши тўлиқ кафолатланмаслиги, шунингдек бу ҳолат иш берувчи томонидан эътирозларга сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга, қўшни (ёки энага)га фарзандларни қолдириб кетилиши ҳам меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан асосланмаган ва томонларнинг ҳуқуқ/мажбуриятлари аниқ белгиланмаган. Шу боисдан, МТМларнинг шанба кунлари ҳам ишлашини қўшимча ҳақ асосида олдиндан келишилган тарбияланувчиларнинг маълум контингенти учун иш фаолиятини амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бу эса ўз навбатида, МТМларда қўшимча хизмат кунларини жорий этишга имконият борлигини кўрсатса, бошқа томондан ота-оналарга доимий фаолияти таъминланган хизматлардан фойдаланиш имконини яратиб беради.

Олиб борган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

– мактабгача таълим хизматлари билан қамраб олиниши бўлган (3 ёшгача) болалар (7 ёшгача бўлган) жамига нисбатан салкам 1/3 қисми ташкил этади. Бу эса, биринчидан 3 ёшгача бўлган болаларни норасмий тарзда давлат МТМларида тарбияланишига “шарт-шароит” яратиб беради. Иккинчидан, уларнинг ота-оналари бадаллари давлат МТМ кассаларига бормаслигини келтириб чиқаради;

– давлат МТМларда молиялаштиришнинг базавий нормативлари ушбу ҳудудда доимий яшовчи 3-7 ёшдаги болаларнинг контингентидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Лекин, ота-оналар ўз яшаш ҳудудларига бириктирилган МТМларга эмас, зотан уларнинг уйларига яқин жойларда давлат МТМлари жойлашган бўлса-да, бир неча километр узоқликдаги бошқа МТМларга олиб боришлари юзага келмоқда. Бу эса, ўз навбатида давлат МТМларда бюджет маблағларидан фойдаланишнинг манзиллилик тамойили бузилишига олиб келмоқда;

– давлат ваколатли органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларда 4-5 соатгача гуруҳларнинг мавжудлиги белгиланган бўлсада, бу турдаги гуруҳларда тарбияланувчиларнинг миқдори



сезиларли улушга эга бўлмаяпти. Шу билан бирга, 9 соатгача бўлган гуруҳларнинг ташкил этилиши назарда тутилган, лекин тарбияланувчиларнинг 8 соатгача МТМда бўлиш даври энг катта улушни ташкил этмоқда;

– МТМларда кўшимча таълим хизматларидан фойдаланувчиларнинг улуши катта бўлишига қарамасдан, 44 фоиз тарбияланувчиларнинг ота-оналари кўшимча тўловларни тўлашга хайрихоҳлик билдирмаяпти;

– оилаларнинг ўртача ойлик даромадлари юқори бўлмаганлиги сабабли, нодавлат МТМларга энг кам иш ҳақи миқдорига тўловнигина тўлашга рози бўлганлар улуши қарийб 50 фоизни ташкил этади;

– давлат МТМлари мавжуд ўринлардан тўлиқ фойдаланилмаётган бўлса-да, ота-оналар фарзандларини уйда, кўшида қолдириш ёки иш жойига бирга олиб кетиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Тадқиқотларимизга асосланиб қуйидаги илмий тақлиф ва тавсияларни амалиётга жорий этиш ўзининг ижобий натижасини беради, деб ўйлаймиз:

1. Мактабгача таълим хизматлари билан тўлиқ қамраб олинishiга эришиш учун давлат МТМларига қабул қилиш ёш чегарасини 2 ёш этиб белгилаш.

2. Давлат МТМларга қабул қилишда ота-оналарнинг яшаш жойидаги кичик ҳудуддан бошқа МТМларга фарзандларини олиб боришлари учун табақалаштирилган бадални жорий этиш.

3. Давлат МТМларида гуруҳларни шакллантиришда мавжуд талабни инобатга олган ҳолда гуруҳларда фаолият олиб бориш вақтларини оптималлаштириш.

4. Давлат МТМларда кўшимча таълим хизматларидан фойдаланувчиларни қамров микёсини оширишда бонусли тизимни жорий этиш. Бунинг учун бир оиладан икки ва ундан ортиқ болаларнинг МТМга қатнаши ёки бир молия йилига бадалларни олдиндан тўлаш механизмлари асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

5. Давлат МТМларида кўшимча ҳақ эвазига шартномалар асосида шанба кунлари фаолият борадиган гуруҳларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

6. Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 50-сон буйруғига асосан мақтабгача таълим муассасаларида “психолог” лавозимини жорий этиш гуруҳлар сонига боғланган. Ушбу лавозимни тарбияланувчилар сонига мос равишда режалаштирилишини инобатга олиш, яъни 2 та гуруҳ бўлганда ҳам мазкур лавозимни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

7. Мақтабгача таълим муассасаларида тарбиячи-методист лавозимини гуруҳлар сонидан эмас, балки ҳар бир муассасага 1,0 штат бирлигидан қилиб белгилаш;

8. СанПиН №0348-17 (2018 йил 27 апрелда қабул қилинган) қоидаларининг 5-иловасида келтирилган меъёрларни самарали бажарилиш учун “хўжалик мудирини” лавозимини гуруҳлар сонига боғламаган ҳолда ҳар бир муассаса учун 1,0 штат бирлигидан қилиб белгилаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги 50-сон буйруғига асосан давлат МТМнинг гуруҳлари камида 2 та бўлсагина фаолият юритиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Баъзи ҳудудлардаги МТМларга болаларнинг қатнаши ўзгариш хусусиятига эга бўлади. Шу боисдан, МТМларни фаолият олиб боришини таъминлаш учун гуруҳлар сони 1 тага тушиб қолганда ҳам 2 та гуруҳни молиялаштиришда сунъий параметрларга суянишга олиб келади. Шу нуқтан назардан, МТМларни молиялаштиришни мустахкамлаш учун гуруҳлар сонига боғлиқлик ҳолатини бартараф этиш.

10. Давлат МТМлари ота-оналар бадал пулларини 25-30 фоизгача бўлган қисмини ходимларни ёллаш ва моддий рағбатлантиришга йўналтириш имкониятини яратиш. Бунда меъёрдан ортиқча болалар бўлган МТМларда болалар бадал пуллари ҳисобидан қўшимча ходимлар ишга олиш имконияти яратилади.

11. Тармоқ субъектлари томонидан ўз ходимлари фарзандларининг МТМ бадал пуллари тўланса, ушбу маблағлар солиқ солиш базасидан чегирилиши амалиётини киритиш. Шунингдек, ота-оналар ўзларининг доимий иш жойларидаги даромадларидан МТМ бадал пулларини тўлаган ҳолатда ушбу ҳажмга солиқ имтиёзлари тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

### 3.2. Мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришни оптималлаштириш истиқболлари

Мактабгача таълим муассасалари хизматларини молиялаштиришни такомиллаштиришда уларнинг сифат кўрсаткичлари ҳамда уларни баҳолашни инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Бизнингча, молиялаштиришда ота-оналар бадалини табақалаштиришга қаратилган услубиятни киритишда мактабгача таълим муассасаларини рейтинг баҳолаш ва сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш зарурдир. Ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасалари фаолияти сифат кўрсаткичларига бўлган ёндашувлар олимлар томонидан турлича талқин этиб келинади.

Т.Н. Богуславскаянинг фикрига кўра<sup>76</sup>, мактабгача таълим сифати мактабгача таълим тизимининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосидаги мезон талабларига, ижтимоий ва шахсий баркамоллик хусусиятларига мувофиқлигини кўрсатади. МТМларнинг фаолиятини баҳолашда қайси фаолиятни, қандай ва ким томонидан амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратади. Бунда асосий кўрсаткич сифатида тарбияланувчининг шахсий, жисмоний ва интеллектуал кўрсаткичларини қайд этиб ўтади.

И.М.Лифиц<sup>77</sup> МТМларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари сифатида сифат даражаси, ижтимоий манзиллилик, ҳаққонийлик, ҳавфсизлик, истеъмолчиларга янгиликлар, имидж, маълумотлар билан таъминланганлик, истеъмол нархи. Ўз навбатида, сифат ва нарх бирламчи омил эканлигини қайд этиб ўтади.

М.В. Крухлет МТМлар фаолияти баҳолашида тадбиркорлик субъекти сифатида эмас, балки таълим муассасаси сифатида қараш лозим. Уларнинг фаолиятини баҳолашда таълим стандартларига жавоб беришини ўрганиш билан амалга ошириш мумкин, деб таъкидлаб ўтади<sup>78</sup>.

Бизнингча, МТМларда молиялаштириш барқарорлигини мустаҳкамлаш уларнинг рақобатбардошлиги ва сифат

<sup>76</sup> Богуславская Т.Н. Формирование подходов к оценке качества дошкольного образования //Проблемы современного образования, 2012. –№ 4. – С. 52–63.

<sup>77</sup> Лифиц И.М. Формирование и оценка конкурентоспособности товаров и услуг: Учебное пособие. – М.: Юрайт, 2004. – 335 с.

<sup>78</sup> Крухлет М.В., Тельник И.В. Экспертные оценки в образовании: Учебное пособие. – М.: ИЦ «Академия», 2002. – 112 с.



кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудларида фаолият олиб бораётган давлат МТМларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Халқ таълими вазирликлари томонидан 2017 йил 6 март куни қабул қилинган қўшма қарорга мувофиқ бюджет маблағлари бир нафар тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларига асосланади. Шундай бўлса-да, ота-оналар фарзандларини ўз кичик ҳудудларидан ташқарида жойлашган МТМларга олиб боришмоқда. Буни биз олдинги параграфларда сўровнома асосида амалга оширган тадқиқотларимизда кўриб ўтдик.

Мазкур тенденциянинг мавжудлиги бюджет маблағлари манзиллилигини ва самарадорлигини ошириш учун тўлиқ имкон бермаслигини қайд этиш лозим. Шу боисдан, МТМларда ота-оналар бадалини сифат кўрсаткичларига боғлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ҳолат МТМлар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Бу борада, Е.Ялунина ва Н.Фотеевалар томонидан МТМлар равобатбардошлигини белгилаб берувчи кўрсаткичлар қаторига қуйидаги тўртта омилни киритишга (3.11-расмга қаранг). Мазкур тўртта омилнинг субомиллари сифатида МТМлар даромадларининг ортиш даражаси, педагогик кадрлар билан таъминланганлиги (уларнинг кўнимсизлиги), қўшимча таълим (инновацион) хизматларнинг мавжуд бўлиш микёси кабилар келтириб ўтилади.

Бизнингча, ушбу кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни қўшимча тарзда киритиш мақсадга мувофиқ:

– МТМда мавжуд ўринлар салоҳияти ва тарбияланаётган болалар сонининг ўзаро нисбати коэффициентининг бирдан кичик бўлиши (агар бирдан катта бўлса, бир ўринга биттадан кўп тарбияланувчи тўғри келиб, қаттиқ мебель, хоналар сифими сифати кабиларнинг етишмовчилигини келтириб чиқаради);


– белгиланган оралик (кичик ҳудудлар доирасида уйдан МТМгача бўлган) масофага нисбатан узокдан қатнаётган болаларнинг улуши кўп бўлиши;

– олий малакали педагогик маълумотга эга бўлган мутахассисларнинг улуши кўп бўлиши ҳамда штатлар

жадвалидаги лавозим малака талабларига тўлиқ мос келиш коэффициенти;

– жами ота-оналар бадали ҳажмида қўшимча таълим хизматлари учун келиб тушган маблағларнинг улуши коэффициенти;

– МТМга ота-оналар томонидан келиб тушган шикоят ва эътирозларнинг сони, уларни бартараф этилганларининг улуши коэффициенти.



### 3.11-расм. МТМлар рақобатбардошлик кўрсаткичлари<sup>79</sup>.

Давлат МТМлари ўртасида ўзаро рақобат муҳитини яратган ҳолда уларни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш натижасида ота-оналар тўловини табақалаштириш имконини берадиган механизмни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур рейтинг тизимини туман (шаҳар) миқёсида таклиф этилган баҳолаш услубияти ёрдамида ўзаро таққослаш асосида жорий этиш муҳимдир. Бу эса МТМларга молиявий мустақиллик беришни ўзида ақс эттиради ва молиявий менежментнинг эркинлиги рақобатбардошлик сифат кўрсаткичларни мустаҳкамланишига шарт-шароит яратади. Шунингдек, кадрлар тўғрисидаги кўрсаткичларга алоҳида эътибор бериш лозим. Масалан, ҳозирги кунда 2018 йил ҳолатига республикадаги МТМларда фаолият олиб

<sup>79</sup> Ялунина Е.Н., Фетеева Н.А. Методы оценки конкурентоспособности дошкольного образовательного учреждения // Креативная экономика. — 2016. — Т. 10. — № 7. — С. 779–792. — doi: 10.18334/ce.10.7.35362

бораётган мутахасисларнинг 22 фоизи<sup>80</sup> олий маълумотга эга бўлиб ҳисобланади. Бизнингча, МТМларда педагог ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш тизимида молиявий менежмент мустақиллиги таъминланса, рақобатбардошликни оширишда МТМ раҳбарларида ваколатлар кўпайган бўлади.

Ота-оналар бадалини табақалаштиришнинг рейтинг асосида амалга оширилишида қуйидаги рейтинг бевосита хизмат қилмайдиган омилларни инобатга олиш зарур деб ўйлаймиз:

– давлат МТМлари ва ота-оналар уйлари ўртасидаги масофанинг узоқлигига тўловнинг тўғри пропорционал боғлиқлигини инобатга олиш;

– қўшимча таълим хизматларининг камида биттасидан мажбурий тарзда фойдаланиш амалиётини жорий этиш;

– фарзандни мазкур МТМда тарбияланиши учун шартноманинг энг кам муддатини белгилаш.

Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришнинг янги босқичи сифатида соҳада давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) асосида ислохотларни амалга оширишни ўзида аке эттиради. Тадқиқотларимиз давомида мазкур методологияни янада ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб бордик ва илмий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик.

Давлат-хусусий шериклик амалиёти Булок Британияда 1992 йилда “Хусусий молиявий ташаббус” (Private Financial Initiative)нинг юзага келиши билан ҳам бевосита боғлиқ ҳисобланади. Мазкур услубиятга мувофиқ хусусий сектор вакиллари ўз маблағлари ҳисобидан объектларни қуради ва давлат билан келишилган шартномаларга узоқ муддат давомида молиявий даромад олиш мақсадида фойдаланади. Мазкур тажрибани жорий этиш орқали давлат бюджетига молиявий юкнинг камайишига олиб келади.

Таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада, ўзбекистонлик олимлардан Д.Рахмонов ушбу метод олий таълим муассасаларида вужудга келиши тўғрисида хулосалар билдириб ўтади. Давлат-хусусий

<sup>80</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари <https://stat.uz/uploads/docs/MTM%20analitika%202017%20vil.pdf> маълумотларидан олинган



шериклик (public-private-partnership – ҳукумат-хусусий сектор-ҳамкорлиги тарзида қайд этиб ўтилган) асримизнинг бошида Ньюкасл университети профессори Г.Инковиц ва Амстердам университети профессори Л.Лейдесдорфлар томонидан киритилган бўлиб, “учлик спирали” деб аталганлигини таъкидлаб ўтади. ДХШ амалиётини жорий этиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозимлиги билдириб ўтилади<sup>81</sup>:

– таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг молиявий ҳамда моддий-техник базасини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига кенгайтириш;

– таълим ва илмий тадқиқот муассасалари рақобатбардошлигини ошириш, фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг ўзаро алоқадорлигини рағбатлантириш;

– таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида мавжуд давлат мулкани самарали бошқариш механизминини жорий қилиш ишларини фаоллаштириш лозим.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилардан Н.Шаропова ўзининг мақоласида мактабгача таълим муассасаларида ДХШни қўллашнинг устунлик жиҳатлари тўғрисида ўзининг хулосаларини келтириб ўтади. Жумладан, “ДХШ механизминини жорий этишнинг аҳамияти мактабгача таълим муассасаларининг харажатларини режалаштириш ва сарфлаш шаффофлигини ошириш чораларини кўриш, фаолиятининг очиқлиги ва уларнинг мустақиллиги оширилиши давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилади ва уларнинг инвестицион жозибадорлигини оширади<sup>82</sup>” деб таъкидлайди.

Шунингдек, доц. Г.Қосимова мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг методини қўллашни тавсия этади ва қуйидаги хулосаларни асослаб беради<sup>83</sup>:

<sup>81</sup> Рақмолов Д.А. Таълим соҳасининг инновацион ривожланиши//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2015.- №2(613). – Б.67-70.

<sup>82</sup> Шаропова Н.Р. Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг ҳоривжий тажрибалари ва уларнинг ўзбекистонда қўллаш имкониятлари:Ўзбекистон Республикасининг харажатлар Стратегияси: макрокўрсаткич барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истикболлари мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция 1-шўъба тўшамин. – Т.ДИУ, 2018 йил 28-29 май. – Б.255-262.

<sup>83</sup> Қосимова Г.А. Мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг ва ундан фойдаланишнинг афзалликлари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2019 йил

– Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ривожлантиришда энг муаммоли масалалардан бири – хусусий секторда яхши тажрибадан ўтган замонавий механизм ва услубларни бюджет хизмати кўрсатилаётган ижтимоий соҳаларда қўллашдир;

– мактабгача таълим муассасаларида болаларни соғлом овқатлантиришнинг аутсорсинг усулини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга;

– мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг соғлом рационал ва хавфсиз овқатлантиришни ташкил этилишини такомиллаштириш ҳамда бюджет харажатларини оптималлаштириш мақсадида кейтринг, болалар овқатланиш комбинатлари каби замонавий усуллардан фойдаланиш мумкин.

Россиялик олимлардан М.Чистова, О.Еремина ва Е.Демина<sup>84</sup> давлат-хусусий шерикликни ривожланиши институционал, трансформацион ва тадбиркорлик хусусиятлари билан шаклланишини таъкидлаб ўтади. Институционал шаклда давлатнинг вазифаларини хусусий сектор бажариши юзага келади. Трансформационал турида эса, давлат жамият ва иқтисодиётдаги роли ўзгариб борса, тадбиркорлик хусусиятини акс эттирувчи ДХШ тадбиркорлик ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилиши хулоса қилинади. Шунингдек, Россияда мактабгача таълим муассасаларини ривожланиши муассасаларнинг чегараланганлиги билан боғлиқ бўлаётганлиги. МТМлардаги ўринлар сони болалар ўсишида ортда қолиши сифатли таълим хизматларини таъминлашга имкон бермаяпти. Натижада ота-оналарнинг доимий иш билан банд бўлишига салбий таъсири юзага келишига ва даромадлар камайишига олиб келмоқда.

Олиб борилган тадқиқотларимиз асосида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

– ДХШ амалиётини мактабгача таълим тизимида қўллаш орқали бюджет маблағларига бўлган талаб камайиб, бюджетга молиявий юк пасаяди;

<sup>84</sup> Чистова М.В., Еремина О.С., Демина Н.В. Применение государственно-частного партнерства в дошкольном образовании: опыт регионов Российской Федерации//Вестник АГУ, 2016. - №4(190). - С. 185-195.

– соҳада молиявий самарадорликнинг ошишида хусусий манфаатдорлик роли кучаяди;

– ота-оналар билан фарзандларини МТМда парваришлаш бўйича шартномалар тузиш икки томонлама манфаатга асосланишига шарт-шароит юзага келади;

– МТМ ёшидаги болаларни таълим хизматлари билан қамраб олиш улушининг ортишига имконият яратилади.

Бизнингча, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимида ДХШни жорий этиш амалиёти тадбиркорлик хусусиятини ўзида акс эттириш тенденцияси билан ривожланмоқда. Бунинг сабаблари сифатида мамлакатимизда ДХШни жорий этиш борасида дастлабки босқичлар амалга оширилганлиги билан изохлаш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришнинг хусусий сектор билан ҳамкорликда амалга оширилиш механизлари белгиланган. Унга кўра:

Хусусий шерик қуйидаги имкониятларга эга:

– маҳсус ҳисобварақ маблағларидан имтиёзли кредитлар тижорат банклари томонидан мактабгача таълим фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 1 фоизли ставка бўйича ажратиб берилади (7-пункт 2-банд);

– давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммасининг 50 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар олиш (46 пункт 2-банд);

– Хусусий шерикнинг мактабгача таълим муассасасини куриш, қайта куриш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлари давлат шеригининг талабномалари бўйича 15 йил давомида битимда белгиланган тартибда концессия асосида Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси томонидан қопланади. Хусусий шерикка битимда кўрсатилган мазкур харажатларни тўлаш жадвали



Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишиб олиниши лозим (88 пункт 8-банд).

Фикримизча, мактабгача таълим тизимида ДХШни ривожлантиришда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш хусусияти бирламчи тартибда турганлигини қайд этиш лозим. Мазкур ҳолат эса, бюджетга молиявий юкнинг пасайишига эмас, балки бюджет маблағларидан янги методология бўйича фойдаланиш ҳолатини ўзида акс эттиради. Шу боисдан, ДХШнинг трансфармацион шаклини мактабгача таълим тизимида жорий қилиш ҳозирги шароитдаги ислохотларнинг муҳим қисми бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, хорижий (Италия, Канада, Германия, Б.Британия ва Испания) тажрибага ҳам кўра ДХШ амалиёти давлат ижтимоий вазифаларини бажаришда бюджетдан ташқари маблағлар жалб қилишнинг оптимал инструменти сифатида хизмат қилади<sup>85</sup>. Давлат бюджетига молиявий кўмак бериш билан бирга, хусусий секторга кафолатланган талабни мавжудлиги бизнес рентабеллигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

ДХШ амалиётини аксарият ҳолларда объектни қуриш билан бошланиши назарда тутилмоқда. Бу билан давлат ўзининг зиммасидаги ижтимоий инфратузилмани шакллантириш хусусий секторга берилади. Шартнома асосидаги келишувга асосан хусусий шерик бир пайтда ҳам ижтимоий хизматларни кўрсатади, ҳам тижорат мақсадида молиявий манфаатдорлигини амалга оширади.

Эътибор бериб қаралса, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимида амалга ошириладиган ДХШ амалиёти хусусий секторни қўллаб-қувватлаш хусусиятига эга бўлган ВОО (Build-Own-Operate) кур-эгаллик қил-бошқар тажрибасига асосланган моделдан фойдаланиши назарда тутилмоқда. Мавжуд меъёрий-ҳуқуқий асослар МТМ объекларини шартнома сўнггида давлатга топширилишини кўзда тутмаган.

Бизнингча, мазкур (ВОО) моделдан DBOOT (Design-Build-Own-Operate-Transfer) моделига ўтиш мақсадга мувофиқ деб

<sup>85</sup> Айрапетян М.С. Зарубежный опыт использования государственно-частного партнерства // Государственно-частное партнерство в России. – URL: <http://www.ppp-russia.ru/analitika/item-1.html>

ўйлаймиз. Бунинг учун, имтиёзли шартларда 15 йил муддатга 1 фоиздан берилётган кредитнинг фоизини бекор қилган ҳолда объектни давлатга қайтарилишини назарда тутиш. Шунингдек, давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммасининг 50 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар бериш амалиётини ҳам бекор қилиш. Мазкур ҳолатда давлат бюджетига тўғри келадиган харажатлар пасайишига шарт-шароит яратилади.

Мамлакатимизда ДХШ тажрибасини қўллаш учун унинг куйидаги турларини кўриб чиқш ва уларнинг афзалликларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ:

### 3.1-жадвал

#### Давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошувчи фаолият турлари

Қисқа номи	Тўлиқ номи	Моҳияти ва асоси
ВОТ	Build-Operate-Transfer	Объектни фойдаланиш (мулк ҳуқуқсиз) ва келишилган муддатдан сўнг объектни давлатга топшириш (концессия механизм асосида)
ВООТ	Build-Own-Operate-Transfer	Шартнома амал қилиш муддати доирасида мулк ҳуқуқи бизнес вакилида бўлади ва сўнгра давлатга топширилади
ВТО	Build-Transfer-Operate	Объект қуриб бўлингандан сўнг, давлатга топширилади. Шартномага мувофиқ бизнес вакили объектга тўловлар асосида хизмат кўрсатади
ВОО	Build-Own-Operate	Шартнома амал қилиш муддати доирасида мулк ҳуқуқи бизнес вакилида бўлади ва объект хусусий секторда қолади
ВОМТ	Build-Operate-Maintain-Transfer	Асосий урғу объектдан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатишга берилади. Мулк ҳуқуқи давлат шеригида қолади.

DBOOT	Design-Build-Own-Operate-Transfer	Объект лойиҳалаштирилади ва шартнома амал қилиш муддати доирасида мулк ҳуқуқи бизнес вакилида бўлиб, объект давлатга топширилади
DBFO	Design-Build-Finance-Operate	Хусусий шерик лойиҳани молиялаштиради ва хизмат кўрсатишни ташкил этади. Давлат харажатларни молиялаштиради

Манба: Тадқиқотлар асосида шакллантирилган.

ДХШ асосида МТМ ташкил қилиш талабларини оптималлаштириш. Ҳозирги кунда МТМлар билан қамраб олинмаган болалар сони жуда юқори ҳисобланади. Умумий қамров даражаси 35 фоиз атрофида, лекин МТМларни фаолият олиб бориш қуввати ҳам жамига нисбатан 45 фоиздан ошмайди. Мазкур ҳолатни навбатда (925224 та) турган болалар сонининг қувват (1098727 та)га<sup>86</sup> нисбатан ўзаро ортиқлигидан ҳам кўришимиз мумкин. ДХШ асосида ташкил этилган МТМлар стандарт талабларга жақоб беришини инобатга олиб, болалар қамровини оширишга имконият яратиш лозим.

Шу билан бирга ДХШ амалиётини амалга оширилишида қуйидаги тамойилларга алоҳида эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- шартнома тузишга киришишнинг ихтиёрийлиги;
- ДХШ тўғрисидаги ахборотлар шаффофлиги ва уларни тушунарли тарзда бўлишини таъминлаш (давлат ва тижорат сиридан бошқа);
- рақобат муҳитини шакллантириш ва уни ривожлантириш;
- давлат ва бизнес вакилларига тенг шароитлар яратиш ва уларнинг ҳуқуқ/мажбуриятларининг мувозанатлашганлигини таъминлаш;
- икки томон ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини белгилаб берувчи мезонларни жорий этиш;
- ДХШ фаолиятидаги рискларни ўзаро тенг тақсимланиши;

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Мақtabгача таълим вазирлиги маълумотлари  
<http://mdo.uz/ru/directory/search/16/null/null/null> Мурожаат санаси: 16.07.2019 йил.



– хусусий сектор вакилларига алоҳида гуруҳларига алоҳида имтиёзларнинг мавжуд бўлмаслиги.

Бизнингча, мактабгача таълим тизимида ДХШ амалиётини ривожлантиришга қаратилган ислохотларда юқорида келтириб ўтилган таклиф ва хулосаларни инобатга олиш ўзининг ижобий самарасини беради, деб ўйлаймиз.

### **Учинчи боб юзасидан хулоса**

Олиб борган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

– мактабгача таълим хизматлари билан қамраб олиниши бўлган (3 ёшгача) болалар (7 ёшгача бўлган) жамига нисбатан салкам 1/3 қисмини ташкил этади. Бу эса, биринчидан 3 ёшгача бўлган болаларни норасмий тарзда давлат МТМларида тарбияланишига “шарт-шароит” яратиш беради. Иккинчидан, уларнинг ота-оналари бадаллари давлат МТМ кассаларига бормаслигини келтириб чиқаради:

– давлат МТМларда молиялаштиришнинг базавий нормативлари ушбу ҳудудда доимий яшовчи 3-7 ёшдаги болаларнинг контингентидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Лекин, ота-оналар ўз яшаш ҳудудларига бириктирилган МТМларга эмас, зотан уларнинг уйларига яқин жойларда давлат МТМлари жойлашган бўлса-да, бир неча километр узокликдаги бошқа МТМларга олиб боришлари юзага келмоқда. Бу эса, ўз навбатидан давлат МТМларда бюджет маблағларидан фойдаланишнинг манзиллилик тамойили бузилишига олиб келмоқда;

– давлат ваколатли органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларда 4-5 соатгача гуруҳларнинг мавжудлиги белгиланган бўлса-да, бу турдаги гуруҳларда тарбияланувчиларнинг миқдори сезиларли улушга эга бўлмапти. Шу билан бирга, 9 соатгача бўлган гуруҳларнинг ташкил этилиши назарда тутилган, лекин тарбияланувчиларнинг 8 соатгача МТМда бўлиш даври энг катта улушни ташкил этмоқда;

– МТМларда қўшимча таълим хизмталаридан фойдаланувчиларнинг улуши катта бўлишига қарамасдан, 44 фоиз тарбияланувчиларнинг ота-оналари қўшимча тўловларни тўлашга хайрихоҳлик билдирмаяпти;

– оилаларнинг ўртача ойлик даромадлари юқори бўлмаганлиги сабабли, нодавлат МТМларга энг кам иш ҳақи миқдоридаги тўловнигина тўлашга рози бўлганлар улуши қарийб 50 фоизни ташкил этади;

– давлат МТМлари мавжуд ўринлардан тўлиқ фойдаланилмаётган бўлсада, ота-оналар фарзандларини уйда, қўшнида қолдириш ёки иш жойига бирга олиб кетиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Бизнингча, МТМларни молиялаштиришда қуйидаги кўрсаткичлар қўшимча тарзда киритиш мақсадга мувофиқ:

– МТМда мавжуд ўринлар салоҳияти ва тарбияланаётган болалар сонининг ўзаро нисбати коэффицентининг бирдан кичик бўлиши (агар бирдан катта бўлса, бир ўринга биттадан кўп тарбияланувчи тўғри келиб, каттиқ мебель, хоналар сифими сифати кабиларнинг етишмовчилигини келтириб чиқаради);

– белгиланган оралиқ (кичик ҳудудлар доирасида уйдан МТМгача бўлган) масофага нисбатан узокдан қатнаётган болаларнинг улуши кўп бўлиши;

– олий малакали педагогик маълумотга эга бўлган мутахассисларнинг улуши кўп бўлиши ҳамда штатлар жадвалидаги давозим малака талабларига тўлиқ мос келиш коэффиенти;

– жами ота-оналар бадали ҳажмида қўшимча таълим хизматлари учун келиб тушган маблағларнинг улуши коэффиенти;

– МТМга ота-оналар томонидан келиб тушган шикоят ва эътирозларнинг сони, уларни бартараф этилганлари улуши коэффиенти.

## **II БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МОДЕЛИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **I БОБ. МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ**

#### **1.1. Мактаб таълимини молиялаштиришнинг назарий асослари**

Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришнинг бюджетдан амалга оширилиши қонунлар билан мустаҳкамлаб кўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”, деб белгиланган.

Ушбу тамойилларнинг белгиланиши умумий таълимнинг таъминланиши давлат томонидан амалга оширилиши ва унинг молиявий таъминоти бюджетдан қопланишини ўзида акс эттиради.

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган катор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги “2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги ПФ-3431-сонли Фармони билан давлат умуммиллий дастурини ижро этиш муддатларида мактабларни замонавий компьютер техникаси билан жиҳозлаш, ихтисослаштирилган синфлар (физика, кимё, биология ва бошқа хоналари) ташкил этиш, бунда молиялаш манбалари, уларни таъмирлаш бўйича моддий база мавжудлиги, мактабларнинг тегишли мутахассис ва ўқитувчилар билан таъминланишини ҳисобга олиш назарда тутилди. Мазкур ислохотлар даврида мактаб таълимининг моддий-техник ҳолати ўзгартирилган бўлса-да, мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақлари ва уларни моддий рағбатлантириш тизими талабларга мос келмади. Бу борада эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Ҳозирги



кунда республикамиздаги мактабларда эркак ўқитувчилар 30 фоизни, Тошкент шахрида эса 10 фоизни ташкил қилади<sup>87</sup>”, деб таъкидлаб ўтди. Бундай ҳолатнинг шаклланишини тизимда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳажмининг қоникарли даражада эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Шу нуқтаи назардан 2016 йилдан кейинги даврда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Халқ таълими вазири Ш.Шерматов таъкидлаганидек “Мактабларни билимли ва малакали ўқитувчилар билан таъминлаш, педагог кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш асосий вазифамиздир. Ҳозир тизимдаги ўқитувчиларнинг 62 минг нафари ўрта махсус маълумотли. Бироқ соҳадаги ислоҳотлар ва жамиятда ўқитувчи нуфузининг кўтарилиши натижасида 37 минг нафар олий маълумотли ўқитувчи мактабларга қайтиб келди<sup>88</sup>”.

Фикримизча, мактаб таълимини молиялаштиришда бюджет маблағларининг етарли миқдорда режалаштирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон қонунчилигида ҳам белгиланганидек, мактаб таълимини қўшимча маблағлар жалб этишга йўналтириш таълим хизматлари сифатининг тўлақонли таъминланишига имкон бермаслиги мумкин. Шу боисдан, тизимда бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини оширишни эмас, балки бюджет маблағларининг натижадорлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш долзарблик касб этади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарорида молиялаштиришга доир тамойиллар ҳам келтириб ўтилган. Унга кўра, давлат умумтаълим муассасасининг фаолиятини давлат бюджети ҳисобидан, тасдиқланган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилиши белгиланган. Шунингдек, ушбу низомнинг 71-бандида: “Давлат умумтаълим муассасасига бюджетдан ташқари қўшимча маблағларни жалб этиш бюджетдан молиялаштиришни камайитиришга олиб келмаслиги лозим”, деб қайд этилган. Мазкур мезоннинг белгилаб берилиши умумтаълим муассасаларида бюджетдан ташқари

<sup>87</sup> <https://uz24.uz/society/maktablarda-erkak-quituvchilar-kamayganining-sababi-aytildi>

<sup>88</sup> <https://minbar.uz/post/ular-qaytmoqda>

маблагларни жалб этиш мажбурият сифатида белгиланмаганлигини аке эгтиради. Бу эса, бюджет маблаглари ҳисобидан мактаб таълимини молиялаштириш доимий хусусиятга эга бўлишини кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, умумтаълим муассасалари бюджетдан ташқари маблагларни жалб этиши мумкин, лекин бу кўшимча даромад сифатида тасарруф этилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатлардан бири бўлган АҚШда ҳам мактаб таълими барча учун белул тарзда тақдим этилади. Давлат мактабларини молиялаштиришда маҳаллий мулк солиқлари алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур солиқлар тўғридан-тўғри мактаб харажатларини молиялаштиришга йўналтирилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Таъкидлаш лозимки, мактаб таълимини молиялаштириш кўп жиҳатдан бюджет маблагларининг етарлигига боғлиқ бўлмоқда. Шу боисдан, бюджет маблагларидан фойдаланиш самарадорлигини белгилаб берувчи омилларни ишлаб чиқиш ва уни Ўзбекистон шароитида жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида таянч таълим олишни молиялаштиришнинг манбалари ўзгариб бормоқда. Мавжуд қонунчиликка кўра, мактаб таълимининг фақатгина бюджетдан молиялаштирилиши кўзда тутилган, шундай бўлишига қарамасдан, Ўзбекистонда кўшимча таълим олиш жараёнлари жадаллашиб кетди. Жумладан, хусусий ўқув марказларининг шаклланиши ва ривожланиши натижасида мактаб таълими стандартларига асосланган хизматларни кўрсатиш сезиларли миқёсда ошди. Бундай ҳолатнинг ривожланиши сифатида таълим хизматлари бозорида ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ўзаро мувозанатига эътибор берилмаганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Бу борада, рус олимаси Л.П.Иванова<sup>89</sup> Россияда ҳам кадрлар потенциалининг пасайиши тенденциялари юзага келаётганлигини таъкидлаб ўтади. Бунинг сабабларидан бири сифатида иш ҳақи миқдорининг камлиги ва ўқитувчиларнинг бошқа соҳаларга ўтиб кетаётганлиги кўрсатилади. Шунингдек, педагогик касбни

<sup>89</sup> Иванова Л.П. Финансирование образовательной сферы в условиях реформирования бюджетной системы: автореферат ... к.э.н. – Нижний Новгород: ГОУ ВПО Волго-Вятской академии государственной службы, 2007. – 25 с.

танлаётган талабалар сонининг камайиши ва фундаментал тадқиқотларнинг қисқариши юзага келмоқда. Натижада, бу ўқитувчилар иш ҳақларини тўлашда норасмий молиявий оқимлар ролининг кучайишига олиб келди. Таъкидлаш лозимки, мактаб таълимини молиялаштиришда етарлича маблағларнинг таъминланмаслиги бир қатор мураккабликларни келтириб чиқарар экан. Шу нуқтан назардан, ушбу олима томонидан таълимни молиялаштириш манбалари самарадорлиги ва аҳамияти жиҳатидан баҳолаб чиқилган. Мазкур коэффицентлар қуйидагича кўринишга эга бўлган:

- лойиҳавий-мақсадли молиялаштириш аҳамияти – 1,25;
- федерал бюджет маблағлари – 1,2;
- ҳудудий ва муниципал бюджет маблағлари – 1,0;
- грант маблағлари – 0,6;
- корхоналарнинг таълимга қилган инвестициялари бўйича солиқ имтиёзлари – 0,4;
- аҳоли маблағлари – 0,4;
- таълим муассасасининг бошқа фаолиятдан олган даромадлари – 0,4.

Фикримизча, Л.Иванова томонидан амалга оширилган тадқиқотлардан кўрииб турибдики, мактаб таълимида бюджет маблағларининг аҳамияти юқори экан. Шу боисдан айтиш мумкинки, бюджет маблағлари таянч таълимни молиялаштиришда стратегик аҳамиятга эга бўлган манба сифатида қайд этилмоқда.

С.Борисова эса, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини аке эттирувчи мақсадли бюджет ва мақсадли оператив-соҳа кўрсаткичларини ажратади. Мақсадли бюджет кўрсаткичлари харажатлар сметаси билан ифодаланса, оператив-соҳа кўрсаткичлари штатлар жадвали, контингент каби кўрсаткичлар билан баҳолашни таъкидлаб ўтади. Биринчи гуруҳ кўрсаткичларга қуйидагиларни киритади: меҳнатга ҳақ тўлаш, бошқа тўловлар, алоқа хизматлари, мулкни сақлаб туриш харажатлари, ижтимоий таъминот каби харажатлар. Иккинчи гуруҳга 26 та кўрсаткич киритилган. Улар жумласига ўқувчиларнинг сони, фан олимпиадаларида ғолиблар улуши, яхши ва аъло баҳоларга ўқиётганларнинг улуши, олий тоифали



педагогларнинг сони, бошқа тоифадаги педагогларнинг сони ва шу кабилар киритилган<sup>90</sup>.

Х.Дўстмухаммад томонидан олиб борилган тадқиқотларда халқ таълими харажатларини самарали амалга ошириш ва уларнинг манзиллилигини таъминлашга эришиш, устун даражада куйидаги умумий тенденциялар ва қонуниятларнинг инобатга олиншига боғлиқ, деб таъминлаб ўтади<sup>91</sup>: а) таълим муассасалари, ундаги ўқувчиларнинг сони ва таркиби, динамикасидаги умумий тенденциялар; б) таълим тизими харажатларини амалга ошириш даражасидаги умумий қонуниятлар; в) таълим тизими харажатларини амалга ошириш самарадорлигининг ўзгаришидаги умумий тенденциялар.

Юқорида келтирилган илмий хулосаларда мактаб таълимида бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги ўзига хос хусусият касб этиши қайд этилмоқда. Жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг хусусиятлари вақтбай эмас, балки ишбай мезонлар билан белгиланиши, бошқа жиҳатдан ўқувчиларнинг салоҳияти олимпиададаги ғолиблиги, аъло баҳога ўқиётганларнинг улуши ёки олий таълим муассасаларига ўқишга қабул килинганларнинг миқдори каби кўрсаткичлар шулар жумласидандир.

Умуман олганда, бюджетдан молиявий маблағларни таъминлашга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, молиявий таъминлаш тизими, молиялаштириш тизими, молиялаштириш механизми каби жиҳатларга тўхталиб ўтилган.

Рус олимаси А.Лещинскаянинг фикрига кўра<sup>92</sup>, молиявий таъминлаш фундаментал тадқиқотларнинг якуний натижаларини олишни таъминлайдиган ва илмий сиғимкор технологияларни жорий этиш имконини берадиган молиявий фаолиятдир. Молиявий таъминлаш тизимига И.Белозеров ҳам ўзининг илмий

<sup>90</sup> Борисова С.П. Совершенствование финансирования общеобразовательных учреждений на основе оценки результативности бюджетных расходов: автореферат ... к.э.н. – Нижний Новгород: ГОУ ВПО Нижегородский государственный университет им Н.И. Лобачевского, 2007. – 26 с.

<sup>91</sup> Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари: и.ф.н. ... автореферати. -Т.: ДЖҚА, 2012. – 24 б.

<sup>92</sup> Лещинская А. Ф. Методология формирования системы финансирования разработок наукоемких технологий: автореферат ... докт. экон. Наук. – М.: Российский гос.торг.-экон. ун-т. - 2012. – С. 17.

хулосаларини келтириб ўтади. Жумладан, молиявий таъминлаш тизими, биринчидан, молиявий муносабатларни; иккинчидан, жами пул фондларини; учинчидан, молияни бошқариш органларини киритишни назарда тутаяди.

О.Мурзаеванинг фикрига кўра, молиялаштириш тизими ўз ичига ташкилий, меъёрий-ҳуқуқий ва иқтисодий элементларни олиши ҳақидаги фикрини илгари суради<sup>93</sup>. Е.Костоглодова эса, молиялаштириш тизимига молиялаштириш манбалари, объекти, субъекти, усуллари, инструментлари билан бирга, институционал ташкилий структураси ва меъёрий-ҳуқуқий таъминоти каби кўрсаткичларни ҳам киритади<sup>94</sup>.

Молиялаштириш механизмга Л.Иванова ўзининг қуйидаги илмий муносабатини билдиради<sup>95</sup>: “таълим хизматлари сифатини оширишга қаратилган таълим тизимидаги молиявий бошқариш ва молиявий таъминот жараёни бўйича расмий ва норасмий қондалар, санкция ва рағбатларни ўзида ақс эттиради”.

В.Тадтаева<sup>96</sup> барча таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда молиявий шарт-шароитлар яратиш ва молиялаштириш муассасалари ўртасидаги муносабатларни шакллантириш орқали янги таълим технологияларини жорий этишга ёрдам бериш лозимлигини қайд этади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида таъкидлаш мумкинки, молиялаштириш ҳолати унинг турли жиҳатларини инобатга олишни назарда тутаяди. Жумладан, хорижлик олимлар томонидан ҳам турли ёндашувлар баён этилган. Умумий хулоса қилиб, таълим тизимини молиялаштиришнинг элементлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: натижавийлик, объекти ва субъекти, тўлиқ бюджет маблағлари, ўқувчиларнинг сони, ўқитувчиларнинг

<sup>93</sup> Мурзаева О. В. Развитие системы финансового обеспечения здравоохранения: автореферат ... к.э.н. – Саранск: Мордовский гос. ун-т им. Н. П. Огарева. - 2012. – С. 7

<sup>94</sup> Костоглодова Е. Д. Модернизация системы финансирования сферы культуры в России: автореферат ... к. э. н. - Ростов-н/д. : - 2012. – С. 13.

<sup>95</sup> Иванова Л. П. Финансирование образовательной сферы в условиях реформирования бюджетной системы: автореферат ... к. э. н. – Н.Новгород: Нижегор. гос. ун-т им. Н. И. Лобачевского, 2007. – С. 5.

<sup>96</sup> Тадтаева В. В. Совершенствование механизма финансирования образования: автореферат ... к. э. н. – Владикавказ : Сев.-Кавказ. гор.-металлург. ин-т. - 2007. – С. 5.

малакаси каби кўрсаткичлардир. Мактаб таълимини молиялаштиришда тижоратлашув хусусиятини жорий этишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги унинг муҳим элементи ҳисобланади. Тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, мактаб хизматларининг пулли асосда аҳолига етказиб берилишини жорий этиш таянч таълим билан қамраб олиш ва ижтимоий адолат қондаларининг бузилишига таъсир этиши мумкин. Шу боисдан, бюджет маблағлари натижадорлигини таъминлашга қаратилган методларни ҳаётга татбиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам ўз муносабатларини билдириб ўтишган. Хусусан, профессор Д.Рахмоновнинг тадқиқотларида таълим тизимини молиялаштиришнинг асосий мезони сифатида инсон капитали категориясига асосий эътибор қаратилади. Шу боисдан, яқуний натижа сифатида инсон капиталини ривожлантириш молиялаштириш деб қаралади. Шунингдек, қуйидаги илмий хулоса таъкидлаб ўтилади: инсон капиталини ривожлантиришни молиялаштириш – таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига инвестициялар киритиш, натижада, иқтисодий ўсиш учун инновацияларнинг шаклланишига ташаббуснинг вужудга келишида ақс этиши назарда тутилади<sup>97</sup>.

Доцент Г.Қосимова ўзининг илмий тадқиқотларида қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Келгусида таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш керак бўлади, унинг кўп вариантли тизими жорий этилиши керак, таълим муассасаларининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши ривожлантирилиши лозим, хусусий ҳамда чет эел инвестицияларини таълим соҳасига жалб этишнинг янада рағбатлантирилиши мақсадга мувофиқ<sup>98</sup>”.

А.Остонокулов бюджет ташкилотларидаги самарадорликни таъминлашга бюджет назоратини жорий этиш орқали эришиш мумкин, деб изоҳлайди. Доимий равишда бюджет маблағларининг мақсадли ва манзилли сарфланишини таъминлашда бюджет назоратини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Ўз

<sup>97</sup> Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. (DSc) ... автореферат. – Т.: ТДИУ, 2018. – 72 б.

<sup>98</sup> Қосимова Г., Тўйчиев М. Ўрта махсус таълимни молиялаштиришнинг янги шакл ва услублари/Бозор, пул ва кредит. – Т.: 2003й. -№10(77) -Б.45-48.



навбатида, бюджет назоратини амалга оширишда бюджетдан молиялаштирилувчи ташкилотларда профилактика назоратларини ўтказиш ва уларда ички аудит хизматини ташкил этиш бюджет назорати самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади<sup>99</sup>.

Тадқиқотларимиз асосида айтишимиз мумкинки, ўзбекистонлик олимлар ҳам таълим тизимини молиялаштиришда маълум бир категорияларга нисбатан мезонларни таклиф этишмоқда. Масалан, инсон капитали кўрсаткичи, молиявий назоратнинг ролини мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлашда бюджетдан ташқари маблағларнинг ўрнини ривожлантириш каби омиллар шулар жумласидан.


Ушбу тадқиқотларда мактаб таълимини молиялаштиришга нисбатан қўйиладиган натижа мезонлари аниқ тизимлаштирилмаганлиги мазкур тадқиқотни амалга оширишнинг зуруратини ўзида ифода этади. Шу боисдан, мактаб таълимининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда натижавийликка асосланган молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада, ЮНЕСКО томонидан қатор маърузалар эълон қилинган. Масалан, 2005 йилда “Defining Quality in Education” (таълимда сифатни аниқлаш) номли ҳисоботда қуйидаги бешта кўрсаткич келтириб ўтилади: 1) ўқувчилар (ўқишга тайёрлиги – соғлиги); 2) муҳит (хавфсизлик, гендер хусусиятлари, мавжуд ресурслар); 3) салоҳият (янги билим ва янгилликларни ўзлаштириш қобилияти); 4) ўқув жараёни (ўқитувчиларнинг малакаси, педагогик усул ва технологияларнинг қўлланилиши); 5) натижалар (миллий приоритет билан боғланган ҳолда билим ва янгилликларни ўзлаштириш). Фикримизча, таълим тизими фаолиятининг натижалари кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг салоҳияти ва қобилияти, ўқитувчиларнинг малакаси ва маҳорати, билимларни ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этишда ўз аксини топмоқда. Шу боисдан мазкур учта муҳим компонентга нисбатан мезонларни шакллантиришга эътибор қаратиш муҳим, деб ўйлаймиз.

---

<sup>99</sup> Остонукулов А., Абдурахмонов И. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини такомиллаштириш масалалари// “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали, 2019 йил, №1.

Шунингдек, ЮНЕСКО томонидан таълим сифатининг моҳиятини очиб бериш куйидаги тизимлаштирилган компонентларни келтиради<sup>100</sup> (1.1-расмга қаранг):



### 1.1-расм. Таълим сифатини ташкил этувчи компонентлар тузилмаси

Халқаро ташкилот томонидан таянч таълимни ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлардан ҳам кўриниб турибдики, билим олиш натижасида саводхонликни, ташаббускорликни,

<sup>100</sup> UNESCO EFA Global Monitoring Report, 2005. Understanding education quality: Chapter 1. [http://www.unesco.org/education/gmr\\_download/chapter1.pdf](http://www.unesco.org/education/gmr_download/chapter1.pdf)

жамиятда ўз ўрнини топишга бўлган мустақил позицияни шакллантиришга қаратилган фаолиятни ўзида акс эттириш лозим.

ЮНЕСКО томонидан келтирилган сифат компонентларида қатор омиллар қайд этилган, биз уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтишни жоиз топдик. Масалан, “инфратузилмани илмий асосда ривожлантириш” кўрсаткичи мактабда таълимни ташкил этишга қулай шарт-шароитлар шакллантиришни ўзида акс эттиради. Халқаро инновацион индекснинг белгилашда ҳисобга олинувчи 7 та (5 та ички ва 2 та ташқи) кўрсаткичнинг дастлабки омили “Институтлар” деб номланади ва унга “сиёсий, бошқарув ва бизнес муҳити” каби учта жиҳатни ўзида акс эттирувчи мезонлар қамраб олинади. Ёки “таълимнинг давомийлиги” (school life expectancy) кўрсаткичининг Халқаро инновацион индексда фойдаланилиши мактаб таълимига бўлган эҳтиёжнинг заруратини юзага чиқаради.

Умуман олганда, таълимнинг давомийлиги кўп жиҳатдан таълим билан қамраб олинисини назарда тутлади. Мактаб таълимини бюджетдан молиялаштириш унинг қамраб олинисига амалий ёрдам беради.

Бизнингча, бюджетдан молиялаштиришнинг *яқиний мақсад*ларга йўналтирилганлигини баҳолаш ўқувчиларни халқаро стандартлар доирасидаги мезонларга жавоб бера олиши муҳим ўрин тутиши лозим. Шу боисдан, Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришнинг амалдаги *оралиқ мақсад*ларни назарда тутишдан воз кечишни инobatга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳозирги кунда мактаб таълимини молиялаштиришда бюджет маблағларининг ўзлаштирилишига эътибор қаратилади. Мазкур молиялаштириш натижасида эришиладиган омиллар назарда тутилмайди.

Бу борада, жаҳон иқтисодчи олимлари ҳам қатор тадқиқотларни амалга оширишди. Жумладан, 2019 йилда иқтисодиёт йўналишида Нобель мукофоти совриндорлари бўлган Абхижит Банержи, Эсзер Дуффо ва Майкл Креймер “Глобал қашшоқликни бартараф этиш” мавзусида олиб борган тадқиқотлари ва ишлаб чиққан илмий хулосалари ривожланаётган мамлакатлар учун муҳимлигини қайд этиш мумкин. Улар қашшоқликка қарши курашда ҳукуматлар томонидан амалга оширилаётган ислохотларни баҳолашга эришилган. Ушбу тадқиқот доирасида мактаб



таълими, болалар соғлиги ва микромолиялаш тизими таҳлил этилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий янгиликлар олинган<sup>101</sup>:

мактабларда ўқувчиларга ўқув дарсликлари ва бепул таомларнинг билим олишга бўлган ёрдами баҳоланган. Хулоса қилиб айтганда, ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминланиш ҳам, бепул овқатланиш ҳам саводхонликка шарт-шароит яратмаган. Уларга кўра, мақсадли (манзилли) чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини берган, жумладан, кўшимча (репетиторлик) ўқув машгулотлари шулар сирасига киради;

ўқув дастурлари ва ўқитиш ўқувчиларнинг талабларига мос равишда татбиқ этилмаган;

ўқитувчиларни муайян муддатга ишга қабул қилиш ўқувчиларнинг билимини оширишга хизмат қилиши исботланган. Шунингдек, ислохотларда педагогик жавобгарликни жорий этиш муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланиши таъкидланади. Зотан, ўқувчи-ўқитувчи нисбати кичик бўлганда ҳам, қисқа муддатли меҳнат шартномалари кўпроқ натижалар берган;

соғлиқни сақлаш борасида олиб борилган изланишлардан 75 фоиз ота-оналар фарзандларини эмлашни бепул бўлгандагина амалга оширишлари маълум бўлган. 18 фоиз ота-оналар эса, эмлаш нархи бир АҚШ долларидан кам бўлган ҳолдагина амалга оширганлар. Кам даромадли аҳоли қатлами бирламчи тиббий хизматларга инвестиция қила олмаслигининг сабабларидан яна бири сифатида — бу эмлашга жавобгар бўлганларнинг ўз иш жойларида доимий бўлмасликлари деб кўрсатилган. Шу боисдан, кўчма эмлаш клиникаларини жорий этиш ўзининг ижобий натижаларини бериши аниқланган. Бошқа бир омил сифатида эса, кам даромадли аҳоли қатлами рационал (замонавий) фикрлашга ўзида куч топа олмаслиги сабаб этиб кўрсатилган.

Юқорида келтириб ўтилган тадқиқотлардан кўриниб турибдики, таянч таълимни таъминлашда бюджет маблағларининг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этмоқда. Сабаби, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида кам даромадли аҳоли таълим олишнинг яқуний

<sup>101</sup> <https://www.nobelprize.org/prizes/economic-sciences/2019/prize-announcement/>

натижаларига эриша олмаяпти. Шу боисдан, ижтимоий хизматларнинг манзиллилигини таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш глобал иқтисодиётнинг долзарб талаби ҳисобланади.

Жумладан, 1995 йилга нисбатан болалар ўлими икки баробарга ошиб, мактабга қатнаётган болалар улуши 56 фоиздан 80 фоизга етган. Мазкур ижобий ўзгаришлар бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунда 700 млн. бола кам даромадли мамлакатларда яшайди, 5 млн. бола беш ёшга етмай вафот этса, дунё болаларининг ярми мактабларни саводсиз ҳолда тарк этмоқда<sup>102</sup>. Мазкур рақамларнинг мавжудлиги Ўзбекистон учун истиқболда қилиниши шарт бўлган ислохотларни аниқ белгилаб олишга ундайди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда мактаб таълимини ривожлантиришнинг ихтисослашган вариантдан ҳам фойдланиш кўзда тутилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4199-сонли қарори билан мамлакатимизда Президент мактаблари ташкил этилди. Унга кўра, ўқувчиларда қуйидагилар (баъзилари қарордан олинган) назарда тутилган:

иқтидорли болаларни аниқлаш, танлаш ва ўқитиш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини очиб бериш;

ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда синфдан ташқари амалий машғулотлар ўтказиш.

Президент мактаблари ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини тўлиқ таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилаётганлиги билан боғлиқ ўзига хос аҳамиятга эгадир. Халқаро ташкилотлар ва етакчи олимларнинг тадқиқотларида қайд этиб ўтилган омилларнинг инобатга олинishi ҳолатлари мазкур ислохотларнинг эътиборли жиҳатидир. Жумладан, синфдан ташқари кўшимча машғулотларнинг назарда тутилиши ўқувчиларнинг билим олиш имкониятлари тўлиқ таъминланишига ёрдам беради. Бу борада, 2019 йилда иқтисодиёт йўналишида Нобель

<sup>102</sup> <https://www.nobelprize.org/uploads/2019/10/popular-economicsciencesprize2019-2.pdf>

мукофотини қўлга киритган совриндорлар ҳам қўшимча таълим соатларини қўллаб-қувватлашган ва ушбу ҳолат ўқувчиларда билим олиш билан боғлиқ муаммоларни батараф этишга шарт-шароит яратишини кайд этиб ўтишган.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги “Президент мактаблари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 526-сонли қарорининг қабул қилиниши билан педагог ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан янги босқичга олиб чиқилган. Ушбу ҳужжатда белгиланган қондалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сонли қароридаги мезонлардан тубдан фарк қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Президент мактабларини ташкил этиш орқали ўқитувчи педагогларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими янгича услуб билан шакллантирилмоқда, натижада, юқори ҳақ олувчи ўқитувчилар блоки юзага келмоқда. Бу, албатта, мазкур таълим муассасаларида ўқитувчиларга қўйилган талабларнинг сезиларли даражада юқори бўлишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг сифатли билим олишига шарт-шароит яратади.

Умуман олганда, мамлакатимизда таълим тизимининг натижавийлигини аниқлаштиришга қаратилган қатор тадбирлар назарда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сонли Фармонинг қабул қилиниши таълим тизими фаолият натижаларини баҳолашнинг халқаро стандартларига асосланишини кўзда тутмоқда. Мазкур ҳужжатнинг 1-илоvasи 3.6-бандида таълим тизимида PISA, TIMSS ва PIRLS каби халқаро баҳолаш тизимлари билан биргаликда ишлаш белгиланган.

Мазкур баҳолаш услубларидан мактаб таълими тизимида якуний мақсадларни рўёбга чиқаришда кенг фойдаланиш мумкин, деб ўйлаймиз. Хусусан, PISA (Programme for International Student



Assessment – Ўқувчиларни халқаро баҳолаш дастури) 2000 йилдан буён Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан амалга ошириб келинади. Ушбу дастур орқали 15 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг математика, ўқиш ва аниқ фанлар бўйича билимлари ҳар уч йилда бир маротаба баҳоланади. 2017 йилдан бошлаб эса, молиявий саводхонлик ва муаммоларни биргаликда ҳал этиш каби кўрсаткичлар бўйича баҳолаш ҳам киритилди.

Мазкур метод турли мамлакатлар таълим тизимларидаги ўзгаришларни аниқлаш ва ўзаро таққослаш учун мониторинг вазифасини бажариб беради. Айниқса, таълим тизими стратегияси бўйича қарорлар самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. 2000–2015 йилларда PISA бўйича энг яхши мактаб таълими тизимига эга мамлакатлар қаторига: Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Япония, Финляндия, Эстония, Швейцария, Польша ва Нидерландия каби давлатлар киритилган.

Шу билан бирга, TIMSS (Trends in Mathematics and Science Study – мактаб таълимидаги математика ва аниқ фанлар сифати халқаро мониторинги) методи ёрдамида мониторинг математика ва аниқ фанлар бўйича мактабнинг 4-ва 8-синфлари ўртасида ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказилади. Дастлаб, мониторинг 1995 йилда ўтказилган бўлиб, ўқувчиларининг нафақат билимларини, балки мазкур фанларга бўлган муносабатларини ҳам тадқиқ этишни ўзида акс эттиради. Мазкур баҳолаш бўйича олдинги ўринларни эгаллаган мамлакатлар сифатида Сингапур, Япония ва Жанубий Корея каби давлатларни қайд этиш мумкин. Шунингдек, 2015 йилда ўтказилган баҳолашларга эътибор берилса, кўшни Қозоғистон давлатининг дастлабки 10 талик мамлакатлар таркибига кириб, математика фанидан мос равишда 12-ва 7-ўринда бўлса, аниқ фанлар бўйича эса 8-ва 9-ўринларни эгаллаган. Мазкур ҳолатнинг мавжудлиги Ўзбекистонда ҳам қатор ислохотларни амага оширишнинг заруратини кўрсатиб беради.

Халқаро баҳолашнинг учинчи тури бу – PIRLS (матнни ўқиш ва тушуниш сифати мониторинги) бўлиб, мактабларнинг бошланғич синфларида таълим олувчиларнинг билимларини баҳолашни назарда тутди. Мазкур баҳолаш услуги бўйича баҳолашнинг охириги 2016 йил натижаларига кўра, Россия,

Сингапур ва Гонконг каби давлатлар рейтинги юкори бўлмоқда. Қозоғистон эса, 27-ўринда қайд этилган.

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар ўқувчилар билимини аниқлаш ва баҳолашга қаратилганлиги билан долзарб ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичлар орқали мактаб таълими фаолияти натижаларига молиялаштириш жараёнларини уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Натижада, бюджет маблағларидан фойдаланишда уларнинг якуний мақсадларга йўналтирилишини рўёбга чиқаришни ўзида акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, мактаб таълимини бюджетдан молиялаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– мактаб таълимини аҳолини тўлиқ қамраб олишига эришиш учун бюджет маблағларидан фойдаланишни чекламаслик;

– мактаб таълимини молиялаштиришини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланишини назарда тутадиган меъёрларни киритмаслик;

– мактаб таълимнинг тижоратлашув хусусиятига эга бўлишига йўл қўймаслик;

– мактаб таълимини бюджетдан молиялаштиришда оралик мақсадлардан якуний мақсадларни акс эттирувчи тамойилларга ўтиш.

## **1.2. Мактаб таълимини молиялаштиришнинг иқтисодий-меъёрий кўрсаткичлари тизими**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2015 йил сентябрь ойидаги 70-Саммитида Барқарор ривожланиш мақсадлари (Sustainable Development Goals) қабул қилинган. Унга кўра, 2030 йилга қадар 17 та мақсадга эришиш назарда тутилган. Ушбу глобал келишувдан келиб чиқиб, ҳар бир мамлакат тавсия этилган мақсадларга эришиш йўлида чора-тадбирларни амалга ошириши лозим бўлади.

Шу нуқтан назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ҳам ўз олдига қатор ислохотларни амалга оширишни вазифа қилиб қўймоқда. Жумладан, 2018 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда Барқарор

Ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра, белгиланган умумбашарий “4-мақсад – Сифатли таълим” доирасида “Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш” қондаси белгиланди. Унга кўра, қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши лозим бўлади:

– 4.1-вазифа. 2030 йилгача бошланғич ва умумий ўрта таълимни умумий қамровни сақлаб қолган ҳолда, ўқитишнинг долзарб ва самарали натижаларига эришишни таъминлайдиган янги сифат босқичига кўтариш;

– 4.2-вазифа. 2030 йилгача барча ўғил болалар ва киз болалар учун кичик ёшдаги болаларни ривожлантириш, парваришлаш ва мактабгача ўқитишнинг сифатли тизимларидан улар бошланғич таълимни олишга тайёр бўлишлари мақсадида бемалол фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

– 4.5-вазифа. Таълим муассасалари шароитларини имконияти чекланган болаларнинг манфаатлари ҳисобга олинган даражада яхшилаш билан ногиронлар учун барча даражадаги таълим ва касбий-техник тайёргарликдан тенг фойдаланиш имкониятини, барча учун хавфсиз ва самарали ўқитиш муҳитини таъминлаш;

– 4.7-вазифа. 2030 йилгача барча ўқувчилар ва талабаларнинг барқарор ривожланишига кўмаклашиш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашларини таъминлаш;

– 4.а-вазифа. Ўқув муассасаларининг барча учун хавфсиз ва самарали ўқув муҳитини таъминлайдиган шарт-шароитларини яхшилаш;

– 4.с-вазифа. 2030 йилгача малакали ўқитувчиларнинг сонини, жумладан ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш орқали жиддий равишда кўпайтириш.

Бизнингча, юқоридаги ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг асосий қисми таянч таълимга қаратилганлиги бежизга эмас. Сабаби, инсон капиталининг барқарор шаклланишида мактаб таълими аҳамиятининг юқорилиги, шунингдек, таълимнинг ушбу



босқичи қамраб олиш миқёси максимал бўлишининг талаб этилиши ҳам муҳим омил сифатида хизмат қилган. Эътибор берадиган бўлсак, таянч таълимни барча учун осон ва қулай олиш шароитининг яратилиши, ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилишининг долзарб эканлигига алоҳида ургу берилган.

Ўзбекистонлик тадқиқотчиларидан Н.Норқобилов ўз мақо-ласида таълим тизимининг аҳамиятини, айниқса, инсон капитали юзасидан қуйидаги фикрларни баён қилади<sup>103</sup>:

– инсон шахсини тараққий эттириш, такомиллаштириш, уни маънавий, ахлоқий, бадий жихатдан ривожлантириш, маънавий комил, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишига ёрдам бериш;

– иқтисодий вазифани бажариб, малакали ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг бош элементи бўлган ишчи кучига бевосита фаол таъсир кўрсатиш-уларнинг табиатини ўзгартириш ва яхшилашдир.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1990 йилдан буён “Инсон тараққиёти индекси (Human Development Index)” бўйича маърузалар эълон қилиб келинмоқда. Ушбу маърузадаги ҳисоботда мамлакатларнинг инсон тараққиёти бўйича кўрсаткичлари ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, ушбу кўрсаткични ҳисоблашда БМТ томонидан учта муҳим – инсон капиталини шакллантирувчи омиллар инобатга олинади. Улар сирасига: аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача даромад, ўртача умр кўриш даври ва таълим олганлик (саводхонлик) кабилар киритилади.

Қайд этиш лозимки, БМТ томонидан эълон қилиб келинаётган ҳисоботда ҳам таълим масаласи муҳим ўрин эгаллайди. БМТ томонидан мамлакатлардаги макроиқтисодий вазият тўрт гуруҳга ажратилган ҳолда баҳоланади. Бу билан мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши учун амалга ошираётган ислохотларни аниқлашга имкон туғилади. Шу нуқтан назардан, таълим тизимини ривожлантириш нафақат саводхонликни таъминлаш, балки

<sup>103</sup> Норқобилов Н.Н. Таълим тизимини бюджетдан ташқари молиялаштириш ва кадрлар тайёрлашда маркетингнинг ўрни//Замонавий таълим журнали. – 2017. – №8. – Б.36-41.

мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига асосий фундаментал асосларни шакллантириши билан ҳам аҳамиятли экан.

Ўзбекистонда таянч таълим тизимини ривожлантириш ва унинг амалий жиҳатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотларни ҳам юқорида келтирилган ҳужжатлар ҳам ҳозирги шиддатли ривожланиш даврининг ўзи талаб этмоқда. Бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли фармонининг қабул қилиниши муҳим қадам бўлди, десак хато бўлмайди.

Ушбу ҳужжатга кўра, халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш назарда тутилган бўлиб, истиқболда бу ривожланишни янги босқичга олиб чиқилишини англатади. Албатта ислоҳотларнинг барча даврида молиялаштириш масаласи кун тартибда бўлган. Ушбу концепцияда ҳам молиявий таъминотнинг муаммоли масалалари сифатида қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратилган:

– халқ таълими тизимини молиялаштиришда маблағларни самарали ҳамда шаффоф тизим асосида тақсимлаш ва фойдаланиш;

– халқ таълими муассасаларига давлат бюджетидан ажратилган харажатларнинг асосий қисми иш ҳақига сарфланиб, ўқув жиҳозлари ва материалларини янгилашга, мактаб биноларини таъмирлашга етарли маблағ йўналтирилмапти.

Фикримизча, халқ таълимини молиялаштиришда шаффофликни таъминлашнинг муҳим эканлиги, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни амалга оширишнинг заруратини кўрсатиб бермоқда. Шу билан бирга, харажатлар сметасидаги гуруҳлар ўртасидаги ўзаро нисбат ҳам барқарор эмаслигини қайд этиш лозим. Жумладан, бюджетдан амалга оширилаётган харажатлар таркибида иш ҳақини молиялаштириш улушининг катта эканлиги таъкидлаб ўтилмоқда.

Бу борада, проф. Д.Раҳмонов ўзининг номзодлик диссертациясида ҳам шу каби ҳолатлар ижтимоий соҳанинг бошқа соҳаларида ҳам мавжуд эканлигини қайд этади. Хусусан, 2007–2011 йилларда давлат тиббиёт тизими харажатларида иш ҳақи



харажатлари ўртача 83–84 фоизни ташкил этаётганлигини кўрсатиб ўтади. Шу боисдан, “меҳнатига ҳақ тўлашни камаййтириш эмас, балки бошқа харажатлар ҳажмини мақсадли ошириб, иш ҳақи ва унга ажратма учун харажатлар билан ўзаро нисбатни мақбуллаштириш лозим<sup>104</sup>”, деб таъкидлайди.

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда халқ таълими тизимида молиялаштиришга асос бўлиб хизмат қилувчи индикаторлар тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз.

Умуман олганда, мактабларни молиялаштиришда бир ўқувчига тўғри келувчи харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштириш методидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Бунинг ҳуқуқий асосий Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 2017 йил 6 мартдаги “Бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиққан ҳолда умумтаълим мактабларининг 2017 йилги бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қўшма қарори билан белгиланган.

Базавий харажатлар асосида молиялаштиришга: умумтаълим муассасасининг иш ҳақи, рағбатлантириш (директор) жамғармаси маблағлари, ижтимоий солиқ харажатлари кабилар киради. Ўзбекистонда ушбу методнинг амалга оширилиши 2010 йил 1 январдан бошлаб татбиқ этилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1245-сонли қарори билан илк марта жорий этилган.

Ушбу методология, асосан, иш ҳақи ҳажмини аниқлашга хизмат қилади. Бошқа харажатлар эса, меъёрий ҳисоблашларга асосланган ҳолда амал қилади.

<sup>104</sup> Раҳмонов Д.А. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА, 2012. – 25 б.



Ўзбекистондаги умумтаълим тизими кўрсаткичларининг ўзгариш тенденцияси<sup>105</sup>

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Ўқувчилар сони, минг киши	4700	4600	4500	4500	4500	4700	4800	5300	5900	6200
Умутаълим муассасалари сони, (ўқув йили бошига, дона)	9800	9780	9779	9758	9733	9720	9719	9628	9691	9942
Бир мактабга тўғри келган ўқувчилар сони, киши	480	470	460	461	462	484	494	550	609	624

Бизнингча, ушбу методнинг киритилиши билан мактаб томонидан кўпроқ ўқувчиларни жалб этишга бўлган интилишнинг юзага келиши кузатилади. Бу эса, мактаблар ўртасида рақобат муҳитининг шаклланишига ёрдам беради. Демак, мактаблар ўқувчиларни жалб этиш учун таълим сифатини оширишга ва жозибadorликни кучайтиришга эътибор қаратишлари зарур. Лекин давлат тартибга солувчи ролини доимий амалга ошириб туриши лозим бўлади. Сабаби, мактаблар ўқувчилар сонини ошириш ортидан мактаб биноларининг ўқувчи сизимкорлигига эътибор қаратмасликлари мумкин.

Бизнингча, аҳолининг ўсиши билан мактаблар сонига бўлган талаб ҳам ошиб боради. Шу боисдан, мактаблар сонини мувознатда саклаб туриш орқали давлат мактаб таълими бозоридаги спекуляциянинг олдини олиши зарур бўлади. Спекуляция дейилганда, мактабнинг ўқувчи сизимкорлиги чегарасининг бузилиши назарда тутилади.

<sup>105</sup> Давлат статистика кўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби Электрон манба: [www.stat.uz](http://www.stat.uz), [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) Мурожаат санаси 25.03.2020 йил

Эътибор берсак, 2010–2019 йилларда мактаблар сони кескин ошмаган бўлса-да, лекин ўқувчиларнинг сони сезиларли ўсган. Масалан, 2010 йилда мазкур кўрсаткич 480 та ўқувчига тенг бўлса, 2017 йилда 550 тани ташкил этиб, 2019 йилга келиб, кескин ошишни акс эттирган (1.1-жадвалга қараи). Хулоса қилиб айтганда, бир мактабга тўғри келувчи ўқувчилар сонининг беқарорлиги синф хоаларида “студлар етишмаслиги”га олиб келмоқда. Бу эса, таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Мазкур муаммонинг мавжудлиги баъзи умумтаълим муассасаларида ўқувчилар сони синфда таълим сифатининг кескин пасайишига шарт-шароит яратадиган даражада кўпайиб кетганлигини англатади.

Бу борада, доц. М.Хайдаров: “Шу билан бирга, жон бошига молиялаштириш бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишнинг бир қисми, яъни маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Масаланинг бошқа томони, таълим сифатига эришиш, битирувчилар таълим стандартларига тўлиқ жавоб берадиган билим ва кўникмаларга эга бўлишларини таъминлаш билан боғлиқдир”, деган фикрларни қайд этади<sup>106</sup>.

Мазкур масала юзасидан Жанубий Кореянинг Пусан чет тиллар университети профессори Азамат Акбаров куйидагича фикр билдиради: “Маблағларни ўзлаштиришни ҳисобга олиш ва назорат қилиш жорий бюджет қонунчилиги асосида амалга оширилиши мумкин: бюджетнинг бажарилиши ва унинг касса хизматининг амалга оширилиши, бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш қодалари ва ҳ.к. Мактабларни киши бошига кўра молиялаштириш тизимини жорий қилиш ўрта таълим ташкилотларига қўйиладиган барча талабларнинг ўз кучида қолишини назарда тутати”<sup>107</sup>.

Бизнингча, келтирилган илмий хулосалар ўқувчига тўғри келадиган харажатлар нормативи таълим стандартларини чеклаб ўтишга имкон бермаслигини кўрсатмоқда. Ўтган давр мобайнида

<sup>106</sup> Хайдаров М.Т. Умумтаълим мактабларининг бир ўқувчисига харажатлар базавий меъёрларини аниқлаш/Иқтисод ва молия журнали. –Т.: - 2016. - №3. –С.49-58.

<sup>107</sup> Акбаров А. Таълим тизимида киши бошига пул ажратиш усули соҳани кутқара оладими? <https://daryo.uz/k/2019/01/03/ta%CA%BClim-tizimida-kishi-boshiga-pul-ajratish-usuli-sohani-qutqara-oladimi/>

мактабларда “стулларнинг етишмаслиги” ортидан қуйидаги тенденциялар вужудга келди:

- нодавлат мактаб таълими муассасалари тармоғи ривожланди;
- дарсдан сўнг қўшимча дарслар – репетиторлик хизматларининг вужудга келиши;
- олий ўқув юртларига хириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишни таъминлаш учун ўқув марказлари тизими шаклланди;
- мактабларда ўқув жараёнини икки сменада ташкил этишга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Мақтабларни молиялаштириш ҳажмини аниқлаш учун фойдаланиладиган формулада (Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирликларининг 2017 йил 6 мартдаги “Бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиққан ҳолда умумтаълим мактабларининг 2017 йилги бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қўшма қарорида келтирилган формула назарда тутилмоқда) “Харажатларнинг базавий нормативи” индикатори муҳим эканлигини қайд этиш лозим. Ушбу кўрсаткич мактаб бюджетини аниқлашдаги асосий категория бўлса-да, лекин уни ўзи қандай ҳисобланиши белгиланган қўйилмаган. Ушбу кўрсаткич бюджетни тузиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тақдим этилади.

Бизнингча, мазкур формуладаги мураккаблик жиҳати намунавий ва мослаштирилган мактаб биноларини тўлиқ акс эттирмайди. Шу нуқтаи назардан, ушбу формулани амалиётга татбиқ этишда мактаб биноти хусусияти тўртинчи гуруҳ (бошқа) харажатларини аниқлаштиришга яхшироқ имконият беради, деб ҳисоблаймиз. Сабаби, мослаштирилган биноларда техник имкониятлар стандартлашмаган бўлади ва уларни ягона стандартлашган тизимга келтиришнинг имконияти мавжуд эмас.

Шу билан бирга, ушбу қўшма қарорнинг 7-бандида: “Умумтаълим мактабининг айрим харажатлари бўйича йил бошига дебитор қарздорлиги мавжуд бўлганда, муассасанинг базавий нормативлар асосида ҳисобланган харажатлари ҳажми дебитор қарздорлик суммасига камайтирилиши лозим.



Умумтаълим мактабининг кредитор қаздорлиги ушбу муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, маблағлар етарли бўлмаган ҳолларда эса харажатларнинг базавий нормативлари асосида аниқланган бюджети доирасида қопланади”, деб белгиланган. Ушбу ҳолат мактабнинг бюджетдан ташқари маблағлардан манфаатдорлигининг пасайишига олиб келишини кузатиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарорининг 71-бандида: “Давлат умумтаълим муассасасига бюджетдан ташқари қўшимча маблағларни жалб этиш бюджетдан молиялаштиришни камайтиришга олиб келмаслиги лозим”, деб белгиланган.

Бизнингча, ушбу ўзаро зид келадиган ҳолатнинг мавжудлиги мактабларда бюджетдан ташқари маблағ жалб этишнинг сусайишига шарт-шароит яратади, натижада, мактабларда молиявий менежмент ривожланмайди. Ҳукумат қарорида мактабларнинг барча харажатлари бюджетдан қопланиши белгиланган бўлиб, бюджетдан ташқари маблағларнинг қатга қисми мактабнинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилишига амал қилиш лозим.

Шунингдек, педагогларнинг иш ҳақларини ҳисоблашда уларнинг маълумоти ва малакаси муҳим роль ўйнайди. Ушбу ҳолатни эса, қўшма қарорда белгиланган формулада ҳисобга олишнинг имкони мавжуд эмас, деб ўйлаймиз. Масалан, бир хил ўқувчилар сонига эга бўлган бир ҳудуддаги мактабнинг бирида олий тоифали ўқитувчилар кўп бўлса, иккинчисида биринчи тоифали ўқитувчилар кўп бўлиши мумкин. Ўз-ўзидан маълум бўладики биринчи мактабнинг иш ҳақи харажатлари иккинчисиникига қараганда сезиларли ҳажмда кўп бўлади. Шу боисдан, ушбу ҳолатларни инобатга олишни ўзида аке эттирадиган ҳисоблашларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Бир ўқувчига тўғри келувчи харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштиришга нисбатан кўплаб рус олимлари ўз муносабатларини билдиришган. Масалан, И.Гинзбургнинг

фикрига кўра<sup>108</sup>, киши бошига меъёрий молиялаштириш – ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун умумтаълим муассасасининг молиявий мустақиллик тамойили асосида таълим харажатларини шакллантириш механизмини ўзида акс эттиради. Киши бошига молиялаштириш меъёри эса – таълим қиймати, яъни бир киши таълим олиши учун кетадиган харажатлар мажмуи бўлиб, таълим кафолаталарини амалга оширишга ёрдам беради.

Ўқувчига тўғри келадиган харажатлар нормативидан келиб чиқиб, молиялаштириш Россия тажрибасида ҳам 2016 йилдан қўллана бошлаган. Жумладан, Россия Федерацияси Президенти В.Путин 2012 йил 7 майда «О мерах по реализации госполитики в области образования и науки» 599-сонли Фармони имзолади. Унга кўра, 2016 йил 1 январдан бошлаб, умумтаълим муассасаларида харажатлар нормативидан келиб чиқиб, молиялаштириш назарда тутилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, ушбу ислохотдан сўнг бир ўқувчига тўғри келувчи харажатлар нормативи методи билан фақатгина қўйидагиларни молиялаштиришга эришилаётганлиги қайд этилмоқда<sup>109</sup>:

- ходимлар иш ҳақи (педагог ва маъмурият);
- ўқитувчилар малакасини ошириш тўловлари (уч йилда бир маротаба);
- муассасанинг материал базасини таъминлаш;
- ўқувчиларни алоҳида ўқитиш;
- умумхўжалик (алоқа хизмати, хавфсизлик ва транспорт) харажатлари.

Кўриниб турибдики, Россия тажрибасида ҳам ушбу методнинг баъзи камчиликлари мавжуд экан. Жумладан, жорий таъмирлаш, мебель сотиб олиш, ўқув адабиётлари ва лаборатория харажатлари кабиларни молиялаштириш назарда тутилмаган. Бу, ўз навбатида,

<sup>108</sup> Гинзбург И.В. Правовое регулирование финансирования общего образования в Российской Федерации: автореферат ... к.ю.н. – М.: Института государства и права Российской академии наук, 2015. – 27 с.

<sup>109</sup> Подушевое финансирование: что это и как реализуется. 7 ноября 2019 г. <https://activityedu.ru/Blogs/analytics/podushevoe-finansirovanie-obrazovatelnyh-organizaciy-cto-eto-i-kak-realizuetsya/>

ушбу усулни тўлдиришлар билан янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Қозоғистонда ҳам ўқувчига тўғри келувчи базавий харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштириш амалиёти киритилган. Тажриба тариқасида Нур-Султон шаҳрида амалга оширилган синовларда сметали молиялаштиришга нисбатан маблағларнинг ортисига эришилгани кузатилган. Шундай бўлса-да, ушбу метод орқали жорий таъмирлаш харажатлари кўзда тутилган, аксинча, капитал таъмирлашни молиялаштириш назарда тутилмайди. Ушбу харажатлар мактабнинг иқтисод қилинган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади<sup>110</sup>.

Бизнингча, базавий харажатлар асосида мактабларни молиялаштириш методини қўллашда молиявий менежментни мактаб маъмурияти ёки мактабда тузилган кенгаш орқали амалга оширишни жорий этиш муҳим ҳисобланади. Бунда давлат томонидан белгиланган базавий харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштириш асосида харажатларни амалга ошириш мустақиллигини умумтаълим муассасаларининг ихтиёрида бўлишини жорий этиш лозим. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

– ўқувчиларнинг мактаб синфлари сигимкорлигидан ортиқ қабул қилинишини чеклаш ёхуд максимал мактаб сигимкорлигидан ортиқ ўқувчиларни ўқитишни чегаралаш;

– йил давомида харажатларни мустақил амалга оширишда мезонларни жорий этиш. Масалан, максимал электр энергияси истеъмоли ёки мебель сотиб олиш кабилар;

– молия йили давомида режалаштирилган харажатлардан самарали фойдаланиш натижасида иқтисод қилинган маблағларни мактаб ихтиёрида қолдириш;

– ўтган йилда иқтисод қилинган маблағлардан белгиланган молиявий меъёрлардан ташқари фаолиятлар учун фойдаланишни жорий этиш. Масалан, ортиқча электр энергияси харажатларини

---

<sup>110</sup> Подушевое финансирование в школах. Решит ли оно проблемы среднего образования? 26 октября 2019 г. <https://informburo.kz/cards/podushevoe-finansirovanie-v-shkolah-reshit-li-ono-problemy-srednego-obrazovaniya.html>



қоплаш ёки мебель сотиб олишга сарфлаш кабиларга рухсат бериш;

– иқтисод қилишнинг қасдан амалга оширилишига йўл қўймаслик ва унга нисбатан молиявий мезонларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, мактаб таълимини молиялаштиришда педагоглар иш ҳақларини тўлаш тизимини такомиллаштириш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистонда қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақларини ҳисоблашнинг асосий мезонларини акс эттиради. Хусусан, 2005 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сонли қарори қабул қилинди. Бу билан эса, ўқитувчиларнинг базавий лавозим маошларини белгилашнинг шарт-шароити яратилди.

Юқорида қайд этилган бир ўқувчига тўғри келувчи харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштиришда мактаб ўқитувчилари иш ҳақлари ва унга ажратмаларни шакллантиришнинг асосий мезони сифатида келтириб ўтилди.

Умуман олганда, 275-сонли қарорга кўра, ўқитувчилар иш ҳақларини белгилашда қуйидаги омиллар инобатга олинади:

- олий маълумотга эга бўлган мутахассис;
- олий маълумотга эга бўлган иккинчи тоифали мутахассис;
- олий маълумотга эга бўлган биринчи тоифали мутахассис;
- олий маълумотга эга бўлган олий тоифали мутахассис.

Шунингдек, ўқитувчилар иш ҳақларига нисбатан тузатиш коэффициентлари улар эгаллаган штат бирлиги ва халқ таълими муассасасининг типига боғлиқ равишда табақалаштирилади.

Асосий омил сифатида қараладиган ушбу жиҳатлар ўқитувчилар иш ҳақлари ҳажмини белгилашда базавий аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 550 мингдан ортиқ педагог мавжуд ва уларнинг таркибида юқори малакага эга бўлганларнинг сони ортиб боради сари бюджет маблағларига бўлган талаб ҳам ортиб боради. Шу нуқтаи назардан,

республикамиздаги ўқитувчиларнинг малакаси бўйича таркибини кўриб чиқсак.

*1.2-жадвал*

**Халқ таълими тизимидаги ўқитувчилар сон**

Жами сони	Ўрта махсус	Олий маълумотли мутахассис	2-тоифали мутахассис	1-тоифали мутахассис	Олий тоифали мутахассис
550587, киши	89288	259575	122691	62473	16560
100, фоизда	16,2	47,1	22,3	11,3	3,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

Энг катта улушга олий маълумотга эга бўлганлар ва 2-тоифали мутахассислар, мос равишда, 47 ва 22 фоизини ташкил этмоқда. Умуман олганда эса, ушбу категорияга мансуб бўлганлар жамининг 2/3 қисмини ташкил этмоқда. Олий тоифали ўқитувчилар эса энг кам улушга эга бўлмоқда. Уларнинг улуши атига 3 фоизга тенг бўлмоқда (1.2-жадвалга қаранг).

Хулоса қилиб айтганда, юқори малакага эга педагогларнинг катта улушга эга бўлмаслиги таълим сифатини оширишнинг заруратини келтириб чиқармоқда. Бу эса, кўпроқ бюджет харажатларини йўналтиришни ўзида акс эттиради. Бизнингча, бир ўқувчига тўғри келадиган харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштириш амалиёти тўлиқ молиявий мустақилликни таъминлашни бошлаганидан сўнг педагоглар иш ҳақларини мустақил белгилаш амалиёти мактабларда вужудга келади. Натижада, давлат томонидан минимал ва максимал иш ҳақлари учун чегараларни белгилаш орқали иш ҳақи тўлаш механизмини тартибга солиш мумкин бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарорининг 22-бандида

дарсдан кейин умумтаълим муассасаларида узайтирилган гуруҳлар ташкил этиш мумкинлиги кўзда тутилган. Ушбу гуруҳларнинг фаолият олиб бориши Халқ таълими вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу гуруҳларнинг фаолият юритиш тартиби белгиланиши назарда тутилган.

Бизнингча, молиявий бошқарувнинг иомарказлашувини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар доирасида бунга ўзгартириш киритиш лозим. “Ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб, маҳаллий молия (вилоят) бошқармалари билан келишилган ҳолда Халқ таълими бошқармаси томонидан белгинади”, деб ўзгартирилиши маҳаллий молиянинг мустақиллигини ва таълимни ҳудуд ижтимоий хусусиятидан келиб чиқиб ташкил этиш имконияти вужудга келади.

Ушбу ўзгаришнинг вужудга келиши билан мактабларда мустақил моливий менежментнинг юзага келишига шарт-шароит юзага келади. Бу эса, педагогларга қўшимча иш соатлари ва иш ҳақларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Масалан, бир ўқувчига тўтти келадиган харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштириш билан молиявий менежментнинг ривожлантирилиши ўқитувчилар иш ҳақлари ошишига молиявий имкониятларни ошириши мумкин. Бу борада, Е.Маточкина ўзининг мақоласида қуйидаги фаркларни келтириб ўтади<sup>11</sup>: мактабимизда бир ўқувчига харажатлар меъёри бўйича молиялаштириш усулига ўтилгандан сўнг молиявий менежмент ривожланди ва ўқитувчиларнинг иш ҳақлари сезиларли даражада ошди.

Базавий иш ҳақларига нисбатан қўшимча ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш орқали ўқитувчиларни янада қўллаб-қувватлаш назарда тутилиши мумкин. Ушбу методнинг қўлланилиши натижасида малака тоифаси юқори бўлмаган гуруҳдагилар ҳам нисбатан каттароқ иш ҳақларига эга бўлишларига имконият яратилади.

Бу борада, мактаб ўқитувчиларини моддий рағбатлантиришни ўзида акс эттирган ва иш ҳақларига қўшимча ҳақ сифатида маблағларни тақсимлашни белгилайдиган ҳужжат ҳам қабул

<sup>11</sup> Маточкина Е.Н. Зарплата учителя в нашей школе выросла вдвое Народное образование. – 2012. -№10. –С. 187-189. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zarplata-uchitelya-v-nashey-shkole-vyroslo-vdvoe/viewer>



килинди. Жумладан, 2019 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 823-сонли қарори қабул қилинди.

Таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 275-сонли қарориди ҳам синф раҳбарлиги ва дафтарларни текширганлиги учун ҳам кўшимча ҳақлар белгиланган. Лекин ушбу маблағларни молиялаштириш харажатлар сметасида алоҳида кўрсатилган ҳолда амалга оширилади. 823-сонли қарор билан белгиланадиган устама ҳақлар эса директор жамғармаси орқали молиялаштирилиши белгиланган. Шу нуқтан назардан ушбу икки молиявий рағбатлантириш механизмлари ўзаро фарқланади.

Директор фондидан рағбатлантириш жами штатдаги ўқитувчилар сонининг 50 фоизидан ортиб кетмаган контингентдаги ўқитувчилар моддий рағбатлантирилишини кўзда тутди. Бунинг сабаби директор жамғарма маблағлари ўқитувчиларнинг иш ҳақларига нисбатан 15 фоизи миқдориди бюджетдан харажатларни йўналтириш орқали жамғарилади.

Рус олими, проф. Е.Аврамова ўз тадқиқотларида Россияда иш ҳақи тўлаш тизимининг амалга киритилган ва эски тизимини ўзаро қиёслаш бўйича хулосаларни шакллантиради<sup>112</sup>. Унга кўра, ўтказилган сўровномада иштирок этган ўқитувчиларнинг 28 фоизи эски тизимни маъқул кўрган бўлсалар, 31 фоизи янги тизим учун овоз берганлар ва 41 фоизи эса жавоб беришга қийналганини таъкидлашган.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга ҳаракат қилдик:

– Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришни БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида амалга оширилишини таъминлаш;

– инсон капиталининг шаклланишида таълим, айниқса, таянч таълимнинг ўрни муҳим эканлиги халқаро ҳамжамият томонидан

<sup>112</sup> Аврамова Е.М. Как учителя Москвы и Подмоскovie оценивают эффективность новой системы оплаты труда//Народное образование. – 2014. -№1, -С. 54-59. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kak-uchitelya-moskvy-i-podmoskovya-otsenivayut-effektivnost-novoy-sistemy-oplaty-truda/viewer>

ҳам алоҳида қайд этилганлиги соҳани молиялаштиришнинг долзарблигини белгилаб беради;

– бир ўқувчига тўғри келадиган харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш лозим. Бунда давлат томонидан мактаблардаги молиявий менежментга нисбатан чегаравий қийматларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим ҳисобланади;

– бир ўқувчига базавий молиялаштириш методини қўллаш орқали ўқитувчиларнинг иш ҳақларини мактаб томонидан мустақил белгилаш имкониятини жорий этиш лозим;

– мактабларда бир ўқувчига базавий харажатлар меъёрини жорий этишда мактабнинг ўқувчи сифимкорлигини мониторинг қилиш ва “стуллар етишмаслиги” ҳолати юзага келишининг олдини олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **1.3. Мактаб таълимини молиялаштиришга таъсир этувчи омилларнинг моҳияти**

Ўзбекистонда умумтаълим тизимини молиялаштиришда инobatга олинадиган кўрсаткичлар гуруҳида мактабнинг ўқувчи сифимкорлиги ва унда фаолият олиб борувчи ўқитувчиларнинг малака тоифалари муҳим роль ўйнаши олдинги параграфларда кўриб чиқилди. Унга кўра, қуйидаги кўрсаткичлар тизими бирламчи омил бўлиб хизмат қилади:

– таълим босқичлари бўйича ҳар бир ўқувчига харажатларнинг базавий меъёрлари ва ўқувчиларнинг ўқув йили бўйича ўртача сони;

– умумтаълим мактабининг ўқувчи сифимкорлиги;

– синфларнинг меъёрий тўлдирилиши;

– алоҳида аҳмиятга эга бўлган ҳамда узайтирилган кун давомида мактабда қоладиган ўқувчилар сони ва шу қабилар.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар мактабларни молиялаштиришда фойдаланиладиган бирламчи омиллар бўлиб, улар тўғридан-тўғри харажатлар ҳажмига таъсир кўрсатади. Шунингдек, бошқа омиллар ҳам борки, улар молиялаштиришга иккиламчи

ёки билвосита тарзда таъсир кўрсади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мактабнинг аҳоли орасидаги норасмий рейтинги – бу омил натижасида ушбу мактабга ўқувчи сифимкорлигидан ортиқ ўқувчилар келишига шароит яратилади. Бу эса, ўқувчилар сонининг ортиши билан унга ажратиладиган маблағлар ҳажмига таъсир кўрсади;

- умумтаълим муассасасини аҳоли зич жойлашган микро-худудда жойлашганлиги – мазкур омил мактабга қатновчи ўқувчилар сонининг табиий ошиб кетишига олиб келади.

Бизнингча, юқоридаги фикрлардан мактаб таълимини молиялаштиришга таъсир этувчи омилларни қуйидагича тизимлаштириш мақсадга мувофиқ:

- бирламчи таъсир этувчи омиллар;
- иккиламчи таъсир этувчи омиллар.

Бизнингча, иккиламчи таъсир этувчи омиллар қаторида қайд этилган норасмий рейтинг даражаси аҳолининг мазкур муассасага бўлган талабининг ошишига олиб келади. Бу эса, оилаларнинг уйларида ушбу мактабнинг қанчалик узоқда жойлашганлиги аҳамиятга эга эмаслигини англатади. Натижада, ўқувчиларнинг узоқ масофадаги мактабга қатнашларига тўғри келиши мумкин.

Ушбу омилнинг қанчалик аҳамиятга эга эканини аниқлаш мақсадида тадқиқотимиз доирасида 2020 йил март-май ойларида интернет тармоғи (<https://docs.google.com/forms/d/11w7YmouCifVR4uHK1-dy4WGjZ2dliZHS-MSFZhHqTO4/edit#responses> – google.com портали имкониятларидан фойдаланган ҳолда сўровнома мазкур линкда жойлаштирилди) орқали онлайн сўровнома ўтказилди. Ушбу сўровнома мамлакатимизнинг турли худудларига тарқатилди ва унда 3580 та ота-она иштирок этди.

Мазкур сўровноманинг “Уйингиздан мактабгача бўлган масофа қанча?” деган саволига ота-оналарнинг 49 фоизи масофа 1 км гача эканлигини маълум қилишган. Бошқача айтганда,  $\frac{3}{4}$  қисм оилаларнинг фарзандлари 3 км гача бўлган масофада жойлашган мактабга қатнамоқдалар. 5 фоиздан ортиқ қисм оилаларнинг фарзандлари мактабга 8 км дан ортиқ бўлган масофага таълим олишга боришига тўғри келмоқда (1,2-расмга қаранг).





**1.2-расм. “Уйингиздан мактабгача бўлган масофа қанча?” саволига жавоблар (фонзда)**

Бизнингча, мамлакатимизда мактабларнинг жойлашуви аҳолининг зичлиги нуқтаи назаридан жойлаштирилган, лекин баъзи сабаблар билан ота-оналар фарзандларини ўз уйдан узоқда бўлган мактабларга олиб боришларига тўғри келмоқда. Бу эса, мамлакатимизда амалда бўлган бир ўқувчига тўғри келувчи харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштириш тизимига таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, 2009 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1245-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга кўра, мамлакатимизда бир ўқувчига харажатлар бўйича молиялаштириш илк марта жорий этилган.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, бир ўқувчига молиялаштириш методи молиялаштириш самарадорлигини тўлиқ таъминлашга ёрдам бермаяпти. Таъкидлаш лозимки, сўровномада олинган натижаларга кўра, ¼ қисм оилаларнинг фарзандлари 3 км дан ортиқ масофага қатнашмоқда (1.2-расмга қаранг).

Ўзбекистонда аҳоли зичлигини инobatга олган ҳолда ушбу кўрсаткични таҳлил этиб кўрамиз. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра республикаимизда 33,9 млн. аҳоли доимий истикомат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ер майдони 448,9 минг км. кв. эканлиги маълум<sup>113</sup>.

<sup>113</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маълумоти.  
<https://www.gov.uz/uz/pages/territory>

Ўзбекистон Республикасининг мактабларига тўғри келувчи  
ўқувчилар тенденцияси<sup>114</sup>

	2019 йилдаги аҳоли зичлиги, 1 км. кв.га, киши	2019 йилдаги мактаблар сони, дона	2019– 2020 ўқув йилидаги ўқувчилар сони, ўқувчи	2019 йилда бир мактабга тўғри келувчи ўқувчи сони	
				Реал (3/2)	Зичлик бўйича
1	2	3	4	5	6
Ўзбекистон Республикаси	74,1	9942	6119440	616	604
Қорақалпоғистон Республикаси	11,2	725	344047	475	466
Андижон	713,2	764	555448	727	703
Бухоро	47,1	533	323844	608	599
Жиззах	63,8	548	256634	468	463
Қашқадарё	112,5	1144	627328	548	538
Навоий	8,8	364	178060	489	479
Наманган	370,0	705	499667	709	694
Самарқанд	226,5	1245	719684	578	566
Сурхондарё	127,9	921	493155	535	524
Сирдарё	193,9	309	155981	505	497
Тошкент	190,1	889	509741	573	578
Фаргона	544,9	942	660780	701	689
Хоразм	303,4	540	349944	648	637
Тошкент ш.	7514,9	307	456048	1485	1454

Биз томонимиздан Ўзбекистон ҳудудининг таркиби – чўллар, сув майдонлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмони майдонлари ҳисобга

<sup>114</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган. [http://web.stat.uz/open\\_data/uz/13.2%20Population%20density\\_uzb.pdf](http://web.stat.uz/open_data/uz/13.2%20Population%20density_uzb.pdf) ва <https://www.uzedu.uz/uz/statistika>

олинмаган ҳолда аҳолининг яшаши учун фойдаланилаётган барча майдонлар ҳажмини аниқлашнинг имкони бўлмаганлиги сабабли таҳлилларимизни шунга мувофиқ ўтказишимизга тўғри келди.

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда умумтаълим муассасалари сони 9942 тани ташкил этади. Демак, 9942 та мактабни 448,9 минг км. кв га тақсимласак, 45 км. кв га битта мактаб тўғри келиши маълум бўлади. 1.3-жадвал маълумотларида 1 км. квга тўғри келувчи аҳоли зичлиги берилган. Умуман олганда, битта мактаб қанча майдонга тўғри келиши, мос равишда, ушбу ҳудуднинг ер майдони ва мактаблар сони ўртасидаги нисбат билан аниқланади.

Умуман олганда, аҳоли зичлиги ва мавжуд мактаблар сони нуқтаи назаридан ҳудудларда бир мактабга тўғри келувчи ўқувчи сонини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бундай ҳисоблашни биз томонимиздан таклиф этилган қуйидаги 1.1-формула билан амалга ошириш мумкин:

$$\check{Y}_m = \frac{X_m}{M_c} \times Z_a \times \frac{\check{Y}_c}{A_c} \quad (1.1)$$

Бунда:

$\check{Y}_m$  – мактабдаги ўқувчилар сони;

$X_m$  – ҳудуд ер майдони, км. кв;

$M_c$  – ҳудуддаги мактаблар сони, дона;

$Z_a$  – аҳоли зичлиги, киши;

$\check{Y}_c$  – ҳудуддаги ўқувчилар сони;;

$A_c$  – ҳудуддаги доимий аҳоли сони, киши.

Ишлаб чиқилган формула ёрдамида 2019–2020 ўқув йили учун аҳоли зичлигига нисбатан мактабларнинг жойлашувини аниқлаймиз. Масалан, Ўзбекистон бўйича ушбу кўрсаткич 604 та ўқувчини ташкил этиши маълум бўлади (1.3-жадвалнинг 6 устунига қаранг).

Хулоса қилиб айтганда, реал ҳолатдаги ўқувчилар тақсимоти ва 1-формулага асосан, ўқувчилар тақсимоти деярли барча ҳудудларда фарқ билан чиққан. Шунингдек, Андижон, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларида Ўзбекистондаги ўртачага нисбатан кўрсаткич сезиларли катта эканлигини кўриш мумкин. Тошкент шаҳрида бир мактабга 1400 дан ортиқ ўқувчи тўғри



келаётганлиги, биринчидан, кўплаб мактабларда бир неча сменали ўқиш жараёнини ташкил этиш заруратини, иккинчидан, хусусий мактабларга бўлган талабни юзага чиқармоқда.

Фикримизча, мактаблар аҳоли зичлигига нисбатан Ўзбекистонда тенг тақсимотга эга бўлса-да (Тошкент шаҳрини инобатга олмаганда), оилаларнинг  $\frac{1}{4}$  қисми фарзандларини ўз уйдан 3 км дан ортиқ узоқликда бўлган мактабларга олиб бормоқдалар. Ушбу тенденциянинг шаклланиши бир ўқувчига харажатларга нисбатан молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Амалга оширилган сўровноманинг навбатдаги саволи: “Мактабда дарсдан сўнг пулли таълим хизматларининг қайси турлари бўлишини истайсиз?”.

Ўзбекистонда мактаб таълими тўлиқ давлат томонидан бепул асосларда тақдим этилиши Конституция ва қонунлар билан белгилаб қўйилган бўлса-да, ота-оналар ўз фарзандлари билим олиши учун кўпроқ шарт-шароитлар яратишни истамоқдалар. Бунинг сабабини баъзи омилларнинг мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин:

биринчидан, ота-оналар мактабларда дарс вақтида берилган билимларнинг ўзи етарли эмас, деб ҳисоблайдилар;

иккинчидан, мактабларда дарс вақтида берилаётган таълимнинг сифатидан қониқмасликлари мумкин;

учинчидан, фарзандларининг қизиқишларини инобатга олиб янада кўпроқ ихтисослашган билимлар олишига шароит яратишга интилиш.

Умуман олганда, мактаб таълимидан ташқари пулли таълим хизматларининг ривожланиши хусусий таълим тизимини вужудга келтирувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. ушбу масаланинг Жанубий Корея тажрибасига эътибор қаратсак, ўтган асрнинг 70-йиллари Жанубий Корея мамлакатида мактаб таълими тизимини ривожлантириш ва илоҳотларни жадал амалга оширишининг бошланиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу даврда бир синфда юзлаб ўқувчилар ёки бир неча сменада таълим жараёнларини ташкил этишга зарурат юзага келган. Натижада, мажбурий таълим тизимида давлат мактаблари билан бирга, хусусий мактаблар ҳам ривожлана борди. Вужудга келган рақобат

муҳитида аҳоли томонидан танлов амалга ошириш учун имкониятлар яратилди. Шу билан бирга, қайд этиш керак, касбий техник малака билим юртларидаги талабаларнинг 47 фоизи ва олий ўқув юртларидаги 80 фоиз талабалар хусусий мактабларнинг битирувчилари эканликлари алоҳида эътиборга молик. Ўз навбатида, қўшимча таълим хизматлари учун ота-оналар ойига 164 АҚШ доллари атрофида маблағ сарфлашган, бу тахминан миллий даромаднинг 6 фоизига тенг бўлган. Япония тажрибасида хусусий таълимнинг ривожланишида рақобатнинг кучли эканлиги ушбу мамлакатнинг ютуқларида муҳим омил сифатида қайд этилади<sup>115</sup>.



**1.3-расм. “Мактабда дарсдан сўнг пулли таълим хизматларининг қайси турлари бўлишини истайсиз?” саволига жавоблар (фондда)**

Шунингдек, К.Костас ва П.Жоржлар грек оилалари ўртасида мактаб таълимидан ташқари хизматларни амалга ошириш тенденциялари бўйича сўровнома асосида тадқиқотлар ўтказишган. Жумладан, олий таълимда ўқиш учун имтиҳонлардан ўта олмаган оилаларнинг репетиторлик хизматлари учун сарфлаган маблағлари давлат бюджети таълим харажатларининг 46 фоизига тенг бўлган. Бунинг сабаби сифатида икки омил келтирилади: 1) грек фуқаросининг жамиятдаги тутган ўрни унинг таълим тизимидаги муваффақияти ва иштирокига бевосита боғлиқ; 2) грек оилалари

<sup>115</sup> Ёкубова Н.К. Саломова Б.В. Таълим тизими ривожланиши давлат тараққиётининг омил сифатида (Жанубий Корея ва Япония мисолида) // “Замонавий таълим журнали”. – Т.: 2017. – №9. – Б.33-41.

истаган таълим сифатини таъминлашга давлат маблағлари етарли эмаслиги сабаб бўлаётганлиги<sup>116</sup>.

Ўзбекистон шароитига эътибор берсак, сўровномада иштирок этган ота-оналарнинг 60 фоизи кўшимча пулли хизматларнинг ташкил этилишига розилик беришмоқда. Шундан энг катта улушга аниқ фанлар бўйича кўшимча дарслар ташкил этилишига бўлган хайрихоҳлик 41 фоиз кўрсаткич билан юқори бўлаётганлиги кўриш мумкин (1.3-расмга қаранг). Бизнингча, бундай ҳолатнинг шаклланишига сабаб аниқ ва табиий фанларнинг Ўзбекистонда энг жозибадор бўлган иқтисодиёт, ахборот технологиялари ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларидаги фанлар бўлиши билан чамбарчас боғлиқ, деб ўйлаймиз.

Шуни қайд этиш лозимки, “пулли таълим шарт эмас” деб жавоб берган 629 та оиладан 331 (52 фоиз) тасининг уйидан мактабгача бўлган масофа 1 км гача бўлса, 35 (5,5 фоиз) тасиники 8 км дан ортиқни ташкил этган. Шунингдек, мос равишда, масофа узоклашиб боргани сари пулли таълимга қизиқиш камайиб борганлигини аниқлаш мумкин. Бошқача айтганда, уй билан масофанинг узоклашиб бориши бўйича жавоб берганларнинг (қуйидаги мос равишдаги улуши 81 фоиз, 88 фоиз, 85 фоиз, 82 фоиз) 80 фоиздан ортиғи пулли хизматларни ташкил этилишига истак билдирганлар. Хулоса қилиб айтганда, пулли таълим хизматлари асосида кўшимча дарсларни ташкил этишда уй ва мактаб ўртасидаги масофанинг яқин бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда (1.2-ва 1.3-расм маълумотлари жавоб берганлар кесимидаги боғлиқлик асосида таҳлил этилган).


Тадқиқотимиз давомида амалга оширилган сўровноманинг навбатдаги саволи қуйидагича: “Фарзандингиз репетиторга бормасдан туриб, олий таълим муассасасига ўқишга киришига ишонасизми?”. Ушбу саволни беришдан мақсад, юқорида қайд этиб ўтилганидек пулли таълим хизматларни ташкил этишга билдирилган истак қандай мақсадларни кўзлаганини аниқлашдан иборат.

---

<sup>116</sup> Costas K. and George P. Private education expenditure in a 'free education' country: the case of Greece. *International Journal Educational Development*, 1997. - №17(1). - pp.73-81.



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ахборотига асосланиб, Дарё.уз сайтининг маълумот беришича<sup>117</sup>, 2019 йилнинг май ойида Хоразм вилоятида 11-синф битирувчиларида олий таълимга тест топширишда кўникма ҳосил қилиш мақсадида “стресс-тест” шаклида синов тестлари амалга оширилган. Унга кўра, синовлар 2 босқичда ўтказилган. Ушбу синовнинг биринчи босқичида 8296 нафар ўқувчидан 7340 нафари (88,4 фоиз)нинг бугунги кунда олий таълимга тайёргарлик даражаси паст эканлиги аниқланди. Шунингдек, 2-босқичда 1-босқичга нисбатан олий таълимга кириши мумкин бўлган ўқувчилар сони 288 нафарга ошди. Шунингдек, тест топширган ўқувчиларнинг 6787 нафари ўтган йилги кириш балларидан паст балл тўплаган бўлса, 2563 нафари (1-босқичга нисбатан 1758 нафарга камайган) эса жавоб варақаларини бўяшдаги хатоликлар туфайли етарлича балл тўплай олмаган.



#### 1.4-расм. “Фарзандингиз репетиторга бормасдан туриб олий таълим муассасасига ўқишга киришига ишонасизми?” саволига жавоблар (фоизда)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ахбороти асосида берилган маълумотдан ҳам кўриниб турибдики, мактаб таълимининг фаолият натижаларида тадқиқотлар амалга оширилиши зарурати доимий кун тартибда турибди.

<sup>117</sup> Хоразмдаги мактабларда ОТМларга кириш имтиҳонларига тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида тест синовлари ўтказилди. <https://daryo.uz/k/2019/05/21/xorazmdagi-maktablarda-otmlarga-kirish-imtihonlariga-tayvorganlik-darajasini-aniqlash-maqsadida-test-sinovlari-otkazildi/> Мурожаат санаси: 26.04.2020 й.

Сўровномада иштирок этган ота-оналарнинг 1/3 қисми фарзандлари репетиторсиз ҳам олий таълим муассасасига ўқишга кира олишларини билдиришган бўлса, қўшимча пулли хизматга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги 47 фоиз оилаларда кузатилган (1.4-расмга қаранг).

Шу ўринда 1.3-расм ва 1.4-расмда келтирилган жавоблар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Мактабдаги дарслардан сўнг қўшимча пулли таълим хизматлари шарт эмас, деган қарорни маълум қилган ота-оналар, яъни “Мактабда дарсдан сўнг пулли таълим хизматларининг қайси турлари бўлишини истайсиз?” деган саволга “пулли таълим шарт эмас” деганлар сони 629 тани ташкил этган. Шундан, “Фарзандингиз репетиторга бормасдан туриб олий таълим муассасасига ўқишга киришга ишонасизми?” деган саволга “ха, албатта” деб фикр билдирганлар 282 тага тенг бўлиб, 45 фоиз улушни ташкил этган. Эътиборли жиҳати, “пулли таълим шарт эмас”, деб жавоб берганларнинг 226 таси олий таълимга кириш жиҳатидан фарзандларига “репетитор керак” деб жавоб берган ва бу 36 фоизга тенг бўлган. Ушбу таҳлилларимизни давом эттирганимизда маълум бўлдики, “пулли таълим шарт эмас” деб жавоб берган оилаларнинг 103 таси ёки 16 фоизи фарзандарининг олий таълимга киришларига шубҳа билдиришган (1.3- ва 1.4-расм маълумотларида жавоб берувчилар кесимидан келиб чиқиб таҳлил этилган).

Хулоса қилиб айтганда, қуйидагиларни келтириш мумкин:

– пулли таълим бўлишини истамайдиган оилаларнинг ярми ўз фарзандларини талаб даражасида таълим олмоқда ва олий таълимга ўқишга кира олади деб ҳисоблайди;

– зотан, пулли таълимни истамаса-да, мактабдан ташқари ҳолатда репетитор хизматларини сотиб олиш орқали ўз фарзандларини билимини мустаҳкамлаш ва бу билан олий таълимга кириш имконини таъминлашни кўзлашмоқда;

– оилаларнинг 1/6 қисми ё пулли хизматларни исташмайди, ё фарзандлари олий таълимга ўқишга кира олишларига ишонишмайди. Бундан хулоса шуки, таълим олишни бирламчи деб ҳисобламайдиган оилаларнинг сони кичик бўлмаган улушда сақланиб қолмоқда.

Сўровнома асосида амалга оширилган тадқиқотимизнинг охириги саволи: “Фарзандингизни қўшимча дарслари (репетиторлик хизмати)га тўлов қилишга даромадингиз етадими?” деган савол бўлиб, оилаларнинг даромадлари нечоғлик қўшимча таълим хизматларини сотиб олишга етарли эканлигини аниқлаш ва баҳолашдан иборат мақсадни ақс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2018 йилда аҳоли умумий даромадлари киши бошига 8 млн. 580 минг сўмни ташкил этган. Реал даромадлар эса, 7,3 млн. сўмга тенг бўлган. Шундан истеъмол учун йўналтирилаётган харажатларнинг улуши 20 фоиз атрофида бўлаётганлигини кўриш мумкин<sup>118</sup>.



### 1.5-расм. “Фарзандингизнинг қўшимча дарслари (репетиторлик хизмати)га тўлов қилишга даромадингиз етадими?” деган саволга жавоблар (фоизда)

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли даромадларида хизматларни сотиб олиш ҳажми юқори улушга эга бўлмаяпти. Унинг сабабларидан бири сифатида, даромадларнинг қарийб ярми озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга сарф этилаётганлиги билан боғлиқ.

Демак, хизматларни сотиб олиш устуворлик касб этмаётган даврда, 43 фоиз ота-оналар даромади фарзандларининг қўшимча таълим олишлари учун тўлиқ етаётганлиги даромадлар тенг тақсимотга эга эмаслигидан келиб чиқади. Шунингдек, 44 фоиз оилаларнинг даромадлари юқори бўлмаса-да, фарзандларига

<sup>118</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)



қўшимча таълим хизматларининг тақдим этилишида фаол бўлаётганликларини қайд этиш лозим (1.5-расмга қаранг).

Хулоса қилиб айтганда, даромади етарли ҳажмда бўлганда репетиторлик хизматларини сотиб олишларини билдирган ота-оналар 10 фоиздан ортиқни ташкил этаётганлиги, Ўзбекистонда пулли таълим хизматлари бозори ўзининг кенг таъсир доирасига эгалигидан далолат беради. Таъкидлаш лозим, пулли таълим бўлишини хоҳламаса-да, фарзандларини репетиторга беришга тайёр бўлганлар ёки тўлиқ шу хизматга ишонганларнинг мавжуд бўлиши мамлакатимизда “норасмий пулли мактаб таълими” тизимининг вужудга келганлигини кўрсатиб турибди.

Сўровномадаги саволларга жавоблар кесишмасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил этиш жараёнида “Мактабда даредан сўнг пулли таълим хизматларининг қайси турлари бўлишини истайсиз?” ҳамда “Фарзандингизнинг қўшимча дарслари (репетиторлик хизмати) га тўлов қилишга даромадингиз етадими?” деган саволларга берилган жавобларни иштирокчилар кесимида тадқиқ этамиз.

Демак, “пулли таълим шарт эмас” деб жавоб берганлар сони, таъкидлаганимиздек, 629 тани ташкил этади. Қўшимча дарсларга даромадлари “ха бемалол” деб етишини билдирган оилалар 178 та ёки 28 фоизга тенг бўлган. Даромадлари баъзан етмай, “қийналишини” билдирган оилалар 265 та ёки 43 фоиз ва “даромади етарли бўлганда” репетитордан фойдаланишини истаган ота-оналар улуши 178 та ёки 28 фоизни ташкил этган. 5 киши бу саволга жавоб бермаган. 2/3 қисм ота-оналар ўз фарзандларига қўшимча таълим хизматларини тақдим этилишида фаол бўлишмоқда. Бошқача айтганда, оиланинг харажатлари таркибида ушбу хизмат учун маблағлар йўналтирилиши назарда тутилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, ота-оналар пулли таълим хизматлари бўлишини исташмаса-да, ушбу хизматдан фойдаланаётган ота-оналар катта улушни ташкил этмоқда. Пулли хизмат бўлишига тўлиқ хайрихоҳлик билдирганларнинг 90 фоизи, шундан даромади бемалол етадиганлар 46 фоиз, репетиторлик хизматидан фойдаланмоқда. Қолган 10 фоизининг эса, репетиторликни хоҳлашини, лекин даромадлари етмаслиги сабабли ушбу хизматдан фойдалана олмалиги маълум бўлмоқда.

Мазкур таҳлиллardan келиб чиқиб айтганда, мактаб ва мактабдан ташқарида пулли таълим хизматларини сотиб олаётганларнинг 90 фоизи истаги ва имконияти бир хил эканлигидан далолат беради.

### **Биринчи боб бўйича хулосалар**

1. Олиб борилган тадқиқотлар асосида таъкидлаш мумкинки, молиялаштириш ҳолати унинг турли жиҳатларини инobatта олишни назарда тутати. Жумладан, хорижлик олимлар томонидан ҳам турли ёндашувлар баён этилган. Умумий хулоса қилиб, таълим тизимини молиялаштиришнинг элементлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: натижавийлик, объекти ва субъекти, тўлиқ бюджет маблағлари, ўқувчилар сони, ўқитувчиларнинг малакаси каби кўрсаткичлар. Мактаб таълимини молиялаштиришда тижоратлашув хусусиятини жорий этишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги унинг муҳим элементи ҳисобланади. Тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, мактаб хизматларини пулли асосда аҳолига етказиб берилишини жорий этиш таянч таълим билан қамраб олиш ва ижтимоий адолат қондаларининг бузилишига таъсир этиши мумкин. Шу боисдан, бюджет маблағларининг натижадорлигини таъминлашга қаратилган методларни ҳаётга татбиқ этиш муҳим ҳисобланади.

2. Бизнингча, бюджетдан молиялаштиришнинг *яқуний мақсад*ларга йўналтирилганлиги баҳоланганда ўқувчиларни халқаро стандартлар доирасидаги мезонларга жавоб бера олишига қараб белгиланиши лозим. Шу боисдан, Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришнинг амалдаги *оралиқ мақсад*ларни назарда тутишидан воз кечишни инobatта олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳозирги кунда мактаб таълимини молиялаштиришда бюджет маблағларининг ўзлаштирилишига эътибор қаратилади. Мазкур молиялаштириш натижасида эришиладиган омиллар назарда тутилмайди.

3. Хулоса қилиб айтганда, мактаб таълимини бюджетдан молиялаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– мактаб таълимини аҳолини тўлиқ қамраб олишига эришиш учун бюджет маблағларидан фойдаланишни чекламаслик;

– мактабда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланишини назарда тутадиган меъёрларни киритмаслик;

– мактаб таълимнинг тижоратлашув хусусиятига эга бўлишига йўл қўймаслик;

– мактаб таълимини бюджетдан молиялаштиришда оралик мақсадлардан якуний мақсадларни акс эттирувчи тамойилларга ўтиш.

4. Бизнингча, базавий харажатлар асосида мактабларни молиялаштириш методини қўллашда молиявий менежментни мактаб маъмуриятига ёки мактабда тузилган кенгаш орқали амалга оширишни жорий этиш муҳим ҳисобланади. Бунда давлат томонидан белгиланган базавий харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштириш асосида харажатларни амалга ошириш мустақиллигини умумтаълим муассасаларининг ихтиёрида бўлишини жорий этиш лозим. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

– ўқувчиларнинг мактаб синфлари сифимкорлигидан ортиқ қабул қилинишини чеклаш ёхуд максимал мактаб сифимкорлигидан ортиқ ўқувчиларни ўқитишни чегаралаш;

– йил давомида харажатларни мустақил амалга оширишда мезонларни жорий этиш. Масалан, максимал электр энергияси истеъмоли ёки мебель сотиб олиш кабилар;

– молия йили давомида режалаштирилган харажатлардан самарали фойдаланиш натижасида иқтисод қилинган маблағларни мактаб ихтиёрида қолдириш;

– ўтган йилда иқтисод қилинган маблағлардан белгиланган молиявий меъёрлардан ташқари фаолиятлар учун фойдаланишни жорий этиш. Масалан, ортиқча электр энергияси харажатларини қоплаш ёки мебель сотиб олишга сарфлаш кабиларга рухсат бериш;

– иқтисод қилишнинг қасддан амалга оширилишига қўл (имзо) қўймаслик ва унга нисбатан молиявий мезонларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

5. Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги ҳулосаларни шакллантиришга ҳаракат қилдик:



– Ўзбекистонда мактаб таълими молиялаштирилишини БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадалари доирасида амалга оширишни таъминлаш;

– инсон капиталининг шаклланишида таълим, айниқса, таянч таълимнинг ўрни муҳим эканлиги халқаро ҳамжамият томонидан ҳам алоҳида қайд этилганлиги соҳани молиялаштиришнинг долзарблигини белгилаб беради;

– бир ўқувчига тўғри келадиган харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш лозим. Бунда давлат томонидан мактаблардаги молиявий менежментга нисбатан чегаравий қийматларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим ҳисобланади;

– бир ўқувчига базавий молиялаштириш методини қўллаш орқали ўқитувчиларнинг иш ҳақларини мактаб томонидан мустақил белгилаш имкониятини жорий этиш лозим;

– мактабларда бир ўқувчига базавий харажатлар меъёрини жорий этишда мактабнинг ўқувчи сифимкорлигини мониторинг қилиш ва “стуллар етишмаслиги” ҳолати юзага келишининг олдини олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

### 2.1. Мактаб таълимини молиялаштиришда педагоглар ўрни ва ролининг ривожланиш тенденциялари

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишда педагогларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими муҳим аҳамияти эга. Иш ҳақини шакллантиришда илмий асосланган ёндашувни амалга ошириш, айниқса, долзарб ҳисобланади. Ушбу категориянинг ўқитувчи фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш ва таълим сифатига ижобий таъсир этишига шарт-шароит юзага келишини таъминлаш билан ифодаланиши муҳим вазифадир.

Мактаб таълими хизматларининг асосий хусусияти ишлаб чиқариш ва истеъмол пайтида юзага келади. Бу эса ўқитувчиларнинг меҳнат қийматини аниқлаш фақатгина ушбу даврда амалга оширилиши мумкинлигини истисно қилмайди. Шунингдек, уни бир пайтда бир неча истеъмолчи истеъмол қила олиши ва турли даражадаги натижаларни юзага келтириши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Тадқиқотимизни амалга ошириш давомида мактаб таълимини молиялаштириш тизимини педагоглар кўзи билан таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Унга кўра, биз томонимиздан тузилган саволнома педагоглар учун тузилган саволлар ёрдамида амалда оширилди. Ушбу сўровнома интернет ([https://docs.google.com/forms/d/1DIEQeXMVADhy\\_DhWSv9W0ecjvDZSazPa8Ts-lOrlz6w/edit#responses](https://docs.google.com/forms/d/1DIEQeXMVADhy_DhWSv9W0ecjvDZSazPa8Ts-lOrlz6w/edit#responses)) тармоғида жойлаштирилган саволлардан ташкил топди. Ушбу жараён 2020 йилнинг апрель-май ойларида амалга оширилиб, унда Ўзбекистоннинг турли нуқталаридан 2081 та педагог иштирок этди.

Мазкур саволномада: педагогларнинг ишга қанча масофадан қатнаши, малака тоифаси, неча ставкада ишлаши, таълим сифати, иш ҳақининг белгиланиши ва директор жамғармасидан фойдаланишнинг самарадорлиги каби жиҳатларга алоҳида эътибор берилди.

Педагогларнинг молниялаштиришга бўлган муносабати россиялик тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилган. Масалан, Т.Клячко, Г.Токарева томонидан иш ҳақи ва унинг таълимга таъсири борасидаги жиҳатлар сўровнома асосида тахлил этилган<sup>119</sup>. Иш ҳақидан қониқасизми тарзида берилган саволга 70 фоизга яқин педагоглар ундан норозилигини маълум қилишган. 2014–2016 йилларда ўқув юкмасининг пасайиши натижасида 1/3 қисмдан кўпроқ педагоглар ундан тўлиқ қониқишларини билдиришган. Эътиборли жиҳати, мактабда ўқитувчи сифатида ишлашнинг жозибadorлигига ёшларнинг қандай қарашига оид савол берилган. Ушбу саволга жавоб берган ёшларнинг 36 фоизи бундай иш ўрнини йўқотиш хавфи мавжуд эмаслиги билан боғлашларини белгилашган. Тадқиқотчилар хулоса сифатида мактаб педагогларининг иш ҳақлари ошган бўлса-да, таълим сифатидан қониқиш ҳосил қилинмаётганини билдиришган. Бунинг асосий сабаби сифатида эса, ота-оналарнинг таълим сифатини баҳолаш орқали иш ҳақига таъсир кўрсатиш механизмининг мавжуд эмаслиги келтирилган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 823-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга кўра, директор фондидан педагогларга устама ҳақлар тўлаш механизмининг янгиланган варианты жорий этилди. Ушбу қарорда устама ҳақ тўлаш учун умумтаълим муассасасининг педагогик кенгаши қарори асосида, муассаса директорининг буйруғи билан камида етти кишидан иборат тоқ сонда ишчи гуруҳ тузилиши белгиланган. Ушбу ишчи гуруҳ таркибида ўқувчиларнинг ота-оналаридан вакиллар бўлиши ва уларни ҳар ўқув йили олдидан ротация қилиб турилиши белгиланган. Ушбу тамойилнинг белгиланиши айнан юқоридаги тадқиқотда келтириб ўтилган муаммони бартараф этишга шароит яратиб берса-да, лекин педагогларга саволномада берилган саволлар замонавий хулосалар чиқаришга ёрдам берди.

<sup>119</sup> Клячко Т.Л., Токарева Г.С. Заработная плата учителей: ожидания и достигнутые результаты//Вопросы образования – М.: 2017. –№4, - С. 199-216. <https://vo.hse.ru/data/2017/12/20/1159981508/Klyachko.pdf>



Дастлаб, педагогларнинг малака тоифаларини аниқлаштиришга эътибор берилган. Шу боисдан, саволноманинг жавобларида мактаб таълими тизимидаги мавжуд тоифалар келтирилган. Тадқиқотларимиз давомида ушбу жавобларни белгилаганларни гуруҳга ажратган ҳолда таълим сифати ва иш ҳақига нисбатан таъсирни аниқлашга ҳамда баҳолашга ҳаракат қиламиз.



### 2.1-расм. “Малака тоифангиз қандай?” саволига берилган жавоблар (фоизда)

Ўзбекистон мактаб таълимида фаолият олиб боровчи олий тоифали педагогларнинг умумий педагоглар таркибидаги улуши 3 фоизни<sup>120</sup> ташкил этиши, сўровномамизда ҳам ўз аксини топган бўлиб, иштирак этганларнинг 6,5 фоиздан ортиқ қисми олий тоифали эканлиги эътиборга молик (2.1-расмга қаранг).

Олий тоифали мутахассисларнинг кам сонли улуш билан сакланиб қолиши ушбу тоифанинг талаблари кучайтирилганлиги ёки унга бўлган қизиқиш камайиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу ўринда педагогларнинг малака тоифалари нечоғлик бошқа омилларга таъсир этиши кўриб чиқилди. Бунинг учун сўровноманинг жавоблар кесимида ўзгармас омил сифатида малака тоифаси олинди, ўзгарувчи омиллар сифатида улар томонидан берилган жавобларнинг умумий улуши қандай бўлиши билан илмий хулосалар шакллантирилди.

Дастлаб, ушбу омилнинг педагоглар қандай ставкада ишлашига таъсирини аниқлаймиз. Бунинг учун 2.1-жадвалнинг устун

<sup>120</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

кисмига малака тоифаларини жойлаштирамиз. “Сиз неча ставкада ишлайсиз” деган саволга берилган жавобларни олдинги “Малака тоифангиз” саволида тоифаси тўғрисида маълумот берган ўқитувчиларнинг қанча ставкада фаолият олиб боришини боғлаймиз. Биз саволда “ставка” категорияси деганда фойдаланганимизда “штат бирлиги”ни назарда тутганмиз. Ставка сўзидан фойдаланишимиздан мақсад саволномада тушунмовчиликнинг олдини олишдир.

2.1-жадвал

**Штат бирлигининг малака тоифаси мавжудлигига  
боғлиқлиги**

Педагоглар малакаси (2081 киши)	“Сиз неча ставкада ишлайсиз” саволига жавоблар				
	Тўлик	0,75	0,5	0,25	Соатбай
Олий маълумотли мутахассис (733)	462	163	82	26	-
Олий маълумотли иккинчи тоифали мутахассис (651)	491	109	38	13	-
Олий маълумотли биринчи тоифали мутахассис (440)	348	72	19	1	-
Олий маълумотли олий тоифали мутахассис (139)	130	4	5	-	-
Ўрга махсус (118)	49	46	19	4	-
Жами	1480	394	163	44	-

Бир (тўлик) штат бирлигида фаолият олиб боровчиларнинг улуши катта бўлиб, 71 фоизга тенг бўлган, 0,75 штат бирлигида ишлаш эса, 19 фоизни ташкил этган. Ушбу рақамлардан келиб чиқиб айтганда, мактаб таълимида 90 та атрофидаги педагог тўлик ва яқин штат бирлигида фаолият олиб бораётганлигини кайд этиш

лозим. Шунингдек, сўровномада иштирок этганларнинг штат бирликлари қанчани ташкил этишини аниқлаш учун қуйидаги ҳисоблашни амалга оширамиз. Натижада,  $(1480*1,0+394*0,75+163*0,5+44*0,25)$  1868 штат бирлиги келиб чиқади. Хулоса қилганда, 2081 та педагог 1868 та штатни тақсимлаган ҳолда фаолият олиб бораётганлиги маълум бўлади. Шунингдек, мактаб таълими тизимида “соатбай” тарзида иш ҳақи олувчиларнинг мавжуд эмаслигини (сўровномада иштирок этган) кўриш мумкин (2.1-жадвалга қarang).

Шу ўринда, тадқиқотчи А.Шеровнинг хулосасига эътибор қаратсак<sup>121</sup>. У бюджет сиёсатининг самарадорлигини белгилаб берувчи омилларни тизимлаштириб беради. Халқ таълими тизимидаги молиявий самардорликни белгилаб берувчи омилларнинг маълум қисми сифатида қуйидагиларни келтириб ўтади:

– ўқитувчиларнинг “кадрлар қўнимсизлиги” мезонининг кам бўлиши;

– умумий ўқитувчилар сонининг уларга ажратилган штатлар бирлигига нисбати (мазкур кўрсаткич 1 дан кўп бўлмаслиги лозим);

– ўқитувчиларларнинг умумий сонидан узок муддатли даврга тенг бўлган меҳнат фаолиятига эга бўлганлар сонининг кўп бўлиши.

А.У.Шеровнинг хулосасига кўра, умумий ўқитувчилар сонининг уларга ажратилган штатлар бирлигига нисбати молиявий самарадорликни аниқлашда муҳим экан. Бизнинг тадқиқотимизда ушбу кўрсаткич 1,11 (2082 педагоглар сони/1868 штат бирлиги) га тенг бўлмоқда. Демак, бир штат бирлигида бир нечта педагог фаолият олиб бораётганлигини қайд этиш мумкин.

2.1-жадвал асосида олиб борилган таҳлилларимиз асосида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

– малака тоифаси ва штат бирлиги тўғри пропорционал эканлигини қайд этиш лозим. Малака тоифаси ошиб боргани сари каттароқ штат бирлигида ишлаш имконияти ортиб борар экан;

---

<sup>121</sup> Шеров А.У. Бюджет сиёсати самардорлигини белгилаб берувчи омиллар таҳлили// “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2019-yil.



– тўлиқ штат бирлигида фаолият олиб боровчилар 70 фоиздан ортиқни ташкил этади;

– штат birlikлари сони педагогларнинг сонидан кам бўлмоқда, бу эса 1,11та педагогга бир штат birlikи тўғри келаётганини ёки ўртача штат тақсимооти 0,89 ни ташкил этаётганини кўрсатади;

– ўрта махсус маълумотли мутахассис бўлиш 0,5 штат birlikида ишлаш эҳтимоллигини оширса, олий тоифали педагог учун тўлиқ бўлмаган штат birlikида ишлаш эҳтимоллигини пасайтирар экан;

– мактаб таълимида ажратилган штатлар birlikи педагогик олий таълим мусасалари битирувчилари сонидан “ортда” қолмоқда.

Тадқиқотда педагог ходимларнинг малакаси билан иш ҳақидан қониқиш миқёсини аниқлашга ва баҳолашга ҳаракат қилинди. Бунинг учун юқоридаги жадвални тузиш тамойили асосида ҳисоблашлар амалга оширилди.

Педагогларнинг иш ҳақиға нисбатан билдирган муносабатларида энг катта улушни “тажрибаға қараб” деган тамойил ташкил этмоқда. Ўз навбатида, тажриба категорияси бу ерда икки хил маънода қўлланилиш мумкин: малака тоифаси даражаси ва фаолият кўрсатиш йилининг муддати (иш стажы).  $\frac{3}{4}$  қисмға яқин педагоглар иш стажы ёки малака тоифасиға қараб иш ҳақи белгиланиши муҳим эканлигини қайд этганлар. Агар олий тоифали ўқитувчиларнинг 74 фоизи (103 та) тажрибаға қараб белгиланиши исташган бўлса, демак уларнинг қолган қисми ўз иш ҳақларидан тўлиқ қониқиш ҳосил қилмаётган бўлиши мумкин, деган хулоса келиб чиқади. Иш стажынинг иш ҳақиға базавий омил сифатида эмас, балки устама тўлаш учун хизмат қилувчи омил эканлиги инobatта олинса, кўплаб педагоглар иш ҳақларига устамалар қўшиб берилишини билвосита билдирганлар. Масалан, иш стажы кўп бўла туриб, биринчи тоифали педагогларнинг 82 (363 та) фоизи “тажриба” муҳим эканлигини билдиришган.

**Иш ҳақи ҳажмига муносабатда малака тоифаси  
мавжудлигининг таъсири**

Педагоглар малакаси	“Иш ҳақингиз сиз ўтаётган фаннинг қийинлик даражасига боғлиқ бўлиши керакми?” саволига жавоблар			
	Менимча фанга қараб эмас, тажрибага қараб бериш лозим	Албатта, менинг фаним аниқ фанку	Албатта, табиий фанларни ўтиш қийин	Албатта, ижтимоий фанлар барчага зўр ўргатили- ши керак
Олий маълумот- ли мутахассис (733)	509	80	29	115
Олий маълумот- ли иккинчи тоифали мута- хассис (651)	446	75	51	79
Олий маълумот- ли биринчи тоифали мута- хассис (440)	363	33	20	24
Олий маълумот- ли олий тоифали мутахассис (139)	103	16	11	9
Ўрта махсус (118)	96	7	-	15
Жами – 2081 киши	1517	211	111	242

Умуман олганда, 2.2-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, куйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

– тажриба (иш стажи)нинг иш ҳақини ҳисоблашдаги асосий омил сифатидаги ўрнига аксарият педагоглар эътибор берилиши лозимлигини қайд этганлар;

– барча тоифадаги, жумладан, олий тоифали ўқитувчиларнинг ¼ қисми фанларнинг қийинлик даражасига қараб иш ҳақини шакллантириш кераклигини билдирганлар;

– педагоглар таркибида бошқаларга нисбатан камроқ улушда табиий фанларни ўқитадиганлар иш ҳақини белгилашда улар ўтадиган фаннинг аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлаганлар;

– ўз навбатида, ижтимоий фанларни ўқитадиган педагоглар бошқаларга нисбатан энг кўп улушда “иш ҳақини белгилашда асосий омил – фан” эканлигини билдиришган.

Мактаб таълимидаги педагогларнинг базавий иш ҳақлари малака тоифаларига қараб белгланиши қонун ҳужжатларида белгиланган. Бизнингча, иш ҳақиға устама белгланишида ўқитувчиларнинг тажрибаси ва иш стажи инobatга олинishiни билдирилиши таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи муҳим омил бўлиши мумкинлиги ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлмоқда.

Таҳлилларимизни давом эттирган ҳолда педагогларни директор фондидан рағбатлантириш, яъни устама ҳақлар тўланиши бўйича рақамларни ўрганамиз. Навбатдаги жадвалда малака тоифасини директор жамғармаси маблағларидан фойдаланишга таъсирини ўрганиб чиқамиз. Аввалги жадвалларни тузиш тартиби бўйича 2.3-жадвал ҳам шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 823-сонли қарорида устама ҳақ белгиланадиганлар сони “жами педагог, психолог ва кутубхона ходимлари умумий сонининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги” лозимлиги қайд этилган.

Ушбу тартиб билан рағбатлантириш тизими адолатли эканлигини қайд этганлар 44 фоизни ташкил этаётган бўлса, яна



шунча педагог унга ўзгартириш киритиш кераклигини ёки қоғозбозлик кўпайтириб юборилганини таъкидлашган. Ўз навбатида, ушбу тартибга нисбатан олий тоифали педагогларнинг 54 фоизи ўзгартириш киритишни тавсия этишган ва бу қоғозбозликка олиб келганлигини билдиришган. Умуман олганда, ушбу устама тўлаш тизимидан беҳабарлигини билдирганлар ҳам бўлган. Уларнинг умумий улуши 12 фоиз атрофида бўлиб, эътиборли жиҳати малака тоифаси ошиб боргани сари ушбу тартибдан беҳабарликнинг камайиб бориши тенденцияси юзага келган (2.3-жадвалга қаранг).

2.3-жадвал

**Иш ҳақиға устамалар белгиланишига нисбатан педагогларнинг муносабати**

Педагоглар малакаси	“Ўқитувчиларнинг директор фондидан моддий рағбатлантирилиши тартиби сизга маъқулми?” саволига жавоблар			
	Ҳа, маъқул ушбу тартиб адолатли	Ҳа, лекин ўзгартириш киритилиши лозим	Йўқ, устама олиш тартиби жудаям мураккаб, ортикча қоғозбозлик	Ушбу тартиб ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасман
Олий маълумотли мутахассис (733)	302	88	198	145
Олий маълумотли иккинчи тоифали мутахассис (651)	268	97	216	70
Олий маълумотли биринчи тоифали мутахассис (440)	208	81	132	19
Олий маълумотли олий тоифали мутахассис (139)	56	34	42	7
Ўрта махсус (118)	77	14	16	11
Жами – 2081 киши	911	314	604	252

Бизнингча, педагогларни молиявий рағбатлантириш тизимида шаффофликни янада ошириш ва у бўйича устама белгилашда рақамли-электрон тартибни жорий этиш мақсадга мувофиқ

бўлади. Шунда қоғозбозлик элементлари камаяди. Шунингдек, педагогик кенгашда ушбу қарор билан оммавий равишда таништириш ва унинг тартиби орқали устамалар олиш мумкинлиги бўйича кенг тушунтириш ишларини мактаблар доирасида ташкил этиш лозим.

Рус олими Т.Суге-Маадыр ўзининг тадқиқотида давлат мактабларида ўқитувчиларга иш ҳақи тўлашнинг айрим жиҳатларини таҳлил этган<sup>122</sup>. Ўқитувчиларнинг малакаси, шартли равишда, педагогик тоифалар бўйича тизимлаштирилган бўлади. Шу боисдан, тоифа гуруҳи унинг эгасини рағбатлантиришни ўзида акс эттириши ва бу эса педагогдан доимий ўз устида ишлашни талаб этиши лозим бўлади. Бу, биринчидан, барча тоифа ва тажрибани қамраб олиши, иккинчидан, рағбатлантириш коэффициентини прогрессив хусусият касб этиши – ўз навбатида, ҳар бир қўшимча ўқув йили даражали функция сифатида бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Агар ўқитувчи 10-15 йил узлуксиз фаолият натижасида юқори тажриба-малакага эришади деб ҳисобланса, у ҳолда малака-тажрибанинг қамраб олинishi ҳам 10 ёки 15та тариф сеткалари билан шакллантирилиши мумкинлиги таъкид этилади. Шу боисдан, умумий тариф ставкаси (Т) икки компонентдан ташкил топишини ва у қуйидагича бўлишини таъкидлайди (2.1-формулага қаранг):

$$T = T_1 \times K + T_2 \quad (2.1)$$

Бу ерда:  $T_1$  – иш кучини тиклаш учун компенсация ставкаси,  $K$  – ақлий меҳнат соҳибларининг иш кучини тиклаш компенсация ставкаси коэффициентини,  $T_2$  – малака даражасини кўрсатувчи ставка.

Бизнингча, педагогларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда тажриба компонентига ҳам эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, ушбу компонент олий таълим муассасасини битирган кунидан бошлаб юзага келмаслиги ва у йиллар давомида

<sup>122</sup> Суге-Маадыр Т.А. Методологические аспекты оплаты труда учителей государственных школ: зарубежный опыт и его использование в Российской Федерации: автореферат ... к.э.н. – М.: МосПГУ, 1995. – 19 с.

жамғариладиган ижтимоий қобилият эканлигини таъкидлаш лозим. Айни пайтда, Ўзбекистон амалиётида иш ҳақининг базавий асоси сифатида фақатгина малака тоифаси олинishi (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарори билан) белгилаб қўйилган. Ушбу ҳолатнинг жорий этилиши қуйидагиларнинг вужудга келишига хизмат қилади:

– ақлий меҳнатнинг табақалаштирилишини таъминлайди ва унга мос молиявий мотивацияни юзага келтиради;

– кўп тажрибага эга бўлган кўп даромадга эга бўлади, деган бозор иқтисодиёти тамойилининг ишлашига ёрдам беради;

– соҳада узоқ фаолият олиб бориш манфаатдорлигини ошириб, тажрибали педагогларни рағбатлантириш имконини беради;


– тизимда “устоз-шогирд” амалиёти асосида тажриба алмашишнинг манфаатдорлигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, педагогларни тўғри методология асосида молиявий рағбатлантириш механизмнинг жорий этилиши таълим сифатини оширишга ва таълим хизматлари кўрсатишдан манфаатдорликни оширишга шарт-шароит яратиб беради, деб ўйлаймиз.

Тадқиқотимизда дарс соатларининг тақсимланиши омилига ҳам эътибор беришга ҳаракат қилдик. Шу ўринда, дарс соатларининг тақсимланиши фақатгина бошланғич ва юқори синфлар учун алоҳида хусусият касб этишини таъкидлаш лозим.

Дарс соатларини тақсимлашда тоифа ошиб борган сари бир штат бирлиги учун ўқув юкларининг камайтириб борилишини назарда тутувчи нуқтаи назардан савол белгиланган эди. Белгиланган жавобларнинг катта қисми тажриба элементига эътибор берилиши лозимлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 36 фоиз педагог ҳозирги ҳолатда дарс соатларини тақсимлаш механизмини маъқул деб ҳисоблашган (2.2-расмга қаранг).






- Ха, шундай бўлса адолатли бўлиб, таълим сифати ошади
- Йўқ, тажриба эътиборга олинмиши керак биринчи навбатда.
- Дарс соатлари барчани ўртасида тенг тақсимланиши керак.

## 2.2-расм. “Дарс соатлари педагогнинг малака тоифасига қараб ажратилиши лозимми?” деган саволга жавоблар (фонзда)

Умуман олганда, мазкур саволнинг жавобларини малака тоифаси нуқтаи назаридан тизимлаштирган ҳолда таҳлил этганимизда, олий маълумотли ва олий маълумотли иккинчи тоифали мутахассислар дарс соатларини тақсимлашда “тажриба” компонентини тавсия этишган бўлса, кейинги биринчи ва олий тоифали мутахассислар мавжуд тақсимлаш амалиётини маъқул кўришларини билдиришган. Хулоса қилиб айтганда, педагоглар дарс тақсимида кўпроқ унинг ҳажмига эътибор беришаётган бўлса, таълим сифати ўқув машғулотига тайёргарлик кўриш учун қўшимча вақтнинг мавжудлиги билан изоҳланишини унутишмоқда.

Фикримизча, юқори тажрибали ўқитувчилар малакасини оммалаштириш ва соҳада “устоз-шоғирд” тизимини янада ривожлантириш таълим сифатини оширишда муҳим элемент бўлиб хизмат қилади. шу нуқтаи назардан, иш ҳақининг ҳисобланишида дарс соатлари бир штат бирлигининг белгиланишида табақалаштириш амалиётини жорий этиш лозим. бу эса, малака тоифасига тескари пропорционаликда штат бирлиги учун ўқув юклама ҳажмини табақалаштиришни ўзида акс эттиради.

Юқорида иш ҳақининг меҳнат унумдорлиги ва унинг сифатига боғлаш билан таълим сифатини оширишга эришиш жиҳатлари таҳлил қилинди. Ўз навбатида, таълим сифатига таъсир этувчи ва унга шарт-шароит яратиб берувчи омилларнинг ўзаро уйғунлигини тадқиқ этамиз.



- Синфдаги ўқувчилар сони нисбатан кам бўлишига.
- Дарс учун ажратилган вақт (45 минут)нинг кўпроқ бўлишига.
- Ўқувчиларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлигига
- Ўқитувчига тўланадиган иш ҳақининг кўпроқ бўлишига.
- Ўқувчиларнинг қизиқиш доирасида
- Ўқувчиларнинг соғлиги ва Белул оёқ.

### 2.3-расм. “Сиз таълим сифатини қайси омилга кўпроқ боғлиқ, деб ўйлайсиз?” саволга жавоблар (фоизда)

Педагоглар томонидан таълим сифатига таъсир этувчи омиллар қаторида синфдаги ўқувчилар сони ва уларнинг қизиқишлари муҳим эканлигини алоҳида белгилаб кўрсатилган. Сўровномада иштирок этганларнинг 55 фоизи синфнинг ўқувчи сизимкорлигига риоя этилмаслигини ва 20 фоизи ўқувчиларнинг қизиқишлари муҳим ўрин тутушини қайд этишган (2.3-расмга қarang).

Масалан, Германияда ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларининг инобатга олинishi мамлакат миқёсида механизмга айланиб улгурган. Германияда ўқувчиларни 10 ёшга қадар учта даражали синфга ажратилган ҳолда ўқитиш тажрибаси амал қилади. Жумладан, 1) ақлли ўқувчиларни коллежларга йўналтирувчи гимназиялар; 2) релшкуллар (Realschule) – ўқувчилар жамиятнинг ўрта (оқ ёка) қатламида етакчиликни қўлга олишлари назарда тутилади; 3) хапшкуллар (Hauptschule) ўқувчилар савдо ва бошқа (кўк-ёка) фаолиятини амалга оширувчи тармоқларда ишлаши учун таълим гуруҳларига ажратилади<sup>123</sup>.

<sup>123</sup> The German School System <https://www.german-way.com/history-and-culture/education/the-german-school-system/>

Шу билан бирга, А.Банержи, Э.Дюфло ва М.Крамер томонидан амалга оширилган тадқиқотларда камбағалликни қисқартиришда мактаб таълимида ўқувчиларнинг қизиқишларини инobatга олиш лозимлиги асослаб берилган<sup>124</sup>.

Бу борада, Ўзбекистонда 2019–2020 ўқув йилидан бошлаб, Президент мактаблари ташкил этилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шундай бўлса-да, ушбу мактаблардаги ўқувчиларнинг контингенти катта эмаслиги мамлакат таълим тизимида баъзи ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади.

Шунингдек, тадқиқотимизнинг олдинги бобида қайд этиганимиздек “мактабларда стулларнинг етишмаслиги” омилнинг юзага келиши молиялаштиришга таъсир этиши қайд этилган эди. Тадқиқотимизнинг мазкур қисмида ушбу омилнинг таълим сифатига ҳам таъсир этиш эҳтимол юкори эканлиги сақланиб қолаётгани педагоглар томонидан ҳам белгилаб берилмоқда. Маълумки, синфларда ўқувчиларнинг кўп бўлишига мактаблар сонининг ўқувчилар сонига мутаносиб тарзда шакллантирилмаганлигига боғлиқ эканлиги ҳам асосий роль ўйнамоқда.

Бизнингча, халқаро тажриба ва тадқиқот натижаларини инobatга олиб мамлакатимизда куйидагиларни амалга ошириш лозим деб ўйлаймиз:

- ўқувчиларни бошланғич таълимдан сўнг қизиқишлари доирасида синфларга ажратиш;
- ўқувчиларни синфларга ажратилишида фанлар доирасида – аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар бўйича амалга ошириш.

Таълим сифатини барқарор бўлишига таъсир этувчи омиллар таҳлили давомида педагогларга; “Дарс ўтишингиз учун синфда барча шароитлар борми?” деган савол берилди. Иштирокчиларнинг 53 фоизи замонавий дарс ўтиш учун шароитлар мавжудлигини қайд этишган, 47 фоиз педагоглар эса, бир неча омиллар, хусусан, мактабда пул йўқлигини, лаборатория зарурлигини ва интернетга уланишда муаммолар мавжудлигини қайд этишган.

---

<sup>124</sup> Research to help the world's poor. <https://www.nobelprize.org/uploads/2019/10/popular-economicsciencesprize2019-2.pdf>



**Иш ҳақига устамаларни белгилашга нисбатан педагоглар  
муносабати**

Педагоглар томонидан таълим сифати омилларининг гуруҳланиши	“Дарс ўтишингиз учун синфда барча шароитлар борми?” саволига жавоблар			
	Ҳа бор, замонавий дарс ўтишга етади	Менинг фанимга лаборат ория керак, лекин у йўқ	Моддий базага мактабда пул йўқ, ота-оналардан эса пул йиғиб бўлмайди	Ижтимоий фанларни ўтишга досканинг ўзи етарли, лекин (интернет)га уланилса, маълумот олиш осонлашади.
Синфдаги ўқувчилар сони нисбатан кам бўлиши (1140)	575	67	225	273
Дарс учун ажратилган вақт (45 минут) нинг кўпроқ бўлиши (82)	43	-	11	28
Ўқувчиларнинг ўқув адабиётлари билан таъминланганлиги (226)	153	6	21	46
Ўқитувчига тўланадиган иш ҳақининг кўпроқ бўлиши (140)	59	11	36	34
Ўқувчиларнинг кизиқиши доирасидаги фан бўлиши (411)	224	20	45	122
Ўқувчиларнинг соғлиги ва бепул овқат билан таъминланиши (82)	43	6	14	19
<b>Жами – 2081 киши</b>	<b>1097</b>	<b>110</b>	<b>352</b>	<b>522</b>

Юқорида келтирилган охириги иккита саволга берилган жавобларнинг ўзаро кесишишларини таҳлил этиб, таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи илмий хулосаларни шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

Ўрганишларимиз натижасида таъкидлаш лозимки, дарс ўтиш учун синфда барча шароитлар борлигини маълум қилган педагогларнинг 50 фоизи синфдаги ўқувчиларнинг кам бўлишини тавсия этишган. Ўқувчиларнинг қизиқишлари муҳим деб ҳисоблаганларнинг 55 фоизи синфдаги шароитлардан қониқишларини билдиришган. Жавоблар кесишмасидаги қизиқ ҳолатлардан бири, ўқув адабиётлари билан таъминланганини қониқарсиз деб баҳолаганларнинг 67 фоизи дарс ўтиш учун синфда барча шароитлар мавжудлигини қайд этишган (2.4-жадвалга қarang).

Умуман олганда, 2.4-жадвал маълумотларидан қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

– таълим сифатини таъминлашдаги зарурий ўзгаришлар қаторида – интернет масаласи бирламчи эканлиги барча томонидан қўллаб-қувватланган;

– ўқувчиларнинг қизиқишлари инобатга олинishi иккинчи муҳим омил бўлса, синфларнинг сифимкорлиги омили бирламчи эканлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда;

– дарс учун ажратилган – 45 минут кўпроқ бўлиши ижтимоий фанлар учун аҳамиятга эга бўлмоқда;

– таълим сифатини таъминлашда ўқитувчига тўланадиган иш ҳақи ва ўқувчиларнинг саломатлиги асосий омиллар қаторидан жой олмаган.

Хулоса қилиб айтганда, мактаб таълимини молиялаштиришнинг таълим сифатига бирламчи таъсир этувчи омилларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши ва педагоглар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини табақалаштириш энг асосий омиллар эканлиги мазкур тадқиқотимиз давомида маълум бўлди.

## **2.2. Мактаб таълимини бюджетдан молиялаштиришнинг ривожланиш тенденциялари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида, 2020 йилдан бошлаб, тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилиниши, бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланиши,

шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилиши алоҳида таъкидланди<sup>125</sup>. Бундан ташқари, мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкнамалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарурлиги белгилаб берилди<sup>126</sup>.

Президентимизнинг юқоридаги ташаббуси мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш лозимлиги ва бунда асосий ургу мактаб таълимини молиялаштиришга қаратилиши муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатмоқда.

Мактаб таълимини молиялаштириш фаолиятини таҳлил қилишнинг ўзига хос мураккабликлари мавжуд бўлиб, булар, асосан, тизимдаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Бунинг асосий жиҳати, мамлакатимизда касб-хунар таълими тизими ривожлантирилиши натижасида 10–11-синфларнинг тугатилиши ва уларни қайтадан тикланиши билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотимизни қуйидаги уч даврга бўлган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ: деб ўйлаймиз:

Биринчи давр: 2003–2004 ўқув йили 10–11-синфларни тугатиш бошланишига қадар бўлган давр;

Иккинчи давр: 2004–2015 ўқув йиллари 10–11-синфларни тугатилиши;

Учинчи давр: 2017–2018 ўқув йили 10–11-синфларнинг қайтадан тикланишининг бошланиши.

Фикримизча, даврларни шартли равишда бундай бўлиниши таҳлил жараёнини мураккаблаштирса-да, таълим жараёнига барча даврларда бир хилда муҳим ва тегишли бўлган, шунингдек, таъсир қиладиган кўрсаткичларни камраб олиш орқали илмий хулосалар чиқаришга имкон беради.

---

<sup>125</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлиси Мурожаатномаси. Электрон манба: [president.uz/uz/lists/view/3324](http://president.uz/uz/lists/view/3324) Мурожаат санаси 15.03.2020 йил.

<sup>126</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлиси Мурожаатномаси. Электрон манба: [president.uz/uz/lists/view/3324](http://president.uz/uz/lists/view/3324) Мурожаат санаси 15.03.2020 йил.



Ўзбекистонда мактаб таълимнинг ташкил этилиши ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили<sup>127</sup>

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Аҳоли сони (млн. киши)	31,6	32,1	32,7	33,3	33,9
Ўқувчилар сони* (млн. ўқувчи)	4,7	4,8	5,3	5,9	6,2
Умумтаълим муассасалари сони (ўқув йили бошига, дона)	9 720	9 719	9 718	9 774	10 090
Ўқитувчилар сони (минг нафар ўқитувчи, ўриндошлар билан бирга)	394	400	420	457	501
Ўқувчиларнинг умумий аҳоли сонидagi улуши (фоизда (%))	14,8	15,0	16,1	17,6	18,2
Бир мактабга тўғри келадиган ўқувчилар сони (нафар)	481	496	542	599	611
Бир мактабга тўғри келадиган ўқитувчилар сони (нафар)	41	41	43	47	50
Бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони (нафар)	11,9	12,1	12,6	12,8	12,3
Туғилган болалар сони (минг. бола)	734,1	726,2	715,5	768,5	815,0

<sup>127</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби. Электрон манба: [www.stat.uz](http://www.stat.uz), Мурожаат санаси 20.09.2020йил

Хусусан, тадқиқотчи И.В.Глушенко умумий таълимни молиялаштиришда мавжуд муаммоларни Россия Федерацияси ми-солида таҳлил қилар экан, уларни қуйидаги икки гуруҳга бўлади<sup>128</sup>:

1. Умумий таълим муассасаларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг етишмов-чилиги.

Таълим муассасалари ўртасида маблағлар таксимотидаги муаммолар. И.Глушенко томонидан тилга олинган муаммолар нафақат Россия Федерациясида, балки мамлакатимизда ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги таҳлиллар олдида йўналиш беради, назаримизда. Чунки узоқ йиллар давомида мактаб таълимини молиялаштиришга қатта эътибор берилган бўлса-да, лекин маблағларнинг етарлилик ҳолати баҳоланмаганлигини бугунги кунда қўлаб маълумотлар асосламоқда. Шунинг учун ҳам мактаб таълимини молиялаштиришни етарлилик тамойили асосида олиб бориш лозим, назаримизда.

Бунда мамлакатимизда мактаб таълимини ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, таҳлилни мактаб таълимини ташкил этувчи омиллар, яъни аҳоли ва унинг ўсиш кўрсаткичлари, туғилишлар сони, ўқувчилар ва ўқитувчилар сони, мактаблар сони ва уларнинг ўзгаришлари бўйича олиб боришимиз мамлакатимизда бугунги кундаги мактаб таълимини молиялаш-тириш ҳолатини атрофлича баҳолашга имкон беради.

Юқоридаги 2.5-жадвал маълумотлари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мактаб таълимини тартибга солишда аҳоли сонининг ўзгариши муҳим бўлиб, ушбу ўзгаришлар, асосан, туғилишлар сонига боғлиқ бўлади. Бу эса яқин келажакда мактаб таълимига бўлган талабни тўғри пропорционал равишда ўзгартиради. Яъни туғилишлар сонининг ортиши камида 7 йилдан сўнг мактаб таълимидаги ўқувчилар сонининг аввалги йилларга нисбатан ортишини билдиради. Мазкур жараён мактаб таълими тўлиқ муддатида амал қилади. Шу нуқтан назардан қаралганда,

---

<sup>128</sup> Глушенко И.В. "Финансирование общего образования в России в условиях применения бюджетирования, ориентированного на результат" мавзусидаги иқтисодийёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Электрон манба: [www.dissertcat.com](http://www.dissertcat.com) мурожаат қилинган сана 18.08.2020 йил.

Ўзбекистонда кейинги йилларда мактаб таълимида ўқувчилар сонини ортишини кутишимиз мумкин. Чунки 2019 йилда аҳоли сони 2015 йилга нисбатан қарийб 7,5 фоизга, туғилишлар сони эса 11 фоизга ортган. 2019 йилда аҳоли умумий сонидида ўқувчилар улуши эса 18,2 фоиз<sup>129</sup> бўлиб, бу ўртача 6,2 миллион ўқувчи демакдир.

Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтганимиздек, мактабларда 10–11-синфларнинг тугатилиши ва 2017 йилдан қайта очилиши ҳам ўқувчилар сонига ўзининг таъсирини ўтказмасдан қолмаган. Лекин бу бир марта, яъни илк бора шу ёшдаги болаларни 10-синфга қабул қилиш жараёнида ўтган йилларга нисбатан катта ўзгариш бериши мумкин бўлиб, кейинги йиллар учун базис маълумотга айланади.

Аҳоли сонининг, айниқса, туғилишлар сонининг ортаётганлиги эса келажакда ўқувчилар сонининг ортиши тенденцияси узлуксиз давом этишини кўрсатмоқда. Бизнингча, кейинги йилларда мактаб таълими олдида турган асосий масала ҳам ўқувчилар қамрови бўлиши аниқ.

2. Мактаб таълимини ташкил этишнинг яна бир муҳим қисми бу – мактаблар сонидир. 2.5-жадвалда мактаблар сони бўйича ҳам маълумотлар келтирилган бўлиб, улар сони 2015–2019 йилларда берқарор ўзгариб турган ва 2019 йилга келиб, улар сони сезиларли ўсиб, 2018 йилга нисбатан 316 тага ёки 3,2 фоизга ортган. Шундай бўлса-да, ўртача бир мактабга тўғри келадиган ўқувчилар сони ортиб бормоқда. Жумладан, 2018–2019 ўқув йили бошига бир мактабга 599 нафар ўқувчи тўғри келган бўлса, бу 2019–2020 ўқув йили бошига 611 нафарга етган.

Фикримизча, бундай ҳолатни мамлакатда ўқувчилар сони ошиб борса-да, мактаблар қурилмаганлиги натижасида мактабларда “стуллар етишмаслиги”нинг келиб чиқишига олиб келувчи омил сифатида қараш мумкин.

Мактаблар сони, аслида, умумий ўқувчилар сонидан келиб чиқиб ўзгариши керак. Ушбу боғлиқликни эконометрик таҳлил қилиш орқали ҳозирги ҳолатда боғлиқлик даражасини аниқлашимиз мумкин. Эконометрик таҳлилни регрессия усули асосида

<sup>129</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Электрон манбаа: Stat.uz Мурожаат санаси 07.04.2020 йил.



Microsoft Excel дастуридан фойдаланиб аниқлаш учун 2009–2019 йиллар оралиғидаги маълумотлардан фойдаланилди.

Ушбу маълумотлар мактаблар ва ўқувчилар сонидан иборат бўлиб, бунда асосий эътибор ўқувчилар сонининг мактаблар сонига таъсирини аниқлашдан иборат. Уларнинг корреляция кўрсаткичи 0,66 ни ташкил этгани ижобий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатмоқда.

2.6-жадвал

**Мактаблар ва ўқувчилар сони тўғрисида маълумот<sup>130</sup>**

Йиллар	Мактаблар сони (дона)	Ўқувчилар сони (млн. нафар)
2009 йил	9 791	4,9
2010 йил	9 806	4,7
2011 йил	9 780	4,6
2012 йил	9 779	4,5
2013 йил	9 758	4,5
2014 йил	9 733	4,5
2015 йил	9 720	4,7
2016 йил	9 719	4,8
2017 йил	9 718	5,2
2018 йил	9 774	5,9
2019 йил	10 090	6,2

Шунингдек, 2.6-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, боғлиқликнинг ижобий эканлигини, 2019 йилда мактаблар сонининг кескин ўсганлиги билан изоҳлаш мумкин. 2009–2017 йилларда мактаблар ва ўқувчилар сонидан кескин ўзгаришлар бўлмаган.

Шунингдек, ўқувчилар сонининг мактаблар сонига таъсирини регрессия орқали баҳолаш қуйидаги маълумотларни тақдим этмоқда.

<sup>130</sup>Жадвал муаллиф томонидан статистик маълумотлар асосида тайёрланди.

ВЫВОД ИТОГОВ

Регрессионная статистика	
Множественный R	0,668118
R-квадрат	0,446382
Нормированный R-квадрат	0,384868
Стандартная ошибка	82,29132
Наблюдения	11

Дисперсионный анализ					
	df	SS	MS	F	Значимость F
Регрессия	1	49141,24887	49141,24887	7,25668279	0,024641727
Остаток	9	60946,75113	6771,861237		
Итого	10	110088			

	Коэффи- циенты	Стандартная ошибка	t- статистика	P-Значение	Нижние 95%	Верхние 95%	Нижние 95,0%	Верхние 95,0%
У-пересечений	9180,985	226,6978001	40,4987827	1,6389E-11	8668,158894	9693,811	8668,159	9693,811
Переменная X 1	0,000123	4,55128E-05	2,69382308	0,02464173	1,96463E-05	0,000226	1,96E-05	0,000226

Регрессия натижалари бўйича улар орасидаги боғлиқлик (R-квадрат) 0,44 га тенг ва бу Чеддок шкаласи бўйича боғлиқлик жуда кучли эмаслигини билдиради. Боғлиқликнинг бу даражада эканлиги амалиётда мактаб таълимини ташкил этишда мактаблар сонини белгилаш ўқувчилар сони билан тизимли боғлиқ эмаслигини кўрсатиб турибди, бу эса турли мураккабликларни келтириб чиқаради.

Ушбу ҳолатлар мактабларда уларнинг сонини эмас, ўқиш сменалари ва синфлар контингентини ошириш ҳисобига ўқувчилар камрови таъминланиб келинаётганини кўрсатиб турибди. Ўқувчилар сонининг ортиб бориши ўқув жараёнида ўзига хос муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги маълум. Бу, аввало, таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади ва ўқишни икки сменада ташкил этиш моддий-техника базасининг меъёрига нисбатан тезроқ ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Бизнингча, мактаблар сони эмас, уларнинг қувватини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Аммо аксарият мактабларнинг асосий қисми мослаштирилган биноларда эканлиги, ўқишни икки сменада олиб бориш имконияти туфайли улар қувватини аниқ ҳисоблаш юзасидан маълумотлар мавжуд эмас. Умуман олганда, мактаблар сони ўқувчилар сонидан кўра секин ўсмоқда. Натижада эса, келажакда қамров ва таълим сифати билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин.

3. Мактаб таълимини ташкил этишнинг асосий омилларидан бири ўқитувчилардир. 2.5-жадвалда улар бўйича ҳам маълумотлар келтирилган бўлиб, ушбу маълумотлар мактабларнинг асосий вазифаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, таълим бериш жараёни ва унинг сифатига бевосита таъсир этади.

2.5-жадвал маълумотлари бўйича, 2015–2019 йилларда мактаб ўқитувчилари умумий сони барқарор ўзгарган бўлиб, бунда ҳам 10–11-синфлар билан боғлиқ ўзгаришларни кўришимиз мумкин. 2017–2019 йилларда уларнинг сони 2016 йилга нисбатан ўсиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бир мактабга тўғри келадиган ўқитувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Бу эса ўқитувчилар сонининг мактаблар сонидан кўпроққа ортаётганлигини кўрсатади. Лекин бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сонини таҳлил қиладиган бўлсак, улар кичик тебранишларга эга бўлмасда, кескин ўзгармаганлиги кўринмоқда. Яъни 2015 йилда бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар ўртача сони 12 нафар бўлган бўлса, бу 2017–2018 йилларда қарийб 13 нафарни, 2019 йилга келиб эса 12 нафарни ташкил этмоқда. Бу каби маълумотлар халқаро даражада ҳам доимо таҳлил қилиб бориладиган кўрсаткич бўлиб, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (OECD) 2018 йилдаги маълумотларига кўра<sup>131</sup> Ўзбекистон мактаб таълими тизими учун 5–9-синфларга тўғри келадиган ораликда ҳар бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони ривожланган, деб эътироф этиладиган Италияда – 10 нафар, Японияда – 12,4 нафар, Францияда – 12,6 нафар, Германияда – 13,0 нафарни ташкил қилмоқда. Бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони кўрсаткичи таълим сифати билан боғлиқ ва у қанчалик паст бўлса, мазкур индикатор таълим сифатига ижобий таъсир қилиши тадқиқотларда исботланган. Ушбу кўрсаткич бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”нинг мақсадли кўрсаткичлари қаторига киритилган бўлиб, унда 2025 йилга, келиб бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сонини 11 нафарга, 2030 йилга келиб эса, 10

<sup>131</sup>Электрон манба: [data.oecd.org/teachers/students-per-teaching-staff.htm](http://data.oecd.org/teachers/students-per-teaching-staff.htm) Мурожаат санаси 26.03.2020 йил.



нафарга тушириш белгиланган. Шу маънода мактаб таълимининг омиллари тахлилида ўқитувчилар сони ҳам асосий ўринни эгаллайди ва келажакда таълимнинг сифати уларнинг билим даражасига боғлиқ бўлади.

2.5-жадвалдаги маълумотлар мактаб таълимининг ташкилий жиҳатлари омиллари бўйича умумий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, бугунги кунда умумий ўрта таълимга кўйилган асосий талаб таълимнинг сифати ҳисобланади. Таълим сифатига таъсир этадиган миллий кўрсаткичлар қаторида ўқитувчилар тоифасини кайд этиш мумкин.

Ўқитувчиларга тоифалар бериш тизими узок йиллардан бери амалда бўлган тизим сифатида ўқитувчиларда иш фаолиятига нисбатан мотивацияни кучайтириш мақсадида қўлланилади. Шунингдек, юқорида тилга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5712-сонли Фармони билан тасдиқланган концепциянинг мақсадли кўрсаткичлари таркибида умумтаълим мактабларидаги ўқитувчилар орасида олий маълумотли ўқитувчилар улушини 2019 йилдаги 85 фоиздан 2025 йилда 95 фоизга, 2030 йилда эса 100 фоизга етказиш режалари мавжуд бўлиб, бу мактаб таълими тизимида ўқитувчилар малака тоифалари билан бир қаторда, уларнинг олий маълумоти бўйича ишларни ташкил қилиш кераклиги талаб этмоқда. Бундан ташқари, мавжуд олий маълумотли ўқитувчилар таркибида турли малака тоифасига эга қатлам ҳам мавжуд.

Мактаблар педагог ходимларига малака тоифаларининг берилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2019 йил 13 майдаги 392-сонли “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунаар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори асосида амалга оширилади. Ушбу низом асосида малака тоифаларини бериш тартиби 2019 йилдан бошланган. Мазкур ҳужжат қабул қилингунга қадар ҳам педагог ходимлар томонидан малака тоифалари олинган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотларига кўра, 2019–2020 ўқув йилида ўқитувчиларнинг атига 3,2 фоизи олий тоифага эга бўлса, 13,2 фоизи

I тоифага, 30,0 фоизи II тоифага эга. Ўқитувчиларнинг ярмидан кўпроги ёки қарийб 54 фоизи, умуман, малака тоифасига эга эмас<sup>132</sup>.

2017–2019 йилларда II тоифага эга ўқитувчилар улуши қисқариб олий ва I тоифага эга ўқитувчилар улуши ортган бўлса-да, мутахассислар улуши ҳамон 52 фоиздан кўпни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, 2019–2020 ўқув йилида ўқитувчиларнинг мактаблар бўйича ўртача таксимотини таҳлил қиладиган бўлсак бир мактабга тўғри келадиган олий тоифали ўқитувчилар сони 1 нафарни, I тоифалилар сони 6 нафарни, II тоифалилар сони 13 нафарни ва мутахассис ўқитувчилар сони 23 нафарни ташкил қилмоқда<sup>133</sup>. Шунингдек, ўқувчилар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2019-2020 ўқув йилида I нафар олий тоифали ўқитувчига 457 нафар, I тоифали ўқитувчига 111 нафар, II тоифали ўқитувчига 49 нафар ўқувчи тўғри келмоқда. Бу ҳолат таълим сифатига ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта.

Шу ўринда мактабларда бир-биридан тубдан фарқ қиладиган фанлардан дарс берилишини эътиборга олсак, 1 мактабда бор-йўғи 1 нафар олий тоифали ўқитувчи ёки 6 нафар I тоифали ўқитувчилар, бўлиши улар дарс бермайдиган бошқа фанларнинг сифати жуда паст бўлишини “таъминлайди” дейиш мумкин.

Шуни инобатга олган ҳолда халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари қаторида умумтаълим мактабларидаги ўқитувчилар орасида олий тоифали ўқитувчиларнинг жами ўқитувчилар орасидаги улушини 2025 йилда 7 фоизга, 2030 йилда 10 фоизга етказиш, I тоифали ўқитувчилар улушини мос равишда 20 ва 25 фоизга, II тоифали ўқитувчилар улушини 40 ва 50 фоизга етказиш белгиланган.

Юқоридаги маълумотлар таҳлилидан кўришимиз мумкинки, бугунги кунда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича ечилиши лозим бўлган айрим муаммолар мавжуд. Ушбу мураккабликлар негизида молиялаштириш тизимининг аҳамияти алоҳида эътиборга молик.

---

<sup>132</sup> Халқ таълими вазирлиги расмий сайтидан олинган маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби. Электрон манба: [www.uzedu.uz/uz/statistika](http://www.uzedu.uz/uz/statistika) Мурожаат санаси 25.03.2020 йил.

<sup>133</sup> Ўша асар.

Мамлакатимиздаги мактаб таълимини молиялаштириш тенденцияси тўғрисида маълумот<sup>134</sup>.  
(трлн.сўм)

Кўрсаткичлар	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил (режа)	
	Мик дори	улу ши (%)	Мик- дори	улуш и (%)	Мик- дори	улуш и (%)	Мик дори	улуш и (%)	Мик- дори	улуш и (%)
Давлат бюджети жами харажатлари	40,9	100, 0	49,3	100,0	79,7	100,0	118,0	100,0	131,1	100,0
Ижтимоий соха харажатлари	24,1	58,9	27,2	55,2	42,7	53,5	63,5	53,8	65,0	49,6
Таълимга харажатлар	13,8	33,8	16,0	32,4	20,6	25,9	33,5	28,4	29,9	22,8
Халқ таълими харажатлари	8,1	19,9	10,4	21,0	13,8	17,3	18,9	16,0	20,9	15,9



2.7-жадвал маълумотлари ўз ичига давлат бюджети харажатлари, ижтимоий соҳа харажатлари, таълимга харажатлар ва халқ таълими харажатларини қамраб олган бўлиб, ушбу харажатлар ўзаро бир-бирининг таркибига киради.

Жумладан, халқ таълими харажатлари таълим харажатлари таркибида бўлса, таълим харажатлари эса ижтимоий соҳа харажатлари таркибидан ўрин олган.

2.7-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Халқ таълимига харажатлари миқдори 2016–2020 йилларда ортган. Жумладан, 2019 йилда халқ таълимида амалга оширилган харажатлар миқдори 2016 йилга нисбатан қарийб 2,5 баробарга кўпроқ. 2020 йилда халқ таълимига режалаштирилган маблағлар миқдори янги тарихимизда ўзининг юқори чўққисига етган бўлиб, қарийб 21 трлн.сўмни ташкил этмоқда;

2. 2016–2017 йилларда халқ таълимига харажатларнинг жами давлат бюджети харажатларидаги улуши сезиларли ортиб, 21 фоизгача (2017 йилда) етган бўлса-да, 2018–2019 йилларда ушбу кўрсаткич тушиб бормоқда. 2020 йилда режалаштирилган халқ таълимига харажатларнинг жами давлат бюджети харажатларидаги улуши ҳам камайиш тенденциясига эга бўлиб, ушбу ҳолат ижтимоий соҳа ва таълимга харажатларида ҳам кузатилган.

Бизнингча, харажатлардаги миқдорий ўзгаришларни мактаблар, ўқитувчилар ва ўқувчилар сонига нисбатини таҳлил қилиш орқали улардаги ўзгаришларни янада яққол кўриш имкони яратилади.

Шу маънода 2016 йилда давлат бюджетидан халқ таълими харажатларига ажратилган маблағнинг бир мактабга тўғри келадиган ўртача миқдори қарийб 840,0 млн. сўмни, бир ўқитувчига тўғри келадиган ўртача миқдори 20,6 млн.сўмни ва бир ўқувчига тўғри келадиган ўртача миқдори 1,7 млн. сўмни ташкил этган. 2019 йилга келиб эса, бу кўрсаткичлар мос равишда 2,1 млрд. сўмга, 41,4 млн. сўмга, 3,4 млн. сўмга етиб, қарийб икки баробарга ўсганини кўришимиз мумкин. 2020 йилнинг режа кўрсаткичлари ҳам ўсиш тенденциясига эга.

Шунингдек, мактаб таълимини молиялаштириш таҳлилида нафақат харажатлар умумий миқдори, балки уларнинг таркиби ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Халқ таълимнинг бюджет харажатлари таркиби таҳлили<sup>135</sup>

(млрд.сўм)

Харажат йўналишлари	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил (режа)	
	миқдори	улуши (%)	миқдори	улуши (%)	миқдори	улуши (%)	миқдори	улуши (%)	миқдори	улуши (%)
<b>Жами харажатлар</b>	<b>8 141,1</b>	<b>100</b>	<b>10 351,7</b>	<b>100</b>	<b>13 776,3</b>	<b>100</b>	<b>18 915,9</b>	<b>100</b>	<b>20 885,2</b>	<b>100</b>
Иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов харажатлари	7 635,6	93,8	8 721,8	84,3	11 668,8	84,7	16 685,7	88,2	19 373,7	92,8
<b>Жами қурилиш- таъмирлаш ишлари харажатлари, шундан:</b>	399,7	4,9	517,8	5,0	649,4	4,7	1 799,7	9,5	1 512,0	7,2
Янги қурилиш	65,6	0,8	46,0	0,4	112,1	0,8	411,7	2,2	358,9	1,7
Реконструкция	241,4	3,0	324,7	3,1	358,6	2,6	755,3	4,0	769,1	3,7
Мукаммал таъмирлаш	92,7	1,1	147,1	1,4	178,7	1,3	632,7	3,3	384,0	1,8

2.8-жадвалдан кўришимиз мумкинки, халқ таълими харажатларининг қарийб 85–90 фоизи биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари, яъни иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов харажатлари экан. Шундай бўлса-да, ўқитувчилар маошининг нисбатан паст бўлганлиги ўтган йиллар давомида халқ таълимида жиддий ислохотлар қилинишига имкон бермаганини, яъни ривожлантириш хусусан, илмий-услубий ва моддий-техникавий таъминотини яхшилашга ҳаракатлар учун етарли маблағ ажратилмаганлигини яққол кўрсатмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, мактаблар моддий-техник таъминотини замонавийлаштиришга бўлган заруратни кўрсатиб берди. Бу ҳолат, айниқса, ўқувчилар сонининг доимий ўсиши фонида юз бераётганлиги масаланинг долзарблигини яна бир бор кўрсатиб беради.

Халқ таълимига ажратилаётган маблағлар миқдори ортиб бораётган бўлса-да, биргина халқ таълимини моддий-техника базасини яхшилаш бўйича янада кўп маблағ йўналтирилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада, Президентимиз томонидан алоҳида қайд этилди.

Жумладан, Президентимиз томонидан 2020 йил 2 март куни халқ таълими тизимидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда, ҳозирги кунда 2 минг 835 та мактаб таъмирталаб, 5 минг 861 тасида ўқувчилар сони сифимига нисбатан кўплиги сабабли дарслар 2 сменада ўтилаётганлиги, мактаблардаги 683 та физика, 897 та кимё, 901 та биология хонасида ўқув лабораториялари йўқлиги, 7 минг 807 та физика, 7 минг 776 та кимё ва 7 минг 770 та биология хонасининг жиҳозлари эскирганлиги, 62 мингта синф хонаси замонавий ва янги ўқув жиҳозлари билан таъминланмаганлиги, 7 мингта компьютер етишмаслиги таъкидланди.

Бу йўналишдаги харажатларни 2.4-жадвал маълумотларидан кўрадиган бўлсак, 2017–2019 йилларда халқ таълими тизимида қурилиш-таъмирлаш ишлари харажатлари кескин ортиб бормоқда. Хусусан, 2019 йилда ажратилган маблағлар 2016 йилга нисбатан қарийб 4,5 баробарга ўсган.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари харажатлари таркибига назар соладиган бўлсак асосий ўринни реконструкция эгаллагинини



кўриш мумкин. Жумладан, унинг жами халқ таълими харажатларидаги улуши қарийб 3-4 фоиз атрофида сақланиб турибди. Миқдор жиҳатидан кўрадиган бўлсак, катта ўсишга эришилган бўлиб, 2016 йилга нисбатан 2019 йилдаги харажатлар ҳамда 2020 йилнинг режа кўрсаткичлари миқдори 3 баробарга ўсган.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4537-сонли “Замонавий мактаб”ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “2020 – 2022 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини «Замонавий мактаб» талаблари асосида янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий параметрларига асосан, қуввати 365616 ўрин бўлган жами 796 та мактабда 4,0 трлн. сўмлик ишлар бажарилиши белгиланган. Шулардан, 3 трлн. сўми қурилиш-таъмирлаш ишлари бўлиб, улардан 1,5 трлн. сўми реконструкция, 1,2 трлн. сўми мукаммал таъмирлаш ва қолган 300 млрд. сўми янги қурилишга сарфланиши келтирилганлиги ҳам мактаблар бино иншоотларини янгилашнинг нақадар зарур эканлигини кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, бу даврда таъмирталаб мактаблар сонининг ортиб бориши маблағлар сарфини ҳам оширишга олиб келиши, табиий.

Халқ таълими харажатлари таркибидаги қурилиш таъмирлаш харажатлари катта маблағларни талаб қилиши билан уларни давлат бюджетидан бирданига амалга ошириш имкони чекланганлиги сабабли бу борада молиялаштиришнинг янги механизмларини қўллаш зарурияти юзага келади.

Фикримизча, бунда асосий эътиборни хусусий сектор маблағларини жалб этишга қаратиш мақсадга мувофиқ. Масалан, мактабларда спорт мажмуаси (зали)нинг мавжуд эмаслиги уларда ўтиладиган жисмоний тарбия дарсларининг сифатига салбий таъсир қилмай қолмайди, албатта. Шу маънода спорт мажмуаларини ташкил қилиш кейинги йилларда ҳам муҳим масала бўлиб қолади. Бу ўринда спорт мажмуалари ташкил этилишини давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этиш катта самара бериши мумкин. Чунки спорт мажмуаларининг хусусий сектор томонидан қурилиши бюджетда катта миқдордаги маблағларнинг тежаб қилиниши билан биргаликда мактабларда ўқувчиларни

соғломлаштиришни таъминлаш билан бирга ўтиладиган дарслар сифатини ҳам оширади.

Бу борада Д.Бочков ўзининг тадқиқотларида умумий таълимни молиялаштиришнинг замонавий механизм сифатида хўжалик юритувчи субъектларни жалб этиш орқали мактабларда кўшимча пулли хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш лозимлигини илгари сурган. Шунингдек, унинг таклифи кўшимча маблағлар ишлаб топилишига имкон яратиши билан бир қаторда, таълимни молиялаштиришга бозор механизмларининг жорий этилиши таъминлашни таъкидлайди<sup>136</sup>.

2.8-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш мактабларнинг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина эканлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши маблағ талаб қилади ва бу мактаб таълимини молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Умуман олганда, ушбу режа орқали амалга оширилган таҳлилларимиз асосида қуйидаги умумий хулосалар шакллантирилди:

1. Аҳоли сони ва туғилишлар ортиши туфайли ўқувчилар сони ортиб бормоқда, натижада, мактаблар сонини ошириш заруриятини юзага келмоқда.

2. Умумтаълим мактаблари сони ўқувчилар сони билан кучсиз боғланганлиги ўқувчилар сони ортиши фонида мактабларнинг 2 сменада ўқишни ташкил этиши ва синф комплектидаги ўқувчилар сонининг ортишига олиб келмоқда.

3. Ўқитувчиларнинг юқори малака тоифа кўрсаткичлари пастлигича қолмоқда. Бу эса таълим сифатига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

4. Мактаблар моддий-техника базасининг бугунги ҳолатини яхшилаш муҳим ҳисобланади. Мактабларда моддий техника базасининг яхши эмаслиги ва етарли жиҳозланмаганлиги

---

<sup>136</sup> Бочков Д.В. “Совершенствование механизма финансирования общеобразовательных учреждений” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси автореферати. Электрон манба: [www.disserecat.com](http://www.disserecat.com) мурожаат қилинган сана 29.08.2020 йил.

оқибатида, мактаблар, асосан, назарий билимлар бериш билан чекланган ва уларда таълимни замонавий шаклда ташкил этишида айрим муаммолар мавжуд. Ўқувчилар томонидан халқаро олимпиадаларда яхши ўринлар олиниши билан бирга, ютуқлар сонини янада ошириш муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда, мактаблар таълим жараёнининг бошланиши ва унда болаларнинг қарийб 11 йил вақти сарфланади. Бу вақтда уларга бериладиган билимлар жуда муҳим бўлиб, уларнинг келажақда жамият учун қандай натижалар келтиришини белгилайди. Агар мактабларда улар билим олишлари учун етарли шароитлар яратилмаган бўлса, нафақат уларнинг қимматли вақтлари бекорга сарфланади, балки кейинчалик улар бу билимларни таълимнинг кейинги босқичларида олишларига тўғри келади ва бу олий таълим ҳам амалда ўзи учун ажратилган вақтда мактабларнинг камчиликларини тўлдириш билан банд бўлиши оқибатида, етарли даражада рақобатбардош мутахассислар етиштириб чиқара олмаслигини англатади.

### **2.3. Мактаб таълимини молиялаштиришнинг ҳудудий тенденциялари таҳлили**

Умумтаълим мактабларини молиялаштириш тартиби ва механизмларида катта ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунларда уни таҳлил қилиш тадқиқотимизда катта аҳамият касб этади.

Умумтаълим мактабларига давлат бюджети маблағларини ажратиш мураккаб жараён бўлиб, кўплаб босқичлардан иборат. Чунки таълим тизими таркиби кўплаб институционал бирликлар (мактаблар) турларидан ташкил топган бўлиб, улар таркибида энг катта улушни умумий ўрта таълим мактаблари ташкил этади. Шунинг учун таҳлилимизни айнан шу мактаблар бўйича олиб борамиз. Бунда асосий эътибор умумий ўрта таълим мактабларини молиялаштириш тартибларига қаратилади.

Умумий ўрта таълим мактабларини молиялаштириш ва таълим сифати бўйича хорижлик олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларга мурожаат қиладиган бўлсак,



Е. Савицкая ва Д.Чертыковцева<sup>137</sup> томонидан мактаб таълими сифати ва молиялаштиришнинг ўзаро боғлиқлигини эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, мактаб таълими сифатини баҳолаш бўйича ўтказилган PISA (Programme for International Student Assessment – Ўқувчиларни халқаро баҳолаш дастури) ва TIMSS (Trends in Mathematics and Science Study – Мактаб таълимидаги математика ва аниқ фанлар сифати халқаро мониторинги) тадқиқотлари натижалари мактабларни молиялаштиришга кучли боғлиқ бўлмаса-да, ўқитувчилар иш тажрибаси (стажи) билан боғлаш лозимлиги бўйича тақлиф берилган.

Бу каби тадқиқотлар натижалари молиялаштириш механизмлари ва йўналишлари мактаб таълимининг сифатига таъсир кўрсатишини таъкидлади.

2.9-жадвал

**Тошкент вилояти маҳаллий бюджетида умумий ўрта таълимга харажатлар миқдори ва улушининг ўзгариши бўйича маълумотлар<sup>138</sup>**

(млрд.сўмда)

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Жами харажатлар	1722,1	1817,5	3023,2	4225,8	2582,9
Умумий ўрта таълимга харажатлар	580,3	671,8	887,8	1396,0	170,9
Умумий ўрта таълим харажатларининг жами харажатдаги улуши (фоиз(%))да	33,7	37,0	29,4	33,0	6,6

<sup>137</sup> Савицкая Е., Чертыковцева Д. “Финансирование и качество школьного образования: эконометрический подход”. Интернет маълумоти: hse.ru “Вопросы экономика” 2013 г. Мурожаат қилинган сана 2020 йил 18 декабр.

<sup>138</sup> Молия вазирлиги маълумотлари.

Юқоридаги режаларда мактаб таълимини молиялаштиришнинг умумий жиҳатлари ёритилган бўлса, ушбу режада мамлакатимизда мактаб таълимини молиялаштиришнинг микро даражасини таҳлил қиламиз. Жумладан, эътиборни Тошкент вилояти маҳаллий бюджетидан умумий ўрта таълимга қилинган харажатлар миқдorigа қаратамиз.

2.9-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Тошкент вилояти маҳаллий бюджетда умумий ўрта таълим харажатлари 2016–2019 йилларда умумий харажатларнинг қарийб 30–37 фоизи оралигида бўлган. Лекин, 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига асосан, 2020 йилдан бошлаб, умумтаълим мактабларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказилиши сабабли Тошкент вилоятида умумий ўрта таълим харажатлари миқдори ва улуши кескин камайган ҳамда жами харажатларга нисбатан 6,6 фоизни ташкил қилмоқда.

2.9-жадвал маълумотларидан яна шуни кўриш мумкинки, маҳаллий бюджетларда умумий ўрта таълим харажатларининг камайиши улар умумий харажатларининг ҳам камайишига олиб келган. Жумладан, Тошкент вилоятининг маҳаллий бюджети 2019 йилда 4,2 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, бу 1,6 трлн. сўмга камайиб, 2,6 трлн. сўмни ташкил қилган. Ўрта таълим харажатлари эса 2019 йилда 1,4 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, фақатгина 4-гуруҳ харажатлари учун ажратилган ва харажат қилинган.

Бундан ташқари, 2.9-жадвал маълумотларидан қуйидагича хулосаларни чиқариш мумкин:

1. 2020 йилга қадар умумий ўрта таълим харажатлари, асосан, маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилган бўлса, 2020 йилга келиб, харажатларнинг асосий қисми республика бюджетига ўтказилган. 2020 йилдан бошлаб, харажатларнинг тўғридан-тўғри республика бюджетидан молиялаштириш амалиёти мактаб таълимини узлуксиз ва ўз вақтида молиялаштиришни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган.

2. Мактаблар биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатларини республика бюджетидан молиялаштирилиши улар бошқарувининг маҳаллий бошқарувдан мустақиллигини оширишга хизмат қилган.

3. Умумий ўрта таълимга харажатларни молиялаштиришдаги ўзгариш республика ва маҳаллий бюджетлар бўйича давлат бюджети маблағлари тақсимотига ўз таъсирини ўтказган ва маҳаллий бюджетлар улуши қисқарган.

4. Умумий ўрта таълим муассасалари 4-гуруҳ харажатларини молиялаштиришнинг маҳаллий бюджетларда қолдирилишини умумий ўрта таълимни ташкил этишдаги маҳаллий ҳокимликлар мажбуриятларини аниқ белгиланиши сифатида баҳолаш мумкин.

### 2.10-жадвал

#### Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган умумий ўрта таълим мактабларининг давлат бюджетидан режалаштирилган харажатлари тўғрисида маълумот<sup>139</sup>, (млрд.сўмда)

Харажатлар турлари	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Жами харажатлар	29,79	32,79	40,35	60,81	71,91
1-гуруҳ харажатлари	23,07	25,07	30,53	46,89	55,23
2-гуруҳ харажатлари	5,71	6,22	7,57	11,62	13,7
4-гуруҳ харажатлари	1,01	1,51	2,25	2,29	2,97

Тошкент вилояти бўйича ўтказган таҳлилларимиздан кўри-  
ниб турибдики, умумий ўрта таълимга харажатлар бюджет тақ-  
симотига ҳам ўзининг таъсирини ўтказмасдан қолмас экан.  
Шунинг учун мактаб таълимини молиялаштиришда амалга  
оширилган ўзгартиришлар бевосита ҳар бир ҳудуд иқтисодиётига  
ўзининг таъсирини ўтказиши дейиш мумкин. Шу ўринда мактаб  
таълимини молиялаштиришни туман мисолида ёритилишини  
мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

<sup>139</sup> Молия вазирлиги маълумотлари.



2.10-жадвалда Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари учун режалаштирилган давлат бюджети харажатлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Қибрай туманининг танлаб олинганлиги сабаби ушбу туман Тошкент шахрига яқин бўлиб, кўпгина ислохотларнинг экспериментлари шу туманда ўтказилиш амалиёти мавжудлигидир.

2.10-жадвал маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, туманда жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари учун режалаштирилган давлат бюджети харажатлари мунтазам ўсиб бориш динамикасига эга, 2020 йил учун режалаштирилган маблағлар 2016 йилга нисбатан қарийб 2,5 баробарга ўсган. Харажатларнинг таркиби бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, асосий харажатлар умумий халқ таълими харажатларида бўлгани каби биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатларига тўғри келмоқда. Шундай бўлса-да, 4-гуруҳ харажатлари ҳам кескин ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2020 йилда 2,9 млрд. сўмини ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан қарийб 3 баробарга ўсган. Бу эса охириги йилларда мактаб таълимини молиялаштиришда ташкилий харажатларга ҳам эътибор кучайганлигини кўрсатади. Шундай бўлса-да, мактаб таълимини молиялаштириш харажатларининг асосий қисмини иш ҳақи харажатлариташкил этмоқда. Бу, айниқса, 2017–2020 йилларда халқ таълимига берилаётган катта эътибор натижаси сифатида ўқитувчиларнинг ойлик маошларини ошириш жараёнида янада катта улушларга эга бўлди.

Бу эса, ўз навбатида, умумий ўрта таълим муассасаларида иш ҳақи харажатларининг қандай тартибда режалаштирилишини ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Чунки режалаштириш, яъни давлат бюджетидан маблағларнинг ажратилиши белгиланган тартибларга боғлиқ равишда амалга оширилади.

Бугунги кунда мактаб таълимида ишловчи ходимларнинг иш ҳақлари икки турга бўлинган ҳолда режалаштирилади:

1. Бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдამчи ходимлар.
2. Умумий ўрта таълим мактабларининг педагог ходимлари.

Умумий ўрта таълим мактабларида ишловчи ҳодимларнинг иш ҳақини режалаштириш амалиётига қуйида алоҳида тўхталиб ўтамиз:

1. Ҳозирда мактабларнинг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдამчи ходимлари ойлик иш ҳақларини

режалаштириш уларнинг штатлари ва базавий тариф ставкаларини белгилаш асосида амалга оширилади.

Бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар штатларини белгилаш Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 406-сонли буйруғи асосида амалга оширилади. Бу буйруқ Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган бўлиб, унга кўра, умумий ўрта таълим мактаблари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар штатлари синф-комплектлари сонига кўра белгиланади (2.11-жадвал).

### 2.11-жадвал

#### Умумий ўрта таълим мактабларида айрим бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ходимлар штатлари ажратилиши тўғрисида маълумот<sup>140</sup>

№	Лавозим номи	Синф комплектлар сонига кўра белгиланадиган штат бирликлари					
		6 тагача синф	7-10 та синф	11-16 та синф	17-22 та синф	23-29 та синф	30та ва ундан ортиқ синф
1	Директор	1	1	1	1	1	1
2	Директорнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари	-	0,5	1	1	1,5	1,5
3	Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари	-	0,5	1	1	1,5	1,5
4	Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари	-	-	-	1	1	1
5	Хўжалик мудир	0,5	0,5	1	-	-	-
6	Кадрлар бўйича менежер	0,5	1	1	1	1	1

<sup>140</sup> Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 406-сонли буйруғи маълумотлари. Ушбу буйруқ Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

2.11-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, мактаб директори штати синф-комплекти сонидан қатъи назар мавжуд бўлиб, синф-комплектлари сони 30 та ва ундан ортиқ бўлганда ҳам ўзгармайди ва бир штат бирлигидан иборат бўлади. Лекин директорнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича, ўқув ишлари бўйича ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари штатлари синф-комплектлари сонига боғлиқ равишда киритилади ва уларнинг штатлари сони синф-комплектлари ўсишига мувофиқ равишда ортиб боради. Фикримизча, бу, ўз навбатида, директорнинг мактаб бошқаруви билан боғлиқ юктамаларини камайтиришга хизмат қилади.

Бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар базавий тариф ставкаларини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом” асосида, ўқувчилар контингентига қараб, муассасалар гуруҳидан келиб чикиб белгиланади. Жумладан, низомга асосан, умумтаълим мактаблари 4-гуруҳга бўлинган бўлиб, I-гуруҳга кирувчи мактабларда ўқувчилар контингенти 1600 та ва ундан ортиқ бўлиши белгиланган бўлса, II-гуруҳга кирувчи мактабларда ўқувчилар контингенти 881–1600 та оралигида бўлиши, III-гуруҳга кирувчи мактабларда ўқувчилар контингенти 401–880 та оралигида бўлиши ва IV-гуруҳга кирувчи мактабларда ўқувчилар контингенти 400 нафаргача бўлиши белгилаб қўйилган.

Бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар базавий тариф ставкалари умумтаълим мактабларининг ушбу гуруҳларга мансублиги асосида белгиланади.

Бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар базавий тариф ставкаларини белгилашдаги бундай ёндашув уларга ҳақ тўлашда синфлар ва ўқувчилар сони омилларини қамраб олиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, ойлик иш ҳақларини белгилашда адолат тамойил бўлишини таъминлайди, дейиш мумкин.



Сабаби, синф комплеклари таркибидаги ўқувчилар сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3271-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Умумтаълим муассасаларида синфларни комплекшлаш ҳамда тарификация рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисида низом”нинг 3-бандида шаҳар ҳудуди ва туман марказларида 25 – 35 нафаргача, қишлоқ ҳудудларида 20 – 35 нафаргача белгиланган бўлса-да, олис (тоғли, чўлли) ҳудудларда жойлашган умумтаълим муассасалари бундан мустасно эканлиги киритилган.

2.11-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида мактаб таълими билан қамраб олинган синфлар сонининг ўзгариши динамикаси<sup>141</sup>**

№	Ҳудудлар номи	Синфлар сони		
		2019 йил 1 январь ҳолатига	2020 йил 1 январь ҳолатига	2020 йил 1 сентябрь ҳолатига
1	Қорақалпоғистон Республикаси	14 518	15 235	15 658
2	Андижон вилояти	19 104	19 852	20 405
3	Бухоро вилояти	11 154	11 608	11 875
4	Жиззах вилояти	10 906	11 410	11 737
5	Қашқадарё вилояти	24 578	25 620	26 302
6	Навоний вилояти	7 291	7 499	7 644
7	Наманган вилояти	17 064	17 940	18 413
8	Самарқанд вилояти	26 908	28 579	29 593
9	Сурхондарё вилояти	20 630	21 683	22 470
10	Сирдарё вилояти	6 321	6 667	6 869
11	Тошкент вилояти	19 636	20 804	21 435
12	Фарғона вилояти	22 698	23 891	24 633
13	Хоразм вилояти	12 368	12 722	12 940
14	Тошкент шаҳар	12 632	13 628	14 279
<b>Жами:</b>		<b>225 808</b>	<b>237 136</b>	<b>244 254</b>

<sup>141</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Бу эса ҳудудлар бўйича синфлар ва улардаги ўқувчилар сони турлича бўлишини англатади. Бунда штатларнинг синфлар сонидан келиб чиқиб белгиланиши улардаги ўқувчилар сонига фарқларни ҳисобга олиш имконини бермаслиги кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам ушбу факторни ҳисобга олиш мақсадида базавий тариф ставкасини белгилашда ўқувчилар сони критерияси киритилган.

2.11-жадвал орқали мактабларда бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлари штатларини белгилаш синфлар сонига боғлиқ эканлигини аниқладик. Бизнингча, бу мактаб таълимида синфлар сонини таҳлил қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

2.12-жадвал маълумотлари асосида мамлакатимизда 2019–2020 йилларда синф комплектидаги доимий ўсишни кўришимиз мумкин. Жумладан, 2020 йилнинг 1 сентябрига келиб, 2019 йилнинг 1 январига нисбатан 18446 та синф комплекти ортган.

Синф-комплектларидаги ўсиш, ўз навбатида, умумтаълим мактабларида бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар штатини оширишни тақозо этади. Бу орқали мактаб таълимини молиялаштиришда муҳим ҳулосага келиш мумкинки, у ҳам бўлса, мактабларда келажакда бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар иш ҳақлари билан боғлиқ харажатлар ҳам ортиб боради. Шу билан бирга, бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар иш ҳақлари миқдори етарли билим ва малакага эга бўлган бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларни жалб этиш имконини бериши лозим.

2. Умумий ўрта таълим мактабларининг педагог ходимлари иш ҳақларини режалаштиришда кўплаб кўрсаткичлардан фойдаланилади. Жумладан, ўқитувчиларнинг иш ҳақи таркиби базавий тариф ставкаси ва устамалар ҳамда қўшимча ҳақлардан иборат.

Базавий тариф ставкаси умумий ўрта таълим мактаби педагог ходимлари учун бир ставка миқдоридаги иш юкласидан келиб чиқади ва у 1–4-синфларда ҳафтасига 18 соат, 5–11-синфларда ҳафтасига 20 соат этиб белгиланган.

Умумий ўрта таълим мактабини педагог ходимларининг иш юкламаларини ҳисоблаб чиқариш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2018 йил 20 августда 3058-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”га асосан амалга оширилади. Унга кўра, умумий ўрта таълим мактаби педагог ходимининг йиллик иш юкламаси қуйидагича ҳисобланади:

– 1–4-синфлар учун белгиланган бир ставка миқдоридаги иш юкламаси ҳафталик ҳажмини 1 коэффициентга кўпайтириш орқали, яъни:

$$18*1=18+18=36*4,3(\text{ҳафта})=154,8*43(\text{ҳафта})=1548 \text{ соат};$$

– 5–11-синфлар учун белгиланган бир ставка миқдоридаги иш юкламаси ҳафталик ҳажмини 0,8 коэффициентга кўпайтириш орқали, яъни:

$$20*0,8=16+20=36*4,3(\text{ҳафта})=154,8*43(\text{ҳафта})=1548 \text{ соат}.$$

Умумий ўрта таълим муассасаси педагог ходимининг йиллик иш юкламаси (бир ставка ҳисобида) бир ҳафтада 36 соат, бир ойда 154,8 соат, бир йилда 1548 соат миқдорида қуйидаги қисмлардан иборат ҳолда амалга оширилади.

Ўқув-тарбия жараёни учун ажратиладиган соатлар миқдори қуйидагича аниқланади:

1–4-синфлар учун белгиланган бир ставка миқдоридаги иш юкламаси ҳафталик ҳажмини бир йил мобайнида дарс машғулотлари олиб бориладиган ҳафталар сонига кўпайтириш орқали, яъни  $18*34=612$  соат;

5–11-синфлар учун белгиланган бир ставка миқдоридаги иш юкламаси ҳафталик ҳажмини бир йил мобайнида дарс машғулотлари олиб бориладиган ҳафталар сонига кўпайтириш орқали, яъни  $20*34=680$  соат.

Шунингдек, ушбу базавий таъриф ставкалари ўқитувчиларнинг маълумоти ва малака тоифаларига кўра табақалаштирилган бўлиб, қуйидаги таркибда қўлланилади:

- ўрта махсус;
- олий маълумотли;
- 2-тоифа;



- 1-тоифа ва
- олий тоифа.

Шу ўринда, умумий ўрта таълим мактаблари ходимларининг базавий тариф ставкалари бўйича 1 ставка учун ажратиладиган маблағлар миқдоридagi ўзгаришларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

2.13-жадвал

**Умумий ўрта таълим мактаблари айрим маъмурий бошқарув ва педагог ходимлари ойлик иш ҳақларининг ўзгариши тўғрисида маълумот<sup>142</sup>**

(минг.сўмда)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Умумтаълим мактаби директори	I гуруҳ	1422,2	1 635,5	1 880,8	2 678,6	3152,7
	II гуруҳ	1 344,4	1 546,1	1 778,0	2 532,2	2980,4
	III гуруҳ	1 267,9	1 458,0	1 676,8	2 388,0	2810,7
	IV гуруҳ	1 187,4	1 365,5	1 570,3	2 236,4	2632,3
Мактаб директорининг ўқув ишлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари	I гуруҳ	1 344,4	1 546,1	1 778,0	2 532,2	2980,4
	II гуруҳ	1 267,9	1 458,0	1 676,8	2 388,0	2810,7
	III гуруҳ	1 187,4	1 365,5	1 570,3	2 236,4	2632,3
	IV гуруҳ	1 109,0	1 275,4	1 466,7	2 088,8	2458,5
Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфи ўқитувчиси	Олий тоифали	1 040,0	1 196,0	1 375,4	2 255,9	2619,8
	1-тоифали	980,3	1 127,4	1 296,5	2 014,2	2370,8
	2-тоифали	918,0	1 055,7	1 214,1	1 807,6	2127,6
	Олий маълумотли	857,2	985,8	1 133,7	1 614,6	1900,4
	Ўрта махсус	801,3	921,5	1 059,7	1 509,3	1776,4
Умумтаълим мактабларининг юқори синфи ўқитувчиси	Олий тоифали	957,4	1 101,0	1 266,2	2 255,9	2619,8
	1-тоифали	868,3	998,5	1 148,3	2 014,2	2370,8
	2-тоифали	813,2	935,2	1 075,5	1 807,6	2127,6
	Олий маълумотли	759,6	873,5	1 004,5	1 614,6	1900,4
	Ўрта махсус	710,7	817,3	939,8	1 509,3	1776,4

<sup>142</sup> Молия вазирлиги маълумотлари.

2.13-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, умумий ўрта таълим мактаблари айрим маъмурий бошқарув ва педагог ходимлари ойлик иш ҳақлари миқдори доимий ўсиб бориш тенденциясига эга. Ойлик иш ҳақларидаги ўсиш, айниқса, 2018 йилдан бошлаб жадал суръатлар билан давом этмоқда. Бунга асосий сабаб сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон қарорига кўра, умумий ўрта таълим мактаблари ходимларининг базавий тариф ставкалари қуйидаги тартибда ва муддатларда оширилганлигини келтиришимиз мумкин:

а) 2018 йил 1 сентябрдан:

- бошланғич синф ўқитувчилари учун 1,1 бараварга;
- юқори синф ўқитувчилари учун ўртача 1,24 бараваргача;
- директор, унинг ўринбосарлари ва ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга;

б) 2019 йил 1 январдан:


- олий тоифали ўқитувчилар учун 1,25 бараварга;
- биринчи тоифали ўқитувчилар учун 1,2 бараварга;
- иккинчи тоифали ўқитувчилар учун 1,15 бараварга;
- бошқа ўқитувчилар учун 1,1 бараварга;
- директор, унинг ўринбосарлари, ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга.

Шунингдек, 2019 йилга қадар бошланғич ва юқори синфи ўқитувчилари базавий тариф ставкасида сезиларли фарқ бўлган бўлса, 2019 йилдан бошлаб, уларнинг базавий тариф ставкалари бирхиллаштирилган.

Шундай бўлса-да, бугунги кунда ҳам умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақларини ошириш давом этмоқда. Чунки мактаб таълими сифатини ошириш, аввало, педагоглар ойлик маошларига боғлиқ.

Шу билан бирга, умумий ўрта таълим муассасалари ходимлари иш ҳақларининг ўсишини кўрадиган бўлсак, 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра белгиланган ойлик иш ҳақи 2016 йилга нисбатан олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси базавий

тариф ставкаси қарийб 2,5 баробарга ўсган бўлса, олий тоифали юқори синф ўқитувчиси 2,7 баробарга ўсган (2.4-расм).



## 2.4-расм. Мактаб ўқитувчиларининг 2020 йил учун белгиланган ойлик иш ҳақларининг 2016 йилга нисбатан ўсish кўрсаткичлари<sup>143</sup>

1-расм маълумотларига кўра, ойлик иш ҳақлари, асосан, олий ва 1-тоифали ўқитувчилар учун бошқа тоифа ва маълумотларга қараганда кўпроқ ўсган.

Шу ўринда умумий ўрта таълимнинг ривожланиши ва педагог ходимларни тайёрлашнинг боғлиқлиги бўйича хорижлик олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларга эътибор қаратсак. Ушбу масала Е.А.Ленская<sup>144</sup> томонидан ўрганилган, унинг тадқиқоти натижаларига кўра, мактаб таълимининг ривожланишига педагог кадрларни танлаб олиш ва тайёрлаш ҳамда мактабларда узоқ муддат ишлашларини таъминлашнинг катта таъсири борлиги қайд этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Парламентга мурожаатномасида умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлишини таъминлаш мақсадида бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз,

<sup>143</sup> Расм 2.3.5-жадвал маълумотлари муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>144</sup> Ленская Е.А. Качество образования и качество подготовки учителя. Интернет манба: cyberleninka.ru 2008г. Мурожаат қилинган сана 2020 йил 5 декабр.



бошқа вилоятга бориб ишласа, 100 фоиз устама ҳақ тўланиши айтиб ўтилгани ҳам ўқитувчилар иш ҳақларини ошириш ишлари яна давом эттирилишини аңлатади.

Устама ва кўшимча ҳақлар таркибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сонли қарори билан тасдиқланган “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом”га асосан, қуйидагилар киритилган:

❖ умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасидан тўланадиган қуйидаги:

– ўқувчилар билан тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишлар олиб борилишининг юксак даражаси учун тегишли малака тоифасига эга бўлган ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 15 фоизигача миқдорда;

– касб маҳорати ва таълим жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун тегишли малака тоифасига эга бўлган ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 25 фоизигача миқдорда ҳар ойлик устамалар;

❖ умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига кўшимча ҳақ тўловлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан фоиз ҳисобида қуйидаги миқдорларда амалга оширилади:

а) синфдаги ўқувчилар сонига кўра синф раҳбарлиги учун:

- 15 нафар ўқувчигача – 17,6 фоиз;
- 16 нафардан 20 нафар ўқувчигача – 21,1 фоиз;
- 21 нафардан 25 нафар ўқувчигача – 24,6 фоиз;
- 26 нафардан 30 нафар ўқувчигача – 28,1 фоиз;
- 31 нафар ва ундан кўп ўқувчи бўлганда – 35,2 фоиз;

б) дафтарларни ва ёзма ишларни текширганлик учун – 17,6 фоиз, синфдаги (синф – комплектдаги) ўқувчилар сони 15 нафаргача бўлган кам комплектли мактабларда эса – 8,8 фоиз;

в) информатика кабинети мудирлиги учун – 17,6 фоиз.

Устама ва кўшимча ҳақлар амалда педагог ходимлар фаолияти сифатини баҳолашда катта аҳамият касб этса-да, улар турларининг кўплиги кўшимча ҳужжатларни расмийлаштириш заруриятини юзага келтириши билан таълим жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Умуман олганда, мактаб таълимини молиялаштириш юқорида ўрганилган микро даражадаги молиялаштириш механизмлари асосида шаклланади. Шунинг учун ҳам мактаб таълимини молиялаштиришни такомиллаштириш айнан шу тартиб ва механизмларни такомиллаштиришдан бошланиши мақсадга мувофиқ. Жумладан, ҳозирги кундаги молиялаштириш механизмлари турлари жуда кўплиги уларнинг ҳар бири бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш заруриятини юзага келтираётганлиги педагог ходимлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам педагоглар ойлик иш ҳақларини ҳисоблаш тартиблари ва турларини унификациялаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, умумий ўрта таълим мактаблари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда уларнинг иш стажини эътиборга олиш лозимлиги кўплаб хорижлик олимлар тадқиқотларида ҳам келтириб ўтилган. Шунинг учун молиялаштиришга бу тартибни киритиш таклиф этилади.

### **Иккинчи боб бўйича хулосалар**

Монографиянинг иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотлар доирасида қуйидаги илмий хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

Бизнингча, халқаро тажриба ва тадқиқот натижаларини инобатга олиб, мамлакатимизда қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

– ўқувчиларни бошланғич таълимидан сўнг қизиқишлари доирасида синфларга ажратиш;

– ўқувчиларнинг синфларга ажратилиши фанлар доирасида – аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар бўйича амалга ошириш;

– таълим сифатини таъминлашдаги зарурий ўзгаришлар қаторида интернет масаласи энг бирламчи эканлиги барча томонидан қўллаб-қувватланган;

– ўқувчилар қизиқишларининг инобатга олинishi иккинчи муҳим омил бўлса, синфларнинг сигимкорлиги омили бирламчи эканлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда;

– дарс учун ажратилган – 45 минутнинг кўпроқ бўлиши ижтимоий фанлар учун аҳамиятга эга бўлмоқда;

– таълим сифатини таъминлашда ўқитувчига тўланадиган иш ҳақи ва ўқувчиларнинг саломатлиги асосий омиллар қаторидан жой олмаган;

– аҳоли ва туғилишлар сонининг ортиши туфайли ўқувчилар сони ортиб бормоқда, натижада, мактаблар сонини ошириш зарурияти юзага келмоқда;

– умумтаълим мактаблари сони ўқувчилар сони билан кучсиз боғланганлиги ўқувчилар сони ортиши фонида мактабларнинг 2 сменада ўқишни ташкил этиши ва синф комплектидаги ўқувчилар сонининг ортишига олиб келмоқда;

– мактаблар моддий-техника базаси бугунги ҳолатини яхшилаш муҳим зарурият ҳисобланади. Мактабларда моддий техника базасининг яхши эмаслиги ва етарли жиҳозланмаганлиги оқибатида, мактаблар, асосан, назарий билимлар бериш билан чекланган ва уларда таълимни замонавий шаклда ташкил этишда айрим муаммолар мавжуд. Ўқувчилар томонидан халқаро олимпиадаларда яхши ўринлар олинishi билан бирга, ютуқлар сонини янада ошириш муҳим ҳисобланади.

Мактаблардаги таълим жараёнида болаларнинг қарийб 11 йил вақти сарфланади. Бу вақтда уларга бериладиган билимлар жуда муҳим бўлиб, уларнинг келажақда жамият учун қандай натижалар келтиришини белгилайди. Агар мактабларда уларнинг билим олишлари учун етарли шароитлар яратилмаган бўлса, нафақат уларнинг қимматли вақтлари бекорга сарфланади, балки улар бу билимларни таълимнинг кейинги босқичларида олишларига тўғри келади ва бу олий таълим ҳам амалда ўзи учун ажратилган вақтда мактабларнинг камчиликларини тўлдириш билан банд бўлиши оқибатида, етарли даражада рақобатбардош мутахассислар етиштириб чиқара олмаслигини аниқлатади.

Мактаб таълимини молиялаштириш юқорида ўрганилган микро даражадаги молиялаштириш механизмлари асосида шаклланади. Шунинг учун ҳам мактаб таълимини молиялаштиришни такомиллаштириш айнан шу тартиб ва механизмларни такомиллаштиришдан бошланиши мақсадга мувофиқ. Жумладан, ҳозирги кундаги молиялаштириш механизмлари турлари жуда кўплиги, уларнинг ҳар бири бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш заруриятини юзага келтираётганлиги педагог ходимлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам педагоглар ойлук иш ҳақларини ҳисоблаш тартиблари ва турларини унификациялаш мақсадга мувофиқ.



## **III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **3.1. Мактаб таълимини молиялаштиришнинг илғор тажрибалари ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари**

Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш ва унинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун таълим тизимини ҳар жиҳатдан ривожлантириш талаб этилади. Бунинг учун эса, нафақат миллий иқтисодиёт билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш йўлларини излаб топиш, балки ушбу соҳада етакчи тажрибага эга бўлган мамлакатларнинг тенденцияларини тадқиқ этиш ва уларни мамлакатимиз шароитида жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши билан таянч таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни амалга ошириш назарда тутилган. Таълим тизимини молиялаштиришдаги мавжуд мураккабликларни бартараф этишни назарда тутувчи ушбу ҳужжатнинг бандларида кўрсатмалар бериб ўтилган.

Жумладан, молиялаштириш методини тубдан ўзгартиришнинг назарда тутилиши билан мазкур ҳолат изоҳланади, унга кўра: “Таълим муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш мақсадида бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиққан ҳолда «маблаг ўқувчи ортидан» тамойили асосида (ваучер тизими) босқичма-босқич молиялаштириш тизимига ўтиш. Бунда ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини инобатга олиш”. Ушбу методнинг жорий этилиши билан бюджет маблағларининг манзиллилик тамойили янада аниқлашади. Тадқиқотимизнинг олдинги бобларида кўриб ўтилганидек, бир ўқувчига тўғри

келувчи харажатлар меъёридан келиб чиқиб молиялаштириш усулининг янада такомиллаштирилиши талаб этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг баёнотига кўра ҳам, 2019 йилдан ушбу методнинг синов тарикасида бир катор умумтаълим муассасаларида амалга оширилиши кўзда тутилган эди. Хусусан, “2019 йилнинг январидан Мирзо Улугбек (Тошкент шаҳри) туманидаги бешта мактабда ўқувчиларнинг сонига қараб мактабларни ваучер молиялаштириш тизими синовдан ўтказила бошлайди<sup>145</sup>”, деб қайд этилди.

Шу нуқтаи назардан, ўқувчига базавий харажатлар меъёрини жорий этган ва молиялаштиришнинг бошқа методларини қўллаётган давлатларнинг тажрибаларини тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз. Бир ўқувчига базавий харажатлар меъёри натижага йўналтирилган бюджетлаштириш методи билан уйғун ҳисобланиб, кўн жиҳатдан бир хил хусусиятга эга ҳисобланади.

Рус олимларидан Е.Никитина<sup>146</sup> молиялаштиришнинг бир неча услублари тўғрисида ўзининг тизимлаштирилган ёндашувларини баён қилиб ўтади. Хусусан, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш – фаолиятнинг аниқ натижалари асосида молияни режалаштириш ва бошқаришни англатади. Кўрсаткичларнинг баланслашган тизими – белгиланган мақсадларга эришишда фаолиятни миқдор жиҳатидан баҳолаш орқали бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон берадиган тизим назарда тутилади. Харажатларни режалаштириш ва бошқаришнинг иқтисодий механизми – харажатларни режалаштириш ва бошқариш жараёнига таъсир этадиган усуллар йиғиндисидан иборат бўлиши таъкидлаб ўтилади.

Шунингдек, Е.Никитина умумтаълим тизимини молиялаштириш механизмлари ва мақсадларининг ўзаро фарқли ва ўхшаш жиҳатларини таҳлил этиб, уларга нисбатан тушунтиришлар бериб ўтади. Унга кўра, ўқувчига базавий молиялаштириш меъёри, грантлар, моддий рағбатлантириш ва мақсадли дастурларни

---

<sup>145</sup> Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. 2019 йил бошидан бешта мактабда ваучер молиялаштириш тизими синовдан ўтказила бошлайди.

<http://marifat.uz/marifat/ruklar/umumii-urta-talim/1980.htm>

<sup>146</sup> Никитина Е.Н. Организация финансирования муниципальной образовательной системы на основе бюджетирования, ориентированного на результат: автореферат ... к.э.н. – М.: Государственный университет – Высшая школа экономики, 2009. – 24 с.

келириб ўтади. Қайд этиш лозимки, умумтаълим муассасасаларини молиялаштиришда ҳар бир механизмнинг ўзига хос аҳамияти мавжудлиги, уларнинг маълум натижаларни таъминлашдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилади (3.1-жадвалга қаранг).

3.1-жадвал

**Умумтаълим тизимини молиялаштириш механизми ва мақсадлари моҳияти**

Мақсад	Вазифа	Механизм	Натижа
Фуқароларнинг бепул умумтаълим олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш	Умумтаълим дастураларини амалга ошириш	Ўқувчига базавий молиялаштириш	Таълим стандартларини тўлиқ молиялаштириш
	Умумтаълим дастурларини амалга ошириш учун шароитлар яратиш		
Конституцияга мувофиқ таълим хизматларини ривожлантиришни таъминлаш	Моддий-техник базани мустаҳкамлаш	Грантлар	Фаолият йўналишини тўлиқ молиялаштириш
	Муассаса ва педагогларни рағбатлантириш	Маблағларни рейтинг бўйича тақсимлаш	Ютуқни тўлиқ молиялаштириш
	“Россия болалари” дастури	Мақсадли дастурлар	Дастурни тўлиқ молиялаштириш

Хорижий тажрибаларни ўрганиш натижалари Ўзбекистонда мавжуд бўлган мактаб тизимини молиялаштириш билан боғлиқ куйидаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

– мактабларнинг сифимкорлигидан ортиқ даражада ўқувчиларнинг мактабда жойлашуви натижасида “стуллар етишмаслиги”ни бартараф этиш;

– кам даромадли аҳоли қатламини ҳам хусусий мактабларда ўқиш имкониятини яратиб бериш;



– миграция натижасида худудий умумтаълим муассасаларига ажратилган бюджет маблағларининг ўқувчилар ортидан боришини таъминлашга эришиш;

– давлат ва хусусий мактаблар ўртасида соғлом рақобатнинг юзага келишига шарт-шароит яратиш.

Н.Жилинанинг олиб борган тадқиқотларида таълим тизимини молиялаштиришнинг сметали ва базавий харажатлар меъёрининг ўзаро фаркли жиҳатларига эътибор қаратилган. Мазкур хулосаларда таълим тизими харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш методларининг қиёсий таҳлилинини кўриш мумкин<sup>147</sup> (3.2-жадвалга қаранг).

Н.Жилинанинг хулосаларида қайд этилганидек, базавий меъёрларга кўра молиялаштириш қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туришини қайд этиш лозим: биринчидан, бюджет маблағлари таълим муассасаси фаолиятини эса, балки фаолият кўрсаткичи хизматларни молиялаштиради, иккинчидан, таълим муассасаси харажатлар режасини мустақил белгилайди ва уларга ўзгартириш киритиш имконияти берилади.

Бизнингча, таълим муассасаларини молиялаштиришда мактабларнинг молиявий менежментни ривожлантириш имкониятиларини самарали амалга ошириш учун давлат томонидан молиявий мезонларнинг юқори ва қуйи чегаралари белгиланиши лозим, деб ўйлаймиз. Бу эса бюджет маблағларининг натижага қаратилганлигини таъминлашга ёрдам беради.

Умуман олганда, умумтаълим муассасаларини молиялаштиришнинг илғор тажрибалари тўғрисида фикр юритилганда Европа мамлакатлари трендларига эътибор қаратилиши, табиий ҳол. Ваучер методига асосланган ҳолда умумтаълим муассасаларини молиялаштириш Буюк Британияда 1981 йилда пайдо бўлган. Ушбу дастурнинг амалга киритилишидан асосий мақсад кам даромадли аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш бўлган. Мазкур ислохотнинг жорий этилиши 1979 йилда Ҳукуматга келган М.Тетчернинг фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

<sup>147</sup> Жилина Н.Н. Нормативное подушевое финансирование образования: модели и механизмы//Актуальные проблемы экономики и права. – 2009, - №1. –С. 99-102,

**Таълим харажатларини бюджетдан режалаштириш ва  
молиялаштириш методлари**

Кўрсаткич	Бюджетдан режалаштириш ва молиялаштириш усуллари	
	Сметага асосланган	Базавий меъёрга асосланган
Бюджет мажбурияти таркиби харажистикаси	Таълим муассасалари фаолиятини бюджетдан молиялаштириш	Таълим муассасалари томонидан таълим хизматлари кўрсатилишини бюджетдан тўлаб бериш
Бюджет маблағлари ҳисобидан қабул ва таълим иштирокчилари миқдори параметрларини аниқлаш	Бюджетнинг бош тақсимловчиси томонидан йўналишлар ва дастурлар кесимида маблағларни тақсимлаш мезони ўрнатилади	Бюджетнинг бош тақсимловчиси томонидан таълим хизматларини тақдим этиш юзасидан давлат топшириқларини бажариш
Бюджетдан умумтаълим муассасаларига тақдим этиладиган маблағлар ҳажмини аниқлаш	Умумтаълим муассасаси фаолият кўрсаткичларидан келиб чиқиб ассигнация ҳажми аниқланади: уларга контингент, ўқитувчилар таркиби сони, бинолар ва б.	Бюджет маблағлари муассасада таълим олаётганлар сонига базавий харажатлар меъёрини кўпайтириш орқали аниқланади
Бюджет маблағларини тақсимлаш	Бюджет маблағлари доирасида бош тақсимловчи томонидан белгиланган мезонлар асосида умумтаълим муассасаси томонидан амалга оширилади	Таълим муассасаси томонидан мустақил амалга оширилади

Таъкидлаш лозим, 1944 йилда қабул қилинган қонунга кўра, 5–16 ёшдагиларнинг барчаси мактабга боришлари мажбурий ҳисобланади. Ушбу даврда ўқувчилар умумий ўрта таълимни тугатганлик тўғрисидаги сертификатни олишлари лозим бўлади, бу билан эса улар коллеж ва олий таълим муассасаларида ўз ўқишларини давом эттиришлари мумкин. 2015 йилдан бошлаб, мактаб даврини 2 йилга узайтиришга қарор қилинди, натижада, Англияда олий таълим муассасаларида ўқимокчи бўлганлар ушбу даврда ҳам мактабда ўқишлари мажбурий этиб белгиланди. Шундай бўлса-да, 2/3 ёшлар касбга йўналтирилган коллежларда ўқишни давом эттирадilar. Қолганлар эса, олий таълим муассасаларида таълим оладилар.

Ўз навбатида, Буюк Британияда умумий таълим 4 босқичга ажратилган бўлиб, уларнинг мезони сифатида ўқувчиларнинг ёшлари олинади. Яъни, 5–7 ёш, 7–11 ёш, 11–14 ёш ва 14–16 ёш эканлигини таъкидлаш лозим.

### 3.3-жадвал

#### Буюк Британияда ўқувчига тўғри келувчи меъёрли молиялаштириш тренди, фонзда

Реал молиялаштириш босими	Бошланғич таълим (Primary)	Ўрта таълим (Secondary)	Жами
0-2 фоиз	0	0	0
2-4 фоиз	0	12	2
4-6 фоиз	30	16	27
6-8 фоиз	20	19	20
8-11 фоиз	31	31	31

Буюк Британияда умумтаълимни молиялаштиришда умумий харажатлар ҳажмида ўқувчига тўғри келувчи базавий харажатлар ҳажмининг улуши умумий ҳажмга нисбатан 72,5 фоизни ташкил



этмоқда<sup>148</sup>. Бу эса, ўқувчи билан ўзаро нисбат орқали аниқланмайдиган харажатлар турлари ҳам мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, Буюк Британиянинг Таълим сиёсати институти тадқиқотларига кўра, мактаблар турли даражадаги молиявий босимларга дуч келишларини кўриш мумкин. Зотан, бир ўқувчига тўғри келувчи харажатлар ҳажми қисқарса-да, мактаблардаги молиявий босимнинг камайиши тенденцияси юзага келмаслиги қайд этиб ўтилади (3.3-жадвалга қаранг).

Мазкур трендни ўзида аке этгирган хулосаларни эътиборга оладиган бўлсак, 2019–2020 йиллардаги молиялаштириш 2015 йилдагига нисбатан ҳам кам бўлиши тенденцияси кузатилиши таъкидланмоқда. Хусусан, 80 фоиз мактабларнинг молиялаштирилиши қисқариши, шунингдек, 2009 йилдаги инфляция даражаси 2015 йилга келиб, 5 фоиз бўлганлиги, мактабларни молиялаштириш умумий ҳажмининг 8 фоизга пасайишига таъсир қилган<sup>149</sup>.

Тадқиқотларга кўра, Буюк Британия тажрибаси ўқувчига тўғри келувчи молиялаштириш механизмнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бермоқда. Жумладан, кам даромадли оилалар фарзандларига хусусий мактабларда ўқиш имкониятини тақдим этмоқда. Шу билан бирга, мактабларнинг сиғимкорлик муаммосини ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, аҳолини миграция билан боғлиқ ҳолатларини ҳам ўзида қамраб олганлиги устувор ҳисобланади.

Канадада 2003–2007 йилларда мактаб таълимини такомиллаштириш ислохотлари амалга оширилди. Унда асосий эътибор натижавийликни оширишга йўналтирилган тадбирларга қаратилган. Ушбу ислохотлар ҳукумат томонидан жорий этилди. Мазкур ислохотларда М.Фулланнинг мактаб таълимини ислох этиш дастурининг қуйидаги тамойиллари шакллантирилган<sup>150</sup>:

<sup>148</sup> Perera N., Andrews J., Sellen P. The Implications of the National Funding Formula for Schools. Education Policy Institute. March 2017.

<sup>149</sup> The Guardian. Funding for 80% of schools in England 'worse next year than 2015'. <https://www.theguardian.com/education/2019/sep/30/funding-80-percent-schools-england-worse-next-year>

<sup>150</sup> Fullan M. All systems GO. The change imperative for whole system reform. Coge publication, California, Crowin Press, 2010.

– барча болаларнинг истисноларсиз таълим билан қамраб олиниши презумпцияси;

- устуворликларнинг чекланганлиги;
- етакчиларнинг ҳал қилув қарорларни қабул қила олиши;
- жамоавий имкониятдан фойдаланиш;
- стратегияни қатъий ишлаб чиқиш;
- ҳисобдорлик;
- кенг қамровли амалга оширилиш.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида 3 йил ичида саводхонлик даражаси 33 фоиздан 82 фоизга кўтарилди.

Жаҳоннинг энг йирик иқтисодийётга эга давлатларидан бири Хитой ҳисобланади. PISAнинг 2009 йилги ҳисоботларида, ушбу мамлакат мактаб таълимини муваффақиятли ислоҳ қилаётганлиги қайд этиб ўтилди. Унда асосий эътибор юқори самара билан ишламаётган мактабларга қаратилди ва уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш орқали қўллаб-қувватланди. Натижада, Хитой юқори натижаларга эриша олди.

Умуман олганда, охириги 20 йил ичида амалга оширилган ислоҳотлар даврида ушбу ўзгаришлар жиддий натижаларни олиб келди. Ишлаб чиқилган стратегияга мувофиқ мактаблар тўртта гуруҳга ажратиб олинди. Улар: А, В, С, D бўлиб, А мезонидаги мактабларда таълим стандартлари бўйича барча кўрсаткичлар мавжуд бўлса, D гуруҳдаги мактабларда инфраструктура умуман мавжуд эмас ва таълим сифатини таъминлашнинг имкони паст. Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ҳозирги кунда 2/3 қисм мактаблар А ва В типдаги муассасалар гуруҳига киришини таъкидлаш лозим. Ушбу ислоҳотлар қуйидаги олтита стратегия асосида амалга оширилди:

1. Моддий-техник базани стандартларга мувофиқ равишда янгилаш натижасида учдан бир қисм мактаблар қайтадан реконструкция қилинди.

2. Давлат маблағларини мобилизация қилишда ижобий “дискриминация”га эътибор бериш. Ортикча маблағларни муаммоли ҳудудларга йўналтириш.

3. Ўқитувчиларни ротация қилиш. Қишлоқ жойларда ўқитувчиларнинг кўнимсизлиги юқори даражадалиги натижасида ушбу жиҳатга эътибор қаратилган.

4. Ҳамкорлик стратегияси. Бунда қишлоқ ва шаҳар жойлардаги мактабларнинг ўзаро педагогик фаолият нуқтаи назаридан алоқалари мустаҳкамланди.

5. “Маъмуриятни таклиф этиш” стратегияси орқали юқори натижаларни қайд этган мактабларнинг раҳбарияти ва ўқитувчиларини самарадорлиги паст бўлган мактабларга жалб этиш.

6. Мактаблар консорциумини ташкил этиш. Кўрсаткичлари паст бўлган бир нечта мактабни юқори натижаларга эга бўлган битта мактаб атрофида тўплаш ва ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш назарда тутилган.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

– мамлакатлар томонидан умумтаълим муассасаларини молиялаштиришда ўқувчига базавий харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштириш методи давлат мактабларига босимни камайтириш ва кам даромадли қатламни хусусий мактаб таълими хизматларидан фойдаланиш имкониятларини юзага келтириш мақсадида жорий этилмоқда;

– сметали молиялаштириш бошқарувнинг нафақат молиявий жиҳатдан, балки ўқув-услубий жиҳатдан ҳам марказлашувига олиб келмоқда. Натижада, мактабларда янги педагогик технологияларни мустақил жорий этиш имкониятлари пасаймоқда. Бу эса, мактабларда молиявий менжментни ривожлантиришга бўлган заруратни келтириб чиқармоқда;

– бир ўқувчига тўғри келувчи харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштириш методини қўллаш орқали мактабларнинг молиявий мустақиллигини ривожлантириш имконияти шаклланди. Натижада, мактабларда мустақил педагогик қарорларни қабул қилишга шарт-шароит яратилмоқда;

– иқтисодий ривожланган ёки жадал ривожланиш босқичига ўтган мамлакатлар умумтаълим тизимини ислоҳ этишда асосий эътибор кўрсаткичлари паст бўлган мамлакатларга қаратилмоқда. Бу эса, маълум доирадаги мактабларни қўллаб-қувватлаш



имконини берса, иккинчидан, бюджетга молиявий юкнинг камайишига шароит яратмоқда;

– умумтаълим тизими хизматларини барчага қулай ва тенг етиб бориши учун ўқувчининг презиумпцияси тамойилини киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқорида қайд этилган тажрибалар бўйича тадқиқотлар ва хулосаларга асосланиб, Ўзбекистон шароитида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Умумтаълим мактабаларини ислоҳ қилишда уларни гуруҳларга ажратиш ва гуруҳлар доирасида чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим. Жумладан, ривожлантиришга талаби бўлган мактаблар рўйхатини шакллантириш ва халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш лозим;

2. Ўзбекистонда ўқувчига базавий молиялаштириш методологиясини жорий этишда ўқувчининг презиумпцияси тамойили асосида ваучерли молиялаштириш тизимини жорий этиш. Мазкур тизимни жорий этиш ортидан мактабларга ўқувчилар босимини пасайтиришга эришиш мумкин бўлади:

– биринчидан, ваучер тизимини қўллаш орқали кам даромадли аҳоли қатлами фарзандлари хусусий мактабларда ўқиш имконига эга бўлади. Яъни давлат томонидан ўқувчига ажратилган бюджет маблағи ваучерда ақс эттирилади ва ўқувчи истаса, ушбу маблағни хусусий мактабга ўтказиб, таълимни ушбу секторда давом эттириши мумкин бўлади;

– иккинчидан, аҳолининг сезиларли ўсиши жараёнида ўқувчиларнинг барчасини камраб олишда мактаблар учун кўшимча бинолар ва бошқа инфратузилмани бюджет ҳисобидан молиялаштириш юқини пасайтиради. Сабаби, ўқувчи ўқиш учун харажатларни давлатдан ваучер орқали хусусий секторда ўқиши мумкин бўлади. Бу билан давлатнинг ижтимоий ҳимоя институтининг тўлиқ ишлашига ҳам шароит яратилади.

– учинчидан, ҳудудларда ўқувчилар сонига нисбатан, яъни доимий яшовчи оилаларни инобатга олган ҳолда жон бошига молиялаштирилади. Бу эса, оилаларнинг бошқа ҳудудларга кўчиб ўтиши натижасида бюджет маблағларининг бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга олиб ўтилишига имкон бермайди. Шу нуқтаи назардан, ваучер тизимини жорий этиш бюджет маблағларини ўзи билан

бирга бошқа ҳудуддаги умумтаълим муассасасига олиб ўтишга имкон яратади. Натижада, мактабларни молиялаштиришда бюджет маблағлари манзиллилиги муассасага эмас, ўқувчига қаратилиши юзага келади. Бу эса, мактаблар ўртасида рақобат муҳитини вужудга келтиришга замин яратади;

– тўртинчидан, давлат мактабларида “стулларнинг етишмаслиги” муаммосига барҳам берилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда умумтаълим тизимини молиялаштириш самарадорлигини таъминлашда илғор тажрибалардан оқилона фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

### **3.2. Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришнинг устувор йўналишлари**

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида бир қатор долзарб масалалар белгилаб берилди. Жумладан, **“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”** деган бош ғоянинг қайд этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, 2021 йилда мактаб таълими тизимида қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилиши назарда тутилди<sup>151</sup>:

Келгуси йили 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади.

Соҳада ягона “электрон таълим” тизимини жорий этишга келгуси 2 йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади.

Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш лозим.

Болаларнинг тахлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар

<sup>151</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабр. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

яратиш зарур. Бу борада келгуси ўқув йилида бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий тажриба асосида, болага ортиқча юклама бермайдиган “Миллий ўқув дастури” жорий этилади.

Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар маошига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа, 100 фоиз устама ҳақ тўланади.

Шунингдек, ҳудудларда хусусий мактаблар фаолиятини рағбатлантириш учун бюджетдан субсидиялар ажратилади.

Ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга қаратилган узлуксиз тизим яратилади.

Келгуси йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этамиз. Ушбу олийгоҳда чет элдаги етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилади.

Болаларимизнинг меҳнат кўникмаларини мактаб давридан бошлаб шакллантириб бориш мақсадида “касбга ўргатиш тизими” жорий этилади.

Яна бир масала – педагоглар малакасини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Маълумки, муаллимлар ҳозирги вақтда ҳар 5 йилда малака оширади. Бундан буён уларнинг “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида ўз малакасини узлуксиз ошириб бориши йўлга қўйилади.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз фанини билиши, педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигидан келиб чиқиб, тоифа бериш мезонлари ҳам қайта кўриб чиқилади.



Юқорида келтирилган истиқболли йўналишлар мамлакатимиз мактаб таълими тизимини ривожлантиришда долзарблик касб этиши, шубҳасиз. Жумладан, мактаб таълими тизимини рақамлаштиришга эътибор қаратилиши ҳам замонавий йўналишлардан бири ҳисобланади.

М.Шарапова халқ таълими тизимида бюджет маблағларини сарф этишни назорат қилишда қуйидагиларга эътибор қаратишни таклиф этади<sup>152</sup>:

Биринчидан, жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бунда умумтаълим мактаблари учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан ташкилот раҳбари нафақат Молия вазирлиги олдида, балки жамоа ёки ота-оналар (солиқ тўловчилар) олдида ҳам ҳисобдор бўлиши талаб этилади. Яъни рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга аҳамият берилаётган бугунги кунда умумтаълим мактабларида электрон доскалар орқали бир ой мобайнида сарфланган маблағларнинг ҳисоботлари акс эттирилиши мумкин.

Иккинчидан, харажатларни тўғри режалаштиришга катта аҳамият бериш ва ўтказилган текширув натижаларини ўз вақтида маълум қилишга эришиш керак. Бу амалага оширилган назорат натижаларининг самарадорлиги ва уларнинг таъсирчанлигини белгилаб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, таълимда алоҳида кўрсаткич сифатида акс этувчи ҳафталик академик юкламанинг оптималлаштирилиши ҳам муҳимдир. Ушбу ҳолат эса, молиялаштириш кўрсаткичларини ушбу ислохотларга уйғун равишда такомиллаштиришни талаб этади. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- мактаблар академик гуруҳларидаги ўқувчилар сонини 45 минутлик ўқув машғулотлари ўқув юкламасига мослаштириш;
- бир ўқувчига тўғри келадиган харажатлар миқдорини ошириш орқали ўқитувчилар штатлари сони қисқаришининг олдини олиш;

---

<sup>152</sup> Шарапова М.А. Халқ таълими тизимини бюджетдан молиялаштириш амалиёти.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. - № 3, июнь, 2020 йил.

– ўқитувчиларнинг мустақил ўқув-педагогик тайёргарликни амалга оширишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

– имтиҳонларга ажратиладиган ўқув соатларини бошлангич синфларда кўп бўлмаслигини таъминлаш.

Мактабларда таълим сифатини умуммиқёсда бошқариш ва худудлараро ўзаро фарқланишни камайтириш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш:

– мактабларни ваучерли молиялаштириш методи орқали молиявий ресурслар билан таъминлашни назарда тутиш;

– мактаблар рейтингини тузишда молиявий қоидабузарликларни инобатга олиш ва ўқитувчилар қўнимсизлиги кўрсаткичига эътибор бериш;

– мактабда мавжуд штатлар сонидан ўқитувчилар сони кўп бўлмаслигини таъминлашга эришиш.

Мактаб таълимини молиялаштиришни такомиллаштиришнинг замонавий йўналишлари сифатида бюджетга нисбатан молиявий юкнинг пасайишига олиб келувчи методологияларни илмий асослаш ва амалиётга жорий этиш муҳим ҳисобланади. Бу борада, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш билан бирга, хусусий сектор маблағларидан фойдаланиш имкониятларини татбиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги кунда бюджет харажатларига бўлган эҳтиёжни янада оптималлаштириш мақсадида бюджет сиёсатида янги тенденциялар юзага келаётганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, аутсорсинг ва давлат хусусий шериклик амалиётини қўллаш шулар жумласига киради.

Умумий ўрта таълим муассасаларида бюджет маблағларининг ўрни бекиёс эканлиги соҳада бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишда эҳтиёткорликни талаб этади. Шу бонсдан, давлат бюджети маблағларига бўлган заруратни камайтиришга имкон берувчи айрим методологияларни жорий этиш натижасида соҳада тижоратлашувнинг олдини олиш долзарб ҳисобланади. Бу эса, таянч таълимнинг бепул тарзда таъминланишига шароит яратиб беради.

Умумий ўрта таълим муассасаларида жисмоний тарбия фанларининг мавжудлиги ушбу фанни ўқитиш билан боғлиқ жараёнларда хусусий сектор билан ҳамкорликни амалга оширишга имкон беради, деб ўйлаймиз.

Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим муассасаларида спорт тўғарақларини ташкил этиш ва жисмоний тарбия дарсларини олиб бориш учун етарли шарт-шароитлар мавжуд эмаслигини интернет тармоғидаги хабарлардан ҳам билиш мумкин. Масалан, айрим мактабларда спорт майдонлари, умуман, мавжуд бўлмаса, баъзи мавжудларида эса аҳвол анчайин мураккаб эканлигини кўриш мумкин.

Бизнингча, мактабларнинг бу каби муаммоларини бартараф этишда давлат-хусусий шериклик амалиётидан самарали фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Мазкур методологияни қўллаш орқали бюджет харажатларига бўлган заруратни камайтириш мумкин. Шу билан бирга, бюджет ҳисобидан таъминланиши лозим бўлган тадбирларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштиришга имконият яратилади.

М.Лыбанева ўзининг тадқиқотида таълим тизимида давлат-хусусий шерикликни қўллашнинг зарурати тўғрисида ўз илмий хулосаларини келтириб ўтади. Россия таълим тизимида хусусий маблағларнинг давлат харажатларига нисбатан улуши атиги 6,7 фоизни ташкил этиши мазкур методологияга бўлган заруратни изоҳлайди<sup>153</sup>. Шунингдек, таълим тизимида давлат-хусусий шериклик амалиётини жорий этишда қуйидаги йўналишларга эътибор қаратади:

1. Давлат-хусусий шериклик амалиёти таълим тизимида ишлайдиган интитутиционал тузилмани шакллантириш.

2. Давлат-хусусий шериклик амалиётини жорий этишнинг дастурий-лойиҳавий шаклини ишлаб чиқиш.

3. Таълим ва хусусий сектор ҳамкорлигининг устуворлигини таълим хизматлари сифатини оширишга қаратиш.

<sup>153</sup> Лыбанева М.В. Государственно-частное партнерство в сфере образовательных услуг в условиях модернизации высшей школы в России: автореферат . . . к э п. – СПб, 2017. – ЧОУ ВО «Балтийская академия туризма и предпринимательства». – 23 с.



4. Давлат-хусусий шериклик амалиёти билан таълим хизматлари таъминлаш моделини яратиш.

Келтирилган илмий хулосаларда таълим хизматлирини тижоратлашувининг олдини олиш назарда тутилмоқда. Таъкидлаш лозимки, мактаб таълимида хусусий сектор маблағларидан фойдаланиш уларга маълум ҳуқуқларни тақдим этиши ва бепул таълимни сақлаб қолиши лозим бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли Фармони қабул қилинган. Унга кўра, 2025 йилга қадар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланаётган аҳоли умумий сонини 30 фоизгача, спорт ташкилот ва муассасаларида шуғулланаётган ёшларнинг умумий сонини 20 фоизгача ошириш кўзда тутилди. Ушбу ҳолат, албатта, умумий ўрта таълим муассасалари спорт инфратузилмасини ривожлантиришни тақозо этади.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб айтганда, Ўзбекистон аҳолисининг 20 фоизи атрофидаги қатламнинг сифатли спорт инфратузилмаси билан камраб олиш долзарб ҳисобланади. Бу эса, мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг сифатли таълим хизматлари, хусусан, жисмоний тарбия дарсларини юқори савияда ташкил этишга шарт-шароитни юзага келтиради.


Умуман олганда, К.Антонова давлат-хусусий шериклик амалиётини ташкил этишнинг тавсифий жиҳатларига эътибор қаратади<sup>154</sup>. Жумладан, давлат-хусусий шерикликнинг иқтисодий-ҳуқуқий ёндашув доирасида концессия, ижара, шартнома ва қўшма муассаса каби шакллари алоҳида ургу бериб, давлат-хусусий шериклик иштирокчилари манфаатлари ҳамкорликни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтади (3.1-расмга қаранг).

<sup>154</sup> Антонова К.А. Государственно-частное партнерство как фактор социально-экономического развития России: автореферат – к.э.н. – М., 2012. – «Государственное, муниципальное и корпоративное управление» в ФГОБУВПО «Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации» – 23 с.

#### **Давлат**

- ижтимоий йўналтирилган соҳалар ва инфратузилмада тақдим этиладиган хизматлар сифати ва ҳажми ортади;
- давлат бошқарув самарадорлиги ошади;
- молиявий муаммолар ечими топилади;
- маҳаллий товар, хизмат ва капитал бозори ривожланади.

Юқори сифатли товар ва хизматлар тақдим этилиши натижасида аҳоли турмуш фаровонлиги ошади



#### **Хусусий сектор**

- фойда барқарорлиги ва ошishi;
- даромад одишининг барқарорлиги;
- жаҳон капитал бозорига чиқishi;
- иқтисодиётнинг реал секторига хорижий инвестицияларни жалб этиш;
- содiк имтиёзларнинг тақдим этилиши.

### **3.1-расм. Давлат-хусусий шериклик иштирокчилари манфаатлари**

Бизнингча, давлат-хусусий шериклик амалиётини қўллашдан иштирокчиларнинг барчаси тенг манфаатли натижаларга эришиши мумкин экан. Эътиборли жиҳати, ушбу хизматдан фойдаланувчи томон – ўқувчилар сифатли ва ишончли инфратузилмага эга бўлади.

Шу нуқтаи назардан, умумий ўрта таълим муассасаларида қуйидаги йўналишлар бўйича давлат-хусусий шериклик амалиётини қўллаш мумкин: футбол, баскетбол стадионлари ва теннис кортларини ташкил этиш, Сузиш ҳавзалари ва фитнес залларини қуриш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Қайд этиб ўтилган йўналишларда мактаб ўқувчиларининг дарсларидан ташқари вақтда, пулли асосда аҳолига хизмат кўрсатишни хусусий сектор ихтиёрига бериш билан мазкур методологияни шакллантириш мумкин бўлади.

Ушбу методни амалга оширишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- спорт майдончалари ва бошқа инфратузилмани операцион бошқариш ҳуқуқини хусусий шерикка бериш;

- мактаб муассасаси томонидан бепул фойдаланиладиган давомийликни белгилаш. Бунда хусусий сектор томонидан

фойдаланиш давомийлигида молиявий манфаатдорликка эришиш имконини яратишга эътибор қаратиш;

– спорт майдончалари фондидан фақатгина мактаб ўқувчилари томонидан дарс пайтида бепул фойдаланиш мумкинлигини белгилаш, аксинча вақтларда хусусий шерикка қарор қабул қилиш ваколатини тақдим этиш.

Шу билан бирга, мактаб ўқитувчиларига бошқа ҳудудлардан келиб дарс ўтганлиги учун тўланадиган қўшимча ҳақ миқдорини ҳисоблашда географик жойлашув ва масофани ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Жумладан, қўшни ҳудуддан келган бўлса ҳам масофа нуқтаи назаридан яқин бўлиши мумкин. Аксинча, бир ҳудуд доирасида бўлса ҳам бир неча км. масофадан ўқитувчининг қатнашига тўғри келиши мумкин. Шу боисдан, мактаб-уй ўртасидаги қатнов масофасининг ҳам ҳисобга олинishi қўшимча ҳақ тўланишига ижобий таъсир қилади, деб ўйлаймиз.

### **Учинчи боб бўйича хулосалар**

Тадқиқотимизнинг учинчи бобида олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги илмий хулосаларни шакллантиришга эришилди:

– мамлакатларда умумтаълим муассасаларини молиялаштиришда ўқувчига базавий харажатлар меъёридан келиб чиқиб молиялаштириш методини давлат мактабларига босимни камайтириш ва кам даромадли қатламни хусусий мактаб таълими хизматларидан фойдаланиш имкониятларини юзага келтириш мақсадида жорий этилмоқда;

– сметали молиялаштириш бошқарувнинг нафақат молиявий жиҳатдан, балки ўқув-услубий жиҳатдан ҳам марказлашувига олиб келмоқда. Натижада, мактабларда янги педагогик технологияларни мустақил жорий этиш имкониятлари пасаймоқда. Бу эса, мактабларда молиявий менежментни ривожлантиришга бўлган заруратни келтириб чиқармоқда;

– бир ўқувчига тўғри келувчи харажатлар меъёридан келиб чиқиб, молиялаштириш методини қўллаш орқали мактабларнинг молиявий мустақиллигини ривожлантириш имконияти шаклланди. Натижада, мактабларда мустақил педагогик қарорларни қабул қилишга шарт-шароит яратилмоқда;



– иқтисодий ривожланган ёки жадал ривожланиш босқичига ўтган мамлакатлар умумтаълим тизимини ислоҳ этишда асосий эътибор кўрсаткичлари паст бўлган мамлакатларга қаратилмоқда. Бу эса, маълум доирадаги мактабларни қўллаб-қувватлаш имконини берса, иккинчидан, бюджетга молиявий юкнинг камайишига шароит яратмоқда;

– умумтаълим тизими хизматларини барчага қулай ва тенг етиб бориши учун ўқувчининг презиумпцияси тамойилининг киритилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқорида қайд этилган тажрибалар бўйича тадқиқотлар ва хулосаларга асосланиб, Ўзбекистон шароитида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1) умумтаълим мактабларини ислоҳ қилишда уларни гуруҳларга ажратиш ва гуруҳлар доирасида чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Жумладан, ривожлантирилиши зарур бўлган мактаблар рўйхатини шакллантириш ва халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш;

2) Ўзбекистонда ўқувчига базавий молиялаштириш методологиясини жорий этишда ўқувчининг презиумпцияси тамойили асосида ваучерли молиялаштириш тизимини жорий этиш. Мазкур тизимни жорий этиш ортидан мактабларга ўқувчилар босимини пасайтиришга эришиш мумкин бўлади:

– биринчидан, ваучер тизимни қўллаш орқали кам даромадли аҳоли қатлами фарзандлари хусусий мактабларда ўқиш имконига эга бўлади. Яъни давлат томонидан ўқувчига ажратилган бюджет маблағи ваучерда акс эттирилади ва ўқувчи истаса, ушбу маблағни хусусий мактабга ўтказиш орқали таълимни ушбу секторда давом эттириши мумкин бўлади;

– иккинчидан, аҳоли сонининг сезиларли ўсиши жараёнида ўқувчиларнинг барчасини қамраб олишда мактаблар учун кўшимча бинолар ва бошқа инфратузилмани бюджет ҳисобидан молиялаштириш юқини пасайтиради. Сабаби, ўқувчи ўқиш учун харажатларни давлатдан ваучер орқали хусусий секторда ўқиши мумкин бўлади. Бу билан давлатнинг ижтимоий ҳимоя институти ҳам тўлиқ ишлашига шароит яратилади;

– учинчидан, ҳудудларда ўқувчиларнинг сонига нисбатан, яъни доимий яшовчи оилаларни инобатга олган ҳолда жон бошига

молиялаштирилади. Бу эса, оилаларнинг бошқа ҳудудларга кўчиб ўтиши натижасида бюджет маблағларини бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга олиб ўтилишига имкон бермайди. Шу нуқтаи назардан, ваучер тизимини жорий этиш бюджет маблағларини ўзи билан бирга, бошқа ҳудуддаги умумтаълим муассасасига олиб ўтишига имкон яратади. Натижада, мактабларни молиялаштиришда бюджет маблағлари манзиллилиги муассасага эмас, ўқувчига қаратилиши юзага келади. Бу эса, мактаблар ўртасида рақобат муҳитининг вужудга келишига замин яратади;

– тўртинчидан, давлат мактабларида “стулларнинг етишмаслиги” муаммосига барҳам берилади.

3) таълим сифатида алоҳида кўрсаткич сифатида ақс этувчи ҳафталик академик юкломанинг оптималлаштирилиши ҳам муҳимдир. Ушбу ҳолат эса, молиялаштириш кўрсаткичларини ушбу ислохотларга уйғун равишда такомиллаштиришни талаб этади. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– мактабларда академик гуруҳларда ўқувчилар сонини 45 минутлик ўқув машғулотида ўқув юкломасига мослаштириш;

– бир ўқувчига тўғри келадиган харажатлар миқдорини ошириш орқали ўқитувчилар штатлари сони қисқаришининг олдини олиш;

– ўқитувчилар мустақил ўқув-педагогик тайёргарликни амалга оширишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

– имтиҳонларга ажратиладиган ўқув соатларини бошланғич синфларда кўп бўлмаслигини таъминлаш.

4) мактабларда таълим сифатини умуммикёсда бошқариш ва ҳудудлараро ўзаро фарқланишни камайтириш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

– мактабларни ваучерли молиялаштириш методи орқали молиявий ресурслар билан таъминлашни назарда тутиш;

– мактаблар рейтингини тузишда молиявий қоидабузарликларни инобатга олиш ва ўқитувчилар қўнимсизлиги кўрсаткичига эътибор қаратиш;

– мактабда мавжуд штатлар сонидан ўқитувчилар сони кўп бўлмаслигини таъминлашга эришиш.

# **Ш БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

## **I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

### **1.1. Ўзбекистонда олий таълим тизимини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Мамлакатимизда таълим тизими ижтимоий соҳанинг бир бўлини эканлигини қайд этсак, таълим муассасалари харажатларига йўналтирилаётган бюджет маблағлари салмоқли улушга эга. Бу эса, ўз навбатида, таълим муассасалари молиявий фаолиятида бюджетдан ташқари маблағлар улушини кўпайтириш заруриятини келтириб чиқаради.

Дарҳақиқат, юқори тажриба талаб этадиган тармоқлар учун малакали ишчи кучини тайёрлаб бериш, албатта, таълимнинг зиммасига тўғри келади. ХХI асрнинг кучли рақобат шароитида салмоқли натижаларни қайд этиш кўп жihatдан таълимнинг натижаларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Мазкур масаланинг долзарб жihatлари борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қуйидаги фикрни қайд этиб ўтган: “Шу билан бирга, биз учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўямиз<sup>155</sup>”.

Фикримизча, меҳнат бозоридаги ривожланаётган рақобат муҳитида одамларда ўз кўникмаларини ошириш учун таълимга бўлган талаблари ошиб боришини кўрсатади. Бу эса, меҳнат бозорига сезиларли таъсир этувчи таълим муассасаларини янада ривожлантиришни тақозо этади. Ўзбекистон ҳам ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлида кетаётган экан, демак, таълимни молиялаштириш имкониятларини янада кенгайтиришни ва такомиллаштиришни талаб этади.

<sup>155</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабр 2017 йил.



К.Мухамедхонова ўзининг тадқиқотида иқтисодиёт инфра-тузилмаси ва жамиятнинг трансформациялашуви жараёнида таълим тизимининг тузилмасини оптималлаштиришнинг зарурияти юзасидан хулосалар беради. Ислоҳотлар натижасида малакали ишчи кучига бўлган талабнинг ортиши таълимга бўлган ёндашувни ўзгартиришни тақозо этишини ҳамда таълимнинг қамраб олиш миқёсини оширишни долзарблигини қайд этади. Жумладан, олий таълим муассасаларини битираётган талабаларнинг 2012 йилдаги 60,9 минг нафардан 2030 йилда 160 минг нафарга етказиш орқали олий таълимни қамраб олишини 10 фоиздан 25 фоизга етказиш ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги қайд этилади<sup>156</sup>.

А.Шеров эса, ўзининг мақоласида таълим тизими молиялаштиришнинг хориж тажрибаларини тадқиқ этади. Жумладан, таълим тизими молиялаштиришнинг учта: Осиё, Америка ва Европа моделларини асослаб беради. Ўз навбатида, ривожланган мамлакатларда таълим тизими молиялаштиришга таъсир этувчи омилларни тизимлаштиради. Улар қуйидагилардир: Иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси, таълим тизими олдида қўйилган вазифалар, миллий анъаналар ва таълим тизимини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хослиги каби жиҳатларга эътибор қаратади<sup>157</sup>.

Я.Лижинг, М.Брайнлар миллий ва халқаро иқтисодиётнинг ривожланишида юқори тажриба ва билимларни эгаллаш учун ишчилар томонидан таълим олишга бўлган талабнинг ошишини кўрсатиб беришади<sup>158</sup>.

Хусусан, таълимнинг турли босқичларида ундан олинадиган нафлилик даражаси турличадир. Масалан, таянч таълимни давлат томонидан молиялаштирилиши аҳолининг барча қатламини саводхонлигини оширади. Ўз навбатида, Г.Псачарополос қуйидаги фикрларни билдириб ўтади. Таянч таълим давлат бюджети

<sup>156</sup> Мухамедхонова К. Социальная защита: на пороге нового этапа//Экономическое обозрение. – Тошкент, 2014. -№1(169) –Б. 30-39.

<sup>157</sup> Шеров А. Таълим тизимини молиялаштиришда хориж тажрибаси/Молия. –Тошкент, 2014. -№5. –Б. 131-135.

<sup>158</sup> Lijing Y., Brian M. World education finance policies and higher education access. A statistical analysis of World Development Indicators for 86 countries//International Journal of Educational Development 35, 2014. – pp. 25–36.

томонидан таъминланишдан юқори даромадлиларга нисбатан кам даромадлилар кўпроқ манфаатдор бўлади<sup>159</sup>.

Мингат ва Таннинг олиб борган тадқиқотларига кўра, таълим тизимига харажатлар мамлакатларнинг ривожланганлик даражасига мувофиқ эканлигини аниқлашган. Масалан, кам даромадли мамлакатлар таянч таълимга эътибор қаратсалар, ўртача даромадли мамлакатлар ўрта махсус таълимга молиявий эътиборни кучайтиради. Ўз навбатида, юқори даромадли давлатлар олий таълимга жиддий эътибор қаратар экан<sup>160</sup>. Оливериа фикрича юқори салоҳиятли инсон келажакда юқори қийматлар яратишини қайд этади<sup>161</sup>.

Бизнингча, таълим соҳасини молиялаштириш мамлакатларнинг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ бўлиб қолар экан, шу боисдан олий таълим тизимини молиялаштиришга бериладиган эътиборнинг нисбий юқорилиги ўзининг натижасини бериши мумкин.

Таъкидлаш лозим, таълим тизимини молиялаштиришни янада ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қатор олим ва тадқиқотчилар томонидан ҳам асослаб берилган. Шунингдек, мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инсон капитали ҳал қилувчи омилга айланиши мазкур масаланинг долзарб эканлигини яна бир бор тасдиқлаб беради. Зотан, иқтисодиётда ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни таъминлаш жаҳон иқтисодий мактабларини доимий диққат марказида бўлди. Агар биз инсон салоҳиятининг туганмас эканлигини инобатга олсак, ресурсларнинг чекланганлиги тўғрисидаги ғояни қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилади, деб ўйлаймиз.

Фикримизча, таълим соҳасида изчил амалга ошириладиган ислохотлар натижасида инсон капиталининг шаклланиши ва инновацияларнинг ривожланиши учун шароитларни юзага келтиради. Ўз навбатида эса, дастлаб илмий тадқиқот марказлари, жум-

<sup>159</sup> Psacharopoulos G., Returns to investment in education: a global update//World Development, 1994. -№22(9). - pp. 1325-1343.

<sup>160</sup> Mingat A., Tan J. The Full Social Returns to Education: Estimates Based on Countries' Economic Growth Performance//Human Capital Development Working Paper 73. World Bank, Washington, DC, 1996.

<sup>161</sup> Oliveria T., Pereira P. Who pays the bill? : Study cost and students income in Portuguese higher education//European Journal of Education, 2009. -№ 24(1). - pp. 111-121.



ладан олий таълим муассасаларининг фаолиятларини такомиллаштириш зарурияти юзага келади. Бу борада таълим тизимини ривожлантиришда унинг таркибий бўғинларини такомиллаштиришнинг молиявий ва институтционал жиҳатларига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда, таълим муассасалари бюджетини шакллантириш ва уни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли Қарори муҳим ўрин тутди. Унда бюджетдан ташқари маблағларнинг тасарруф этилиши кўрсатиб ўтилган. Жумладан, бюджет ташкилоти (таълим муассасаси) асосий воситаларини савдога чиқариш туфайли келиб тушган маблағнинг 50 фоизи олий таълим муассасасига берилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 26 февралдаги “Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3857-сонли Фармони ҳам таълим тизимини молиялаштиришда муҳим дастурил амал бўлиб хизмат қилди.

Жумладан, Ўзбекистонда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сонли Қарори асосида амалга оширилади. Бунда ўқитувчиларнинг ойлик маошлари улар фаолиятининг вақт билан боғлиқ жиҳатларини ўзида акс эттириб, натижавийлик элементларини ҳам кўзда тутди.

Юқорида келтириб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таълим муассасалари бюджетларини шакллантириш ва тасарруф этишда муҳим асослардан бўлиб ҳисобланади. Биз тадқиқотни амалга оширишда олий таълим муассасаларига бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг фойдаланиш даражасини аниқлаш ва уни баҳолашдан иборат бўлади. Бу борада, Ўзбекистон тажрибаси ўзига хос аҳамиятга эга.



Таълим тизимини молиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари юқорида қайд этиб ўтилган бўлса-да, уни молиялаштириш йўналишларини кенгайтириш лозимлиги таълим билан аҳолини қамраб олишнинг долзарблиги орқали ифода этилади. Ўзбекистонда таълимнинг қамраб олиш даражаси бирмунча кичик рақамларда бўлиб қолаётганлиги унинг молиявий дастаклари билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам, таълим тизимини молиялаштириш манбаларини ва уларнинг бошқарувини либераллаштириш зарурияти туғилади.

Ўзбекистонда таълим соҳасини молиялаштириш учун давлат бюджети маблағлари салмоқли улушга эга. Хусусан, мазкур маблағлар ЯИМга нисбатан 7,4 фоизни<sup>162</sup> ташкил этади. Ўз навбатида, мазкур кўрсаткич ЕИ мамлакатларида 5-8 фоизни ташкил қилади<sup>163</sup>.

БМТ экспертлари тадқиқотларига кўра, таълим соҳаси учун йўналтирилган давлат бюджети маблағларининг ЯИМга нисбатан улуши ўртача 11,9 фоизни ташкил этиши лозим, айни пайтда ўртача даражада ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 4,6 фоизни ташкил этмоқда<sup>164</sup>.

Фикримизча, халқаро тавсия этилган мезонлар ҳажми микёсида таълим соҳасини молиялаштиришда таълим ва ишлаб чиқариш тармоқларининг молиявий интеграциясини ривожлантириш зарур.

Таълимга йўналтирилаётган давлат харажатларининг улуши ЯИМга нисбатан энг юқорини ташкил этмоқда, ҳаттоки ўртачадан юқори даромадли мамлакатларга нисбатан салкам 2 баробар кўп. Р.Салахўжаев ва З.Назаровлар<sup>165</sup> ўзларининг мақолаларида давлат бюджетининг маблағлари ҳажмини юқори эканлигини таъкидлаб ўтади. Ушбу маблағлари доирасида эса 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури билан қуйидаги натижаларга эришилганлигини санаб ўтишади:

– Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари қайта ташкил этилди;

<sup>162</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

<sup>163</sup> UNDP. Human Development Index report 2015.

<sup>164</sup> Human Development Report 2011. P. 162-165.

<sup>165</sup> Salahodjayev R., Nazarov Z. An Econometric Approach of Computing Competitiveness Index in Human Capital//Journal of Applied Economics and Business Research JAEBR, 2013. -№3(1). – pp. 51-64.

- таълим тизимида иш ҳақлари оширилди;
- молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш ва давлат бошқарувининг юқори стандартларини қўллаб-қувватлаш учун таълим муассасалари номарказлаштирилди;
- глобал таълим тенденцияларига мос равишда таълим технологиялари, ишчи ва ўқув дастурлари такомиллаштирилди.

Хитойлик йирик тadbиркор Жек Ма (Jack Ma) жаҳон иқтисодиёти ўзгаришида инновациялар ўрнига юқори баҳо беради. Шу боисдан, У ҳукуматларга таълим тизими орқали ёшларни юз бериши кутилаётган ўзгаришларга мослашувчанлигини мустаҳкамлашни тавсия этмоқда<sup>166</sup>.

Хусусан, UNICEF ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатимизда бошланғич таълим қамраб олиш даражаси 97 фоизни ташкил этса, олий таълимда эса ушбу кўрсаткич 15 фоиз бўлмоқда<sup>167</sup>. Бу эса, мамлакатда ҳар мингта кишига 2 киши талаба бўлаётганлигини англатади.

Ўзбекистонда ҳар ўн минг кишига 109 та талаба тўғри келган<sup>168</sup>. Албатта, ушбу кўрсаткичнинг оширилиши олий таълим тизимида бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини кўпайтиришни, олий таълим муассасаларининг мустақиллигини оширган ҳолда, таъминлаш масаласини юзага чиқаради.

Бошқача айтганда, Ўзбекистонда олий таълимнинг қамраб олиш даражаси тушиб бормоқда. Жумладан, ушбу кўрсаткич 1991 йилда 17 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб эса 9 фоизга тенг бўлмоқда (умумий олий маълумотга эга бўлганлар назарда тутилмоқда). Албатта, бу ҳолатнинг ривожланишига бюджет маблағлари билангина чекланиб, университетларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтириш лозимлиги билан узвий боғлиқ. ИХРТ (OECD)нинг юқори даромадли мамлакатларида эса ушбу кўрсаткич 75 фоиз атрофида сақланиб қолмоқда.

Масалан, Россия мамлакатада олий таълим тизимида қонунчилик базаси доирасида туб ўзгаришлар юз берди ва ҳукумат хусусий университетларни ташкил этишга рухсат берди. Шу

<sup>166</sup> Jack Ma Even CEOs could be replaced by machines. World Economic Forum, 2017.

<sup>167</sup> Education in Uzbekistan. Манба: <http://www.unicef.org/ceecis/Uzbekistan.pdf>

<sup>168</sup> Mirkarbovov N.M., Anoshkin V., Danilova-Kross Y. Higher Education in Uzbekistan. Analytical recommendation, UNDP. Tashkent, 2009. – №1(12). – p.3.



боисдан, Россияда 2008 йилда ёшларнинг олий таълим билан камраб олиниш даражаси энг юқори бўлган мамлакатлардан бири бўлишига шароит яратди. Зотан мазкур даврда сезиларли даражада таълимга талабнинг ошиши юз берган бўлсада, ҳар бир ёш олий таълимда иштирок этиш имконияти таъминланди<sup>169</sup>.

Қайд этиш керак, Ўзбекистонда олий таълимни камраб олишида ҳудудларнинг ўртасида баъзи фарқлар мавжуд. Бу эса, олий таълим муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш билан бирга уларни жойлаштиришда ҳам алоҳида ислохотларни ўтказишни ўзида акс эттирмоқда.

Н.Бар<sup>170</sup>, Б.Чапман<sup>171</sup> ва Д.Жонстоун<sup>172</sup>лар томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, давлатлар олий таълимни бюджетдан молиялаштиришга интилямапти ҳамда бепул таълим ёки қисман молиялаштириш солиқ тўловларидан регрессив фойдаланишни аниқлашмоқда, деган хулосага келишмоқда.

Бизнингча, ушбу омилларнинг мавжуд бўлаётганлиги олий таълимнинг молиявий манбаси сифатида давлат бюджети маблағларининг ўрни сезиларли бўлаётганлигини аниқлатади. Таълим тизимида шахсий масъулиятни янада ошириш, инсон тараққиётининг олдинги қаторларга олиб чиқилишида молиявий манбалар кўламининг кенгайиши муҳим ўринга эга.

Ж.Т.Йўлдошев<sup>173</sup> бюджетдан ташқари манбаларнинг оширилишида тадбиркорлик маблағларининг ўрнини алоҳида қайд этиб ўтади. Бу борада кадрлар тайёрлаш сифатини ўрта жихатини ажратиб кўрсатади: 1) юқори малакали кадрларни сифатли тайёрлашнинг очиқлиги; 2) таълим сифати; 3) ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги. Муаллиф келтирилган ўрта жихатни амалга ошириш учун олий таълим тизимида бюджетдан ташқари маблағларнинг ролини оширишга эътибор қаратади.

<sup>169</sup> Smolentseva A. Universal higher education and positional advantage: Soviet legacies and neoliberal transformations in Russia//Higher Education, 2017. - №73. - pp. 209–226.

<sup>170</sup> Barr N. Higher education funding. University of Toronto Press, Toronto, 2005. - pp. 441–476.

<sup>171</sup> Chapman B. Conceptual issues and the Australian experience with income contingent charging for higher education//The Economic Journal, 1997. - №107(42). - pp. 1178–1193.

<sup>172</sup> Johnstone D.B. The economics and politics of cost sharing in higher education: comparative perspectives//Economics of Education Review, 2004. - №23. - pp. 403–410.

<sup>173</sup> Йўлдошев Ж.Т. Кадрлар тайёрлаш тизимини молиялаштириш жараёнида тадбиркорлик маблағларининг ўрни//Иқтисодий ва иновацион технологиялар илмий электрон журнал, 2012. - №3. (Электрон манба: [http://www.iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/10\\_J.T.Yuldoshev.pdf](http://www.iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/10_J.T.Yuldoshev.pdf)).



Умуман олганда, Ўзбекистонда 2005 йилдан буён бюджет профицити кузатилади. Бундан ташқари, таълим харажатларини ошириш орқали талабалар сонини кўпайтириш бюджет маблағлари доирасида солиқлар ва унинг иқтисодийга таъсири билан боғланиб кетади. Бизнингча, бюджет маблағларини ошириш орқали эмас, балки бюджетдан ташқари маблағлар олий таълим тизимида янгича ислохотларни амалга оширишга имкон беради, деган хулосага келиш мумкин. Бу борада, Ўзбекистон тажрибаси ўзига хос аҳамиятга эга. Буни биз таълим соҳасида бюджет маблағларини ўзгартириш тенденциясини таҳлил этиб, хулосаларни шакллантираемиз.

Фикримизча, таълим соҳасида изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида инновацияларнинг ривожланиши юзага келади. Ўз навбатида эса, дастлаб илмий тадқиқот марказлари, жумладан олий таълим муассасаларининг фаолиятларини такомиллаштириш зарурияти юзага келади. Бу борада таълим тизимини ривожлантиришда унинг таркибий бўғинларини такомиллаштиришнинг молиявий ва институтчионал жиҳатларига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

Ресурсларнинг чекланиб бораётган айни бир пайтда ҳамда иқтисодийнинг рақобатбардошлигини илғор тажрибалар ҳисобидан ошириш зарурияти мавжуд бўлган ҳозирги шароитда инновацион жараёнларни шакллантиришни долзарб, деб ўйлаймиз. Ушбу йўналишда устувор аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бири албатта, таълимда инновацияларни ишлаб чиқишни молиявий қўллаб-қувватлашни ривожлантиришдан иборат.

Иқтисодийнинг инновацион ривожланишига таълим соҳасининг таъсири етакчи иқтисодчилар томонидан баҳолаб берилган, шунингдек, замонавий иқтисодий шароитида олий таълим тизими инновацион ривожланиш муҳитида доимий функцияга эга бўлиши лозим<sup>174</sup>.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, инсон капиталини ривожланишида таълим, жумладан олий таълимнинг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

<sup>174</sup> Калашникова О.В. Источники финансирования высшего образования в условиях развития инновационной экономики // Финансы и кредит. – Москва, 2009. – №47(383). – С. 73-80.

Таълим тизимини молиялаштиришда ўзига хос тажрибани ақс эттирувчи таълим кредити тизимининг жорий этилганлиги эътиборга молик. Жумладан, бу борада, Ўзбекистонда ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасидаги 2015 йил 18 августдаги қўшма буйруғига кўра, олий таълимнинг “ўқитувчиларни тайёрлаш ва педагогика” таълим йўналишида бир йиллик ўқиш қиймати 5800 минг сўм<sup>175</sup>ни ташкил этади. Агар биз талабаларнинг юқори стипендияси 439772 сўм<sup>176</sup>лигини инобатга олсак, унда ушбу йўналишда ўқиётган талаба 12 ой ичида<sup>177</sup> 5277264 сўм кўрнишидаги пулни қайтариб олади. Демак, мазкур талаба тўлаган таълим тўловининг 91 фоизини қайтариб олмоқда. Худди шундай ҳолатни энг юқори шартнома қийматли таълим йўналишида таҳлил этсак, талаба ўзи тўлаган таълим тўловининг 62 фоизини қайтариб олади.

Хулоса қилиш мумкинки, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан шартнома асосида ўқийдиган талабаларнинг стипендиялари копланмайди. Талабалар ўзлари тўлаган суммаларни сезиларли қисмини қайтариб олаётганларини инобатга олинса, бюджетдан ташқари манбаларнинг улушини янада оширишни талаб этади.

Аmmo бу ерда иккинчи бир ҳолатни ҳам кўриш мумкин. Айтганимиздек, олий таълим тўловини ҳукумат белгилаб беради. Масалан, иқтисодиёт ва бизнес йўналишида 2017/2018 ўқув йиллари учун таълим тўлови 8800 минг сўм этиб белгиланган.

Лекин эътибор бериш керак, олий таълим муассасаларида моддий техник база ва профессор-ўқитувчилар турли хил илмий салоҳиятга эга бўлишига қарамай, бир йўналиш учун турли олий таълим муассасаларида бир хил шартнома суммалари белгиланади.

Иқтисодиёт йўналиши Ўзбекистоннинг кўплаб олий таълим муассасаларида мавжуд. Ва ушбу йўналишда ўқийдиган талабалар бир хил давлат таълим стандартлари асосида тайёрланади.

Масаланинг иккинчи томони, ушбу йўналишда бакалавр тайёрлайдиган Тошкент ҳамда вилоят олийгоҳларида ишлайдиган илмий даражали професор-ўқитувчиларнинг жамига нисбатан

<sup>175</sup> 2015-2016 ўқув йиллари учун белгиланган ва кейинчалик бу яна оширилдиш мумкин.

<sup>176</sup> 2015 йил 1 сентябр ҳолатига

<sup>177</sup> Ўзбекистон талабалар ёздаги 2 ойлик дам оlish даври учун ҳам стипендия оладилар.

улушини солиштириш мумкин. Бунда кўпроқ пойтахт олийгоҳларида илмий даражаси мавжуд бўлган ўқитувчилар дарс беришини кўриш мумкин, лекин бир хил таълим суммасини тўлайдиган ва бир хил таълим дастури асосида тайёрланувчи бакалаврлар икки хил доирадаги ўқитувчилардан таълим олади. Бу эса, рейтинги юқори бўлган олийгоҳларни юқори салоҳиятга эга бўлмаган олийгоҳлар билан бир хил тўловларни қабул қилиб олаётганлигини англатади.

Масалан, 2018 йил 1 январ ҳолатига кўра, Тошкент шаҳрида жойлашган ОТМларда жами илмий даражага эга бўлган сони 3524 та киши бўлса, мазкур кўрсаткич энг кўп бўлган Самарқанд вилоятида эса 873 тани, Сурхондарёда 132 тани ташкил қилади<sup>178</sup>.

Қайд этиш керакки, айтиш пайтда Ўзбекистон олий таълим муассасаларида шартнома тўлови асосида қабул қилинаётган талабаларнинг жамидаги улуши 2011/2012 йилда 62 фоизни ташкил этса, 2015/2016 йилда бу кўрсаткич 67 фоизга тенг бўлган. Бундан келиб чиқиб, айтиш мумкин, олий таълим муассасаларида ўз ҳисобидан олий таълим олаётганлар сони секин ўсиб келмоқда. Бу ўз ўрнида бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳажми катта бўлишига замин яратаётган бўлсада, лекин тўланган таълим тўловларининг сезиларли қисми талабаларга стипендия тарзида қайтариб берилади. Зотан, қабул қилинаётган талабаларнинг аксарият қисми тўлов-контракт асосида олий таълим муассасасига тўловни амалга оширади. Бирок мазкур тўловни тўлаган талаба, бир ўқув йилида шартнома қийматининг камида 60-90 фоизини стипендия тарзида олади. Бу эса, ўз навбатида, бюджет маблағлари улуши юқори бўлишига замин ҳозирлайди.

Масалан, максимал (86-100 фоиз) балл билан 2011 йилда умумий талабаларнинг 8,9 фоизи таълим олган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу рақам 6,9 фоизни ташкил этган. Мос равишда қониқарли (55-70 фоиз) балл олган талабалар 2011-2017 йиллардаги улуши 63,2 фоиздан 69,3 фоизга етган<sup>179</sup>. Олий таълим

<sup>178</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси "Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимининг асосий кўрсаткичлари статистикаси" тўғрисидаги ҳисоботи, 2018 йил 1 январ ҳолати буйича.

<sup>179</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси "Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимининг асосий кўрсаткичлари статистикаси" тўғрисидаги ҳисоботи, 2018 йил 1 январ ҳолати буйича.



муассасаларининг талабаларнинг юқори рейтингларидан манфаатдорлигини янада ошириш мақсадга мувофик.

Фикримизча, Ўзбекистонда ҳам ҳар бир йўналиш ва унинг қайси олийгоҳда тайёрланишидан келиб чиқиб, таълим тўловларини шакллантирилишига имкон берилиши маълум даражада молиявий мустақилликни оширади. Ўз ўрнида, бу ҳолат бюджет маблағларига бўлган талабнинг камайишига ҳамда қамраб олиш даражасининг ошишига имконият беради. Зотан мамлакатда бюджет маблағларига эҳтиёж юқори ва қамраб олиш даражаси кичиклигича қолмоқда.

Ўзбекистонда талабалар олий таълим муассасасига қабул қилингандан сўнг шартнома нархини тижорат банкларидан таълим кредитларини олган ҳолда шартнома тўловларини тўлашлари мумкин.

## **1.2. Олий таълим тизимини молиялаштиришда давлатнинг роли**

Олий таълим тизими юқори технология, малака, тажрибалар ва фискал чекланишлар доирасида давлат мажбуриятлари сақланиб қолиниши ўртасида тўқнашувларга дуч келади. Олий таълимнинг бошланғич ва ўрта таълим тизимидан фарқли жиҳати унинг бозор иқтисодиёти қонунларига бўйсуниб ишлай олиш имконига эга эканлигидир. Унда ўзаро рақобат ва нарх омилининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги тизимда молиявий менежментнинг зарурий категория сифатида вужудга келишини асослайди. Олий таълим тизимини молиялаштириш нафақат инсон капиталини ривожлантириш, балки мамлакатни узоқ истиқболда геосиёсий майдондаги обрўйини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи омиллардан бўлиб ҳисобланади.

XXI асрда жаҳон иқтисодиёти, глобал муносабатлар кескин ўзгаришлар ва ўта моҳирона ёндашув, тажрибани талаб этаётган тизимга айланди. Бу эса, Юқори билим ва малакаларни талаб этиши билан олий таълимга бўлган, айрим ҳолларда умуман ўрганилмаган талабларни юзага келишига замин ҳозирлади. Шу билан бирга, сунъий интеллект назариясининг вужудга келиши ва ундан sanoat инқилобининг тўртинчи босқичида кенг кўламли

фойдаланиш тенденцияси олий таълим бозорида молиявий қарорлар қабул қилишни ҳам тубдан қайта кўриб чиқишнинг долзарблигини кўрсатиб берди.

Бизнинг юқорида келтирилган ҳолатлар олий таълим хизматлари бозорида икки муҳим омилни ажратиб ўрганишни талаб этмоқда. Булар, хизматлар учун тўловни амалга ошириш ёки молиявий қарорларни қабул қилиш мезонлари ва иккинчидан, таълим сифатини белгилаб берувчи кўрсаткичлар тизимини қайтадан кўриб чиқиш. Шу боисдан, олий таълимни молиялаштириш борасида давлатнинг роли юқори бўлган бўлсада, ҳозирги кунда уни янада оптималлаштиришда хусусийлик омили бирламчи бўлсада, лекин таълим сифатини мустаҳкамлаш умумийлик омили асносида шаклланишини тақозо этади, деб ўйлаймиз.

Умуман олганда, олий таълим тизимини молиялаштириш ва унда давлат ролининг айрим жиҳатлари тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Олий таълим тизими ўзининг дастлабки ривожланиш босқичига чиққан пайтларда давлат бюджетининг аҳамияти юқори бўлган. Айни кунда ҳам кўплаб мамлакатлар олий таълим муассасаларига эгалик қилишни сақлаб қолган бўлсада, молиялаштириш механизмларига кўплаб хусусий омилларни жорий этишга улгурган.

Тадқиқотларимиз асносида айтганда, молиялаштириш ва таълим сифати мамлакатда олий таълим қамрови билан боғланиши зарур. Шундай бўлсада, буларнинг барчасига бир пайтда эришиш албатта мураккаблик касб этади. Бунда қуйидаги ҳолатларни кўриш мумкин:

– олий таълимнинг катта қамров даражаси ва бюджетнинг беқиёс ўрни, лекин таълим сифатига бундай кенг аудиторияда эришишнинг қийин эканлиги;

– олий таълимда юқори сифат ва солиқлар ҳисобидан молиялаштириш, лекин таълим қамровнинг кичиклиги;

– юқори сифат ва йирик қамров даражаси давлат бюджетига катта молиявий юкни шакллантириб беради.

Олий таълим тизимида мамлакат ёшларини қамров даражасини тўлиқ миқёсга олиб чиқиш ва сифатни таъминлаш давлат бюджетига катта молиявий юкни вужудга келтирар экан. Бир пайтда келтириб ўтилган учта категориянинг барқарор

даражасига эришиш учун тўртинчи кўрсаткични ҳам кўшимча қилиш вужудга келмоқда. Бунда хусусий молиявий манбаларнинг ролини ошириш ва давлат олий таълим муассасалари молиявий мустақиллигини тўлиқ таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, давлат бюджетининг олий таълим харажатларини қоплаб беришдаги улуши ЯИМ нисбатан юқори бўлиши ёки барқарор бўлиши асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Масалан, айрим ривожланган мамлакатларда ЯИМга нисбатан 2-3 фоиз атрофидаги давлат бюджети харажатлари катта рақамлардаги олий таълим билан камров даражасини кўрсатиб беради. Бунинг сабаби эса, хусусий манбалардан самарали фойдаланиш миқёсининг сезиларли эканлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, Ўзбекистонда эса, бюджет харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши катта эканлиги олий таълим билан камров олиш миқёсини кичик миқдорда сақлаиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири давлат бюджети катта миқдордаги маблағларни ажрата олиш имкониятига тўлиқ эга эмаслиги ва хусусий манбалардан фойдаланишнинг механизмлари жорий этилмаганлиги билан ифодалаш мумкин.

Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига асосланган ҳолда молиялаштирилади. Жумладан, қомусимизнинг 41-моддасида “ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга” деб белгиланган. Ушбу қонданинг белгиланиши таълим тизимида барча ислохотларнинг аҳолининг барча қатламини қамраб олиши зарурати билан изоҳланади. Бу эса, таълим тизимидаги ўзгаришларни ижтимоий йўналтирилганлигини англатади.

Ўзбекистонда 2016 йилдан бошланган ислохотлар таълим тизимидаги ўзгаришларни ҳам янги босқичга олиб чиқмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли қонуни қабул қилиниши билан асослаш мумкин. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши билан таълим жараёнининг барча босқичлари тизимлаштирилди ва уни молиялаштириш асослари мезонлар билан белгилаб берилди.



Мазкур қонунга кўра, олий таълим тизими бакалаврият ва магистратурадан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ҳар бир таълим босқичининг ўзига хос хусусиятлари асосланган. Унда Умумий ўрта (ўн бир йиллик таълим), ўрта махсус (тўққиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик ўрта махсус таълим), бошланғич профессионал таълим (тўққиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик бошланғич профессионал таълим) олган шахслар, шунингдек ушбу Қонун кучга киргунига қадар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (тўққиз йиллик умумий ўрта ва уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими) олган шахслар олий маълумот олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 9-боби “Таълимни молиялаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш” деб номланган бўлиб, унда таълим муассасаларини молиялаштириш асослари келтирилган. Биринчи навбатда, давлат таълим муассасаларини молиялаштириш давлат бюджетидан амалга оширилиши кўрсатилган. Ушбу ҳужжатда белгиланган асосий элементлардан бири – бу давлат таълим муассасалари уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлигидир.

Фикримизча, замонавий руҳ билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган мазкур қонунда давлат таълим муассасаларида қўшимча таълим хизматларини амалга оширишга эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Таъкидлаб ўтганимиздек, олий таълим тизимида бозор муносабатларининг ривожланиши асримизга хос бўлган тенденция сифатида ақс этмоқда. Бу эса, олий таълим хизматлари бозорида молиявий манбаларнинг давлат ва хусусий сектор ўртасидаги тақсимоги олтин нуктасини топиш долзарблик касб этмоқда. Зотан юқорида келтирилган қонунда давлат таълим муассасаларига пулли хизматлар тақдим этишга рухсат берилган бўлсада, мувозонат мезонларини ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда.

Ўз навбатида, олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг кўрсаткич мезонлари Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 20 августдаги “Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига

олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қўшма қарори билан амалга татбиқ этилган.

Ушбу қўшма қарор билан давлат олий таълим муассасаларини молиялаштиришда давлат бюджетидан маблағлар ажратишни белгилаб берувчи коидалар ва кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган. Жумладан, ОТМга ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмининг ҳисоби қуйидаги формула асосида амалга оширилади<sup>180</sup>:

$$BCB = (BH31 * K1 * (N + Nko)) + ((BH32 * K2 + BH33) * (N + Nko)) + (BHД1 * (Nде - Nдсв) + BHД2 * Nдсв) + (OTсис * Nсис),$$

Бунда: –

BCB – ОТМ учун бюджет маблағлари ҳажми;

BH31 – меҳнатга ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўлов, стипендия ва меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш харажатларини ҳамда моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан устамалар ва қонунчилик билан белгиланган бошқа устама ва қўшимчаларни ўз ичига олувчи ОТМнинг бир талабаси учун жорий харажатларнинг базавий нормативи;

BH32 – 4-гуруҳ харажатлари бўйича ОТМнинг бир талабаси учун жорий харажатларнинг базавий нормативи;

BH33 – асосий активларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажми аниқланадиган ОТМнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва яхшилаш харажатлари бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

N – ҳамма таълим йўналишлари ва босқичлари бўйича ўртача йиллик талабалар сони (сиртқи таълим талабалари учун 0,1 коэффиценти қўлланилади).

Ўртача йиллик талабалар сони молия йилида режалаштириладиган талабалар сонининг курслар бўйича ўзгаришини инобатга олган ҳолда аниқланади (қабул, битирув, талабалар сафидан чиқариш) ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

<sup>180</sup> Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 20 августдаги қўшма қароридан олинган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2010 йил 26 августда 2136-рақам билан рўйхатга олинган.

$N = Y_n + Y_n/3 - Y_b/2 - Y_o * 0,6$ , бунда:

$N$  – ўртача йиллик талабалар сони;

$Y_n$  – йил бошига талабалар сони;

$Y_n$  – талабаларни қабул қилишнинг кутилаётган сони;

$Y_b$  – битирувчи талабаларнинг кутилаётган сони;

$Y_o$  – талабалар сафидан чиқаришнинг кутилаётган сони;

Олдинги таҳрирга қаранг.

**Нко** – ОТМнинг клиник ординатурасида ўқиётган шахсларнинг ўртача йиллик сони (тиббиёт ОТМлари учун);

**К1** – ОТМдаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қўлланиладиган ОТМнинг меҳнатга ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўлов ва стипендия харажатлари ҳажмини оширувчи тузатиш коэффициенти;

**К2** – ОТМдаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қўлланиладиган ОТМнинг 4-гуруҳ харажатлари ҳажмини оширувчи тузатиш коэффициенти;

**БНД1** – тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМнинг бир талабасининг таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

**БНД2** – тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМнинг бир битирувчи талабасининг таъминоти бўйича харажатларнинг базавий нормативи;

**Ндс** – тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМ талабаларининг йил бошига сони;

**Ндсв** – жорий молия йилида тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ОТМнинг битирувчи талабалари сони.

Олдинги таҳрирга қаранг.

**ОТене** – жорий молия йилидаги катта илмий ходим-изланувчининг меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси, ягона ижтимоий тўловни ҳисобга олган ҳолда (жорий молия йилининг 1 январь ҳолатидаги катта илмий ходим-изланувчининг лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади);

**Нсве** – ОТМнинг олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқиётган катта илмий ходим-изланувчиларнинг ўртача йиллик сони.



Бизнингча, мамлакатимизда олий таълим муассасаларини бюджетдан молиялаштиришда бир талабага тўғри келувчи харажатлар меъёри муҳим аҳамиятга эга экан. Бу эса, олий таълим муассасаларида бир профессор-ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сонини белгилаш билан штатлар сонини ҳам шакллантиришга асос яратади. Шу боисдан, бир талабага тўғри келадиган харажатлар миқдори билан олий таълим муассасасидаги жами штатлар сонини мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўз навбатида, олий таълим муассасаларини молиялаштиришда давлатнинг роли тўғрисидаги маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий хулосалар ва тадқиқотлар борасида изланишларимизни куйида кўриб ўтамиз.

Проф. Д.Рахмонов ўзининг тадқиқотларида ижтимоий соҳани молиялаштириш борасидаги тақлифларни бериб ўтади. Олий таълим тизимида давлат-хусусий шериклик амалиётини жорий этиш ва молиялаштиришнинг янги манбаларини шакллантиришга эришишни таъкидлаб ўтади. Жумладан, бюджетдан ташқари маблағлар ҳажминини ва олий таълим камровини ошириш учун куйидаги жиҳатларга эътибор қаратишни тақлиф этади<sup>181</sup>:

Биринчидан, ҳукумат томонидан белгиланаётган таълим тўлови суммаси олий таълим муассасасининг имкониятлари ва ютуқларини инобатга олишини ривожлантириш зарур.

Иккинчидан, мазкур таълим тўловлари университетнинг рейтинги билан боғлиқ равишда белгиланишини жорий этишни жадаллаштириш лозим.

Учинчидан, таълим тўлови суммасининг табақалаштиришга имкон бериш олий таълим муассасаси ўртасида рақобат муҳитини янада жадаллаштиришга шароит яратади.

Тўртинчидан, давлат грантлари асосида ўқиётган талабаларнинг сони қисқариши билан олий таълимда бюджет харажатлари камайиши вужудга келади.

Бешинчидан, олий таълим муассасасига талабаликка қабул жараёнида мақсадли квоталар амалиётидан фойдаланиш билан давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш.

<sup>181</sup> Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллантириш. и.ф.д. ... автореферат. – Тошкент, ТДҲУ. – 2018. – 72 бет.

А.Махмудов олий таълим муассасаларини молиялаштириш ва уни бошқаришнинг халқаро амалиёти юзасидан тадқиқотлар олиб борган. Унинг фикрича, олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг учта модели мавжуд. Улар<sup>182</sup>:

Эркин бозорга йўналтирилган молиялаштириш модели. Ушбу моделнинг турли кўринишлари айрим Европа мамлакатларида қўлланилади. Моделнинг асосий мақсади талабалар таълим олиш сифат даражасини ошириш, ОТМ даромадларини ошириш ва кадрларни иш ўринларига мос равишда тайёрлашга қаратилган.

Умумий бозорга йўналтирилган таълимни молиялаштириш модели. Ғарбий Европа мамлакатлари социал-демократик партиялари томонидан маъқулланган ушбу таълимни молиялаштириш тизимининг хусусияти таълим олувчининг ўқиш мобайнидаги ва карьера яратиш давридаги ўз масъулияти билан давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг жавобгарлигида мувозанат бўлишидадир.

Муқобил интеграциялашган жамиятга йўналтирилган таълимни ижтимоий молиялаштиришнинг антибозор модели. Касаба уюшмалари намояндлари учинчи моделни афзал кўрадилар. Уларнинг фикрига кўра, давлат келажакдаги барқарор ривожланиши учун таълим тизимини молиялаштиришни ўз зиммасига олиши лозим.

Иқтисодийёт фанлари доктори Н.Рахмонов олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш орқали рақобатбардошликни оширишга қаратилган илмий хулосаларни шакллантириб берган<sup>183</sup>. Шунингдек, “таълим сифатини оширишда профессор-ўқитувчилар таркибини даражаларга бўлиш, даражаларга бўлишда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг билимини, педагогик кўникмасини ҳамда илмий тадқиқот ишларида ва янги адабиётлар яратишдаги ўрнини ҳисобга олиш, умуман, профессор-ўқитувчилар ўртасида рақобат муҳитини юзага келтириш зарур. Профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш асосида ўқитувчиларнинг ўз

<sup>182</sup> Махмудов А.А. Олий таълим муассасаларида молиялаштириш ва тизимини бошқаришнинг халқаро амалиёти/“Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2015 йил

<sup>183</sup> Рахмонов Н. Олий таълим муассасалари сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш/“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 йил

меҳнатидан манфаатдорлигини ошириш асосида таълим сифатини кескин яхшилаш мумкин” деган хулосани асослаб берган.

Х.Режапов томонидан олиб борилган тадқиқотларда қуйидаги хулосалар келтириб ўтилади<sup>184</sup>:

– олий таълимни ривожлантириш шакллари бозор талаблари асосида ташкил этиш ва халқаро олий таълим тизими билан интеграциялашувида миллий анъаналаридан келиб чиқиш;

– олий таълимни жаҳон андозалари асосида ривожлантиришнинг янги интеграциялашуви андозаларига асосланиш;

– олий таълим олийгоҳларида олинган билим диплом сифатида эмас балки талабаларнинг олган назарий ва амалий билимларини амалиётда қўллашига қараб баҳо бериш зарур.

Доц. Д.Рустамова ўзининг илмий мақоласида олий таълим тизимини молиялаштириш масалаларига эътибор қаратади. Жумладан, мамлакатимизда таълим тизимига бюджетдан маблағлар йўналтириш ҳажми юқори эканлиги таъкидлаб ўтилади. Жумладан, сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулотга нисбатан сезиларли даража ошиб 10 фоизга етганлигини, давлат бюджети харажатларидаги улуши эса 35 фоиз атрофида эканлиги кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, олий таълим муассасаси ходимларини моддий рағбатлантириш ва шартнома асосида таълим олиш кўламини янада оширишни мақсадга мувофиқ эканлигини асослаб беради<sup>185</sup>.

Доц. А.Азимов олий таълим тизимини молиялаштиришнинг илғор тажрибаларига урғу бериб ўтади. Хорижий тажрибаларни ўрганиш натижасида харажатларни тизимлаштиради. Шунингдек, таълим шартнома тўловларини белгилашда қатъий чегарани белгиламасликни ва унинг маълум қисмини давлат бюджети ҳисобидан қопланишини таклиф этади<sup>186</sup>.

<sup>184</sup> Режапов Х.Х. Олий таълим тизимида хориж тажрибаси ва улардан фойдаланиш имкониятлари//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2017 йил

<sup>185</sup> Рустамова Д.Д. Ўзбекистонда олий таълим тизимини молиялаштириш масалалари//Замонавий таълим. – 2014. - №8. – Б.9-12.

<sup>186</sup> Азимов А.Э. Таълим тизимини молиялаштиришнинг хориж тажрибаси// Замонавий таълим. – 2014. - №2. – Б.17-22.



Фикримишча, юқорида илмий хулосалари келтирилган олимлар олий таълим тизимида молиялаштиришнинг турли жиҳатларига эътиборни қаратишган. Уларнинг асосий эътибори давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш ва хусусий сектор маблағларидан фойдаланиш каби жиҳатларни қамраб олади. Тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

– олий таълим тизимида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан умумдавлат миқёсидаги тадбирларни молиялаштиришни сақлаб қолиш лозим. Уларга, талабалар учун турар жойларни куриш, даромади кам бўлган аҳоли қатламини қамраб олиш харажатлари, давлат муассасалари учун мақсадли тарзда мутахассислар тайёрлашни молиялаштириш каби элементларни келтириш мумкин;

– олий таълим тизимида бир талабага тўғри келадиган харажатлар меъёрларини профессор-ўқитувчилар штатлар сонига мослаштириш ва аудитория ўқув юктамаларини оптималлаштириш мақсадга мувофиқ;

– олий таълим тизими профессор-ўқитувчиларининг иш ҳақларига қўшимча ҳақлар белгилашда “синов муддатлари” деган категорияга эътибор қаратмаслик, асосий омил сифатида профессор-ўқитувчининг салоҳияти ва дарс олиб бориш сифати каби кўрсаткичларга урғу бериш мақсадга мувофиқ;

– олий таълим муассасаларида таълим шартнома тўловлари ҳажмларини шакллантиришда тўлиқ молиявий мустақилликни таъминлаш лозим;

– олий таълим муассасалари ўртасида рақобатни янада ривожлантириш мақсадида таянч олий таълим тушунчасидан воз кечиб, ўқув режалари ва фан дастураларини ишлаб чиқишини олий таълим муассасалари ихтиёрига бериш.

Олий таълимни молиялаштиришда давлатнинг муҳим ролларидан бири сифатида – ҳуқуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш ва уни такомиллаштириб бориш эканлигидир. Бунда давлат олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақилликни таъминлашга қаратилган ҳужжатларни келтириш лозим.

Яна шунни қайд этиш лозим, олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор ислоҳотлар амалга

оширилмоқда. Хусусан, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сонли қарори бўйича молиялаштирилади. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақлари улар фаолиятининг вақт билан боғлиқ элементларини ўзида ифода этиб, якуний кўрсаткичларни назарда тутати.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат билан иш ҳақи миқдори илмий даражанинг мавжудлиги ва қандай лавозимда фаолият олиб борилиши билан боғлиқ эканлиги белгилаб берилган. Бу эса, базавий лавозим маошларини белгиланишини англатади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги 1030-сонли қарори билан илмий даражали ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш механизми жорий этилди.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши билан давлат томонидан мамлакатда илмий тадқиқотларни ривожлантиришга қаратилган молиявий инструментлардан кенг фойдаланиш бошланганлигини кўрсатади. Унга кўра, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) (ёки хорижий мамлакатларда уларга тенглаштирилган даражалар) (кейинги ўринларда фалсафа доктори деб аталади) илмий даражасига эга шахслар учун – лавозим маошининг 30 фоизигача ва фан доктори (Doctor of Science) (ёки хорижий мамлакатларда унга тенглаштирилган даража) (кейинги ўринларда фан доктори деб аталади) илмий даражасига эга шахслар учун – лавозим маошининг 60 фоизигача қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий этилди.

Бизнингча, иш ҳақи миқдорининг 2018 йилдан бошлаб сезиларли ўсганлиги ва 2019 йилдан бошлаб эса қўшимча ҳақ тўлаш амалиёти татбиқ этилганлиги олий таълим тизимини молиялаштиришда давлатнинг роли муҳим эканлигини яна бир бор кўрсатиб берди.

Юқорида келтириб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таълим муассасалари бюджетларини шакллантириш ва тасарруф этишда муҳим асослардан бўлиб ҳисобланади. Биз тадқиқотни амалга оширишда олий таълим муассасаларига бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг фойдаланиш даражасини аниқлаш ва уни баҳолашдан иборат бўлади. Бу борада, Ўзбекистон тажрибаси ўзига хос аҳамиятга эга. Жумладан, ЯИМга нисбатан давлат бюджети харажатларининг олий таълим тизимини молиялаштиришдаги улуши ҳам бир мунча юқори ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистонда таълим тизими учун маблағлар ҳажми ЯИМга нисбатан 7-8 фоизни ташкил этса, Европа Иттифоқи мамлакатларида 5-8 фоизни ташкил этади<sup>187</sup>.

Олий таълим тизимини молиялаштиришда давлатнинг роли борасида хорижлик олимлар ҳам ўзларининг илмий хулосаларини келтириб ўтишган. Уларнинг тадқиқотларида бозор муносабатларини шакллантиришга асос бўлувчи жиҳатлар билан бирга давлат маблағларидан фойдаланишда ваучер тизимини ҳам шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Я.Лижинг, М.Браёнерлар мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиши ва глобаллашувнинг кенгайиши натижасида юқори малака ва билимларни эгаллаш учун меҳнат бозори иштирокчилари томонидан таълим олишга бўлган зарурат ва талабнинг ортишини асослаб беришади<sup>188</sup>.

Шунингдек, таълимнинг ҳар бир босқичида ундан олинadиган натижа ва манфаатларнинг даражаси бир хил эмас. Айтайлик, таянч таълимни давлат томонидан бепул таъминланаши учун тўлиқ молиялаштирилиши мамлакат аҳолиси саводхонлик даражасини оширади. Бу борада, Г.Псачарополос ўзининг тадқиқотларига асосланиб қуйидаги илмий хулосани келтиради. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таянч таълимни тўлиқ молиялаштирилишидан кам даромадли аҳоли қатлами юқори

<sup>187</sup> Раҳмонов Д.А. Ўзбекистонда иқтисодий соҳани молиялаштиришни методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. автореферат. – Тошкент, ТДУ – 2018. – 72 бет.

<sup>188</sup> Lijing Y., Brian M. World education finance policies and higher education access. A statistical analysis of World Development Indicators for 86 countries//International Journal of Educational Development 35, 2014. – pp. 25–36.



даромадлиларга нисбатан сезиларли даражада кўпроқ манфаатдор бўлиши асослаб берилган<sup>189</sup>.

Мингат ва Таннинг илмий хулосаларида таълим тизимига харажатларнинг ҳажми мамлакатнинг ривожланганлик даражаси билан пропорционал ҳолда бўлишини кўрсатиб ўтишган. Жумладан, кам даромадли мамлакатлар бошланғич таълимни кўпроқ молиялаштиради, ўрта даромадли мамлакатлар ўрта махсус таълим тизимини ва юқори ривожланган мамлакатлар олий таълимнинг молиявий механизмларига кўпроқ эътибор қаратишар экан<sup>190</sup>. Шунингдек, Т.Оливериа юқори малакали инсон келажакда юқори қўшимча қиймат шаклланишини таъминлашини таъкидлаб ўтади<sup>191</sup>.

Таъкидлаш лозим, таълим тизимини молиялаштиришда давлатнинг роли муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу борада таълим тизимининг босқичларини молиялаштириш ҳажмининг ўзаро нисбати ҳам олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Мамлакатимизда олий таълим тизимини молиялаштиришда бюджет маблағларининг улуши катта эканлиги молиявий ресурслар манбаларини диверсификация қилишни тақозо қилади.

Шунингдек, олий таълим тизимини молиялаштириш ҳажмининг янада кўпайтириш айтилиши кундаги долзарб масала бўлса, унинг таркибидан бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмининг ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, юқорида илмий хулосалари ўрганилган бир қатор олим ва тадқиқотчилар илмий асарлари шулар жумласига киради. Шу билан бирга, миллий иқтисодиёт барқарорлигини мустаҳкамлашда олий таълим тизими ҳал қилувчи омилга айланиши ушбу масаланинг долзарб эканлигини яна бир бор тасдиқлаб беради. Бинобарин, иқтисодиётда чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш орқали чексиз эҳтиёжларни таъминлаш илмий тадқиқотлар объектининг доимий эътиборида бўлди десак хато бўлмайди. Масалан, инсон салоҳиятининг туганмас деб олсак, уни олий таълим тизимида оладиган билим ва

<sup>189</sup> Psacharopoulos G., Returns to investment in education: a global update//World Development, 1994. -№22(9). - pp. 1325-1343.

<sup>190</sup> Mingat A., Tan J. The Full Social Returns to Education: Estimates Based on Countries' Economic Growth Performance//Human Capital Development Working Paper 73, World Bank, Washington, DC, 1996.

<sup>191</sup> Oliveria T., Pereira P. Who pays the bill? : Study cost and students income in Portuguese higher education//European Journal of Education, 2009. -№ 24(1).- pp. 111-121.

кўникмалар орқали бойитиш чекланган ресурсларнинг долзарблигини камайтириши мумкин.

Жумладан, ривожланаётган мамлакатларда олий маълумот олганларнинг сони иш билан бандларнинг 3 фоизига, sanoati ривожлаш босқичида бўлган давлатлар аҳолисининг 20 фоизини ташкил этиб, инновацион иктисодиётда эса ушбу рақам 60 фоизга тенг бўлмоқда. Эътиборли жиҳати билимларга асосланган иктисодиётда банд аҳолининг 80 фоизи олий маълумотга эга ҳисобланади<sup>192</sup>. Ушбу рақамлар эса, олий таълим соҳасига эътибор қаратиш нечоғлиқ аҳамиятга эга эканлигини акс эттиради.

Қайд этиб ўтганимиздек, олий таълим хизматлари билан аҳолини қамраб олиш даражаси умумдавлат миқёсидаги сифатини таъминлашда давлат томонидан молиялаштириш бюджетга катта юкни шакллантириб бериши мумкин экан. Бу эса, солиқлар ҳисобига олий таълимни таъминлашни назарда тутиш олий таълим умумий сифатини рискка қўйиши мумкин. Бизнингча, олий таълим тизими камрови кичик улушларда бўлган пайтда солиқлар орқали молиялаштириш ўзининг ижобий натижасини бериши мумкин.

Шу нуқтага назардан олиб қараганда, олий таълим тизимини давлат томонидан молиялаштирилишини ихтисослашув шаклида амалга оширишни белгилаш ҳам ўзининг ижобий натижасини беради. Давлат бюджети маблағларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши олий таълимда бозор иктисодиёти элементларидан фойдаланишини тақозо қилса, иккинчидан биринчи даражали ижтимоий масалаларни молиялаштириш устуворлик касб этиб бормоқда. Буларга мисол сифатида мактаб таълимига бўлган талаб ортиши, пенсия тизими харажатлари ортиши ва мажбурий тиббий сугурта тизимининг амалга киритилиши каби ривожланиш тенденцияларини келтириш мумкин.

Бизнингча, олий таълим хизматларини молиялаштиришда қуйидаги омил ва йўналишларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– олий таълимнинг давлат буюртмалари асосида молиялаштириладиган соҳаларини белгилаш;

<sup>192</sup> Ҳудомов С., Очилов И., Сайдахмедов О. Интеллектуал иктисодиётда самарадорлик омиллари/Ўзбекистон иктисодий ахборотномаси журнали. – Тошкент, 2015. - №6. – Б.38-41.



– аҳолининг маълум қатламига олий таълим хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун молиявий маблағлар манзиллигини таъминлаш;

– олий таълим муассасаларида мақсадли тайёрлов учун квоталар ажратилишида университетга тўлиқ мустақилликни тақдим этиш;

– олий таълим муассасаларида хорижий талабалар жалб этилишида тўлов шартнома қийматини мустақил белгилаш ваколатини бериш.

### **1.3. Таълим кредити – олий таълим билан қамраб олишнинг замонавий молиявий инструменти**

Мамлакатларнинг ривожланишида олий таълим тизимининг туганган ўрни ва роли сезиларли бўлиб ҳисобланади. Бунда малака мутахассисларнинг шакллантирилиши ва уларнинг иқтисодиётда ўрни кўплаб олимлар томонидан эътироф этилган. Шунингдек, мазкур масалага бағишланган кўплаб илмий ишлар олий таълимнинг ўрнини муҳим эканлигини исботлаб берган.

Хусусан, олий маълумотлилар ривожланаётган мамлакатларда банд аҳолининг 3 фоизига, саноати ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг 20 фоизига тенг бўлиб, инновацион иқтисодиётда уларнинг улуши 60 фоизни ташкил этмоқда, интеллектуал иқтисодиётда эса ушбу кўрсаткич 80 фоизга тенг бўлиши лозим<sup>193</sup>. Бу эса, олий таълим соҳасига эътибор қанчалик муҳим эканлигини ўзида ифода этади.

Таълим тизимини молиялаштиришда ўзига хос тажрибани ақс эттирувчи таълим кредити тизимининг жорий этилганлиги эътиборга молик. Жумладан, бу борада, Ўзбекистонда ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Таъкидлаш лозимки, Я.Лижинг ва М.Брайн<sup>194</sup>лар тадқиқотларига асосланиб, Осиё мамлакатларида талабаларга таълим

<sup>193</sup> Гуломов С., Очилов И., Сайдакмедов О. Интеллектуал иқтисодиётда самарадорлик омиллари//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журналы. – Тошкент, 2015. – №6. – Б.38-41.

<sup>194</sup> Lijing Y., Brian M. World education finance policies and higher education access//A statistical analysis of World Development Indicators for 86 countries, International Journal of Educational Development, 2014. – № 35, - pp. 25–36.



кредити ва таълим тўловлари давлат молиясида вужудга келган мураккаблиklar шароитида жорий этилди, дея қайд этилади.

Ўзбекистонда олий таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар сўнгги беш йилда ўзининг жадал босқичига ўтди, десак хато бўлмайди. Бунда асосий эътибор олий таълим муассасаларининг академик ва молиявий мустақиллигини таъминлашга қаратилганлиги билан муҳимдир. 2020 йил январдан бошлаб 10 та олий таълим муассасасига молиявий мустақилликни тақдим этилганлиги бунинг яққол мисоли сифатида келтириш мумкин. Бизнингча, олий таълим муассасаларида молиявий қарорларни қабул қилиш юзасидан ваколатларнинг кенгайиши бозор иқтисодиёти қонуларини амалга татбиқ этишга имкон беради. Бу эса, талабалар томонидан тўланадиган тўлов-контракт қийматини ҳам белгилашнинг мустақил тарзда амалга оширилишига замин ҳозирлайди. Натижада, олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар вужудга келади.

Фикримизча, тўлов контракт суммасининг либераллашуви бошқа жиҳатдан давлатнинг молиявий қўллаб-қувватловига бўлган талабни юзага келтириши табиий ҳол. Сабаби, олий таълим учун тўловни тўлов қобилияти кам бўлган ёки бўлмаган талабалар учун маълум бир манба орқали молиялаштирилиши долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги «Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5203-сонли қарорининг қабул қилиниши мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этилишида муҳим ҳужжат бўлди.

Олий таълим билан қамраб олиш даражасининг оширилишига кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш нуктаи-назаридан ўз вақтида амалга оширилган ислохот деб айтишга барча асосларимиз мавжуд.

Мазкур ҳужжат билан олий таълим муассасига ўқишга қабул қилинган, лекин молиявий имкониятлари чекланган аҳоли қатлами фарзандларини ўқиши учун молиявий кўмаклашишда муҳим омил бўлди, деб ўйлаймиз. Президент томонидан қабул қилинган мазкур қарори юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августдаги «Олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим

кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 527-сонли қарори билан таълим кредитини тақдим этиш тартиби белгиланди.

Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида» 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарори ўз кучини йўқотди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлда «Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарорига кўра, олий таълим муассасаси талабаларига Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича кредит тақдим этилар эди. Олий таълим муассасасига, бакалавриатга қабул қилинган талабаларга таълим кредитлари 10 йил муддатга, магистратурага қабул қилинган талабаларга 5 йил муддатга берилади. Талаба ўқишни битириб, 3 ойдан сўнг кредитни қайтаришни бошлаши лозим бўлади.

Шундай бўлсада, таълим кредитининг тижорат банклари томонида тақдим этилганлиги учун уларнинг фоизлари мавжуд, қолаверса, бирмунча юқори ҳисобланади. Шунингдек, таълим кредити берилгандан кейин талаба ўқишни битириб 3 ойдан кейин қайтаришни бошлаши белгилаб қўйилган. Аслида талаба ўқишни битириб олгандан кейин ишга жойлашиб, кредитни қайтара олиш имконияти қониқарли ҳолатда бўлмаслиги мумкин. Бу жуда қисқа муддат. Бу муддатни узоқроқ муддатга узайтириш имкониятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эди.

Ўзбекистонда таълимни молиялаштиришнинг тижорат банклари маблағлари ҳисобидан амалга ошириш бўйича қуйидаги ҳуҷусаларни қайд этиш мумкин:

Биринчидан, тижорат банкларидан олинган кредит ҳисобидан тўланган тўлов таълим қийматини ошшичига шароит яратади. Сабаби, талаба ўқишни битиргандан кейин 3 ой ўтиб фоизли устама билан қайтариши белгиланган. Ушбу муддатнинг қисқалигича қолиши олий таълим олишнинг қийматиغا кескин таъсир кўрсатган.

Иккинчидан, таълим кредитининг мавжудлиги ўқишга қабул қилинган молиявий имкониятлари юқори бўлмаган талабаларнинг таълим тўловининг янада қимматлашига шарт-шароит яратган.



Учинчидан, таълим кредити имконияти чекланган талабалар учун таълим тўловларини тўлашда имкониятлар яратсада, унинг тижорат хусусияти мавжудлигича қолган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги ПҚ-5203-сонли қарорининг қабул қилиниши таълим кредитининг мутлоқ янги форматда ижтимоий хусусият касб этган ҳолда жорий этишга имкон берди.

Олий таълим муассасалари талабаларига тақдим этиладиган таълим кредитлари амалиётидаги мазкур муҳим ўзгариш унинг молиявий ресурслари манбасининг хусусий сектордан давлат бюджети зиммасига ўтказилиши билан ўз ифодасини топди. Бошқача айтганда, мазкур таълим кредитининг тижорат банклари томонидан берилишида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ресурслар ажратилиши белгилаб берилди.

Умуман олганда, таълим кредитини тақдим этишда муҳим ўзгаришлар сифатида қуйидаги жиҳатларни жадвалда янада яққолроқ келтириш мумкин, деб ўйлаймиз:

Таълим кредитининг хусусияти	Эски тартиб (бекор қилинди)	Янги тартиб (жорий қилинди)
Молиялаштириш манбаси	Тижорат банклари ўз маблағлари	Давлат бюджети маблағлари
Муддати	Ўқиш даври билан: Бакалавриат – 10 йил Магистратура – 5 йил	Ўқиш даврисиз: Ўқиш муддатини тугатгандан сўнг 6 ой ва 7 йил
Биринчи курслар учун тақдим этиш муддати тартиби	1 октябр ва 15 мартгача	Қарз олувчининг муурожаати бўйича (чеклов йўқ)
Фонд шартлари	Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкаси ортса ортади, камайса ўзгармайди.	Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкаси ортса ўзгармайди, камайса камаяди.
Таълим кредити учун кафилик шarti	Барча тақдим этиши зарур	«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га кирган оилаларнинг фарзандларидан талаб этилмайди



2021-2022 ўқув йилидан таълим кредити талабаларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан берилиши мазкур кредитнинг тижорат хусусиятидан ижтимоий хусусият касб этишга ўтаётганлигини англатади. Албатта, тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган банк кредитлари тижорат хусусиятини аке эттиради. Шу боисдан, ҳозирги кунга қадар амалда бўлган таълим кредити тижорий мақсадларни аке эттирганлигини қайд этиш лозим. Бунинг сабаби эса, таълим кредитининг тижорат банклари маблағлари ҳисобидан берилганлиги билан ифодаланади. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан маблағлар тақдим этилиши тижорат банкларига фойда олиш имконини ошириб беради. Сабаби, тижорат банклари олдинги тартиб бўйича жалб этилган маблағ (депозит)лар ҳисобидан молиялаштириши зарур эди. Бу эса, таълим кредитининг қайсидир маънода тижоратлашиши билан бирга, қимматлашувига ҳам ўз таъсирини ўтказар эди.

Таълим кредитини талаба ҳар бир курс учун алоҳида олиши мумкин, шунингдек ўқув йили давомида контракт тўлови ошган тақдирда тижорат банклари қўшимча маблағлар ажратиши назарда тутилган. Бу эса, талабаларнинг молиявий қийинчиликларга дуч келмаслигини олдини олишга етарлича имкон бериши алоҳида аҳамиятга эга.

Бизнингча, таълим кредитининг ижтимоий хусусият касб этиши билан унинг олий таълим олишни қулайлаштириш имкониятини оширади. Натижада, аҳолининг барча қатлами фарзандлари учун олий таълим олишига шарт-шароитлар юзага келади. Ижтимоийлашув хусусиятини қуйидаги омиллар орқали ҳам ифодалаш мумкин, деб ўйлаймиз:

Таълим кредитини тақдим этиш муддатининг узайтирилиши. Олдинги тартиб бўйича ўқиш даврини инобатга олган ҳолда бакалаврият учун 10 йил, магистратура босқичи учун эса 5 йил давр белгиланган. Агар ҳисоб қилинадиган бўлса, бакалавриятни битирган талаба ўқишни битирган кунидан бошлаб 6 йил давомида кредитни қайтариши лозим бўлган. Бунда ўқишни тугатгандан сўнг битирувчининг иш топиши ва ишга жойлашиши каби жиҳатларга умуман эътибор қаратилмаган. Натижада, бакалавриятни янги битирган шахс таълим кредитини ўз вақтида қайтаришда молиявий қийинчиликларга дуч келиш эҳтимоли

ортган. Шу билан бирга, магистратура босқичи учун эса, ўқишни битиргандан сўнг 3 йил давомида қайтариши таълим кредитининг қимматлашувиغا олиб келган. Маълумки, кредит ва унинг муддати тескари муносабатда бўлиб, улар тескари пропорционал равишда эканлиги 3 йиллик муддат унинг қийматига сезиларли таъсир кўрсатади.

Янги жорий этилган таълим кредити муддати жиҳатидан ўқишни битиргандан сўнг 6 ойлик даврни инобатга олган ҳолда старт олади. Бунда, ўқишни битирган битирувчи 6 ой давомида ишга жойлашиш мумкинлиги ва ушбу даврда кредитни қайтариш бошланмаслиги эътиборга молик. Бу эса, таълим кредитининг ижтимоий аҳамият касб этаётганлигини англатади.

Жорий этилган тартибга кўра, таълим кредитини тақдим этишда йилнинг қайси муддатида бўлишидан катъий назар тақдим этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ушбу ҳолатнинг мавжудлиги таълим кредитини олишда маълум бир муддатни кутиб туришликни талаб этмайди. Бу эса, олий таълимни молиялаштириш жараёнларини янада такомиллаштиришга имкон беради.

Мазкур таълим кредити бўйича фоиз даражасининг шакллантирилиши алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Янги тартибга кўра, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тақдим этиладиган кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасига боғланган. Таълим кредити тижорат банклари томонидан қайта молиялаштириш ставкаси даражасида тақдим этилади. Мазкур ставканинг кўтарилиши таълим кредитлари фоизининг ўзгармаслиги билан ифодаланиши ва ставка камайган тақдирда камайиши белгилаб қўйилган. Ушбу ҳолатнинг мавжудлиги таълоим кредити олган фуқароларнинг молиявий рискларини камайтиришга ва уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга имкон беради. Ҳозирги кунга қадар амалда бўлган таълим кредити тақдим этишда фоиз миқдори қайта молиялаштириш ставкасининг оширилиши билан ошиши кўзда тутилган. Мазкур ҳолат таълим кредитида тижорат хусусиятининг мавжудлигини ифодалаб беради.

Таълим кредитининг жорий этилишида унинг муҳим жиҳатларидан бири ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган аҳоли



катламининг инобатга олинганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистонда аҳолининг кам даромадли катламининг тўлиқ рўйхатини ўзида мужассамлаштирган «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га кирган оилалар фарзандлари таълим кредити олишда кредит гаровини тақдим этишлари шарт эмаслиги белгилаб берилган. Мазкур қонданинг мавжудлиги таълим кредитининг ижтимоийлашувини янада ортишига хизмат қилади.

Шу ўринда, олий таълим тизимини молиялаштиришнинг айрим хорижий тажрибалари ва таълим кредитини ривожланиш тенденцияларига бағишланган илмий хулосаларни ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Г.Даниела ва С.Жоханна<sup>195</sup>лар 75 та таълим йўналишларининг риск ва улардан қайтим даражаларини таҳлил этадилар. Уларнинг тадқиқотларига кўра, турли таълим йўналишлари бўйича эмас, балки таълим йўналишлари ичра ҳам молиявий фаолият турлича шаклланар экан. Бундан ташқари, таълимнинг молиявий жозибдорлиги гендер асосида ҳам ўзгаришини қайд этиб ўтадилар. Демак, таълим йўналишининг ҳам нафлилик даражаси унда ўқиш учун тўловларга таъсир этади.

Европа мамлакатлари олий таълим тизимида унинг йўналишларидан ёки бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳам тўловлар миқдори шаклланади. Бу борада, Валкер ва Зулар қуйидагича фикр билдиради<sup>196</sup>: Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ, айниқса тиббиёт йўналишлари жозибадорлиги, бошқа таълим йўналишларида эса инвестициявий қайтим даражаси юқори эмаслиги билан ажралиб туришини аниқлашади.

Бизнингча, олий таълим муассасаларининг мамлакат миқёсидаги расмий рейтинги ҳамда бошқа ютуқларини инобатга олган ҳолда таълим учун тўловларни шакллантиришнинг ихтисослашган услубият орқали белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Таъкидлаш лозим, олий таълим муассасасига тўланадиган таълим тўлови билан ўқитувчиларнинг ойлик маошлари ва уларни моддий рағбатлантириш ўртасида боғлиқлик кўзда тутилиши лозим. Бу

<sup>195</sup> Daniela G., Johanna S. Risks and returns to educational fields – A financial asset approach to vocational and academic education/*Economics of Education Review*, 2014. -№42. - pp.109–120.

<sup>196</sup> Walker I., Zhu Y. Differences by degree: Evidence of the net financial rates of return to undergraduate study for England and Wales/*Economics of Education Review*, 2011. - №30(6), - pp. 1177–1186.



хам бюджет маблағларининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Фикримизча, Ўзбекистонда ҳам ҳар бир йўналиш ва унинг қайси олийгоҳда тайёрланишидан келиб чиқиб, таълим тўловларини шакллантирилишига имкон берилиши маълум даражада молиявий мустақилликни оширади. Ўз ўрнида, бу ҳолат бюджет маблағларига бўлган талабнинг камайишига ҳамда камраб олиш даражасининг ошишига имконият беради. Зотан мамлакатда бюджет маблағларига эҳтиёж юқорилигича қолмоқда.

Греция мамлакатида олийгоҳларга кира олмаган абитуриентларининг оилалари хусусий кўшимча дарслар учун сарф этган маблағлари давлат бюджети таълим харажатлари билан солиштирганда 46,1 фоизни ташкил этган<sup>197</sup>. Мазкур ҳолатнинг сақланиб қолиши юқори салоҳиятли йигит ва қизларни хорижга таълим олгани кетиб қолишига ҳам замин ҳозирламоқда. Умуман олганда, К. Костас ва П.Жоржлар грек оилалари фарзандлари учун нима сабабдан хусусий таълимга кўп маблағ сарфламоқда? деган саволга иккита омилнинг мавжудлиги билан изоҳ беришади: (i) чунки жамиятда эришиладиган муваффақиятлар индивиднинг таълим босқичларидаги иштироки билан чамбарчас боғланган; ва (ii) чунки, мамлакатда давлат маблағлари Грек оилалари истаган ҳажм ва шаклда таълимни таъминлашга имконият яратмайди.

Шу билан бир қаторда, Италияда талабаларнинг 17 фоизи молиявий ёрдам олган ҳолда олий таълимда иштирок этадилар. Ёрдамнинг бошқа шакллари ўртасида иш-ўқиш дастурлари талабаларга жами ёрдамнинг 12 фоизи билан узвий боғланган. Аксинча, талабаларнинг 0,2 фоизи ўз ўқишларини молиялаштириш учун қафолатланган қарз амалиётларидан фойдаланишади<sup>198</sup>.

Буюк Британияда талабаларнинг таълим тўловларини тўлашлари учун Англия талабалар молия хизмати муассасаси фаолият олиб боради. Таълим кредитига нисбатан қўлланиладиган фоиз ставкаси чакана нарх индекслари билан боғлиқ. Бунда кредитни қайтариш вақтига нисбатан эмас, балки битирувчининг

<sup>197</sup> Costas K. and George P. Private education expenditure in a 'free education' country: the case of Greece. *International Journal Educational Development*, 1997. - №17(1). - pp.73-81.

<sup>198</sup> Pietro G. D. Equality of opportunity in Italian university education: is there any role for social welfare spending?//*International Journal of Educational Development* 23, 2003. - pp. 5-15.

даромадига нисбатан белгилаб қўйилган. Яъни талаба олий таълимни битирганидан кейин йиллик даромади 15 минг фунт стерлинг (23 минг АКШ доллари, ЯИМ жон бошига баҳолаганда)дан ошганда кредитни қайтаришни бошлаши назарда тутилади. Бу ўринда, қарз олувчи ўзининг £15,000 дан ошган даромадидан йиллик 9 фоизи шаклида тўловни амалга ошириши лозим. Бунинг ижобий жиҳатларидан бири, талаба ўқишни битиргандан кейин ўзининг молиявий барқарорлик давригача кредитни тўлашдан озод этилади.

Буюк Британияда олий таълим тизимидаги 18-20 ёшлиларнинг улуши 1960 йилдаги 6 фоиздан, 2006 йилда 34 фоизга тўғри келди ҳамда талабаларнинг тўловларни тўлашларида давлат таълим кредитининг 1998 йилда жорий этилиши ва уни келажакдаги даромадлар ҳисобидан қайтаралиши олий таълимда йирик ўзгаришларга олиб келди<sup>199</sup>.

Бундан ташқари, Швецияда мавжуд бўлган ҳолатга эътибор қаратсак, қарзни қайтариш даври 25 йил (ёки 60 ёшгача) этиб белгиланган ҳамда битирувчи-талаба даромадининг 5 фоизини тўлаб бориши ва ушбу қийматнинг йиллик суммаси 2 фоизга ошиб бориши белгиланган.

Қайд этилганидек, талабаларнинг таълим тўловларини тўлашларида ЕИ олий таълим муассасаларида бир қатор ўзига хосликлари мавжуд. Шу билан, Ўзбекистонда таълим кредитларини тақдим этишда баъзи қулайликларни жорий этиш мақсадга мувофиқ, Масалан, Ўзбекистонда таълим кредити қатъий равишда ўқишни битиргандан кейин 3 ойдан бошланиб кеска муддат (5 йил)да тугатилиши назарда тутилган. Агар биз буни Швециядаги мавжуд ҳолат билан солиштирсак, таълим кредити олувчи йиллик даромадининг атиги 5 фоизини тўлаган ҳолда унинг муддати 25 йилни ташкил этади. Агар Буюк Британия тажрибасига эътибор берсак, яна бир илғор тажрибани кўрамиз. Унда таълим кредити олувчи ўзининг молиявий барқарорлиги даври бошлангандан кейин кредит қайтариши белгиланган. Бу икки ҳолат ҳам Ўзбекистонда таълим кредити бўйича шароитларни қайтадап кўриб чиқишни тақозо этади.

<sup>199</sup> Jim P., Sarah J., Alessandra F., and Zella K., Higher education as a portfolio investment: students' choices about studying, term time employment, leisure, and loans./Oxford Economic Papers, 2013. -№65. - pp. 268-292.



Албатта, юқорида таъкидланган ҳолатлар бюджет маблағларининг ўзгаришига таъсир этади. Умуман олганда, мазкур тенденциялар бўйича қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

Биринчидан, таълим кредити ижтимоийлашувининг янада ошиши учун унинг қайтарилиши муддатини қарз олувчининг даромад олиш даврига боғлаш зарур.

Иккинчидан, оширилган контракт-тўловларини тўлашда тижорат банкларининг кредит маблағларидан фойдаланиш тартибини жорий этиш, бунда қайтариш муддатининг узоқроқ бўлишига эришиш лозим.

Учинчидан, таълим кредити ҳисобидан таълим тўлови амалга оширилганда талабаларга стипендия бериш тартибини янада такомиллаштириш ва бозор муносабатларининг кенг жорий этишга эришиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тўртинчидан, таълим тўлови суммасининг қатъий белгиланиши олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришга имкон беради.

#### **1.4. Олий таълим тизминини молиялаштиришда хусусий манбаларнинг ривожлашish тенденциялари**

Кейинги йилларда мамлакатлар олдида турган муҳим ва долзарб масалалардан бири бу – малакали ишчи кучи қатламини кенгайтиришдан иборат бўлмоқда. Бу борада эса, олий таълим тизими асосий локомотив вазифасини бажариб берувчи омилга айланиб улгурган.

Фикримизча, ҳозирги замонавий шароитда ОТМларининг молиявий имкониятларини янада мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, олий таълим тизими иқтисодий ўсиш учун малакали ишчи кучи билан таъминлаш ҳамда инновацияларни шакллантиришда ҳал қилувчи ролга эга.

Шу билан, мамлакатимизда истиқболли чора-тадбирлар амалга оширилди ҳамда кейинги йилларда ўзининг янги босқичини намоён қилмоқда. Ушбу жараёнларда давлат томонидан амалга оширилаётган туб ислоҳотлар муҳим аҳамият касб



этнома. Жумладан, 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонининг тегишли устувор йўналишларида ўз аксини топди. Бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори ўта муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорда қатор янгиланишлар белгилаб берилди, улар қаторида 2017-2021 йилларда босқичма-босқич ОТМларига талабалар қабул қилишни 18 фоизгача ошириб бориш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3290-сонли Қарори мазкур масаланинг айниқса долзарб эканлигини ўзида намоён этади. Мазкур қарорда қуйидаги банд келтирилган: “2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар қабули тўхтатилаётган академик лицейларнинг 2 ва 3-босқич ўқувчилари мазкур академик лицейларда таълимни амалдаги ўқув дастурлари бўйича белгиланган тартибда яқунлайдилар ва уларга давлат намунасидаги академик лицей битирувчиси дипломи берилади”. Ушбу қонданинг белгиланиши 2018 йилда ОТМларига абитуриент сифатида хужжат топширувчиларнинг сони ҳам икки ҳиссагача ошишига сабаб бўлиши мумкин.

Қайд этиб ўтилганидек, талабалар қабулининг ошиши уларни қабул қилувчи ОТМларнинг салоҳиятлари ва молиявий имкониятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш заруриятини вужудга келтирмоқда. Шу билан бирга, талабалар томонидан тўланадиган таълим тўлови ва бошқа харажатларнинг тенденцияларини эконометрик ўрганиш ҳамда уларнинг таълим жараёни натижаларига бўлган таъсирини аниқлаш ва баҳолашнинг долзарблиги кишида шубҳа уйғотмайди.

Олий таълим тизимини молиялаштиришда таълим тўловларини тўлаш ҳамда бошқа харажатларни қоплашда хорижий

мамлакатларда турли тажрибалар шаклланган. Жумладан, мамлакатимизда ҳам масалан, таълим тўловининг тўланашида оналарнинг даромадлари, тижорат банкларининг таълим кредитлари ёки шу каби бошқа хусусий маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Биз қуйидаги олий таълим тизимини молиялаштиришнинг хорижий тажрибаларига нисбатан чет эллик олимларнинг илмий ёндашувлари ва тадқиқотлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Аксарият давлатларда олий таълим тизимини молиялаштиришнинг учта шакли мавжуд. Жумладан, Кларк<sup>200</sup> қайд этиб ўтадики, Европа университетларининг учта асосий даромад манбалари мавжуд бўлиб, ҳукуматнинг маблағлари, бошқа турли ҳукуматларнинг маблағлари ва даромад манбалари шулар жумласидандир.

Калашников<sup>201</sup> ўз тадқиқотларига асосланиб, охириги йигирма йилликда олий таълимни молиялаштиришнинг учта модели ривожланганлигини айтиш мумкин. Биринчи модель, иттифоқлараро умумий бозорнинг шаклланишига боғлиқ бўлган ҳолда шаклланиши. Иккинчи моделда, олий таълимни молиялаштиришнинг бозор қоидаларига асосланган услубиятни жорий этиш ва аксинча тўлиқ бюджет маблағлари кабиларни қайд этиш лозим.

Ушбу хулосалар Кларкнинг фикрларидан фарқ қилиб, иккинчи олим гоъяларининг қамрови анча катта ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг ўзаро пропорцияларини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Аксарият марказий ва шарқий Европа мамлакатлари олий таълим тизимини молиялаштириш борасида ўзгаришларни амалга оширдилар. Хусусан улар қуйидагичадир: 1) олий таълим тизимини давлат молиялаштириш ҳажмини ошириш; 2) молиявий ресурсларни бошқаришда маълум мустақилликни тақдим этиш; 3) маблағларни тақсимлаш ҳамда уларни

<sup>200</sup> Clark B. R. *Sustaining Change in Universities. Continuities in Case Studies and Concepts*. Maidenhead// Open University Press, 2004.

<sup>201</sup> Калашников О.В. Источники финансирования высшего образования в условиях инновационной передовой экономики// *Финансы и кредит*. – Москва, 2009. – №47(383), – стр. 73-80.

бошқаришда бевосита боғлиқликни таъминлаш; 4) молиявий манбаларни диверсификациялашни қўллаб-қувватлаш, хусусан, илмий тадқиқот институтлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва маҳаллий маъмуриятлар ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш шулар жумласидандир (Э.Жана ва Э.Ингарс<sup>202</sup>). Ўз навбатида, давлат маблағлари асосида фаолият олиб боровчи университетларнинг молиявий мустақиллигини оширишга имкон беради.

Россия таълим тизимини модернизация қилишнинг 2010 йилдаги концепциясига асосан, олий таълим тизимини молиялаштиришнинг янгича ёндашуви орқали таълим кредити ва молиявий ёрдам давлат томонидан таъминланиши белгилаб берилди. 2005 йилда мазкур концепциянинг ғоясини ўзида акс эттирган ислохотларни амалга оширишга кам сонли экспертлар ишонган бўлса, ислохотларнинг сўнгги даврига келиб, унга ишонч билдирганлар сони 90 фоиздан ошди (В.Ж. Морган ва А.К. Григори<sup>203</sup>).

К. Мартин, Ф. Исак, Л.Прашанг, Т.Жандхяла Тилк<sup>204</sup>лар томонидан амалга оширилган тадқиқотларга кўра, олий таълим тизимини молиялаштириш кўп жиҳатдан давлатнинг тузилишига боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилади. Таъкидлаш керак, БРИКС давлатлари олий таълим тизими харажатларини унга бўлган талабларнинг жадал суръатлари доирасида давлат бюджетининг маблағлари етишмовчилиги сабабли молиялаштиришни кўзда тутмаётти. Мамлакатлар халқаро миқёсда таълим талаблари даражасига етиш учун таълим тизимини молиялаштириш айниқса, хусусий тўловлар борасида ислохотларни амалга оширди. Масалан, Хитой давлати 1970 йилда ОТМ қайтадан ташкил этилганидан сўнг ислохотларни амалга оширди. Шу даврдан буён, давлатнинг сиёсатида қатор

<sup>202</sup> Jana E. and Ingars E. Assessment of Higher Education Financing Models in the CEE Countries//Procedia - Social and Behavioral Sciences, 2015. - №177. - pp. 186 – 189

<sup>203</sup> Morgan W. J. & Grigori A. K. Higher Education and the Post-Soviet Transition in Russia//European Journal of Education, 2012. -№47(1).

<sup>204</sup> Martin C., Isak F., Prashant L., Jandhyala T. The concept of public goods, the state, and higher education finance: a view from the BRICs//Higher Education, 2014. - № 68. - pp. 359–378.



Ўзгаришлар юз берди, натижада молиялашгиришдаги улуш 83 фоизга етди.

Бир вақтнинг ўзида олий таълим тизимини бошқаришда баъзи ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этарди, жумладан, олий таълим тизимида сифат ва инвестициялар ўртасидаги боғлиқликни ошишини мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодий ва молиявий ислохотлар шулар сирасига киради<sup>205</sup>. А.Смоленцева бундан ташқари, олий таълим тизимини хусусий тўлов асосида кенгайтириш олий таълим тизимини ижтимоий ва институтчионал табақаланишига шароит яратиши мумкин бўлиб, ижтимоий тенгликни камайтиради, деган хулосага келади<sup>206</sup>.

А.Б. Анкудинов, М.Биктемирова, Э. Хайрулина<sup>207</sup>лар олий таълимнинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилишган. Улар олий таълим иштирокчиларининг йўналишларини танлашда қарорлар қабул қилишга таъсир этган омилларни тадқиқ этган. 2005-2011 йиллар давомида инвестициялар олий таълимга таъсир этган омиллар қаторида ижобий тенденцияни ўзида акс эттирди.

Д.Л. Константиновский<sup>208</sup> томонидан амалга оширилган тадқиқотлар юқори даромадли оилаларнинг фарзандлари нисбатан юқори мавкега эга бўлган институтларда таълим олса, кам даромадли оилаларнинг фарзандлари коллежлар ёки касбга йўналтирилган таълим муассасаларида ўқишларини кўрсатиб беради. Маълум қатламдаги оилаларнинг фарзандлари институтларни танлашларида оилаларнинг даромадлари муҳим роль ўйнашини кайд этиб ўтади. Тадқиқотчилар ҳаёт давомидаги мақсадларга эришишда таълимнинг тутган роли борасида сўровнома ўтказишган. Типологик тарзда иштирокчилар 5 та гуруҳга ажратилган бўлиб, улар ғолиблар, имконияти юқори бўлганлар,

<sup>205</sup> Gurban I., Sudakova A. The Development of Higher Education in Russia: an Assessment Methodology//Procedia - Social and Behavioral Sciences, 2015. - №214. - pp. 596 - 605

<sup>206</sup> Smolentseva A. Universal higher education and positional advantage: Soviet legacies and neoliberal transformations in Russia//Higher Education, 2017. - №73. - pp. 209-226.

<sup>207</sup> Ankudinov A.B., Biktenirova M.Kh., Khairullina E.I. Investment in higher professional education in Russia: Value-based approach//Procedia - Social and Behavioral Sciences, 2014. - №152. - pp. 1154 - 1159.

<sup>208</sup> Konstantinovskiy D.L. Social Inequality and Access to Higher Education in Russia//European Journal of Education, 2012. - №47(1).

пессимистлар, “бошқалар” ва умидсизларга ажратилган. Дастлабки тўртта гуруҳ ҳаётини мақсадларига эришган бўлиб, “бошқалар”дан ташқари гуруҳлар эса таълимни муваффақиятнинг воситаси сифатида қарашган. Шундай бўлсада, умидсиз шахслар ўзларининг мақсадлари мавжуд бўлиши билан бирга, таълимни мазкур мақсадларга эришиш омили деб қарамайдилар. Шу боисдан, “ота-она” (“parentocratic”) шакли мавжуд бўлиб, ОТМларда ўқиш кўп жиҳатдан ота-оналарнинг даромадлари ва уларнинг хоҳишлари билан уйғунлик касб этмоқда.

Жорий асрнинг бошларидан буён таълим қиймати харажатларини тақсимлаш ва хусусийлаштириш амалиётлари кенгайиб борди (Стамоулс<sup>209</sup>). Масалан, Италияда Парламент томонидан 537/93 Қонун ратификация қилингандан сўнг таълим тўловлари ўсишига шароит яратилди. Мазкур қонун баъзи ҳудудларнинг сиёсатига сезиларли таъсир кўрсатди. Биринчидан, ушбу қонун давлат маблағлари ҳисобидан ОТМларни молиялаштириш ҳажмини камайишига сабаб бўлди. Ўз навбатида, давлат бюджети улушининг камайиши солиқлар тўланиши ҳажмини камайишига туртки бўлди. Иккинчидан, ушбу қонуннинг жорий қилиниши ОТМларга мустақил тарзда таълим тўловларини белгилашларига имконият яратиб берди (Г.Пиетро<sup>210</sup>).

Э.Кантон, Ф.Ёнг<sup>211</sup>лар томонидан Нидерландияда олий таълимга бўлган талаб тадқиқ этилган. Олий таълим тизимини кенгайиши иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келди, 1999 йилда 18 ёшлиларнинг олий таълим билан қамраб олиниш даражаси 17 фоиз бўлган бўлса, 50 йил олдин мазкур кўрсаткич 3 фоизни ташкил этган. Ҳозирги кунда, маълум тажрибага эга бўлиш билан бирга, унинг билимга асосланганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар томонидан амалга оширилган эконометрик таҳлиллар, талабалар таълим тўлови учун масъул эмасликларини,

<sup>209</sup> Stamoulas A. Implementation of the Bologna process goals: on Greek state funding//Higher Education In Europe, 2005. - №30(1). - pp. 41–51.

<sup>210</sup> Piciro G. D. Equality of opportunity in Italian university education: is there any role for social welfare spending//International Journal of Educational Development, 2003 - №23. - pp. 5–15.

<sup>211</sup> Canton E., Jong F. The demand for higher education in The Netherlands, 1950–1999//Economics of Education Review, 2005. - №24. – pp. 651–663.

балки молиявий (давлат томонидан) ёрдам муҳим эканлиги, шунингдек таълимни йўналишини танлаш келажакдаги меҳнат бозоридаги даромадлар ва алтернатив иш ҳақларига боғлиқ эканлигини кўрсатиб беради. 1950 йиллардан сўнг Бельгияда ҳам шу каби тенденциялар кузатилади. Шу билан бирга, И. Дучесне ва В.Ноннеман<sup>212</sup>лар университет мақомига эга бўлган ва бўлмаган муассасалар ўртасида ўзаро фарқ бор ёки йўқлигини қайд этиб ўтишади. 1953 йиллар давомида Бельгиядаги ёшларнинг 7 фоизи олий таълим билан қамраб олишга эришилган бўлса, айти даврда ушбу кўрсаткич 47 фоизни ташкил этмоқда. Шуни қайд этиш лозимки, олий таълимга бўлган талаб истеъмол ва инвестициялар доирасида ўрганилади. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, даромад ва иш ҳақи фарқлари олий таълимни танлашдаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

## 2.1-жадвал

### Ўтказилган сўровноманинг тузилиши

<b>1. Жинс:</b>	Эрак	Аёл	
<b>2. Рейтинг</b> <b>балнигиз, фоизда</b>	2.1. 55-70	2.2. 71-85	2.3. 86-100
<b>3. Таълим контракт тўловни қайси манба орқали тўлайсиз?</b>			
3.1. Ота-онам тўлайди		3.2. Ўзим тўлайман	
3.3. Таълим кредити орқали тўлайман		3.4. Давлат грантида ўқийман	
<b>4. Сиз ўз таълим йўналишингизни танлаганизда унга тўланадиган тўлов суммаси сизни таълим йўналишини танлашингизга таъсир қилганми?</b>			
4.1. Йўқ, шу йўналишни қатъий танлаганман		4.2. Ҳа, кам бўлганлиги учун шу йўналишни танлаганман	
4.3. Оила аъзолар тавсия қилгани учун ўқимокдаман		4.4. Кириш баллари паст бўлгани учун танлаганман	
<b>5. Стипендия эҳтиёжларингизга етмаган ҳолда харажатларингизни қандай қоплайсиз</b>			
5.1. Ўз даромадларим орқали		5.2. Дўстимдан қарз оламан	
5.3. Ота-она ёрдами орқали		5.4. Стипендия ўзи қоплайди	

<sup>212</sup> Duchesne I, Nonneman W, The Demand for Higher Education in Belgium//Economics of Education Review, 1998. - №17(2). - pp. 211-218.



2017 йилнинг январь-февраль ойларида мамлакатимизнинг тўртга ОТМда сўровнома ўтказилди. Улар: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент темир йўллари институти, Тошкент молия институти ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети. Дастлабки икки ОТМ муҳандислар тайёрлашга иқтисослашган бўлса, кейинги икки ОТМ иқтисодчилар тайёрлашга йўналтирилган. Биз учинчи курсларни танлаб олганмиз ва уларнинг сони 288 тани ташкил этади. Мазкур ОТМ таълим йўналишлари таълим тўловлари фарқли бўлиб, иқтисодиёт йўналишлари учун тўлов ҳажми юқорирок ҳисобланади. Сўровноманинг тўлиқ шакли билан 2.1-жадвал орқали кўришимиз мумкин.

Миоллер ва Гангл<sup>213</sup>лар таъкидлаб ўтадики, олий таълим тизими барқарорлик учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади ва олий малака меҳнат бозори истиқболлари ва ҳаёт фаровонлиги учун долзарблик касб этади. Қайд этиш лозимки, олий таълим тизимини молиялаштириш мамлакатларда қандай тенденциясига эга ва уни биз қандай амалга оширишимиз зарур деган мунозарали хулосалар мавжуд, деб айтиб ўтади. Шу билан бирга, кейинги йилларда хусусий манбаларнинг ўсиши кузатилди (оилалар, ота-оналар, таълим кредитлари ва бошқалар). Мамлакатлар давлат ОТМларида таълим тўловларини жорий этишган бўлсада, аммо улар ижтимоий тенгликни таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Бир қатор олимларнинг хулосаларига кўра, мамлакатлар олий таълим тизимида молиялаштириш тизимини давлатдан хусусий сектор (талаба ва уларнинг оилалари) ҳисобидан амалга оширилишига эътиборни кучайтирмоқдалар. Шу сабабли, мамлакатлар илғор хорижий тажрибаларни инobatга олган ҳолда олий таълим тизимини ривожлантиришга шароитлар ҳозирлашмоқда<sup>214</sup>. Натижада миллий олий таълим тизимини

<sup>213</sup> Müller, W., Gangl, M. *Transitions from Education to Work in Europe: The Integration of Youth into EU Labour Markets*/Oxford, 2003. - Oxford University Press.

<sup>214</sup> Martin C., Isak F., Prashant K., Jandhyala B. eto. *The concept of public goods, the state, and higher education finance: a view from the BRICs/Higher Education*, 2014. - №68 – pp. 359–378.

молиялаштириш тизимидаги ривожланишлар глобаллашув шароитида юзага келмоқда<sup>215</sup>.

Л. Бей, З.Же<sup>216</sup> ўзларининг мақолаларида таълим тизимини молиялаштиришнинг оптимал вариантыни таҳлил этади. Хусусан, талабаларда инсон капитали омилларини шакллантиришда давлат молиясидан фойдаланишнинг ўзига хосликлари баҳоланади. Улар таълимни молиялаштиришда икки омилга эътиборни қаратади: биринчидан, таълимни молиялаштириш ҳажмининг ўсиши эмас, балки уни ким тўлаётганини ҳам аҳамиятга эгалигидир. Шу ўринда улар таълимни жорий солиқлар ёки ота-оналар тўлови ҳисобидан амалга ошириш ёки келажақда солиқлар ҳисобидан қопланадиган давлат қарзлари ҳисобига молиялаштиришни тадқиқ этишган.

Шу боисдан биз тадқиқотимиз давомида олий таълимда иштирок этишни истовчиларнинг таълим тўловларига нисбатан муносабатлари ва олий таълимни қамраб олиш миқёсини оширишда ҳукуматнинг роли каби жиҳатларга тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз. Бу борада, таълим тўловларининг манбалари, унинг ижтимоий тенглик ҳамда қамраб олиш даражасига таъсирини аниқлашга эътибор қаратамиз.

Саволномада 5 та савол мавжуд бўлиб, дастлабки икки савол иштирокчилардан уларнинг жинслари ва рейтинг баллари тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритилади. Ўз навбатида, қолган саволлар олий таълим тўловларининг манбалари тўғрисидаги саволлардан иборат. Шу билан бирга, ўзлари ўқиётган йўналишга ҳужжат топширган пайтларида таълим тўлови ҳажмининг аҳамияти қандай бўлганлиги сўралади. Талабаларнинг таълим тўловидан бошқа харажатларни қандай амалга оширишларига ҳам аниқликлар киритилади.

<sup>215</sup> Marginson S., & Ordorika I. Global hegemony in higher education and research. New York: Social Science Research Council. 2010.

<sup>216</sup> Bei L., Jie Z. Efficient education subsidization and the pay-as-you-use principle//Journal of Public Economics, 2015. - №129, - p. 41-50.

## Сўровнома саволларига жавобларнинг ҳолати

ОТМ номи	Савол рақами	Талаба рейтингини (Q2)			Таълим тўловини қандай тўлайсиз? (Q3)			Таълим тўлови ҳажми йўналишингизни танлашга таъсир этганми? (Q4)			Стипендия ойлик харажатларга етмаганда? (Q5)				
		1	2	3	1	2	3	4	1	2	3	4			
ТПЕСИ	Жавоб														
	эркак аёл	35 4	43 25	3 6	17 0	5 5	16 8	47 10	9 5	16 10	3 2	4 23	7 4		
ТТЙИ	эркак аёл	9 0	35 1	11 0	23 0	2 0	22 1	46 0	3 1	4 0	2 0	14 0	5 1	26 0	
	эркак аёл	16 0	35 0	19 6	48 6	9 0	11 0	2 6	58 6	1 0	10 0	1 2	29 2	33 3	6 1
ТДИУ	эркак аёл	6 1	18 6	6 3	23 9	3 0	2 1	2 9	2 0	4 1	3 0	4 0	2 10	18 0	2 0
	техник иқтисодий жами	48 23 71	104 59 163	20 34 54	88 86 174	25 12 37	12 14 26	47 4 51	108 94 202	17 4 21	19 15 31	28 3 34	68 41 109	10 2 12	73 64 137



Мазкур 2.2-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларнинг ривожланишида талабаларнинг молиявий муносабатлари тадқиқ этилади. Натижада, олий таълим муассасаларида таълим тўловлари ва талабаларнинг кунлик харажатлари кабиларнинг таъсири тўғрисидаги хулосалар шаклланишига шароит яратилади.

Саволларнинг ва бошқа кўрсаткичларнинг ўзаро таъсирларини баҳолаш имкони вужудга келади. Шу боисдан, тадқиқотимизда (Pearson) Chi-Square тестини қўллаш орқали ўзаро корреляцион боғлиқликлар аниқланади. Шу орқали 2.2-жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги ёки ўзаро мустақиллиги тўғрисидаги хулосалар шаклланади. Биз қуйидаги формула орқали тадқиқотимизни амалга оширишга имкон берувчи механизмни кўрамиз.

$$\chi^2 = \sum_i \frac{(n_i - E_i)^2}{E_i} \quad (2.2)$$

$\chi^2$  – Ка-скювер мувофиқлик тести (chi-square Goodness-of-Fit Test);  $E_i$  -  $H_0$ (ноль гипотеза) доирасида  $p \neq 0$  нинг юзага келишлари (кутишлар) сони;  $i$  – кузатишлар сони.

Сўровномада иштирок талабалар ҳар бир саволга битта жавобни танлашлари зарур бўлган. Олинган натижалардан фойдаланган ҳолда 2.1-маълумотлари тарзида шакллантирамиз. Шу боисдан, саволларга танланган жавоблар қийматни англатмаганлиги сабабли, уларни номинал ўзгарувчилар сифатида танлаб оламиз ҳамда боғлиқликни асимптотик муҳимликни (2-томонлама) текширишда 5 фоиз аниқликда, яъни  $p$ -қиймат 0,05 дан кичик бўлганда, ноль гипотеза қабул қилинади. Statistical Package for the Social Sciences (SPSS) компьютер дастурий таъминотидан фойдаланилади.

Бундан ташқари, иштирокчилар томонидан ҳар бир саволга берилган жавобларни гуруҳлаштириш ва уларнинг ўртача қийматларини аниқлаш орқали рейтинг натижаларига талабаларнинг жавоблари таъсири тадқиқ этилиб, хулосалар берилади. Бу борада биз қуйидаги формулани қўллаймиз:

$$\mu = \frac{\sum_1^n \alpha}{n} \quad (2.3)$$

$\mu$  – ўртача арифметик қиймат;  $\alpha$  – саволга берилган жавоб;  $n$  – жавоблар сони. Бундан ташқари Statistical Package for the Social

Sciences (SPSS) компьютер дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда стандарт оғиш (Standart deviation) ҳам ҳисобланади.

Сўровномада саволлар таълим тўловининг манбаи, тўлов ҳажмининг таъсири ва кунлик харажатларини қоплаш жараёнлари ўзида ақс эттиради. Шу билан бир қаторда, иштирокчиларнинг жинси, таълим йўналиши ва ОТМ каби тартибловчи кўрсаткичлар ҳам мавжуд.

### 2.3-жадвал

#### Учинчи (Q3) ва бешинчи (Q5) тартибдаги саволларга берилган жавоблар бўйича кесинма жадвал

		3-савол бўйича жавоблар				Жами
		Ота-онам тўлайди	Ўзим тўлайман	Таълим кредити	Давлат гранти	
5-савол бўйича жавоблар оламан	Шахсий даромад Дўстимдан қарз Ота-она кўмаги Стипендия қоплайди	54 6 91 21	30 0 7 1	11 3 12 1	14 3 26 8	109 12 136 31
Жами		172	38	27	51	288
Ка-скувер тести						
		Қиймат	df	Асимптотик аҳамиятлилик (2-томонлама)		
Pearson Chi-Square		38,743	9	0,000		
Likelihood Ratio		38,781	9	0,000		
Linear-by-Linear Association		0,095	1	0,757		
N of Valid Cases		288				

Таҳлилларимизнинг дастлабки натижалари таълим тўловининг тўланиши ва кунлик харажатларни қоплаш тўғрисида берилган саволларга жавоблар ўзаро мувофиқликда шаклланганлигини қайд этиш мумкин. Бу шуни англатадики, таълим тўловнинг манбаси билан кунлик харажатларнинг қопланиш манбалари ўзаро боғланганликни билдиради. Ўз навбатида, учдан бир қисм ўз-ўзини молиявий таъминловчи талабалар ўз таълимлари учун ҳам тўловларни мустақил равишда амалга оширмақдалар, бир вақтнинг

Ўзида ота-оналарининг молиявий кўмакларидан ҳам фойдаланмоқдалар. Шу боисдан, тўрт йиллик таълим олиш даврида ота-оналар томонидан нафақат таълим тўлови, балки стипендиялари етишмаган пайтда харажатларни қоплаб берилмоқда. Қайд этиш лозимки, ота-оналарнинг молиявий ёрдами таълим ва бошқа харажатлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда (2.3-жадвалга қarang).

С. Моника ва К. Жануезлар ўзларининг тадқиқотида давлат маблағлари олий таълим тизимини молиялаштиришга етмаган ҳолларда унинг ҳажми ва барқарорлиги ўртасидаги мувозанатни бошқариш жиҳатларини асослаб беради. Натижада, улар эконометрик таҳлиллар асосида хусусий маблағларнинг роли муҳимлиги тўғрисидаги хулосага келадилар<sup>217</sup>.

Умуман олганда, юқорида қайд этиб ўтилган хулосалар таълим олишда ота-оналарининг молиявий кўллаб-қувватлови долзарблик касб этишини кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, Ч.Костас, Х.Майклар тадқиқотлари натижасида таълимни молиялаштириш манбалари ота-оналар учун молиявий манфаатдорлик ва солиқ бўйича имтиёзлар сиёсатини белгилашда долзарблик касб этади, деган хулосани беради. Ўзбекистонда бу борада бир қатор афзалликлар мавжуд, шу боисдан мазкур жиҳатлар олий таълимни молиялаштиришда ота-оналарнинг родини шаклланишига таъсир этган,

Зотан давлат маблағларини таъминлаш масаласи муҳим бўлсада, олий таълимга бўлган талаб кундан-кун ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, олий маълумот олишни истовчиларнинг барчасини қамраб олишда солиқ юкининг ортиб кетиши сабабли барча харажатларни давлат бюджетидан қамраб олиш мураккаблик касб этиши мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179 моддасининг 31-банди 1-қисмида ота-оналар 27 ёшгача бўлган фарзандлари таълими учун тўловларни амалга оширганда солиқ имтиёзлари мавжуд. Мазкур ҳолатда иш ҳақидан таълим тўловига йўналтирилган суммаси солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланади. Бу эса ота-оналарни иш ҳақидан йўналтиришни рағбатлантиради, акс ҳолда оиланинг харажатлари кўпайиши мумкин.

<sup>217</sup> Monika S.K. & Janusz K. Financial regulations and the diversification of funding sources in higher education institutions: selected European experiences//Studies in Higher Education, 2015. - №16 (December).



**Саволларга берилган жавоблар ўртасидаги корреляцион  
боғлиқлик ( $p$ -value(киймат))**

		3-савол (Q3)	5-савол (Q5)
	Тартибловчи кўрсаткичлар	Асимптотик аҳамиятлилик (2-томонлама)	Асимптотик аҳамиятлилик (2-томонлама)
4-савол (Q4)		0,610	0,567
5-савол (Q5)ч		0,000	
Жинс бўйича Q4	Эркак	0,884	0,527
	Аёл	0,014	0,675
Жинс бўйича Q5	Эркак	0,001	
	Аёл	0,073	
Таълим йўналиши бўйича Q4	Техник	0,104	0,310
	Иқтисодий	0,841	0,902
Таълим йўналиши бўйича Q5	Техник	0,001	
	Иқтисодий	0,085	
ОТМ бўйича Q4	ТГЕСИ	0,146	0,622
	ТТЙИ	0,641	0,974
	ТМИ	0,935	0,788
	ТДИУ	0,256	0,456
ОТМ бўйича Q5	ТГЕСИ	0,025	
	ТТЙИ	0,079	
	ТМИ	0,053	
	ТДИУ	0,643	

Бошқа томондан эса, баъзи талабалар имтиҳонлардан ўта олмаса (иккинчи ва учинчи имкониятлар берилган ҳолда ҳам), талабалар сафидан чиқарилади. Бу эса, ўз навбатида, талаба ўқишни давом эттириши учун навбатдаги ўқув йилини кутиши зарур бўлади. Мазкур жараён қайтадан таълим тўловни амалга оширишни тақозо этади. Шу сабабли ота-оналар ўз фарзандларига молиявий кўмак беришга ҳаракат қиладилар.

Мазкур йўналишдаги тадқиқотларимиз давомида корреляцион боғлиқликнинг мавжудлиги ойдинлашиб боради. Жумладан, 3, 4 ва

5-саволларга берилган жавоблар бўйича ўзаро алоқадорликни баҳолашга ҳаракат қиламиз. Бу борада танланган методология асосида амалга оширилган ҳисоб-китоблар орқали 2.4-жадвалда кўрсатилган натижаларга эга бўламиз. Унда келтирилган асимптотик аҳамиятлилик  $p$ -value (киймат) 0,05 чегара билан баҳоланади. Олинган натижаларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, кунлик харажатларни қоплаш ҳамда таълим тўловини тўлаш манбалари бўйича эркак иштирокчилар берган жавобларда ўзаро уйғунликни кўриш мумкин.

Аксинча, аёл иштирокчилар эса таълим тўловини қандай тўлайсиз деб берилган саволга “Ўзим тўлайман” деган жавобни умуман танламаган. Таъкидлаш лозим, аёл талабалар таълим тўловларини амалга оширилишида оила бюджетига чамбарчас боғланганликни кўриш мумкин. Шу билан бирга, тадқиқотлар давомида олинган натижалар улар 2/3 қисмининг кунлик харажатларини ота-оналар томонидан қопланишини кўрсатмоқда. Таъкидлаш лозимки, йигит-талабалар қиз-талабаларга нисбатан оилавий бюджетдан мустақилдир.

Тадқиқотларимиз таълим йўналишлари бўйича давом эттириб, жинслар каби таҳлилни изчил амалга ошираемиз. Масалан, ота-оналарнинг молиявий кўмаклари муҳандислик йўналишидаги талабаларга қараганда иқтисодчи талабалар учун доминант аҳамиятга эга бўлмоқда. Мазкур хулоса таълим тўлови ва кунлик харажатларнинг манбалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тасдиқлайди. Шу билан бирга, қиз-талабалар ва иқтисодчи талабалар учун ота-оналарнинг молиявий қўллаб-қувватловлари аниқланмоқда. Ўз навбатида, ўз-ўзини молиявий таъминлаш кўпроқ йигит-талабалар ва муҳандислик йўналишидаги талабалар учун бир хил эканлиги исботланмоқда. Гипотезамизни тасдиқлаб берувчи яна бир омил бу – ТДИУ талабаларининг оила бюджетига кучли боғланганлигини ҳамда уларнинг кам қисми таълим тўловларини тўлашда мустақил эканлиги билан кўрсатиб берилади (2.4-жадвалга қаранг).

Тадқиқотларимиз натижасида таълим тўлови ва кунлик харажатлар манбалари бир хилда бўлаётганлиги тўғрисида хулоса қилишга шарт-шароит яратиб беради. Умуман олганда, иштирокчилар учун ота-оналар ва ўз-ўзини молиявий

таъминлаш уларнинг жинси ҳамда таълим йўналишларининг шаклига чамбарчас боғлиқ экан.

Олдинги тадқиқотларимиз таълим тўлови ва харажатларни қоплаш манбалари ўртасидаги боғлиқликни ўрганган бўлсак, уларни жинс ва таълим йўналиши доирасида алоҳида тадқиқ қилишга ҳаракат қилдик.

Илмий изланишларимиз давомида талабалар томонидан ўзлари танлаган йўналиш ва тўловларнинг манбалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжуд эмаслигини қайд этишимиз мумкин. Айниқса, жинслар доирасида таҳлили қилингандан фарқ сезиларли даражадалиги тасдиқланди. Талаба-қизлар барча тўловлар борасида боғлиқлик юқори бўлганлиги сабабли, улар ўқишга хужжат топширган вақтда таълим тўловининг ҳажмини ҳисобга олаётганликлари аниқланди. Бу эса, улар томонидан оила бюджетига молиявий юкнинг юқори бўлиб кетмаслигини олдини олиш мақсадида ушбу ҳолат юзага келаётган бўлиши мумкин. Бунинг сабабларидан яна бир жиҳати, тўрт йиллик таълим даврида харажатларни қоплаш учун қўшимча ишларга эга бўлмаслиги билан изоҳланиши мумкин.

Бундан ташқари, муҳандислик йўналишидаги талабалар ўз йўналишларини таълим тўловлари кам миқдорда бўлганлиги учун танлаганликлари қайд этилди. Бу эса, 4 ва 3-саволлар ўртасида таълим йўналишига кўра ўзаро ижобий боғлиқнинг натижасида ўз исботини топмоқда (2.4-жадвалга қаранг). Умуман олганда, таълим олишнинг қийматлари иштиракчиларнинг ярми учун аҳамиятга эга бўлмоқда. Олиб борилган тадқиқотларимиз қуйидаги хулосаларга келишимизга шароит яратди:

– талаба-қизлар молиявий мустақил бўлмаганликлари сабабли таълим йўналишини танлашда шартнома қийматининг ҳажмини инобатга олишмоқда, шунингдек, молиявий юкнинг даражасини камайтиришга ҳаракат қилаётган бўлишлари мумкин;

– муҳандислик (техник) таълим йўналишидаги саволнома иштиракчилари таълим тўловининг кам миқдори сабабли хужжатларини ўзлари ўқиётган йўналишларга толширишганини



қайд этиш мумкин. Маълумки, Ўзбекистонда иқтисод таълим йўналишлари учун таълим тўлови миқдори муҳандислик (техник) йўналишдагидан бирмунча кўпроқ ҳисобланади.

Европа мамлакатларида таълим тўловларини аниқлашда йўналишнинг хусусиятларини инобатга олиш амалиёти мавжуд. Бу борада, Валкер ва Зу<sup>218</sup> томонидан ижтимоий фанлар (бизнес, ҳуқуқ ва тиббиёт) йўналишлари молиявий қайтим юзасидан инвестиция қилиш бўйича бошқа йўналишларга нисбатан юқори талабга эга бўлади.

2016 йилдан буён Ўзбекистонда олий таълим тизимида ислохотлар сезиларли даражада янги босқичга чиқмоқда. Айни даврга қадар, қабул қилинадиган талабалар сони ОТМнинг имкониятларидан келиб чиқиб белгиланган. Шу билан бир пайтда, таълим тўловлари ҳукумат томонидан таълим йўналишларига нисбатан табақалашган ҳолатда жорий қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарорга кўра қабул ҳажми бакалаврлар учун 57907 тадан 66316 тага ошиб, бу ўсиш 15 фоизни ташкил қилди. Албатта, талабаларни қабул қилиш сезиларли даражада ўсишига эришилди. 2017-2018 йилдан бошлаб, ОТМ оширилган таълим тўлови бўйича кўшимча тарзида талабалар қабул қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли қарори асосида ОТМлар кўшимча сондаги талабаларни қабул қилишлари мумкин. Жумладан, сўнгги ўтиш балидан 4 балл пастгача бўлган, лекин 68 баллдан юқори балл тўплаган абитуриентлар таълим тўловини табақалашган асосда тўлашлари мумкин бўлади. Биз уни янада аниқроқ тарзда кўришимиз мумкин:

<sup>218</sup> Walker I, Zhu Y. Differences by degree: Evidence of the net financial rates of return to undergraduate study for England and Wales//Economics of Education Review, 2011. - №30(6), - pp. 1177-1186.

– сўнгги кириш балидан 1 балл кам бўлгунча номинал таълим тўловидан 1,5 баробар кўп бўлган ҳолда;

– сўнгги кириш балидан 1,1 ва 2 балл кам бўлган оралиқда номинал таълим тўловидан 2 баробар кўп бўлган ҳолда;

– сўнгги кириш балидан 2,1 ва 3 балл кам бўлган оралиқда номинал таълим тўловидан 2,5 баробар кўп бўлган ҳолда;

– сўнгги кириш балидан 3,1 ва 4 балл кам бўлган оралиқда номинал таълим тўловидан 3 баробар кўп бўлган ҳолда;

– сўнгги кириш балидан 4 балл кўп бўлган ва 68 дан юқори бўлган оралиқда номинал таълим тўловидан 10 баробар кўп бўлган ҳолда таълим тўловлари тўланиши белгиланади.

Қайд этиш керак, табақалашган ҳолда оширилган таълим тўлови биринчи ўқув йилида тўланади ва кейинги йиллардан бошлаб, номинал таълим тўлови миқдорида амалга оширилади.

Бизнингча, таъкидлаб ўтилган миқдордаги таълим тўловлари ҳажми ОТМга ҳужжат топширувчиларнинг йўналиш танлашдаги қарорларига таъсир этиши эҳтимоллиги юзага чиқади. Мазкур тенденция эса нафақат техник йўналишдаги талабалар учун, балки иқтисодиёт (ҳуқуқ, тиббиёт) каби йўналишларга ҳужжат топширувчиларга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Фикримизча, таълим тўловининг ҳажми муҳим омиллардан бирига айланиши учун етарли шарт-шароит яратиб бериши мумкин, деб ўйлаймиз.

## 2.5-жадвал

### Сўровноманинг 3-саволига берилган жавобларнинг эконометрик таҳлили

	Жами			Эрақ			Аёл			
	Ўртача киймат	N	Стандарт	Ўртача киймат	N	Стандарт	Ўртача киймат	N	Стандарт	хағолик
3-савол бўйича жавоблар										
Ота-онам тўлайди	2,02	172	0,630	1,96	136	0,614	2,25	36	0,649	
Ўзим тўлайман	1,76	38	0,714	1,76	38	0,714	-	-	-	
Таълим кредити орқали тўлайман	1,96	27	0,706	1,95	21	0,740	2,00	6	0,632	
Давлат грантида ўқийман	1,86	51	0,601	1,80	41	0,641	2,10	10	0,316	
Жами	1,95	288	0,648	1,90	236	0,648	2,19	52	0,595	

Таълим тўловини амалга ошириш манбаларининг қандай шаклланганлиги ва унинг талабалар рейтинг балларига таъсири аниқланади. Хусусан, 2 ва 3-саволга иштирокчилар томонидан берилган жавоблари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик таҳлил қилинган. Унга кўра, ота-онаси таълим тўловларини тўлаб бераётган талабалар бошқа тоифадаги талабаларга нисбатан яхшироқ рейтингга эга бўлмоқда. Шу билан бирга, стандарт хатолик жамига нисбатан кичиклиги ҳам шунни кўрсатиб турибди (2.5-жадвалга қараң).

Тўловларни ўзи мустақил амалга оширувчилар қониқарли ва яхши рейтингга эга бўлаётганлигини қайд этиш лозим. Лекин уларнинг аксарият қисми қониқарли баҳога ўқишини ва уларни барчаси талаба-йигитлар эканлигини таъкидлаш мумкин. Талаба-қизларнинг 2/3 қисми ота-оналарининг молиявий кўмаклари орқали таълим тўловларини амалга оширмоқдалар. Шу билан бирга улар юқори рейтинг балларига эга бўлишмоқда. Талаба-қизларнинг бирортаси ҳам таълим тўловини “Ўзим тўлайман” тарзида жавоб бермаган. Бу эса мамлакатда миллий кадриятларнинг шаклланганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин (2.5-жадвалга қараң).

Тадқиқотлар давоми сифатида юқоридаги каби кўрсаткичларни таълим муассасалари кесимида тадқиқ этамиз. Алоҳида таъкидлаш лозимки, ТТЕСИдан ташқари, барча ОТМларида ота-она ёрдами орқали таълим тўловлари амалга ошираётган талабаларнинг рейтинг баллари юқори бўлмоқда. Бу эса ота-оналарнинг ролининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда. Масаланинг яна бир қизиқ жиҳати, ТТЙИда мазкур тоифадаги ҳамда давлат грантида таълим оладиган талабаларнинг сони тенг эканлиги уларнинг солиштириш имконини беради (2.6-жадвалга қараң).

Хусусан, уларнинг рейтинг баллари жуда ҳам катта фарққа эга эмас. Ундан ташқари, стандарт хатолик асосида айтиш мумкинки, давлат грантида таълим олаётганларнинг рейтинг баллари сезиларсиз даражада ота-она кўмаги остида таълим олаётганларнинг рейтинг натижаларидан камроқни ташкил этмоқда.



**Сўровноманинг 3-саволига берилган жавобларининг ОТМлар  
кесимида эконометрнк таҳлили**

ОТМ тури	3-савол бўйича жавоблар	Ўртача қиймат	N	Стандарт хатолик
ТТЕСИ	Ота-онам тўлайди	1,88	65	0,545
	Ўзим тўлайман	1,41	17	0,507
	Таълим кредити орқали тўлайман	1,70	10	0,675
	Давлат грантида ўқийман	1,79	24	0,588
	Жами	1,78	116	0,576
ТТЙИ	Ота-онам тўлайди	2,00	23	0,603
	Ўзим тўлайман	2,25	8	0,707
	Таълим кредити орқали тўлайман	2,50	2	0,707
	Давлат грантида ўқийман	1,96	23	0,562
	Жами	2,04	56	0,602
ТМИ	Ота-онам тўлайди	2,19	54	0,702
	Ўзим тўлайман	1,78	9	0,833
	Таълим кредити орқали тўлайман	2,09	11	0,701
	Давлат грантида ўқийман	2,00	2	1,414
	Жами	2,12	76	0,730
ТДИУ	Ота-онам тўлайди	2,07	30	0,640
	Ўзим тўлайман	2,25	4	0,500
	Таълим кредити орқали тўлайман	2,00	4	0,816
	Давлат грантида ўқийман	1,50	2	0,707
	Жами	2,05	40	0,639

Бундан ташқари, мазкур муассасадаги таълим тўловини мустақил тарзда тўлайдиган талабалар шу ОТМдаги бошқа талабалардан сезиларли даражада юқори рейтингга эга бўлишмоқда. Аксинча, таълим тўловни тўлашда мустақил бўлган ТМИ талабалари шу ОТМнинг бошқа талабаларига нисбатан паст рейтингга эришмоқда. ТТЕСИ талабаларининг жавобларига тўхталадиган бўлсак, юқори рейтинг балларига эга бўлмаётганлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, мазкур муассасанинг тўловларни мустақил равишда амалга оширувчи

талабалари нисбатан энг кичик рейтинг натижаларига эга бўлмоқда (2.6-жадвалга қаранг).

Олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида йўналишлар бўйича таҳлилларни давом эттирамиз. Бунда техник йўналишда таълим олувчиларнинг рейтинг баллари иқтисодиёт йўналишидаги талабаларнинг натижаларига нисбатан кам бўлаётганлигини таъкидлашимиз мумкин. Иқтисодиёт йўналишида таълим олувчи талабалар ота-она кўмаги орқали таълим тўловини амалга оширувчилар худди шу тоифадаги техника йўналишидаги талабаларнинг рейтинг натижаларидан бирмунча юқори бўлмоқда. Ўз навбатида, мустақил тарзда тўловларни амалга оширувчи талабалар доирасида ҳам иқтисодиёт йўналишидаги талабаларнинг рейтинг баллари юқори бўлмоқда. Умуман олганда, иқтисодиёт йўналишидаги талабаларнинг рейтинг баллари юқорироқ бўлмоқда (2.7-жадвалга қаранг).

## 2.7-жадвал

### Сўровноманинг 3-саволига берилган жавобларнинг йўналишлар кесимида эконометрик таҳлили

Йўналишлар 3-савол бўйича жавоблар	Ўртача қий- мат	N	Стандарт хатолик
Техник ОТМ Ота-онам тўлайди	1,91	88	0,560
Ўзим тўлайман	1,68	25	0,690
Таълим кредити орқали тўлайман	1,83	12	0,718
Давлат грантида ўқийман	1,87	47	0,575
Жами	1,86	172	0,596
Иқтисодий ОТМ Ота-онам тўлайди	2,14	84	0,679
Ўзим тўлайман	1,92	13	0,760
Таълим кредити орқали тўлайман	2,07	15	0,704
Давлат грантида ўқийман	1,75	4	0,957
Жами	2,09	116	0,698

Қайд этиш керакки, таълим олиш давомида унга ажратиладиган вақт ҳамда молиявий манбаларнинг барқарорлиги билан бирга

йўналишнинг ҳам таъсир этиш эҳтимолиги мавжуд экан. Масалан, таълим тўловини таълим кредити асосида тўлайдиган талабалар миқёсида ҳам иктисодиёт йўналишида таълим олувчиларнинг якуний натижалари юқори бўлмоқда. Яъни ушбу кўрсаткич ўртача мос равишда 1,83 ва 2,07 ни ташкил этмоқда (2.7-жадвалга қаранг).

Таълим тўловини амалга ошириш манбаларининг қанчалик таълим олиш даражасига бўлган таъсири ўрганилган бўлса, худди шундай тенденциясини кунлик харажатлар доирасида ҳам кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Таълим олиш жараёнларига кунлик харажатларни қоплашга қаратилган фаолиятнинг таъсири таълим тўлови миқёсидан кўра сезиларлироқ бўлиши мумкин экан. Хусусан, умумий ҳолатдаги трендни кузатсак, кунлик харажатларни қоплашни ўз даромадлари орқали амалга оширувчилардан бошқалар катта қисми камда “яхши” рейтингга ўқимокдалар. Аксинча, стипендияни кунлик харажатларни қоплашга тўлиқ етказиш орқали молиявий таъминотга эга бўлаётган талабалар бошқа харажатларни бошқа манбалардан қопловчилардан кўра биров юқори рейтингга эга бўлишмоқда (2.8-жадвалга қаранг).

## 2.8-жадвал

### Сўровноманинг 5-саволига берилган жавобларнинг эконометрик таҳлили

5-савол бўйича жавоблар	Жами			Эркак			Аёл		
	Ўртача қиймат	N	Стандарт хатолик	Ўртача қиймат	N	Стандарт хатолик	Ўртача қиймат	N	Стандарт хатолик
Ўз даромадларим орқали	1,82	109	0,669	1,77	101	0,662	2,38	8	0,518
Дўстимдан қарз оламан	2,00	12	0,739	2,00	10	0,667	2,00	2	1,414
Ота-она ёрдами орқали	2,02	136	0,614	1,97	99	0,614	2,16	37	0,602
Стипендия ўзи қоплайди	2,13	31	0,619	2,12	26	0,653	2,20	5	0,447
Жами	1,95	288	0,648	1,90	236	0,648	2,19	52	0,595



Агар биз натижаларни алоҳида жинслар ўртасида кўриб ўтадиган бўлсак, ўз даромадлари асосида кунлик харажатларни қоплайдиган талаба-йигитлар сезиларли даражада талаба-қизларга қараганда кам баллар олишмоқда. Кунлик харажатларни ота-она кўмагида ва ўз даромадлари асосида қоплайдиган талаба-йигитлар деярли бир хил сонда бўлмоқда. Талаба-қизларда эса ота-оналарнинг кўмагидан фойдаланувчилар деярли 5 баробар кўпни ташкил этмоқда. Шундай бўлсада, ота-оналар даромадлари орқали харажатларни қопловчи талаба-йигитлар кўпроқ қисми таккосланаётган тоифадагиларга нисбатан юқорироқ рейтингга эга бўлмоқда. Талаба-қизларда эса мазкур ҳолатнинг акси ривожланганлигини кўришимиз мумкин (2.8-жадвалга қаранг).

Хессел Оустрбек, Анжа ван ден Брок<sup>219</sup>лар голланд талабаларининг олий таълим олишда уни молиялаштириш борасидаги молиявий қарз олишларини тенденцияларини ўрганади. Улар қайд этишадикки, кам сонли голланд талабалари олий таълим олишлари учун давлатдан таълим кредитлари олишмоқда. Бирок улар ўз таълим йўналишларига боғлиқ бўлмасда, ўқишдан ташқари қўшимча ишлар орқали таълим олишни молиялаштиришни афзал кўришмоқда. Мазкур омиллар доирасида, уларнинг таълим олишлари икки йилгача чўзилиб, 4 йиллик таълим 6 йилда тамомланишига шароит яратилмоқда. Шу сабабли, голланд ҳукумати талабаларни давлатдан таълим кредитлари олишларини ҳамда кўпроқ ўқиш билан банд бўлишларини рағбатлантирувчи механизмларни изламоқда.

Биз ОТМлари кесимида талабаларнинг кунлик харажатларни қоплашида молиявий манбаларнинг ўзаро ривожланишини тадқиқ этиб ўтамыз. ТДИУ талабаларидан ташқари бошқа ОТМларда кунлик харажатларни ўз даромадлари ҳисобидан қоплайдиган талабалар ўз ОТМларидаги бошқа тоифадаги талабаларнинг рейтинг балларидан камроқни ташкил этмоқда (2.9-жадвалга қаранг).

Жумладан, техника йўналишидаги таълим муассасаларида мазкур гуруҳдаги талабалар “қониқарли” рейтинг натижаларига эга бўлишмоқда. Демак, даромад топиш мақсадида ўқиш билан

<sup>219</sup> Hessel Oosterbeek, Anja van den Broek *An empirical analysis of borrowing behaviour of higher education students in the Netherlands* Economics of Education Review 28, 2009, – pp. 170–177.

бирга қўшимча иш фаолиятини амалга ошириш таълимнинг натижаларига ўз таъсирини ўтказар экан. Шу билан бирга, кунлик харажатларини стипендия доирасида қопловчи талабаларнинг рейтинглари ўз ОТМлари доирасида юқори даражада шаклланмоқда (2.9-жадвал).

Таъкидлаш лозимки, таълим олиш давомида қўшимча иш фаолиятини амалга ошириш натижасида таълим сифат кўрсаткичларига таъсир этмоқда. Шу боисдан, олий таълимни молиялаштириш механизмининг янгича ёндашувлар асосида такомиллаштириш ҳамда таълим сифатини оширишга шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

### 2.9-жадвал

#### Сўровноманинг 5-саволига берилган жавобларининг ОТМлар кесимида эконометрик таҳлили

ОТМ тури	5-савол бўйича жавоблар	Ўртача киймат	N	Стандарт хатолик
ТГЕСИ	Ўз даромадларим орқали	1,63	54	0,623
	Дўстимдан қарз оламан	1,80	5	0,837
	Ота-она ёрдами орқали	1,91	46	0,509
	Стипендия ўзи қоплайди	1,91	11	0,302
	Жами	1,78	116	0,576
ТГҲИ	Ўз даромадларим орқали	1,93	14	0,616
	Дўстимдан қарз оламан	2,00	5	0,707
	Ота-она ёрдами орқали	2,00	26	0,566
	Стипендия ўзи қоплайди	2,27	11	0,647
	Жами	2,04	56	0,602
ТМИ	Ўз даромадларим орқали	2,00	31	0,730
	Дўстимдан қарз оламан	2,50	2	0,707
	Ота-она ёрдами орқали	2,19	36	0,710
	Стипендия ўзи қоплайди	2,14	7	0,900
	Жами	2,12	76	0,730
ТДИУ	Ўз даромадларим орқали	2,10	10	0,568
	Ота-она ёрдами орқали	2,00	28	0,667
	Стипендия ўзи қоплайди	2,50	2	0,707
	Жами	2,05	40	0,639

Агар биз юқорида келтириб ўтилган таҳлилларимизни йўналишлар кесимида амалга оширсак, иқтисодиёт йўналишида таълим оловчи талабалар техника йўналишидаги талабаларга нисбатан юқори рейтинг балларини қайд этишмоқда. Демак, таълим олишда харажатларни қоплаш учун молиявий механизмдан ташқари таълим йўналишининг ҳам таъсири бўлиши мумкин экан (2.10-жадвалга қаранг).

Саволномада талабалар олий маълумот олиш учун таълим ва бошқаларга тўловларни қандай амалга ошираётганликларини аниқлашга қаратилган. Шу билан бирга, кунлик тўловларни қоплаш бўйича ҳолатлар ҳамда таълим тўлови ҳажмининг йўналишни танлашга бўлган таъсири каби амалиётлар аниқлашга ҳаракат қилинган.

## 2.10-жадвал

### Сўровноманинг 5-саволига берилган жавобларининг йўналишлар кесимида эконометриқ таҳлили

Йўналишлар	5-савол бўйича жавоблар	Ўртача киймат	N	Стандарт хатолик
Техник ОТМ	Ўз даромадларим орқали	1,69	68	0,629
	Дўстимдан қарз оламан	1,90	10	0,738
	Ота-она ёрдами орқали	1,94	72	0,528
	Стипендия ўзи қоплайди	2,09	22	0,526
	Жами	1,86	172	0,596
Иқтисодий ОТМ	Ўз даромадларим орқали	2,02	41	0,689
	Дўстимдан қарз оламан	2,50	2	0,707
	Ота-она ёрдами орқали	2,11	64	0,693
	Стипендия ўзи қоплайди	2,22	9	0,833
	Жами	2,09	116	0,698

Сўровномада иштирок этган 288 та талабадан 51 нафари давлат грантлари асосида ўқишларини маълум қилган ва ўз навбатида улар таълим йўналишларини танлашда ота-оналарнинг тавсияларига бирламчи омил сифатида қарамаганликларини аниқлаш мумкин. Умуман олганда, таълим йўналишини танлаш



бўйича мустақил бўлган талабалар ҳам кунлик харажатларни қоплаш жараёнида ота-оналарнинг молиявий кўллаб-қувватлашларига эҳтиёж сезишларини қайд этиб ўтадилар. Мазкур тенденциянинг шаклланиши ота-оналарнинг роли юқори эканлигини яна бир бор қатъий исботлайди.

Олиб борилган тадқиқотларимизга асосан қуйидагиларни қайд этишимиз мумкин:

– ота-оналар фарзандларининг олий таълимда иштирок этишлари учун барча ёрдамларни амалга оширмоқдалар;

– таълим тўловларини ўзлари мустақил равишда амалга оширувчи талабаларнинг кам сонли қисми ота-оналарнинг йўналиш танлови бўйича тавсияларини инобатга олишмоқда;

– аксарият муҳандислик йўналишидаги талабалар таълим тўловларини ота-оналаридан молиявий ёрдам олмасдан тўлашга ҳаракат қилмоқдалар;

– харажатларни қоплаш борасида мустақил бўлган талабалар таълим тўлови кичик бўлган йўналишларга ҳужжат топширишмоқда;

– сўровномада иштирок этганларнинг юқори баҳога эга бўлганларнинг умумий сонидан иқтисодчилар муҳандисларга нисбатан икки баробар кўп бўлса, таълим тўловларини мустақил тўловчилар бўйича эса муҳандисларнинг сони иқтисодчиларга қараганда икки қисса кўп эканлиги аниқланади;

– таълим тўловларида ота-оналарнинг даромадлари муҳим аҳамиятга эга бўлсада, сўровномада иштирок этганларнинг ярмидан кўп қисми кунлик харажатларни мустақил равишда қоплашга (стипендия етмаган ҳолатларда) ҳаракат қилмоқдалар.

### **1.5. Олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларда қайд этилиши – Учинчи Ренессанс омили**

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг жадал ривожланиши олий таълим соҳасидаги ислохотлар кўламининг чуқурлашуви билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлди. Бу борада, 2017 йилда Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниши айтиш мумкин бўлди. Сўнгги беш йилда олий таълим

муассасаларининг сони икки баробарга ошиб, 2021 йил сентябр ҳолатига 140 дан ошиқни ташкил этмоқда. Бунда давлат, хусусий ва хорижий олий таълим муассасаларининг Ўзбекистондаги филиаллари кўламининг ортиши билан боғлиқ ҳисобланади. Олий таълим муассасалари сони икки баробарга ортишида хусусий олий таълим муассасаларининг илк маротаба очилишига руҳсат берилиши, хорижий филиаллар билан бирга Тошкентда жойлашган давлат олий таълим муассасалари вилоят филиаллари ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Сўнгги беш йилда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси 3 баробар оширилди. Эндиликда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 28 фоизга етказилди<sup>220</sup>” деб таъкидлаб ўтди.

Олий таълим билан қамров даражаси 3 баробарга оширилганлиги соҳадаги ислохотларнинг кўлам даражасини тасаввур қилишга имкон беради. Бунинг натижасида, кўплаб ёшларимизнинг олий маълумот олиши таъминланмоқда. Уларнинг хорижий давлатларга таълим олиш мақсадидаги кетишлари сони ҳам қисқаришига ёрдам бериб, Ўзбекистондан тўланадиган хорижий валюта ҳажми оқимининг камайишига хизмат қилмоқда. Ушбу ҳолатларнинг мавжуд бўлиши ислохотларнинг жадал ва кенг кўламли эканлигини ифодалаб беради.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизда учинчи уйғониш даврини бошлашга бўлган зарурат ва имкониятлар борасида кўп бора таъкидлаб келмоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида мамлакатимизнинг шонли тарихини яратиб ва юқори технологияларга асосланган иқтисодий қуришнинг долзарблиги билан ифодалашимиз мумкин. Жумладан, “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни**

<sup>220</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев: Бекиб имкониятларни яратиб берган истиқлолимиз жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамisha энг еркин, ўчмас саҳифа бўлиб қолади. 2021 йил 31 август. Манба: <https://president.uz/uz/lists/view/4597>

**яратишимиз керак.** Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий гоямизнинг асосий устувлари бўлиб хизмат қилиши лозим<sup>221</sup>” деб таъкидлаб ўтилганлиги таълим тизимининг нечоғли муҳим эканлигини ўзида акс эттириб беради.

Иқтисодиётни ривожлантиришда таълим тизимининг олдига бу каби вазифаларнинг қўйиши билан олий таълим тизимининг ҳам замонавий трансформацияларга мослашиши зарурати юзага чиқади. Олий таълим бозорининг кенгайиши унга нисбатан ҳам бир қатор талабларни вужудга келтирмоқда, десак муболага бўлмайди. Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг халқаро академик рейтингларда жой олиши ҳозирги ислохотларнинг ҳосиласи бўлиши ва бугунги куннинг долзарб масаласи эканлигини таъкидлаш лозим.

Бизнингча, олий таълим тизимидаги ҳозирги ислохотлар олий таълим муассасаларининг ҳам академик, ҳам молиявий мустақиллигини таъминлашдек энг муҳим икки фундаментал кўрсаткични ўзида акс эттирмоқда. Бу эса, уларнинг олий таълим бозоридаги фаолиятини кафолатлаш билан бирга, уларга қатор вазифаларни ҳам юкламоқда, десак хато бўлмайди. Улардан бири олий таълим муассасаларининг халқаро академик рейтингларда жой олиши билан ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли қабул қилиниши олий таълим тизимининг стратегик мақсадларини белгилашда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжатда республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат

<sup>221</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабр. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>



университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш, олий таълим муассасаларининг академик, молиявий мустақиллигини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган вазифалар белгилаб берилган.

Бизнингча, олий таълим тизимини ривожлантириш стратегияси икки турдаги масалани амалга ошириш билан ўз аксини топди. Улар: академик мустақиллик ва молиявий мустақиллик. Ушбу икки омилнинг таъминланишига эришиш стратегик ривожланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Таълим тизимини ривожлантиришнинг муҳим жиҳати – бу камбағалликни бартараф этишга имкон беришидир. Бу борада, профессор В.Квинтнинг “Стратегиялаш назарияси ва амалиёти” асарини камбағаллик таълим даражаси билан боғлиқлиги таъкидлаб ўтилади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда камбағалликни олдини олишнинг асосий стратегияси сифатида таълим тизимини олиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаб ўтилган стратегик мақсадларга эришишда халқаро рейтинглардан муносиб жой олиш муҳим натижавий омил бўлмоқда. Ҳозирги кунга қадар кўплаб мунозарали ҳолатлар мавжудки, улар Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларда ақс этмаганлиги сабаблари таҳлили билан боғлиқ ҳисобланади. Бизнингча, Харакатлар стратегияси ва ПФ-5847-сонли Президент ҳужжатларининг қабул қилинишига қадар, мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларда қайд этилмаганлиги, уларнинг бунга бўлган эҳтиёжи мавжуд бўлмаганлиги билан ифодалаш лозим. Бошқача айтганда, ўзбек ОТМларига халқаро рейтингларда иштирок этиш манфаатли бўлмаган.

Жаҳон тажрибасида, олий таълим муассасалари халқаро рейтингга киришдан кўзланган асосий мақсади ўз олийгоҳларига ер шарининг турли нуқталаридан талабаларни жалб этиш ҳисобланади. Бу эса, олий таълим муассасаларининг мустақил мотивацияларини шакллантиришга замин ҳозирлайди. Бизнингча, квота тизимининг мавжуд бўлиши мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг бозори аниқлиги ва унга талабгорларнинг сони эса 11 баробар (олий таълим билан қамров 9 фоиз бўлганлигини инобатга олганда) кўп эканлиги ҳаракатсизликнинг бош омили бўлиб хизмат қилган.

Ҳозирги кунда квоталари мустақил белгиланаётган таълим йўналишлари ўртасида рақобат муҳитининг шаклланганлигини қайд этиш мумкин. Масалан, давлат олий таълим муассасалари базаларида хорижий ҳамкорлар билан ташкил этилган қўшма таълим дастурлари квоталари тегишли тартибда юқори турувчи органлар билан келишилган ҳолда ўқув базаси имкониятларини инobatга олиб мустақил белгиланади. Мазкур амалиётнинг ривожланаётганлиги улар ўртасида ўзаро соғлом курашнинг вужудга келишига хизмат қилмоқда. Натижада, қўшма таълим дастурлари мавжуд олий таълим муассасалари интернет ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда пулли реклама хизматларидан фойдаланишмоқда. Ушбу рекламалар учун маблағлар сарфлашмоқда.

Бизнингча, ушбу тенденциянинг ривожланиши абитуриентлар ўртасида ҳам танлов имкониятини вужудга келтириб, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга етарли шарт-шароитларни ҳозирлайди.

Шу боисдан, олий таълимда талабалар қабул қилишда квота тизимидан воз кечиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон олий таълим тизимининг ривожланишида муҳим тўсиқлардан бири бўлган квота амалиётининг шаклланиб қолганлигидир. Мазкур ҳолатнинг мавжудлиги бир неча фундаментал муаммони келтириб чиқаришга сабаб бўлган.

Биринчидан, олий таълимни қамраб олиш даражаси пасайишига олиб келган. 2016 йилга қадар Ўзбекистонда талабаларнинг умумий улуши олий маълумот олиш истагини билдирган абитуриентлардан бир неча баробар паст бўлган, натижада, Олий таълимни қамраб олиш миқёси 10 фоизга ҳам етмаган. 2021 йилга келиб мазкур кўрсаткич сезиларли даражада ошиши кузатилмоқда.

Иккинчидан, макроиқтисодий мувозонатга биноан ялпи талаб ва ялпи таклиф ўзаро балансда бўлиши тавсия этилади. Шундай бўлишига қарамаздан, олий таълим олиш истагини билдирганлар (ялпи талаб)ни тўлиқ қондириши учун етарли олий таълим муассасалари ва улардаги ўринлар сони (ялпи таклиф)ни шакллантиришга етарли эътибор қаратилмади. Натижада, Ўзбекистонлик абитуриентлар хорижий давлатларга олий таълим



олиш учун кетишни бошладилар. Бу эса, таълим импортини ривожланишига шарт-шароитни юзага келтирди. Ушбу ҳолатнинг шаклланиши биринчидан, Ўзбекистондан хорижий валюта чиқиб кетишини, иккинчидан, юқори салоҳиятли кадрларни хорижга кетиб қолишига сабаб бўлди.

Шу билан бирга, 2020 йил 1 январдан ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиши белгиланган олий таълим муассасалари квоталарни босқичма-босқич мустақил белгилашлари муҳим қадамлардан биридир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори шуни назарда тутди.

Учинчидан, Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларда ўрин олишига тўсқинлик қилди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, олий таълим муассасалари халқаро рейтинглардан ўрин олишидан асосий мақсад талабаларни жалб этиш ва шу орқали молиявий барқарорликка эришиши ҳисобланади. Бизнинг тажрибамизда эса, олий таълим муассасаларининг таълим бозорида рақобатлашишига заруратнинг йўқлиги юзага келтирилди. Бошқача айтганда, ҳар бир олий таълим муассасаси ўзи қабул қиладиган талабаларнинг сони (квота)нинг белгиланиши ОТМларни таълим бозорида мижоз учун курашишга ундамади. Бу эса, ўзбек ОТМларига халқаро рейтингга киришдан манфаатдорлиқни йўқлигини юзага чиқариб берди.

Академик мустақиллик билан боғлиқ айрим жиҳатлар борки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг белгилаб берган қатор вазифаларининг ижроси тўлиқ таъминланиши билан сезиларли ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади. Уларни қуйида кўриб ўтиш мумкин:

1. Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таянч олий таълим муассасаси категориясининг сақланиб қолганлиги. Мазкур тенденциянинг шаклланганлиги қуйидаги мураккабликларни юзага чиқариб берди:

Биринчидан, ОТМларнинг академик мустақиллиги йўқолди. Масалан, Тошкент молия институти 5230600-“Молия” таълим йўналишига таянч ҳисобланиб, унинг ўқув режасини ишлаб чиқиши белгиланган. Бу эса, бошқа ОТМда ўқитиладиган худди



шу йўналишдаги фанларнинг белгиланганидан ташқари мустақил фанлар киритиш имконини бермаган. Натижада, ОТМлар ўртасида ўзаро рақобат қилиш учун фундаментал шароитлар яратилмаган.

Иккинчидан, ОТМлари мустақил таълим йўналишларини жорий этишга шароит мавжуд бўлмаган. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ОТМ кенгашлари ўзлари мустақил тарзда бозор талабларидан келиб чиқиб мутахассислик номларини жорий этадилар ва бозор талабларига тез мослашишга эришадилар.

Шу боисдан, Президентимиз 2020 йилги ўз Мурожаатномаларида “Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради” деб таъкидлаб ўтдилар.

2. Ўзбекистон ОТМларида молиявий мустақилликни тўлиқ таъминланмаганлиги.

Биринчидан, таълим контракт-тўловининг бир йўналиш доирасидаги ўзаро рақобатга асосланмаганлиги. 2020 йилдан бошлаб молиявий мустақиллик мақомини олган муассасалар томонидан талабаларнинг стипендиялари тўланиши. Бизнингча, мазкур ҳолатда талабаларнинг стипендиялари молиявий мустақил бўлган муассасасининг маблағлари эмас, балки давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳолат бир жиҳатдан, олий таълим муассасасининг бизнес стратегияларига уйғун бўлмаслиги, бошқа бир жиҳатдан талабаларнинг билим олишидаги молиявий мотивациянинг нобарқарорлашувиغا олиб келади, деб ўйлаймиз. Бошқача айтганда, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан шартнома асосида ўқийдиган талабаларнинг стипендиялари қопланмайди. Талабалар ўзлари тўлаган суммаларни сезиларли қисмини қайтариб олаётганларини инобатга олинса, бюджетдан ташқари манбаларнинг улушини янада оширишни талаб этади.

Бирок, эътибор бериш керак, олий таълим муассасаларида моддий техник база ва профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти турлича бўлишига қарамай, бир йўналиш учун турли олий таълим муассасаларида бир хил таълим контракт-тўловлари белгиланади. Бу эса, олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини мустаҳкамлашни янада кечиктиришга сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда халқаро академик рейтингларда муносиб ўрин олишда олий таълим муассасаларида қатор ишлар амага оширилмоқда. ТНБ ва QS ranking методологияларига эътибор қаратсак ўқув, илмий ва халқаро ишларнинг ўрни муҳим роль ўйнаши кўзга ташланади.

ТНБ рейтингининг методологиясида ўқиш (ўрганиш учун яратилган шарт-шароит – 30 фоиз), тадқиқот (кўлами, даромад ва репутацияси – 30 фоиз), ҳавола (тадқиқот таъсири – 30 фоиз), халқаро ҳамкорлик (ҳодимлар, талабалар ва тадқиқот – 7,5 фоиз) ва саноатдан даромад (билимлар трансфери, яъни илмий тадқиқот натижаларини сотиш – 2,5 фоиз) каби кўрсаткичлар асосий омил сифатида ҳисобланади.

Мазкур рейтингнинг кўрсаткичларида ўқув-академик фаолиятнинг натижалари талабаларнинг билим олганлик даражасини баҳолаш билан юзага чиқарилади. Бирок, халқаро рейтингда минглаб университетлар ва уларнинг дунёнинг турли нуқталарида жойлашганлиги боис талабалар билимини реал вақт режимида баҳолашнинг имкони мавжуд эмас. Шу боисдан, унинг таркибий қисмлари қуйидагича тақсимланган: академик сўровнома – 15 фоиз бўлиб, унда олий таълим муассасасининг таниқлилик даражаси билан шаклланади. Профессор-ўқитувчи ва талаба нисбати – 4,5 фоиз, мазкур кўрсаткич дарс сифатининг нечоғлик даражада эканлигини кўрсатишга хизмат қилади. Мазкур индикаторнинг нисбат даражаси кичик бўлиб бориши дарс сифатининг юқори эканлигини аниқлаб боради. Масалан, талабалар ва профессор-ўқитувчи нисбати 9:1 бўлса, 16:1 га қараганда ижобийроқ ҳулосани шакллантиришга асос бўлиб қолади. Илмий даражалиларнинг талабаларга ва жами академик таркибдагиларга нисбати мос равишда 2,25 фоиз ва 6 фоизни ташкил қилади. Бу билан эса, олий таълим муассасасида қанчалик кўп илмий салоҳиятли профессор-ўқитувчилар дарс ўтса, таълим сифати шунча яхши деб баҳоланади.

Тадқиқотлар кўлами ва уларга ҳаволалар биргаликда 60 фоизни ташкил этади. Бу эса, мазкур рейтингда илмий тадқиқот фаолияти асосий кўрсаткичга айланиб улгуради. Ҳозирги кунда Ўзбекистон олий таълим муассасаларида Web of Science ва Scopus халқаро илмий базаларида мақолалар нашр этишга бўлган



муҳитнинг шаклланаётганлиги ушбу кўрсаткичнинг янада мустақкам бўлишига хизмат қилади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019 – 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарориди илмий даражали ходимларга 30 ва 60 фойзгача устамалар тўланагини белгилаб берилган. Мазкур ҳужжатнинг ижроси сифатида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарориди эса мазкур устама ҳақ халқаро илмий базаларда мақолалар чоп этиш кўрсаткичи алоҳида қайд этилган. Бу эса ўз навбатида, илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантиришга шарт-шароит яратса, иккинчидан халқаро рейтинглардан жой олишда хизмат қилади.

Илмий тадқиқот фаолияти натижаларига бошқа олим, тадқиқотчилар томонидан ҳаволалар берилиши салкам 1/3 баробарга тенг бўлмоқда. Шу билан, илмий тадқиқотлар Web of Science ва Scopus халқаро илмий базаларида нашр этилиши ва ушбу базалар доирасида ҳаволаларга эришиш лозим бўлади. Сабаби, махкур илмий базаларда нашр этилган мақолаларга Ўзбекистондаги журналда ўзбек тилида нашр этилган мақолада ҳавола бериши халқаро даражада умуман таъсирга эга бўлмайди.

Кейинги навбатда асосий кўрсаткичлардан бири – бу халқаро ҳамкорлик фаолияти ҳисобланади. Бунда хорижий профессор-ўқитувчилар, хорижий фуқаро-талабаларнинг улушининг қанчалик катта бўлиши билан ушбу кўрсаткич мустақкамланиб боради. Бизнингча, хорижий ўқитувчи ва талабаларни жалб этишда олий таълим муассасалари хорижий тилларда ўқув машғулотилари ўтиладиган академик гуруҳларни шакллантиришлари лозим бўлади. Сабаби, хорижий ўқитувчи ва талаба ўзбек ёки рус тилида ўқув машғулотларида иштирок эта олмаслиги мумкин.

Фикримизча, олий таълим муассасалари ўқув, илмий ва бошқа фаолиятига жалб этилган хорижий фуқаролар, профессор-ўқитувчилар ва хорижий талабаларнинг Ўзбекистонда бўлиш учун виза ва ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи ва бошқа тўловларни тўлашни бекор қилиш долзарб



ҳисобланади. Шу билан бирга, хорижий талабалар ва профессор-ўқитувчи, экспертларнинг виза ва рўйхатга олиш муддатларини мамлакатдан чиқмасдан туриб муддатини узайтириш тартибини ҳам белгиланиши муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда, олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар дастлаб таълим сифатининг ошишига, илмий тадқиқотлар натижавийлиги ва халқаро ҳамкорликнинг мустақамланишига хизмат қилиши зарур. Натижада, Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг халқаро даражада эътироф этилишига шарт-шароит юзага келади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида олий таълимни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Олий таълим муассасаларида академик мустақиллик даражасини оширишда профессор-ўқитувчилар нисбатини оптималлаштиришга имкон бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Халқаро илмий базаларда мақолалар нашр этиш, дастлаб мазкур базаларга олий таълим муассасаларида туриб улана олиш ва улардан илмий асарларни олиб ўқиб-ўрганишга шарт-шароитларни яратиш ҳам сезиларли аҳамиятга эга.

Олий таълим тизимида давлат хусусий шериклик амалиётини ривожлантириш. Бунда иш берувчилар томонидан мустақил танловлар асосида танланган абитуриентлар уларнинг буюртмасига кўра олий таълим муассасаси томонидан имтиҳонларсиз ўқишга қабул қилиниши. Бунда иш берувчи ўзининг бир гуруҳ истиқболли танланган абитуриентларини талаба сифатида таълим олишлари учун барча таълим тўловларини тўлаб берадилар. Ўз навбатида, ушбу механизмнинг жорий этилиши қуйидагиларга имкон беради:

– таълим тўловларини тўлашда хусусий манбалардан фойдаланиш имкони юзага келади;

– олий таълим муассасалари абитуриентларни кириш имтиҳонларини ташкил этишига зарурат қолмайди;

– мазкур механизм орқали олий таълим муассасаларини битирган талабалар ишга жойлашишидаги муаммолар тизимли равишда барҳам топади;

– талабаларнинг ўқишни муваффақиятли битиришлари учун нафақат ота-оналар, балки иш берувчиларнинг ҳам манфаатдорлиги ошади.

Олий таълим муассасаларида квоталар тизимини бекор қилиб, олий таълим муассасаси сизимкорлиги асосида талабалар қабул қилиш методини жорий этиш.

Олий таълим муассасаларида Кенгашлар томонидан мустақил тарзда мутахассисликларни жорий этишни имконини яратиш;

Олий таълим муассасаларида таянч таълим категориясини бекор қилиш орқали мутахассисликларни тайёрлашда фанлар таркибини мустақил белгилаш имконини бериш.

Олий таълим муассасаларининг мамлакат миқёсидаги расмий рейтинги ҳамда бошқа ютуқларини инобатга олган ҳолда таълим учун тўловларни шакллантиришнинг ихтисослашган услубият орқали белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Таъкидлаш лозим, олий таълим муассасасига тўланадиган таълим тўлови билан ўқитувчиларнинг ойлик маошлари ва уларни моддий рағбатлантириш ўртасида боғлиқлик кўзда тутилиши лозим. Бу ҳам бюджет маблағларининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини аңлатади.

Мамлакатимизда олий таълим муассасалари молиявий мустақиллиги кенг жорий қилинаётган бир пайтда молиявий хужжатларнинг мустаҳкамланмаганлиги кўзга ташланади. Жумладан, таълим тўлови, иш ҳақига қўшимча устамалар белгилаш, эндаумант фондларини ташкил этиш ва бошқа молиявий фаолиятларни тартибга солиш мақсадида “Олий таълимни молиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилишни тавсия қиламиз.

### **Боб бўйича хулосалар**

Монографиямизнинг учинчи бўлимида олиб борилган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги илмий хулоса ва таклифларни шакллантиришга эришдик:

1. Таълим тизимини молиялаштиришда давлат бюджетидан халқ таълими, ўрта махсус таълим ва олий таълим тизимларига ажратилган ҳолда молиявий маблағлар йўналтирилмоқда. Натижада, халқ таълими ва ўрта махсус таълим тизимларида

аҳолини бепул таълим олишлари учун шароитлар яратилмоқда. Олий таълимда эса, бепул таълим билан таъминланиш миқёси камайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

2. Ўзбекистонда олий таълимни молиялаштиришда таълим кредитлари бўйича қуйидаги ҳулосалар келиб чиқади:

– олий таълим муассасалари талабалари шартнома тўловларини тўлашда тижорат банклари кредит алоҳида аҳамиятга эга бўлсада, унинг ҳисобидан тўланган тўлов таълим қийматини ошишига шароит яратади. Сабаби, талаба бакалавр даражсига эга бўлгандан сўнг, 3 ой ўтиб (2017 йил июндан бошлаб) 14 фоиз устама билан қайтариши лозим. Бизнингча, кредитни қайтариш муддати узайтирилиб, фоиз камайтиришни назарда тутиш таълим қийматига кескин таъсирни пасайиши таълим кредити юзасидан манфаатдорликни оширишга хизмат қилади;

– шу билан бирга, таълим кредити молиявий имкониятлари юқори бўлмаган талабаларнинг таълим тўловини тўлаши учун қулай яхши имкониятларни бермоқда.

3. Олий таълим муассасаларида шартнома асосида таълим оладиган талабалар ўзлари тўлаган таълим тўловларининг 60-90 фоизини қайтариб олмоқдалар, натижада талабалар стипендиялари давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан қопланишига зарурият туғилмаяпти. Шу боисдан, бюджетдан ташқари манбаларнинг улушини янада оширишни талаб этилади. жумладан, профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти улушини инобатга олган ҳолда, таълим тўлови суммаларини белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бизнингча, олий таълим муассасаларининг мамлакат миқёсидаги расмий рейтинги ҳамда бошқа ютуқларини инобатга олган ҳолда таълим учун тўловларни шакллантиришнинг ихтисослашган услубият орқали белгилашни жорий этиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

4. Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасаларидан тўрттасининг талабалари ўртасида улар олий таълим олишлари учун амалга ошираётган харажатларини касб танлашларига ва билим олишларига бўлган таъсирини баҳолашга қаратилган сўровнома ўтказиш асосидаги тадқиқотларимизга кўра қуйидагиларни қайд этишимиз мумкин:



– талабалар олий маълумот олишлари учун ота-оналарнинг молиявий кўмаклари ўзига хос аҳамиятга эга бўлмоқда;

– таълим йўналишини танловини амалга оширишда ота-оналарнинг тавсияларини таълим тўловларини ўзлари мустақил равишда амалга оширувчи талабаларнинг кам сонли қисми инобатга олишмоқда;

– муҳандислик таълим йўналишида ўқийдиган аксарият талабалар ота-оналаридан молиявий ёрдам олмасдан таълим тўловларини тўлашга ҳаракат қилмоқдалар;

– мустақил тарзда харажатларни қопловчи талабалар таълим тўлови нисбатан кам бўлган таълим йўналишларига ҳужжат топширишмоқда;

– муҳандислик таълим йўналишидаги талабалар мустақил равишда таълим тўловларини амалга оширувчи худди шундай иқтисодиёт таълим йўналишидаги талабалар сонига нисбатан икки ҳисса кўп бўлса, юқори баҳога эга бўлганларнинг умумий сонига иқтисодчилар муҳандисларга нисбатан икки баробар кўпни ташкил этган;

– сўровномада иштирок талабаларнинг ярмидан кўп қисми стипендия етмаган ҳолатларда кунлик харажатларни мустақил равишда қоплашга ҳаракат қилмоқдалар.

## ХУЛОСА

Монография ишида амалга оширилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги асосий хулосалар шакллантирилди.

1. Мактабгача таълим хизматлари билан камраб олиш миқёсининг ошириш нафақат болаларнинг баркамол шахс сифатида, балки яширин самарасизликнинг олдини олишга ҳам ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, мазкур хизматларни ижтимоий хусусиятини инобатга олган ҳолда нодавлат ёки давлат-хусусий шериклик принциплари асосида молиялаштирилувчи институтни шакллантиришга кенг урғу мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Шу боисдан, давлатнинг бош ислохотчи бўлиш тамойили мактабгача таълим хизматларини тижорат хусусиятига эга бўлиб қолмаслигини олдини олиш тадбирлари билан ўз ифодасини топиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

2. Бюджет маблағларининг чегараланган ҳажми доирасида мактабгача таълим хизматларини таъминлашда сметали усулдан кўра, нормативли усулга ўтиб бориш тенденцияси молиявий мустақилликнинг юзага чиқаришга кўпроқ имкон беради. Бу биринчидан, бюджет харажатларидан аниқ манзилли фойдаланилишини таъминласа, иккинчидан, харажатларнинг асосланишини, учинчидан, маблағларнинг етарлилигини таъминлашга, тўртинчидан муассасалар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришга замин ҳозирлайди.

3. Бюджетдан молиялаштиришнинг *яқиний мақсад*ларга йўналтирилганлигини баҳолаш ўқувчиларни халқаро стандартлар доирасидаги мезонларга жавоб бера олиши билан белгиланиши лозим. Шу боисдан, Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришнинг амалдаги *оралиқ мақсад*ларни назарда тутишдан воз кечишни инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳозирги кунда мактаб таълимини молиялаштиришда бюджет маблағларининг ўзлаштирилишига эътибор қаратилади. Мазкур молиялаштириш натижасида эришиладиган омиллар назарда тутилмайди.

4. Мактаб таълимини бюджетдан молиялаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим: мактаб таълимини аҳолини тўлиқ камраб олишга эришиш учун бюджет маблағларидан фойдаланишни чекламаслик, мактабда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланиши назарда тутиладиган меъёрларни

киритмаслик, мактаб таълимининг тижоратлашув хусусиятига эга бўлишига йўл қўймаслик ва мактаб таълимини бюджетдан молиялаштиришда оралик мақсадлардан якуний мақсадларни акс эттирувчи тамойилларга ўтиш.

5. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари билимини халқаро баҳолаш тизим (PISA, TIMSS ва PIRLS каби)лари орқали амалга ошириш билан бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг натижавийлигини таъминлаш, мактабларнинг маълум сонини аниқ ва табиий фанларга ихтисослаштириш орқали уларда ўқувчиларнинг қизиқишлари доирасида билим бериш имкониятини ошириш механизмини амалга ошириш.

6. Олий таълим муассасаларининг мамлакат миқёсидаги расмий рейтинги ҳамда бошқа ютуқларини инобатга олган ҳолда таълим учун тўловларни шакллантиришнинг ихтисослашган услубият орқали белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Таъкидлаш лозим, олий таълим муассасасига тўланадиган таълим тўлови билан ўқитувчиларнинг ойлик маошлари ва уларни моддий рағбатлантириш ўртасида боғлиқлик кўзда тутилиши лозим. Бу ҳам бюджет маблағларининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини англатади.

7. Мамлакатимизда олий таълим муассасалари молиявий мустақиллиги кенг жорий қилинаётган бир пайтда молиявий ҳужжатларнинг мустаҳкамланмаганлиги кўзга ташланади. Жумладан, таълим тўлови, иш ҳақига қўшимча устаамалар белгилаш, эндаумант фондларини ташкил этиш ва бошқа молиявий фаолиятларни тартибга солиш мақсадида “Олий таълимни молиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилишни тавсия қиламиз.

8. Олий таълим муассасалари ўқув, илмий ва бошқа фаолиятига жалб этилган хорижий фуқаролар, профессор-ўқитувчилар ва хорижий талабаларнинг Ўзбекистонда бўлиш учун виза ва ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи ва бошқа тўловларни тўлашни бекор қилиш долзарб ҳисобланади. Шу билан бирга, хорижий талабалар ва профессор-ўқитувчи, экспертларнинг виза ва рўйхатга олиш муддатларини мамлакатдан чиқмасдан туриб муддатини узайтириш тартибини ҳам белгиланиши муҳим ҳисобланади.



## Фойдаланилган адабиётлар

### Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва қонуности ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси” 26.12.2013 й. ЎРҚ-360-сон Қонун (01.01.2014 йилдан амалга киритилган) “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 31 декабрь, 52-(П)-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз”. 06.11.2021 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/4743>

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабр 2017 йил.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент, “Ўзбекистон” 2017йил.

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент, “Ўзбекистон”. 2016 йил.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4555-сонли “Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва

ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” Фармони.

10. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил 26 декабрь.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Электрон манба: [president.uz/uz/lists/view/3324](https://president.uz/uz/lists/view/3324).

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли Қарори 3-илоvasи.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги “2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги ПФ-3431-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4555-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4199-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макрониктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1245-сонли қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Замонавий мактаб”ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4537-сонли қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон қарори.

## **II. Асосий илмий нашрлар**

24. Costas K. and George P. Private education expenditure in a 'free education' country: the case of Greece. International//Journal Educational Development, 1997. - №17(1). - pp.73-81.

25. Costas K. and George P. Private education expenditure in a 'free education' country: the case of Greece. International//Journal Educational Development, 1997. - №17(1). - pp.73-81.

26. Fullan M. All systems GO. The change imperative for whole system reform. Cage publication, California, Crowin Press, 2010.

27. Fullan M. All systems GO. The change imperative for whole system reform. Cage publication, California, Crowin Press, 2010.

28. Mingat A., Tan J. The Full Social Returns to Education: Estimates Based on Countries' Economic Growth



Performance//Human Capital Development Working Paper 73. World Bank, Washington, DC. 1996.

29. Perera N., Andrews J., Sellen P. The Implications of the National Funding Formula for Schools. Education Policy Institute. March 2017.

30. Perera N., Andrews J., Sellen P. The Implications of the National Funding Formula for Schools. Education Policy Institute. March 2017.

31. Research to help the world's poor.  
<https://www.nobelprize.org/uploads/2019/10/popular-economicsciencesprize2019-2.pdf>

32. Research to help the world's poor.  
<https://www.nobelprize.org/uploads/2019/10/popular-economicsciencesprize2019-2.pdf>

33. The German School System <https://www.german-way.com/history-and-culture/education/the-german-school-system/>

34. The German School System <https://www.german-way.com/history-and-culture/education/the-german-school-system/>

35. The Guardian. Funding for 80% of schools in England 'worse next year than 2015'.  
<https://www.theguardian.com/education/2019/sep/30/funding-80-percent-schools-england-worse-next-year>

36. The Guardian. Funding for 80% of schools in England 'worse next year than 2015'.  
<https://www.theguardian.com/education/2019/sep/30/funding-80-percent-schools-england-worse-next-year>

37. UNESCO EFA Global Monitoring Report, 2005.  
Understanding education quality: Chapter I.  
[http://www.unesco.org/education/gmr\\_download/chapterI.pdf](http://www.unesco.org/education/gmr_download/chapterI.pdf)

38. UNESCO EFA Global Monitoring Report, 2005.  
Understanding education quality: Chapter I.  
[http://www.unesco.org/education/gmr\\_download/chapterI.pdf](http://www.unesco.org/education/gmr_download/chapterI.pdf) Besharov, D. J. Head Start Falls Further Behind: College Park [Electronic resource]/D. J. Besharov, D.M. Call//The New York Times. – 2009. February 8 – P. WK12. – Access mode:

<http://www.nytimes.com/2009/02/08>

[/opinion/08besharov.html?\\_r=0](http://opinion/08besharov.html?_r=0)

39. United Nations Educational, Scientific and Cultural organization (UNESCO) [Electronic resource] : UIS Statistics in Brief. Education (all levels) profile – France, Germany, Sweden, USA / United Nations Educational, Scientific and Cultural organization (UNESCO). UNESCO Institute for Statistics, 2011. – Access mode : <http://stats.uis.unesco.org>

40. United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO) [Electronic resource]: Consideration of the decentralization strategy, including, if necessary, the revised basic criteria for the rational implementation of decentralization/United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO) – 2011. – 36Th Session. 36 C/27 – 30 p. – Access mode: <http://unesdoc.unesco.org/images/0021/002121/212178e.pdf>

41. United Nations Educational, Scientific and Cultural organization (UNESCO) [Electronic resource]: UIS Statistics in Brief. Education (all levels) profile – USA / United Nations Educational, Scientific and Cultural organization (UNESCO). UNESCO Institute for Statistics, 2011.

42. Аврамова Е.М. Как учителя Москвы и Подмосковья оценивает эффективность новой системы оплаты труда//Народное образование, – 2014. -№1, -С. 54-59. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kak-uchitelya-moskvy-i-podmoskovya-otsenivayut-effektivnost-novoy-sistemy-oplaty-truda/viewer>

43. Аврамова Е.М. Как учителя Москвы и Подмосковья оценивает эффективность новой системы оплаты труда//Народное образование. – 2014. -№1, -С. 54-59. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kak-uchitelya-moskvy-i-podmoskovya-otsenivayut-effektivnost-novoy-sistemy-oplaty-truda/viewer>

44. Айрапетян М.С. Зарубежный опыт использования государственно-частного партнерства //Государственно-частное партнерство в России. – URL: <http://www.ppp-russia.ru/analitica/item-1.html>

45. Акбаров А. Таълим тизимида киши бошига пул ажратиш усули соҳани кутқара оладими?  
<https://daryo.uz/k/2019/01/03/ta%CA%BClim-tizimida-kishi-boshiga-pul-ajratish-usuli-sohani-qutqara-oladimi/>

46. Акбаров А. Таълим тизимида киши бошига пул ажратиш усули соҳани кутқара оладими?  
<https://daryo.uz/k/2019/01/03/ta%CA%BClim-tizimida-kishi-boshiga-pul-ajratish-usuli-sohani-qutqara-oladimi/>

47. Акрамова Ф.А. Мактабгача таълимнинг психологик жиҳатлари//Замонавий таълим журнали. – Тошкент, 2015. - №2. – Б. 53-58.

48. Антонова К.А. Государственно-частное партнерство как фактор социально-экономического развития России: автореферат ... к.э.н. – М., 2012. - «Государственное, муниципальное и корпоративное управление» в ФГОБУВПО «Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации» – 23 с.

49. Богуславская Т.Н. Формирование подходов к оценке качества дошкольного образования //Проблемы современного образования, 2012. –№ 4. – С. 52–63.

50. Борисова С.П. Совершенствование финансирования общеобразовательных учреждений на основе оценки результативности бюджетных расходов: автореферат ... к.э.н. – Нижний Новгород: ГОУ ВПО Нижегородский государственный университет им Н.И. Лобачевского, 2007. – 26 с.

51. Бочков Д.В. “Совершенствование механизма финансирования общеобразовательных учреждений” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация автореферати. Электрон манба: [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com) мурожаат қилинган сана 29.08.2020 йил.

52. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик/Тошкент молия институти. – Тошкент: Ношир, 2011. 712 бет.

53. Гинзбург И.В. Правовое регулирование финансирования общего образования в Российской Федерации: автореферат ...



к.ю.н. – М.: Института государства и права Российской академии наук, 2015. – 27 с.

54. Глушенко И.В. “Финансирование общего образования в России в условиях применения бюджетирования, ориентированного на результат” мавзусидаги икгисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертацияси автореферати. Электрон манба: [www.disserscat.com](http://www.disserscat.com) мурожаат қилинган сана 18.08.2020 йил.

55. Григорьева Е.Г. Регулирование рынков дошкольных услуг: автореферат ... к.э.н. – Красноярск: Сибирский федеральный университет, 2008. -26 с.

56. Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2002. – 23 б.

57. Давыдов А.А. Системный подход в социологии: законы социальных систем: монография. М.: Эдиториал. УРСС, 2004. С. 236.

58. Доронова Т. Н. Дошкольное учреждение и семья – единое пространство развития: методическое руководство для работников дошкольных образовательных учреждений / Т. Н. Доронова, Е. В. Соловьева, А. Е. Жичкина, С. И. Мусиенко. – М.: ЛИНКА – ПРЕСС, 2001. – С. 5.

59. Дусмуратов Р.Д. Молия. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 472 бет.

60. Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари: и.ф.н. ... автореферати: – Тошкент: БМА, 2012. – 22 б.

61. Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари: и.ф.н. ... автореферати. -Т.: ДЖҚА, 2012. – 24 б.

62. Егупова О.А. Совершенствование финансового обеспечения муниципальных общеобразовательных учреждений: автореферат ... к.э.н. – Москва: Российский государственный социальный университет, 2010. -29 с.

63. Егупова О.А. Совершенствование финансового обеспечения муниципальных общеобразовательных

учреждений: автореферат ... к.э.н. – М.: ГОУ ВПО «Российский государственный социальный университет», 2010. – 26 с.

64. Ёкубова Н.К. Саломова Б.В. Таълим тизими ривожланиши давлат таракқиётининг омили сифатида (Жанубий Корея ва Япония мисолида)// “Замонавий таълим” журнали. – Т.: 2017. - №9. –Б.33-41.

65. Жилина Н.Н. Нормативное поддушевое финансирование образования: модели и механизмы//Актуальные проблемы экономики и права. – 2009, - №1. –С. 99-102,

66. Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А. Олий таълим олишни хусусий манбалардан молиялаштириш: назария ва амалиёт//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар электрон журнали. – Т.: ТДИУ, 2018. - №5.

67. Иванова Л. П. Финансирование образовательной сферы в условиях реформирования бюджетной системы: автореферат ... к. э. н. – Н.Новгород: Нижегород. гос. ун-т им. Н. И. Лобачевского, 2007. – С. 5.

68. Иванова Л. П. Финансирование образовательной сферы в условиях реформирования бюджетной системы: автореф. дис. ... канд. экон. наук: – Н.Новгород: Нижегород. гос. ун-т им. Н. И. Лобачевского, 2007. – С. 5.

69. Иванова Л. П. Финансирование образовательной сферы в условиях реформирования бюджетной системы: автореф. дис. ... канд. экон. наук: – Н.Новгород: Нижегород. гос. ун-т им. Н. И. Лобачевского, 2007. – С. 5.

70. Иванова Л.П. Финансирование образовательной сферы в условиях реформирования бюджетной системы: автореферат ... к.э.н. – Нижний Новгород: ГОУ ВПО Волго-Вятской академии государственной службы, 2007, – 25 с.

71. Иванова Л.П. Финансирование образовательной сферы в условиях реформирования бюджетной системы: автореферат ... к.э.н. – Нижний Новгород.: ГОУ ВПО Волго Вятской АГС, 2007. – 25 с.

72. Ёўлдошев Ж.Т. Олий ўқув юргларини молиялаштиришнинг долзарб масалалари//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар электрон журнали. – Т.: ТДИУ, 2018. - №5.

73. Каримов И.А. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Тошкент. Маънавият, 2008. — Б.38.

74. Касимова Г.А. Мактабгача таълим муассаларида аутсорсинг ва ундан фойдаланишнинг афзалликлари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №4, август, 2019 йил

75. Клячко Т.Л., Токарева Г.С. Заработная плата учителей: ожидания и достигнутые результаты//Вопросы образования. — М.: 2017. —№4, — С. 199-216.  
<https://vo.hse.ru/data/2017/12/20/1159981508/Klyachko.pdf>

76. Конвенция о правах ребенка//Международные акты о правах человека/Сост. и вступ. ст.: В.А. Карташкин, Е.А. Лукашева. М.: Инфра-М, 1998. С. 306-324.

77. Конвенция о правах ребенка//Международные акты о правах человека/Сост. и вступ. ст.: В.А. Карташкин, Е.А. Лукашева. М.: Инфра-М, 1998. С. 306-324.

78. Костоглодова Е. Д. Модернизация системы финансирования сферы культуры в России: автореферат ... к. э. н. — Ростов-н/д. : - 2012. — С. 13.

79. Костоглодова Е. Д. Модернизация системы финансирования сферы культуры в России : автореферат дис. ... кандидата экономических наук: - Ростов-н/д.: - 2012. — С. 13.

80. Крулехт М.В., Тельнюк И.В. Экспертные оценки в образовании: Учебное пособие. — М.: ИЦ «Академия», 2002. — 112 с.

81. Қосимова Г., Тўйчиев М. Ўрта махсус таълимни молиялаштиришнинг янги шакл ва услублари//Бозор, пул ва кредит. — Т.: 2003й. -№10(77). -Б.45-48.

82. Ленская Е.А. “Качество образования и качество подготовки учителя”. Интернет манба: cyberleninka.ru 2008г. Мурожаат қилинган сана 2020 йил 5 декабр.

83. Лещинская А. Ф. Методология формирования системы финансирования разработок наукоемких технологий: автореферат ... докт. экон. Наук. — М.: Российский гос.торг.-экон. ун-т. - 2012. — С. 17.

84. Лещинская А. Ф. Методология формирования системы финансирования разработок наукоемких технологий: автореф.



дис ... докт. экон. наук: – М.: Российский гос. торг. - экон. ун-т. - 2012. – С. 17

85.Лифиц И.М. Формирование и оценка конкурентоспособности товаров и услуг: Учебное пособие. – М.: Юрайт, 2004. – 335 с

86. Лыбанева М.В. Государственно-частное партнерство в сфере образовательных услуг в условиях модернизации высшей школы в России: автореферат ... к.э.н. – СПб., 2017. - ЧОУ ВО «Балтийская академия туризма и предпринимательства». – 23 с.

87.Марченко Ф.О. Историко-психологический анализ экспертизы качества образовательных программ детского телевидения: автореферат ... к.п.н. – Москва: РГГУ, 2012. – с. 25.

88. Маточкина Е.Н. Зарплата учителя в нашей школе выросла вдвое/Народное образование. – 2012. -№10. –С. 187-189. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zarplata-uchitelya-v-nashey-shkole-vyroslo-vdvoe/viewer>

89.Махмудов А.А. Олий таълим муассасаларида молиялаштириш тизимини бошқаришнинг ҳалқаро амалиёти//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар электрон журнали. – Т.: ТДИУ, 2015. - №1.

90.Межбюджетные отношения в российском образовании: проблемы модернизации: Принципы долевого нормативного финансирования учреждений дошкольного образования. /под ред. Л.И. Яковсона. – М.: ГУ-ВШЭ, 2002. – С. 24-25.

91.Мишакова Е.Н. Становление и развитие дошкольных образовательных учреждений в России второй половины XIX – начала XX века: автореферат ... к.п.н. – Волгоград. Волгоградский государственный социально-педагогический университет, 2012. – 15 с.

92. Мурзаева О. В. Развитие системы финансового обеспечения здравоохранения: автореферат ... к.э.н. – Саранск: Мордовский гос. ун-т им. Н. П. Огарева. - 2012. – С. 7.

93.Мурзаева О.В. Развитие системы финансового обеспечения здравоохранения: автореф. дис ... канд. экон. наук: – Саранск: Мордовский гос. ун-т им. Н. П. Огарева. - 2012. – С. 7.

94. Никитина Е.Н. Организация финансирования муниципальной образовательной системы на основе бюджетирования, ориентированного на результат: автореферат ... к.э.н. – М.: Государственный университет – Высшая школа экономики, 2009. – 24 с.

95. Норқобилов Н.Н. Таълим тизимини бюджетдан ташқари молиялаштириш ва кадрлар тайёрлашда маркетингнинг ўрни// “Замонавий таълим журнали”. – 2017. -№8. – Б.36-41.

96. Норқобилов Н.Н. Таълим тизимини бюджетдан ташқари молиялаштириш ва кадрлар тайёрлашда маркетингнинг ўрни//Замонавий таълим журнали. – Т. 2017. - №8. – Б. 36-40.

97. Остонокулов А., Абдурахмонов И. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини такомиллаштириш масалалари// “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. №1, 2019 йил.

98. Поданёва Т.В. Оценка эффективности деятельности дошкольной образовательной организации. Сибирский педагогический журнал. 2016. - № 5.

99. Подушевое финансирование в школах. Решит ли оно проблемы среднего образования? 26 октября 2019 г. <https://informburo.kz/cards/podushevoe-finansirovanie-v-shkolah-reshit-li-ono-problemy-srednego-obrazovaniya.html>

100. Подушевое финансирование: что это и как реализуется.

7 ноября 2019г. <https://activityedu.ru/Blogs/analytics/podushevoe-finansirovanie-obrazovatelnyh-organizatsiy-chto-eto-i-kak-realizuetsya/>

101. Подушевое финансирование: что это и как реализуется.

7 ноября 2019г. <https://activityedu.ru/Blogs/analytics/podushevoe-finansirovanie-obrazovatelnyh-organizatsiy-chto-eto-i-kak-realizuetsya/>

102. Рахмонов Д.А. Таълим соҳасининг инновацион ривожланиши//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2015. №2(613). – Б.67-70.

103. Рахмонов Д.А. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА, 2012. – 25 б.

104. Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. (DSc) ... автореферат. – Т.: ТДИУ, 2018. – 72 б.

105. Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферат. – Т.: БМА, 2018. – 72 бет.

106. Савицкая Е., Чертыковцева Д. “Финансирование и качество школьного образования: эконометрический подход” Интернет манбаа: hse.ru “Вопросы экономика” 2013 г. Мурожаат қилинган сана 2020 йил 18 декабр.

107. Сидорова А.А. Стратегия управления системой образования как элемент государственной политики: автореферат ... к.э.н. – Москва. МГУ им. Ломоносова, 2012. – с. 28.

108. Соғинов Н.А., Қодиров У.Д. Соғлом бола шаклланишининг айрим ижтимоий-психологик жиҳатлари. Оила кутубхонаси. – Т.: РОИАМ, 2014. – 37 б.

109. Суге-Маадыр Т.А. Методологические аспекты оплаты труда учителей государственных школ: зарубежный опыт и его использование в Российской Федерации: автореферат ... к.э.н. – М.: МосПГУ, 1995. – 19 с.

110. Суге-Маадыр Т.А. Методологические аспекты оплаты труда учителей государственных школ: зарубежный опыт и его использование в Российской Федерации: автореферат ... к.э.н. – М.: МосПГУ, 1995. – 19 с.

111. Тадтаева В. В. Совершенствование механизма финансирования образования: автореферат ... к. э. н. – Владикавказ : Сев.-Кавказ. гор.-металлург. ин-г. - 2007. – С. 5.

112. Тадтаева В. В. Совершенствование механизма финансирования образования: автореферат ... к. э. н. – Владикавказ : Сев.-Кавказ. гор.-металлург. ин-г. - 2007. – С. 5.

113. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотлари. Электрон манба uzedu.uz. Мурожаат санаси 2019 йил 20 апрел.



114. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. 2019 йил бошидан бешта мактабда ваучер молиялаштириш тизими синовдан ўтказила бошлайди. <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/umumii-urta-talim/1980.htm>

115. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. 2019 йил бошидан бешта мактабда ваучер молиялаштириш тизими синовдан ўтказила бошлайди. <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/umumii-urta-talim/1980.htm>

116. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 406-сон буйруғи маълумотлари. Ушбу буйруқ Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

117. Федина Н.В. Организационно-педагогические условия повышения эффективности муниципальной системы дошкольного образования: автореферат ... к.п.н. – Елец, ЕлГУ им. И.А.Бунина, 2005. – с. 24.

118. Федорова И.Ю. Совершенствование системы финансирования государственных образовательных услуг: автореферат ... д.э.н. – Москва: Российская академия предпринимательства, 2014. -32 с.

119. Фельдштейн Д.И. Социальное развитие в пространстве и времени детства. М., 1999. С. 232

120. Халқ таълими вазирлиги расмий сайтидан олинган маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби. Электрон манба: [www.uzedu.uz/uz/statistika](http://www.uzedu.uz/uz/statistika) Мурожаат санаси 25.03.2020 йил

121. Хоразмдаги мактабларда ОТМларга кириш имтиҳонларига тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида тест синовлари ўтказилди. <https://daryo.uz/k/2019/05/21/xorazmdagi-maktablarda-otmlarga-kirish-imtihonlariga-tayyorgarlik-darajasini-aniqlash-maqsadida-test-sinovlari-otkazildi/> Мурожаат санаси: 26.04.2020 й.

122. Ҳайдаров М.Т. Умумтаълим мактабларининг бир ўқувчисига харажатлар базавий меъёрларини аниқлаш//“Иқтисод ва молия журнали”. –Т.: - 2016. - №3. – С.49-58.

123. Чистова М.В., Еремина О.С., Демина Н.В. Применение государственно-частного партнерства в дошкольном образовании: опыт регионов Российской Федерации//Вестник АГУ, 2016. - №4(190). – С. 185-195.

124. Шарапова М.А. Халқ таълими тизимини бюджетдан молиялаштириш амалиёти//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. - № 3, июнь, 2020 йил.

125. Шарафутдинова Д.А. Мактаб таълимни молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2019 йил

126. Шаропова Н.Р. Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари ва уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари: Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар Стратегияси: макроиктисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацион ривожланиш истикболлари мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция 1-шўба тўплами. – ТДИУ, 2018 йил 28-29 май. – Б.255-262.

127. Шеров А.Б. Таълим тизимини давлат томонидан молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ва объектив зарурати//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – Т.: ТМИ, 2017. -№3.

128. Шеров А.У. Бюджет сиёсати самдорлигини белгилаб берувчи омиллар таҳлили//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2019-yil

129. Ялунина Е.Н., Фотеева Н.А. Методы оценки конкурентоспособности дошкольного образовательного учреждения // Креативная экономика. — 2016. — Т. 10. — № 7. — С. 779–792. — doi: 10.18334/ce.10.7.35362

### III. Статистик маълумотлар

130. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маълумоти. <https://www.gov.uz/uz/pages/territory>

131. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

132. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги маълумотлари
133. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотлари
134. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
135. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.
136. [data.oecd.org/teachers/students-per-teaching-staff.htm](http://data.oecd.org/teachers/students-per-teaching-staff.htm)
137. <https://minbar.uz/post/ular-qaytmoqda>
138. <https://minbar.uz/post/ular-qaytmoqda>
139. <https://uz24.uz/society/maktablarda-erkak-guituvchilar-kamayganining-sababi-aytildi>
140. <https://uz24.uz/society/maktablarda-erkak-guituvchilar-kamayganining-sababi-aytildi>
141. <https://www.nobelprize.org/prizes/economic-sciences/2019/press-release/>
142. <https://www.nobelprize.org/prizes/economic-sciences/2019/prize-announcement/>
143. <https://www.nobelprize.org/prizes/economic-sciences/2019/prize-announcement/>
144. <https://www.nobelprize.org/uploads/2019/10/popular-economicsciencesprize2019-2.pdf>
145. <https://www.nobelprize.org/uploads/2019/10/popular-economicsciencesprize2019-2.pdf>
146. <http://hdr.undp.org/en/content/earlier-better>
147. <http://stotysyh.ru/chto-dolzhen-znat-rebenok-3-4-let/> сайти маълумотларидан фойдаланиб, тадқиқотчи томонидан тузилган
148. <https://www.nobelprize.org/prizes/economic-sciences/2019/press-release/>



# МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБГАЧА ТАЪ-</b>	
<b>БЎЛИМ</b>	<b>ЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШНИНГ</b>	
	<b>ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ</b>	
<b>I боб.</b>	<b>МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛА-</b>	5
	<b>РИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ НАЗА-</b>	
	<b>РИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	
1.1.	Мактабгача таълим муассасаларини молиялаш-	5
	тиришнинг назарий асослари ва ўзига хос	
	жиҳатлари .....	
1.2.	Мактабгача таълим муассаларини молиялашти-	18
	ришнинг услубий жиҳатлари .....	
1.3.	Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларини	32
	молиялаштиришнинг меъёрий кўрсаткичли	
	асослари.....	
1.4.	Биринчи боб юзасидан хулоса .....	47
<b>II боб.</b>	<b>МАМЛАКАТИМИЗДА МАКТАБГАЧА</b>	
	<b>ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА</b>	
	<b>УЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАҲЛИЛИ</b> ....	50
2.1.	Мактабгача таълим муассасалари фаолияти ва	50
	уларнинг натижалари таҳлили .....	
2.2.	Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасалари	73
	фаолиятини молиялаштириш таҳлили .....	
2.3.	Иккинчи боб юзасидан хулоса.....	92
<b>III боб.</b>	<b>МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСА-</b>	94
	<b>ЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКО-</b>	
	<b>МИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b> .....	
3.1.	Мактабгача таълим муассасаларида фаолият	94
	самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таҳлили	
3.2.	Мактабгача таълим муассасаларини молиялашти-	109
	ришни оптималлаштириш истиқболлари.....	
3.3.	Учинчи боб юзасидан хулоса.....	119

<b>II</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ</b>	
<b>БЎЛИМ</b>	<b>МОЛИЯЛАШТИРИШ МОДЕЛИНИНГ</b>	
	<b>ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
<b>I БОБ.</b>	<b>МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ</b>	
	<b>МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-</b>	
	<b>УСЛУБИЙ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....</b>	<b>121</b>
1.1.	Мақтаб таълимини молиялаштиришнинг назарий асослари.....	121
1.2	Мақтаб таълимини молиялаштиришнинг иқтисодий-меъёрий кўрсаткичлари тизими.....	135
1.3.	Мақтаб таълимини молиялаштиришга таъсир этувчи омилларнинг моҳияти.....	150
	Биринчи боб бўйича хулосалар.....	162
<b>II БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ</b>	
	<b>МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АМАЛДАГИ</b>	
	<b>ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>165</b>
2.1.	Мақтаб таълимини молиялаштиришда педагоглар ўрни ва ролининг ривожланиш тенденциялари.....	165
2.2.	Мақтаб таълимини бюджетдан молиялаштиришнинг ривожланиш тенденциялари.....	180
2.3.	Мақтаб таълимини молиялаштиришнинг ҳудудий тенденциялари таҳлили.....	196
	Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	210
<b>III БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ</b>	
	<b>МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ.....</b>	<b>212</b>
3.1.	Мақтаб таълимини молиялаштиришнинг илғор тажрибалари ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари.....	212
3.2.	Ўзбекистонда мақтаб таълимини молиялаштиришнинг устувор йўналишлари.....	222
	Учинчи боб бўйича хулосалар.....	229

<b>Ш</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ</b>	
<b>БЎЛИМ.</b>	<b>ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ</b>	
	<b>ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ</b>	
<b>I БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ</b>	
	<b>ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА</b>	
	<b>УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.</b>	<b>232</b>
<b>1.1.</b>	Ўзбекистонда олий таълим тизимини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ...	232
<b>1.2.</b>	1.2. Олий таълим тизимини молиялаштиришда давлатнинг роли.....	242
<b>1.3.</b>	Таълим кредити – олий таълим билан қамраб олишнинг замонавий молиявий инструменти.....	256
<b>1.4.</b>	Олий таълим тизимини молиялаштиришда хусусий манбаларнинг ривожланиш тенденциялари.....	265
<b>1.5.</b>	Олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларда қайд этилиши – Учинчи Ренессанс омили Боб бўйича хулосалар.....	290
	<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>303</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	<b>305</b>



ЖУМАЕВ НОДИР ХОСИЯТОВИЧ,  
ТАШХОДЖАЕВ МУХТОРХОН МАХСУДОВИЧ,  
РАХМОНОВ ДИЛШОДЖОН АЛИДЖОНОВИЧ,  
АБДУЛЛАЕВ АНВАР ФАРХОДОВИЧ,  
МИРХОДЖА ДИЁРА АЛИШЕРОВНА

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ: ИСЛОҲОТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Тошкент – «Иновацион ривожланиш  
нашриёт-матбаа уйи» – 2021

Мухаррир: Н.Ибрагимова  
Тех. мухаррир: М.Турсунов  
Мусаввир: А.Шушунов  
Мусаххих: Л.Ибрагимов  
Компьютерда  
саҳифаловчи: М.Зойирова

E-mail: nashr2019@inbox.ru Тел: +998999209035  
Нашр.лиц. № 3226-275f-3128-7d30-5c28-4094-7907, 10.08.2020.  
Босишга рухсат этилди 16.06.2021.  
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси.  
Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 20,5. Нашр босма табоғи 20,0.  
Тиражи 100. Буюртма № 269

**«Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»**  
**босмахонасида чоп этилди.**  
100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 7-уй.

85,494



ISBN 978-9943-7683-2-1

